

ТАРИХ ФАНИ МЕТОДОЛОГИЯСИ

ИЛҲОМОВ Зиёвуддин Адхамович

тарих фанлари номзоли, доцент

ТАРИХ ФАНИ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тарих факультети талабалари учун услубий қўлланма

Аннотация

Маъмур фанининг маърузалари тарих фани методологияси предметига бағишланган бўлиб, ундан ортиқ маърузаларни ўз ичига олади. Шунингдек, тарих фанининг асосий хусусиятлари очиб берилади, тарихий билишнинг методологик категориялари кўрсатиб берилади, тарихий маъна, тарихий ҳисил, тарихий давр конуниятлар таҳсил этилади. Тарих фанининг тадқиқот услублари ва тамойиллари, фанлараро ендашув тамойилларига алоҳида эътибор қаратилади. Назарий билимлар сўнггида тарихий тадқиқотлар босқичлари, тушунтириш муаммолари ва тарихий тавсифлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилади.

Тақризчилар:

М.М.Исҳоков, тарих фанлари доктори, профессор

С.Р.Тўраев, тарих фанлари номзоли, доцент

Ф.Исмаилов, тарих фанлари номзоли

Н.Расулова, тарих фанлари номзоли

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқув-услубий кенгашининг 2012 йил 13 декабрь 5-сонли йилги йиғини қарори билан нашрга тавсия этилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини ҳар томонлама ҳолис ва илмий жиҳатдан мукаммал ва тарихий далилларга асосланган ҳолда ёритишга катта эътибор берилмоқда. Жаҳон тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Ватанимиз тарихи ўзининг нафақат қадимийлиги, балки узоқ давом этган тарихий жараёнларининг жаҳон тарихий тараққиёти жараёнларига жуда катта таъсир этганлиги билан ҳам жаҳон илм аҳли эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон сўзи тилга олинганда жаҳоннинг турли иқлимларида яшовчи ҳар қандай инсоннинг кўз ўнгида қадимий тарих гавдаланади. Бугунги кунда тарихни нафақат ўрганиш, балки уни илмий жиҳатдан асосланган далилларга таянган ҳолда, тарихий жараёнларнинг моҳиятини очиб беришда ҳаққонийлик тамойилларига асосланган ҳолда чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш ҳамда энг тўғри илмий хулосаларни тақдим этиш ҳар бир тарих тадқиқотчиси олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Тарих, тарихий ҳақиқат ва уни илмий жиҳатдан ҳолислик асосида ўрганиш, айниқса уни ёш авлодга етказиб бериш бугунги тарих фани олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, - **“Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслаҳидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган саҳифаларни кунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз”**¹

Тарих ва тарихий жараёнлар, сиёсий-тарихий вазият уларнинг рўй беришидаги асосий сабаб ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда ҳар томонлама таҳлил қилиш тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишида катта омил саналади. Айниқса, турли даврларда яратилган тарихий илмий асарларда муаллифларнинг тадқиқот масалаларига турлича ёндашувлари ва фикрлари, хулосаларнинг турличалиги, уларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва тарихийлик, илмийлик ҳамда ҳолисликка асосланган энг тўғри хулосаларни чиқариш бугунги кун.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 1. “Ўзбекистон”, 1996, 92-б.

тарихчи мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номи асарида тарихчиларимиз олдида бир қатор илмий назарий ва амалий долзарб муаммоларни тадқиқ этиш вазифасини қўйиб, Ўзбекистонда ўтrock маданиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши, ўзбек халқининг келиб чикиши тарихи ва шаклланиш босқичларини тарихий манбалар асосида илмий концептуал тадқиқ этиш, ўзбек давлатчилигининг кўп асрлик тарихи ва шаклланишининг тарихий босқичларини тадқиқ этиш ва айниқса тарих илмини замонавий талаблар даражасида ривожлантириш масалалари алоҳида кўрсатиб ўтилди. - **“Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур”.**²

Бугунги кунда тарих фани соҳасида таълим олаётган талабалар тарихга оид асарлардан фойдаланиш, уларни таҳлил этиш каби ўзлаштириш услублари, улардан фойдаланиш самарадорлигини билиш ҳақидаги тарихий тадқиқот услублари ва илмий-тарихий ҳақиқатга эришиш йўллари аниқлаш лозим.

Ҳозирги вақтда тарихчи мутахассисларни гайёрлашда ва уларнинг илмий тадқиқот малакасини шакллантиришда тарих фанининг турли тадқиқот услублари ва ёндашувлари ҳақида етарли билим бериш ва уларнинг тарихий тадқиқотлар жараёнида тўғри ва илмий, тарихийликка асосланган хулосаларни чиқаришга йўналтириш бугунги кун тарих ўқитишининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари алоҳида аҳамият касб этади: -**“Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юқувчан бўлади. Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёклама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу - биринчидан.**

Иккинчи масала шундан иборатки, биз қомил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эъдон қилганмиз. Қомил

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент: Шарқ, 1998 22-б

инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан аллаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, маънавий тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, ҳулосасини маънавий асосида қўрган киши етук одам бўлади”.³

Мазкур қўлланмада кўзда тутилган энг асосий мақсадлардан бири ҳам талабаларда тадқиқотчилик, илмий изланувчанлик малакаларини шакллантиришдан ва келажакда мутахассис сифатида мукамал тадқиқотларни амалга ошириш учун дастлабки тушунчаларни бериш этиб белгиланган.

“Тарих фани методологияси” фанини ўқитишда талабаларни бугунги кунгача шаклланиб, тарих тадқиқоти шариғатида зарур бўладиган илмий-билиш назарияси, тарихни ўрганиш ва англаш тамойиллари услублари билан таништириш ҳамдауларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш асосий мақсад этиб белгиланган. Шунингдек, талабаларни жаҳон тарих фанининг фалсафий ёндашув асосидаги билиш ҳақидаги назариялар, умумий илмий услублар, тарихни билиш йўллари, илмий тадқиқотларни амалга ошириш услублари ва тамойиллари билан таништириш, тарих фани тадқиқот услублари бўйича хорижий мамлакатлари тарихи ва Ўзбекистон тарихи илмий адабиётлари билан таништириш ҳамда тадқиқот жараёнида тарихчининг аниқ вазифасини кўрсатиб бериш фанининг асосий вазифалари сифатида намоён бўлади. Жаҳон тарих фани методологиясининг ҳамма тарихий даврларда ҳам бир маромда мавжуд бўлиб турмаганлигини ҳисобга олган ҳолда тарих фанининг методологияси ва унинг асосий хусусиятлари тасниф этилади.

Қўлланмада Шарқ тарих фалсафаси, яъни методологияси ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга ва унинг айрим ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиш кўзда тутилган. Маълумки, Шарқда тарихни яратишга бўлган муносабат бошқа географик ҳудудлар мамлакатлари тарихини яратиш услубларидан маълум даражада фарқланган. Бундан Шарқда яратилган тарихий асарларнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий асарлар муаллифларининг тарих, асарларини яратиш ёки тарихий жараёнлар тавсифини ёритишдаги асосий фалсафий қарашлари ва ёндашувлари, Шарқ тарихчиларининг тарихнавислик жараёнида риоя этган

тамойиллари, илмий ёндашувлари ва услубларини ўрганишни ҳам мазкур фаннинг асосий вазифаларидан бир сифатида эътироф этиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда қўлланмада Шарқ тарих фалсафасининг айрим хусусиятлари ҳақида ҳам сўз юритилади.

Қўлланмада манбалар ва улардан фойдаланиш тамойиллари хусусида ҳам сўз юритилади. Тарих фани тадқиқотларининг бу соҳасида тарихчи олимлар томонидан билдирилган фикрлар ва назарияларни таҳлил қилган ҳолда тарихий манбалар ва далил интерпретацияси масалаларида мантикийлик ва мантикий изчиллик масаласи ҳақида бир катор фикрлар ва фаразлар бериб ўтилади. Шунингдек қўлланмада талабаларнинг ўтилаётган мавзуларни теранроқ ўзлаштиришларини оsonлаштириш мақсадида фан терминологиясига оид бир катор сўзлар ва уларнинг тарих фани ҳамда тарих фани тадқиқотлари билан боғлиқ вазифалари ва изохли тушунчалари бериб ўтилган. “Тарих фани методологияси” курсини ўқиш давомида тарихий билимлар назарияси ҳақидаги турли фикрлар ўрганилади, уларнинг тарихий билимларга ҳос бўлган устивор йўналишларига асосий эътибор қаратилади.

Қўлланмани тайёрлашда бугунги кунгача мазкур фан соҳасида юртимизда ва ҳорижда нашр этилган адабиётлар, илмий мақолалар материалларидан фойдаланилди. Қўлланма ва унда келтирилган материаллар юзасидан соҳа мутахассислари томонидан айрим эътирозлар ва баҳс-мунозарали фикрлар билдирилиши табиий. Бу эса албатта, тарих фани ва унинг тадқиқотлари борасида янада мукамалликка эришишга хизмат қилиши шубҳасиз.

ТАРИХ ФАНИ МЕТОДОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

*
=====

*Тарих фани методологияси ҳақида тушунча.
Тарих фани методологияси шаклланишининг босқичлари.
Тарихчиларнинг тарихий тадқиқотлар ҳақидаги
фикрлари.*

*Ўзбекистонда тарих фани ривожланишининг
тарихий йўли ҳақида. Ўзбекистон тарихини
ўрганишининг тарихиunosлик масалалари.*

*
=====

Тарих фани методологияси илмий билиш фаолияти бўлиб, тарихий тадқиқотларнинг амалга оширилиши, таҳлили ва ўрганилишига қаратилган фаолиятдир. Методология илмий муаммоларнинг қўйилиши характериани аниқлайди, уларнинг ечилишидаги энг мақбул принциплар ва йўналишларни аниқлайди, тадқиқот методларини танқидий баҳолайди ва таҳлил қилади.

Метод-тарихий тадқиқотлар жараёнида аниқ мақсадга олиб борувчи тадқиқот усуллари ва жараёнлар йиғиндисидан иборат, **метод**нинг ўзи назариядан, тадқиқот методикаси ва техникасидан таркиб топади. Ҳар қандай **метод** назарий жиҳатдан асосланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида объектив ва субъектив хусусият касб этсада, объектив асосга эга. Бирок шунга алоҳида аҳамият бериш лозимки, ҳар қандай метод ҳам объектив хулосаларга олиб келмаслиги мумкин. Бунда **метод**нинг танланиши, унинг тўғри қўлланилиши ва танқидий хулосаларнинг чиқарила олиниши тадқиқотчининг бевосита ўзига боғлиқ ва унинг ўрни асосий аҳамият касб этади.

Маълумки, тарихчи тадқиқотчи методлар йиғиндисидан, илмий муаммони ҳал этиш ва ечимини топишда фойдаланади.

Тарихий тадқиқотлар методларининг тўртта даражаси ва ёндашувлари мавжуд:

1. **Фалсафий** (ҳар бир фалсафий ёндашув тарихга нисбатан ўз

қарама-қаршига эга)

2. **Умумфан** (табiiй ва гуманитар фанларда қўлланилади)
3. **Махсус-тарихий** (фақатгина тарих фани тадқиқотларида қўлланилади)
4. **Аниқ-муаммовий** (тор доирадаги тадқиқотлар учун).

Тадқиқот методларининг юқоридаги ҳар тўртталаси ўзаро бир-бири билан боғланган бўлиб, аниқ-муаммовий ва махсус-тарихий услублар умумфан ва фалсафий услубларга асосланади. Ҳозирги вақтда тарихчилар **фанлараро ёндашув** – бошқа фанлар методларини ҳам тарихий тадқиқотларда қўлламоқдалар.

Мазкур фаннинг маърузаларини ўқиш давомида тарих фани ва унинг назарий асослари, фаннинг предмети ва тадқиқот услублари ҳамда тамойилларига бағишланган маърузалар орқали тарих фанининг асосий хусусиятлари очиб берилади, тарихий билишнинг методологик категориялари кўрсатиб берилади, тарихий манба, тарихий далил, тарихий давр конуниятлар таҳлил этилади. Тарих фанининг методлари ва принциплари, фанлараро ёндашув тамойилларига алоҳида эътибор қаратилган. Назарий билимлар сўнггида тарихий тадқиқотлар босқичлари, тушунтириш муаммолари ва тарихий тавсифлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилади.



Методология билишнинг фалсафий назарияси, социология ва тарихшунослик асосида шаклланади. Табиийки, билиш назарияси масалалари бу фанда асосий ўрин тутadi, бироқ бу билан асосий эътибор шунга қаратилиши мумкин эмас, балки назарий билимлар тарихий тадқиқотлар амалиёти билан мукаммаллаштирилиши лозим. Бундай тарихий тадқиқотлар файласуфлар томонидан амалга оширилмайди, шунинг учун уларнинг тарих фани методологияси борасида билдирган фикрлари кўп ҳолларда баҳс ва мунозарага сабаб бўлади, аксарият ҳолларда эса тарихчи – амалиётчилар уларнинг фикрларини тўғридан-тўғри инкор қиладилар.

Тарих фани методологияси курсини ўқиш давомида тарихий билимлар назарияси ҳақидаги турли фикрлар ўрганилади, уларнинг тарихий билимларга хос бўлган устивор йўналишларига асосий эътибор қаратилади. Бунда тарихчиларнинг фалсафий билимларни ҳамда тадқиқотларнинг фалсафий ёндашувларининг моҳиятини ҳам чуқур эгаллаганликлари муҳим аҳамиятга эга, айни вақтда файласуфларнинг ҳам тарихий тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини чуқур билишлари муҳимдир. Шу ҳолда ҳар икки фан соҳалари вакиллари назарий билимларнинг мукаммаллашувига эришишлари мумкин. Бу эса тарихий тадқиқотларнинг назарий аҳамиятининг ортишига олиб келади.

Тарих фани методологияси фанини ўқиш жараёнида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб йирик файласуф олимларнинг тарих фанининг назарий асослари тўғрисида билдирган ва бугунги кунгача турли даражада амалда бўлган қарашлари – позитивизм, неокантчилик, структурализм, постмодернизм каби йўналишларининг тарих фани тадқиқотларига таъсири нуқтаи-назаридан танишиш мумкин.

Тарих фани методологияси шаклланиши жараёнида бир қанча босқичларни босиб ўтган.

1. **“Классик” методология.** Бунда тарихий воқеалик объектларини ўрганиш, ўтмиш ҳақидаги далилларни тиклаш, тарихий тадқиқот жараёнида тадқиқотчининг ўзини йўқ қилиш ёки сездирмаган ҳолда тарихий ҳақиқатни излашга асосий эътибор қаратилди.
2. **“Классик бўлмаган” (ноклассик) методология** аввалги тарихий тадқиқот назарияси ёндашувлари изчиллигидан воз кечган ҳолда,

тарихий билимларнинг қиёсийлигига асосланади, тарихни эса “тарихчи онгининг инъикоси” (тарихчи томонидан воқеликлар ва тарихий жараёнларнинг кетма-кетликда тузиб чиқилган ҳолати) сифатида кўрсатишга ҳаракат қилади. Структурализм (тизимлилик, ўзаро боғлиқлик, системалилик) да тарих ижтимоий-маданий майдонда инсонлар тарихини сиқиб қўйди ва биринчи ўринга турли тизимлар (структуралар) қўйилди.

3. “Постноклассик” методология билиш субъектининг карашларидан келиб чиққан ҳолдаги кадриятларга, интеллектуал ижод жараёнларини (тил шакллари, мағнлар) ўрганишга асосий эътибор қаратади. Шу тарика постмодернистлар тадқиқот объектини субъектдан, далилларни уйдирмадан алоҳида ажратмайдилар ва объектив ҳақиқатга эришинини шубҳа остига қўядилар.

Тарих фани методологиясининг шаклланиш босқичлари



Юқоридаги карашларнинг алоҳида хусусияти шундаки, улар бугунги кун тарих тадқиқотларида ҳам амалда мавжуд бўлиб, турли даражада қўлланилади.

Замонавий тарих фанига XIX асрнинг охири – XX аср бошларида асос солинди. Методология бўйича дастлабки ишлар асрлар чегарасида пайдо бўлди. Шу вақтда шаклланган дастлабки асосий карашлар тарихий тадқиқотлар методларини қўллаш борасидаги тавсиялардан иборат бўлди.

Классик позитивизм тушунчаси Ш.Ланглуа ва Ш.Сеньобосанинг “Тарихни ўрганишга кириш” асарида кўрсатиб берилди. Позитивистлар тарихни “позитив” билимга айлантиришга ҳаракат қилдилар. *Бу тушунчанинг моҳияти шундаки, позитивистлар ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар конкрет фанларнинг маҳсулидир, фалсафа эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, деган зояга асосланган субъектив қарашга эга эдилар.* Улар тарихий далиллар билан қандай ишлаш, манбаларни таҳлил қилиш бўйича бир қанча методларни тақлиф қилдилар.

“Позитив тарих” ғоясига немис тарихчилари ва неокантчилари В.Виндельбанд ва Г.Риккертлар дарҳол қарши чиқиб, тарихни жамиятнинг ривожланиб боровчи қонуниятлари асосида эмас, балки, алоҳида ва такрорланмас ҳолатлар, кўринишлар асосида ўрганишни тарихчи олдиға вазифа қилиб қўйдилар.

Бу вақтда Германия ва бошқа бир қатор давлатларда юқоридаги ҳар икки карашларни танқид қилиб чиққан ва тарихни ўрганишда материалистик ёндашувни илгари сурган, кейинчалик, XX аср охириларига келиб эса ўз аҳамиятини йўқотган марксистик йўналиш шаклланди.

XX аср бошларидан Россия тарихчилари ҳам тарих фани методологияси борасидаги баҳсларға қўшилдилар. 1913 йилда Н.И.Карсеев ўзининг “Историка. Теория исторического познания” китобини нашр қилди. Бу китобда муаллиф позитивистлар карашларини маъқуллаган. Неокантчилик йўналишини маъқуллаб ёзилган нашрлардан бири А.Ляппо-Данилевский қаламиға мансуб бўлиб, икки қисмдан иборат “Методология истории” номли асари 1910 ва 1913 йилларда нашр этилган. Рус тарихшунослари ҳам тарих фани методологиясини европалик тарихчилар нуқтан-назарларидан ёндашган ҳолда талқин қилганлар.

XX асрнинг 20 йилларида бу соҳага бағишланган бир катор ишлар амалга оширилди. Шундан бири Р.Коллингвуднинг “Идея истории” номли (“Тарих ғояси”) китоби 1946 йилда, муаллифнинг вафотидан сўнг чоп этилган. Дастлаб унча эътиборни тортмаган бу асар кейинчалик тарих фани методологияси соҳасида асосий адабиётлардан бирига айланиб, бир неча бор қайта нашр этилди ва “мумтоз” адабиётлардан бирига айланди. Мазкур китобда антик даврлардан бошлаб тарих ва тарих борасидаги фикрлар шарҳлаб берилган. Р.Коллингвуднинг асари 1980 йилда рус тилига таржима қилинган.

Тарих фани методологияси соҳасида чоп этилган китоблардан яна бири “Анналар мактаби”нинг асосчиси М.Блокнинг “Анология истории или ремесло историка” номли (“Тарихнинг мадҳи ёки тарихчининг ҳунари”, 1973 йилда рус тилига таржима қилинган) китобидир. Муаллиф ўз асарида позитивистлар ва неокантчилар қарашларига қарши чиқиб, ўзининг янги қарашларини баён қилади. У “вокеавий” ва тавсифий хусусиятга асосланган тарихни танқид қилиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин кенг тарқалган **тизимли-таҳлилий ёндашув**ни таклиф қилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда тарих фани методологияси борасидаги баҳс ва мунозаралар яна авж олди. Янги назарий-фалсафий қарашлар шаклланиб, ижтимоий ва гуманитар фанларда **фанлараро ёндашув** қарор топди. Аввалдан мавжуд бўлиб келган баҳс - тарихнинг фан эканлиги (стиенцистлар) ёки санъат ва адабиётнинг бир кўриниши эканлиги (антистиенцистлар) борасидаги энг йирик олимлар иштирокидаги баҳслар яна авж олди. 1962 йилда Лондонда Э.Каррнинг “Тарих нима” номли асари нашр этилди. Бу китобда Р.Коллингвуддан сўнг биринчи маротаба тарихий билиш ва тарихий жараённинг бир тизимга солинган таҳлили берилди. Асар факатгина Буюк Британияда эмас, бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалди. Муаллиф позитивистлар қарашларига хос бўлган манбаларга “топиниш” (далилларнинг илоҳийлаштирилиши) ғоясига мутлақо қарши чиқди. Ҳар бир далил (факт) субъектив ҳолат – интерпретация билан боғлиқ. Бунда тарихчининг шахсий қарашлари ва ижтимоий мансублигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим, деб кўрсатади. У Л.Ранкенинг тарихни “қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича” кўрсатиш керак деган фикрini *ностальгик романтизм* (ҳис-туйғуларга берилган ҳолда идеал қаҳрамонларни қўмаш) деб ҳисоблади. Айни вақтда у “*далил (факт) лар*

ҳеч нима, интерпретация-ҳамма нарсаси” деб ҳисоблаган презентистларнинг фикрига ҳам қатъий қарши чиқди. Бу фикрнинг бир томондан тўғрилиги шундаки, *далиллар (фактлар) тарихчисиз ҳеч нима, бироқ тарихчи ҳам далиллар (фактлар) сиз ҳеч ким*. Э.Каррнинг таъкидлашича, тарихга курама (аралаш) далиллар (фактлар)нинг йиғиндиси сифатида қараш ёки тарихчининг субъектив ақлий маҳсули сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Гарчи айрим хатоликларга йўл қўйилсада, объектив интерпретация муҳимдир. Э.Карр тарихда *сабабийлик назарияси* ҳамда ўша вақтларда турли эътирозларга сабаб бўлган *ривожланиш* ғоясини илгари сурган эди.

Э.Каррнинг *ривожланиш* ғояси борасидаги фикрларини кейинчалик Д.Плам ва С.Полард ҳам қўллаб – қувватладилар. Бироқ неокантчилик тарафдори бўлган И.Берлин Э.Карр фикрлари билан баҳсга киришиб, унинг тарихдаги сабабийлик назариясини танқид қилди. У Каррни *тарихни ўз хусусиятига эга бўлмаган тушунчага ҳамда инсонни кўзгирчоққа айлантираётганлиги* ҳақида фикр билдирди.

И.Берлиннинг фикрлари нотўғри бўлсада, кейинчалик *“тарихнинг илмий асосга эга эмаслиги” борасидаги ғояни қувватлантирди*. 1960 йилда И.Берлин ўзи ташкил қилган “Тарих ва назария” (“История и теория”) номли журналида тарихнинг санъатга яқинлиги борасидаги асоссиз қарашларини илгари сура бошлади. И.Берлиннинг фикрича тарихчининг вазифаси тарихий жараён бўйича бетақрор портрет яратиш, тушунчага оид назария яратиш эса шарҳ эмас, *илмий тарих эса амалга ошмайдиган хомхашдир*. Харчанд кенг тарғиб қилишга интилсада, И.Берлиннинг фикрлари тарихчилар томонидан қабул қилинмади.

Бу даврда муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлган тушунчалардан бири — *фанлараро ёлдамас* эди. Тарих фанининг янгиланиши тарафдорларидан бири сифатида Лондон университети профессори Ж.Барраклоу танилди. У неокантчиларнинг тарихнинг илмийлигига қарши билдирган фикрларига қатъий равишда қарши чиқди. У тарихчилар томонидан бошқа ижтимоий ва гуманитар фанларнинг илмий тадқиқот методларидан кам фойдаланилаётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Бу тарихий тадқиқотлар ишлафтини ва уларнинг илмий-назарий даражасини пасайтириб юборади, ҳамма нарсани далил (факт) лар билан боғлаш керак эмас, назария ҳар қандай илмий методнинг асоси ҳисобланади.

1978 йилда унинг “Новые тенденции истории» («Тарихнинг янги

карашлари”) китоби нашр этилди. Бу китобда у содда сиёсий тарихчиликдан воз кечиб, тарих фанининг кўламини кенгайтириш фикрини илгари сўриб чикди. Бунда у тарихчилар ва тарихий тадқиқотларнинг *индивидуаллашган* (алоҳида якка жараёни ёки ҳолатни тадқиқот жараёнида устун қўйиш) тарихдан *генераллашган* тарихга, яъни жараёнларни ўрганишдан бошлаб тизимларни ўрганишгача, тавсифлашдан таҳлилга ўтиши кераклиги тўғрисидаги фикрини илгари сурди. Ижтимоий тарихни ўрганиш биринчи ўринга кўтарилиши ва алоҳида эътибор қаратилиши ва бу жараёнда тарих миллий афсоналардан ҳоли бўлишини кўрсатиб ўтади.

Бу даврда традиционалистлар (“анъанавийчилар”) ҳам бир қатор фикрларини ўртага ташлаганлар. 1967 йилда таниқли *медиевист* Д.Элтоннинг математик методлар, фанлараро ёндашув ҳамда социологик категориялардан фойдаланишга қарши йўналтирилган “Практика истории” (“Тарих амалиёти”) номли китоби чикди. У “автоном” тарихий ёндашув тарафдори бўлиб, замонавий даврни чиқариб ташлаб, ўтмиш тарихини ўтмишнинг ўзи учун ўрганиш зарур, *тарих қонуниятларни қилиф этмаслиги керак, бу унга мумкин ҳам эмас*, деган ғояни илгари суради. 1970 йилда шу муаллифнинг «Политическая история» («Сиёсий тарих») номли китобини нашр қилди. Бунда у *моделлаштириш*га қатъий равишда қарши эканлигини билдириб, эмпиризм — назариядан кўра кўпроқ амалий ёндашувни (тажрибани) мутлақ (абсолют) даражага кўтарди, тарихчи жараёнларнинг моҳиятини аниқлаши ва сабабларини ўрганиши мумкин эмас, деган фикрни билдириб ўтди.

Юқоридагилардан кўринадики, XX асрнинг 60-70-йилларида тарих фани методологияси борасида турли-туман фикрлар илгари сурилган бўлиб, уларнинг барчасида позитивистлик, неокантчилик, структурализм ва бошқалар ўз аксини топган. Бу фақатгина методология борасидаги баҳслар авж олган Буюк Британия, Франция ёки Германиядагина эмас, балки бошқа давлатларга ҳам кенг ёйилди.

Францияда “Анналар мактаби” (“йилномачилик мактаби” — *юдиимги* Миср, Юнонистон, Рим, Хитой ва бошқа давлатларда мавжуд бўлган йилномачилик) қарашлари таъсирида “янги” тарих фани пайдо бўлди.

Француз тарихчиси Ф.Бродел минтақавий ва глобал (умумжаҳон) тарихи бўйича бир қатор самарали фикрлар ва методларни илгари сурди.

Булар орасида фанлараро ёндашув, тизимли тарих, тарихий вақтнинг турли “тезликлари” ва бошқаларни қўриш мумкин.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, “лингвистик (тилшунослик) бурилиш” ҳамда семиотик “чакирувлар” юзага келди. Тарихчининг диққат марказига *манбанинг матни* ва *перформанс матни* қўйғаз постструктурализм ёндашуви шаклланди. Бу талқин тарафдорлари объектив тарихий воқелик мавжудлигини инкор қиладилар. Мантикий билишга асосланган матн мавжудлиги билан кифояланадилар. Уларнинг фикрича субъект объект билан қўшилади, вақт эса уйдирма билан. Тарихчиларни ўзларининг билиш назарияларидан воз кечиб, баъдий меҳнат ва изланиш билан шугулланишга ундайдилар. 1973 йилда америкалик тадқиқотчи Х.Вайтнинг “Метаистория” номли китоби нашрдан чиқиб, бунда муаллиф томонидан асосий методлар сифатида *риторика* (нотиклик), *метафора* (киноя) ва бошқалар кўрсатиingan.

Х.Вайтнинг китобига жавобан Д.Элтон қарши фикр билдириб, бундай методларнинг қабул қилиниши тарих учун “фожеали” бўлиши мумкин деб ҳисоблади. XX асрда тарихни ўрганишда бир ёкламалик ётакчи мавқеда бўлган собиқ итифокда ҳам бир қатор қарашлар шаклланиб борди ва тарих фани методологияси борасида илмий адабиётлар нашр қилинди. Жумладан, Н.А.Ерофеевнинг “Что такое история?” (“Тарих нима?”), М.А.Баргнинг “Категории и методы исторической науки” (“Тарих фанининг категориялари ва методлари”) китоблари нашр этилган бўлса, И.Ковальченко математик методларни тарих тадқиқотларида дастлабкилардан бўлиб қўллади. 1997 йилда америкалик тарихчи А.Менслоунинг “Деконструкция истории” (“Тарихнинг бузилиши”) номли китоби чоп этилди. Бунда анъанавий тарихшунослик танқид остига олинган. Айни вақтда тарихий тадқиқотларда юқорида кўрсатиб ўтилган бир қатор методлар тарихий тадқиқотларнинг асосий методларига айланиб борди.

Собиқ итифок тузуми даврида тарихни ўрганишга асосан материалистик оқим асосида ёндашиб келинди. XX асрнинг 60-йилларигача расмий равишда тарих фанининг методологияси мавжуд эмас, тарихни “тарихий материализм” асосида ўрганиш лозим, деган тушунча расмий равишда тарихий тадқиқотларда ҳукмронлик қилди. XX асрнинг сўнги ўн йиллиги. - XXI асрга келиб Ўзбекистонда ҳам тарих фани ва фанининг методологиясига бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

тарих ва тарихий тадқиқотларда жаҳон тарих фани тамойиллари, тарихийлик, илмийлик, объективлик ва ҳаққонийлик устувор бўлган тадқиқотлар амалга оширила бошланди ва бугунги кунда у жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистонда тарих фани ривожланишининг тарихий йўли ҳақида

Тарих фани асрлар давомида кўлёзма асарларда ифодаланган маиший ҳаёт, воқеа-ҳодисалар, тарихий персонажлар ва шахслар ҳақида ҳикоя қилишдек оддий баёнчиликдан, муайян-тарихий контекстда тарихий ҳаёт йўлининг шаклланиши, босқичлари ва умумий қонуниятларини аниқлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва назарий хулосалар чиқариш каби мураккаб илмий йўлни босиб ўтди.

Ўзбекистоннинг энг қадимги тарихи ҳақида моддий маданият ёдгорликлари ва археологик топилмалар маълумот беради. Милoddan аввалги биринчи минг йилликка оид ёзма манбалар, зардуштийларнинг муқаддас “Авесто” китобида, ахмонийлар даврига оид Бехустан, Накши Рустам қоятошларидаги битикларида, Турон ва Мовароуннахрнинг табиати, халқлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистоннинг қадимги тарихи ҳақида Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Полибий, Диодор, Страбон, Кўрний Руф, шунингдек, хитой, арман, араб муаллифлари яратган ёзма манбаларда маълумотларни учратиш мумкин. Асрлар давомида Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаёти тарихи ҳақидаги маълумотлар сарой йилномачилари, тарихчилар, географлар томонидан ёзилган асарлар ҳақида, хонлар, полшоҳлар ва бошқа ҳукмдорлар кўрсатмасига биноан ёзилган расмий ҳужжатларда манбалар шаклида жамлана борди.

Халқимизнинг қадим тарихга эга эканлиги ҳақида сўз юритар экан, Президент И.А.Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади:

“**Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тая олмоқда. Бу қадимий ва табаррук туғроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламодалар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу қунгача кўрку файзани, маҳобатини йўқотмаган**

осори атикаларимиз кадим-кадимдан юртимизда дехкончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради".⁴

Ўрта асрлар тарихнавислигида сулолавий тарихга бағишланган Байҳакийнинг «Тарихи Байҳакий», Насавийнинг «Сийрат ас-Султон Жалол ад-Дин Манкбурни», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фазлуллоҳ ибн Рӯзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома» каби асарлари яратилди.

Яъқубийнинг «Китоб ал-булдон» («Мамлакатлар ҳақида китоб»), Табарийнинг «Тарихи Табарий», Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», маълум бир ҳудуд тарихига оид — минтакавий услубдаги Наршахийнинг «Тарихи Бухоро», Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» («Самарқанд тарихи ҳақида қанддек китоб») каби нодир қўлёзма манбаларда Ўрта Осиё мамлакатларининг географик ҳолати, йирик шаҳарлари ва аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи ва машғулоти, қарвон йўллари, урушлар, ғалаёнлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётига доир турли маълумотлар баён этилган.

Ўрта асрлар тарихшунослигида Амир Темури ва темурийлар даври тарихи, айниқса, муфассал ёритилган. Ўша давр тарихига оид яратилган «Темури тузуклари», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш ўрни»), Мирхондиннинг «Равзат ус-сафо» асарларида Амир Темури ва темурийлар салтанатининг ташкил топиши, ички ва ташқи сиёсати, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид муҳим маълумотлар келтирилган.

Ўрта асрларда давлат ишлари, бошқарув тизими ҳақида маълумот берувчи Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Хондамирнинг «Дастур ал-вузаро», Муҳаммад Боқирхоннинг «Мувазайи Жаҳонگیرи» асарлари яратилди.

Ўрта Осиёда 3 та мустақил давлат - Бухоро, Хива ва Қўқон

⁴ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. "Шарк" 1998. 3-4-бб.

хонликларининг вужудга келиши билан, XVII-XIX асрларда мазкур давлатлар тарихига бағишлаб алоҳида - алоҳида асарлар яратилди. Ўзига хос услуб ва анъаналарга эга бўлган тарихнавислик мактаблари шаклланди. Бухоро ва Хива хонликлари тарихи Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима», Муҳаммад Амин Бухорий, Муҳаммад Шариф, Мирзо Шамс Бухорий, Мунис, Отаҳий, Баёний асарларида кенг ёритилган.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, Муҳаммад Ҳаким, Аваз Муҳаммад Атторм, Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий, Мулла Олим Маҳдумхожи асарларида Кўкон хонлигининг тарихи баён этилди. Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг босиб олиниши арафасидаги воқеалар, жанглар тафсилотлари, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Аҳмад Дониш, Мирзо Абдулазим Соҳий Бўстоний, Мирзо Салимбекларнинг Бухоро тарихига оид асарларида келтирилади. Ушбу асарларда ўрта аср тарихнавислиги анъаналарига кўра, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаёт, ташқи алоқаларга оид маълумотлар гарчи муайян бир тартибда берилмаган бўлса-да, жамият ҳаётининг турли нуналиллари бўйича қимматли маълумотларни кўриш мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг яна бир фикри тарихчиларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири сифатида катта аҳамият касб этади:

-“Бешафкат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларига биз билан беллаша олиши мумкин, деб дедиш айта оламан.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётний тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди.”⁵

Ўрта Осиё хонликларининг Россия мустамлакасига айлангирилиши билан мустамлакачилик тузуми тартиботлари тарих соҳасидаги илмий тадқиқотлар кўлами ва мавзусига ўз таъсирини кўрсатди. Рус тарихчиларининг юкорида зикр этилган Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихига оид асарларининг аксарияти ўзининг бир ёкламалиги, метрополия манфаатларига хизмат қилишга мўлжалланганлиги билан ажралиб туради.⁶

XX асрнинг бошида миллий даврий матбуот «Садои Фарғона», «Садои Туркистон», «Ойна», «Нажот», «Хуррият» саҳифаларида Ўзбекистон тарихи муаммоларига оид илк мақолалар эълон қилина бошлади. Бу мақолалар муаллифлари жади́дчилик ҳаракати намояндалари бўлиб, улар мамлакат ривож, миллатнинг тараққийси, ўзликни англашда тарих фанининг ўрнига алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий фаолиятида тарих муаммоларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этди. Бехбудий комил инсон бўлиб етишишда ва жамиятни бошқаришда тарих фанининг ўрни бекиёслигини таъкидлайди. У «Тарих ва жуғрофия», «Туркистон тарихи», «Сарф сўзи мажҳулдир» каби асарларида факатгина Ватан тарихини эмас, Европа ва жаҳон мамлакатлари тарихини билиш зарурлиги ҳақида сўз юритади. Унинг «Мозий истикболнинг тарозисидир», деган хитоби тарих тажрибасида ўзининг тўғрилигини исботлади.⁷

Тарих фани ривожига Абдурауф Фитрат салмокли ҳисса қўшди, унинг - «Тарих миллатимизнинг, ўтмишимизнинг тараққийётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўрганадиган фандир», - сўзлари тарих фани соҳасида ўзига хос аҳамият касб этади.

Собиқ советлар ҳокимияти даврида тарихни ўрганишда бир ёкламаликка йўл қўйилди. Бу даврда айниқса Россиянинг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилиги тарихини ўрганишда Совет мафкураси расмий андозаларидан четга чиқишга йўл берилмади, тарих фани ниҳоятда сиёсийлаштирилиб, илмий-тарихий тафаккур ҳукмрон мафкура назорати остида бўлганлиги туфайли жуда кўп масалаларнинг асл моҳиятини кўрсатиб бериш имкони бўлмади, натижада тарихни сохталаштириш кучайиб кетди.⁸

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти

⁶ «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, 2004, 8-жилд. 274-б.

⁷ Уша жойда.

⁸ «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, 2004, 8-жилд. 276-б.

И.А.Каримовнинг ёйидаги сўзлари муҳим аҳамият касб этади: - "... дунё халқлари ва хусусан юртимиз тарихий тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантиқий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр ҳам (уни Шарқда кўпроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишди), Қутайба ҳам, Чингизхон ҳам, генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ўн минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Яна такрорлайман: Сиёсий ҳокимиятни. Тамом. Тўғри, ҳукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий, маданий имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам".⁹

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, тарих фани олдида ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини яратиш, та-раққиётнинг турли босқичларида жаҳон ҳамжамиятида унинг ўрни ва ролини аниқлаш, тарихий билимларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш орқали миллатнинг маънавий-ахлоқий кадриятлари, маданияти, қадимий анъаналарига қайтиш вазифаларини қўйди.¹⁰

Бу борада И.А. Каримовнинг тарихчи олимлар ва журналистлар билан учрашувида баён этган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари муҳим роль ўйнади. Унда президентимиз: «...тарихчиларимиз миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, тарих — халқ маънавиятининг асосидир; ... биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур», - деб таъкидлаб, тарихчилар олдида аниқ вазифаларни қўйди.¹

Мазкур асарда юртбошимиз томонидан тарихчи олимлар, илмий муассасалар олдида қўйилган бир неча долзарб масалалар кўрсатиб берилган, жумладан — "Мен қайси халқ қаердан келиб чиққани, кимнинг тарихи кўхналиги хусусида баҳс юритиш, бу борада бир миллатни бошқа бир миллатга қарама-қарши қўйишга мутлақо қаршимая. Бу нарса бизга асло керак эмас. Фақат бизнинг давлатимиз тарихини ёритишда ўзга ғоя ҳукмронлик қилишига йўл

⁹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. "Шарқ" 1998. 18-б.

¹⁰ «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат тиллий нашриоти. 2004. 8-жид. 276-б.

¹¹ Ушба жойда.

қўйиб бўлмаслигини таъкидламоқчиман. Бу масалада, яъни узок ўтмишимиз, тарихий томирларимиз бўйича ўз мустақил фикримизга, чуқур илмий асосга эга бўлишимиз шарт. Тарихчи олимларимиз, илмий муассасаларимиз олдида турган долзарб вазифа шундан иборат”.¹²

Юкорида кўрсатиб ўтилган вазифалар ва тамойиллардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда Ўзбекистон тарихи ва унинг соҳалари юзасидан ҳар томонлама, илмийликка ва тарихийликка асосланилган ҳолда илмий тадқиқот ишлари олиб бориладими ва бу борада бир катор муваффақиятларга эришилмоқда.

Бугунги кунда тарих фани методологияси ва тарихий тадқиқотларда борасида шундай босқич юзага келдики, бунда тарихчи тадқиқотчи илмий натижаларга эришиш учун энг мақбул услубларни ва методларни танлай била олиши ва уни амалда қўллай олиши, тадқиқотлар жараёнида у ёки бу қўлланаётган тарихий тадқиқот методларининг меъёрларини яхши рақабат қила олиши талаб этилади.

Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг тарихшунослик масалалари

Ўзбекистоннинг бир неча минг йилларга бориб такалладиган қадимий тарихи, унинг давлатчилик масалалари, аждодларимизнинг моддий ва маънавий мероси, ўзбек халқининг шаклланиши ва этник жараёнлар ва бошқа қўплаб тарихимизга тааллуқли жиҳатларига оид минглаб нодир қўлёзмалар ва бошқа манбалар яратилган.

Кейинги икки аср мобайнида ўтмиш тарихни тадқиқ этиш борасида қўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Гарчи бу тадқиқотларнинг натижалари, илмий хулосалари турлича мазмунга эга бўлсада, улардаги мавжуд ҳолатларни тадқиқ қилиш ва танқидий таҳлил қилиш орқали тарихий тадқиқотлардаги тўғри ва нотўғри ёндашувларни аниқлаган ҳолда тарихий жараёнлар ва уларнинг асл моҳияти ҳақида ҳаққоний хулосаларга келиш мумкин. Бу борада тарихшуносликнинг аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбекистон тарихининг XVII-XIX асрлар – ўзбек ҳоликлари даври ҳақида: “Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди:

¹² Каримов И.А. Тарихий ҳолирасиз келажак йўқ. Т. “Шарқ”. 1998. 29-б.

«Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чоккача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз колоқликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу колоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикин? Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон - продади инсон. Такрор айтаман, продади инсондир.

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, продасини мустаҳкамлайди».¹³

Шу ўринда ўзбек хонликлари тарихининг ўрганилиши орқали тарихшуносликнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратишимиз мумкин.

Ўзбек хонликлари тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборидаги масалалалардан бири сифатида тадқиқот объекти ҳисобланади. Ҳозирги кунгача хонликлар тарихи бўйича амалга оширилган ва яратилган илмий асарлар ҳамда илмий тадқиқотларнинг салоҳияти жуда катта бўлиб, кейинги икки аср мобайнида хонлик тарихини ўрганишда турлича ёндашиш ва муносабатлар, айрим вақтларда тарихий жараёнлар ва тарихий воқеаликни объектив баҳоламаслик ҳолатларига йўл қўйилган. Бу эса хонликлар тарихини тарихшунослик нуқта-назаридан чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда XIX асрнинг дастлабки чорагидан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келаятган ўзбек хонликлари тарихининг ўрганилишини мавжуд илмий тадқиқотларнинг йўналиши, давр ва бошқа хусусиятларига кўра бир неча гуруҳга бўлиб кўриб чиқиш талаб этилади.

Ўзбек хонликлари тарихини тарихшунослик нуқтаи-назаридан даврлаштиришнинг қуйидагича анъанасини тарих тадқиқотларида асосий

¹³ Тарихий хотирасиз кечажақ йўқ. 10 - бб

килиб олинганлигини деярли барча тадқиқотларда кузатиш мумкин, унга кўра биринчи давр - XIX асрнинг 30-йилларидан - XX асрнинг бошларигача, иккинчи давр - Совет даври тарихшунослиги (1917-1991 йй), учинчи давр - Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги йиллар (1991 йил 31 августдан бугунги кунларгача)ни ўз ичига олади.

Тарихшуносликнинг бу тарздаги даврлаштирилиши натижасида аксарият ҳолларда ҳар бир даврга умумий тарзда ёндашилган ва айни вақтда тарихий асарлар ва тарихий воқеаларнинг таҳлили амалга оширилган. Бироқ тарихий асарлар ва уларда воқеаларнинг ёритилишига бўлган муносабатнинг хусусиятларига қараб бу даврларнинг ҳар бирини алоҳида яна кичик даврларга ёки гуруҳларга ажратиш чикиш мақсадга мувофиқдир. Бунда тарихий тадқиқотларнинг масалалага концептуал - методологик ёндашув хусусиятларига кўра қуйидаги даврларга бўлиб ўрганишни тавсия этиш мумкин:

БИРИНЧИ ДАВР XIX асрнинг 30-йилларидан - XX асрнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади ва уни қуйидаги хусусиятларига кўра икки қисмга ажратиш мумкин:

- *Биринчи қисми XIX асрнинг 30-50 йилларигача* бўлган даврни ўз ичига олиб, бу вақтда ўзбек хонликлари тарихи масалаларига бағишланган ишларда асосан хонликларнинг ички сиёсати, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт масалалари ёритилган маълумотларни кўриш мумкин. Бу маълумотлар хонликлар ҳаётини акс эттириш билан бирга кейинчалик унинг чор Россияси томонидан босиб олинishiда подшо армияси харбийлари учун қўлланма-маълумотнома вазифаларини ҳам бажарган. Бу маълумотлар ва асарлар ўзининг маълум даража объективлиги билан хусусиятланади.

- *Иккинчи қисми XIX асрнинг 50-йилларидан - XX аср бошларигача* бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврда яратилган асарларда хонликларнинг чор Россияси томонидан босиб олинishi масалаларига кенг ўрин берилган ва уларнинг аксариятида “буюк давлатчилик” шовинизми хусусиятлари яққол сезилиб туради. Шу билан бирга айрим рус тарихчилари масалани объектив ёритиш фикрларини ҳам илгари сурадilar. Ушбу хусусиятлари билан бу даврда яратилган асарлар Кўкон хонлиги тарихи ва унинг чор Россияси томонидан босиб олинishi масалаларини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

ИККИНЧИ ДАВРНИ Совет даври (1917-1991 йй) тарихшунослиги ташкил этади. Бу даврни тарих фанига ва тарихий тадқиқотларга бўлган ёндашув хусусиятларига асосланган ҳолда уч қисмга бўлиш мумкин:

- Совет даври тарихшунослигининг биринчи қисmini Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан XX асрнинг 50-йиллари ўрталаригачабўлган давр билан белгилаш мумкин. Бу даврда яратилган илмий асарлар ва тадқиқотлар масалага қисман объектив ёндашуви билан хусусиятланади.

- Совет даври тарихшунослигининг иккинчи қисми XX аср 50-йилларидан – 80-йилларнинг ўрталаригачабўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларида коммунистик мафкура ва социалистик тузум ғоялари таъсирида тарихни ўрганишга бир томонлама, Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан мустамлакага айлантирилишига “прогрессив” жараён сифатида, маҳаллий халқлар тараққиётида буюк давлатчилик шовинизмини бўрттириб кўрсатишга мойиллик ҳукм суради.

Бу давр тарих фани соҳасига баҳо берар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидаги фикрларни билдиради:

- «Ахвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳукукидан маҳрум бўлиб қолдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик. "СССР тарихи" деб аталган дарсликда Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3-4 саҳифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида ноҳолис фикрлар айтилар ёки умуман, номим дейилмасди. Фандаги бундай сохтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис кишлокларда яшаётган оддий фуқаро ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Энди, мустақиллик туфайли яққол намоён бўлаётган тарихий ҳақиқатни билишга, ўзлигини англашга чанқокликнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман».¹⁴

Бу даврда Ўзбекистон тарихи юзасидан ва унинг турли даврларга оид амалга оширилган тарихий тадқиқотлари ва улардаги йўл қўйилган сохтакорлик, ғайри илмий ҳулосалар ҳақида сўз юритиб, Президент куйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади:

-«...Тан олмайди, билмайди, билишни хохламайди ҳам. Ўжарликнинг сабаби эса бигна башарги, тан олгудек бўлишса, тарихий ҳулосалари чиппакка чиқади, илмда сохта йўл билан борганлари фаш

¹⁴ Тарихий хотирасиз келажак йўли. 3-4-с. 66

бўлади».¹⁵

- Совет даври тарихшунослигининг учинчи қисми XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан 90-йиллари бошигача ("қайта қуриш" даври) бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврда асосан ўзбек олимлари томонидан эълон қилинган бир қатор илмий ишларда ва мақолаларда чор Россияси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг босиб олиниши ва мустамлакага айлантириши жараёнларини манбалар ва архив ҳужжатлари асосида ҳаққоний ва объектив ёритишга интилиш муҳим ўрин эгаллайди.

УЧИНЧИ ДАВР Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йиллари тарихшунослиги (1991 йил 31 август – бугунги кунларгача) таъкид этилади. Бу даврда амалга оширилган ва бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар ўзининг ҳолиселиги, тарихийлиги, илмийлиги ва масалага объектив ёндашуви жиҳатлари билан хусусиятланади.

Мустақиллик даври тарихшунослигини юқоридагиларни инобатга олган ҳолда икки қисмга ажратиш мумкин:

Биринчи қисми – 1991 йил 31 август - 1998 йил 28 июнь. Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, барча соҳаларда бўлгани каби, тарих фани соҳасида ҳам янгиланишлар амалга оширила бошланди. Тарихий тадқиқотларда нафақат ўзбек хонликлари тарихини, балки Ўзбекистон тарихининг барча соҳаларини илмий жиҳатдан объектив равишда ўрганиш, тарихийликка ва ҳолисликка риоя этиш шаклланиб борди. Бунда манбаларга ва тарихий ҳужжатларга асосланган ҳолда тарихни ёритишга бўлган эътибор биринчи ўринга кўтарила бошланди. Бироқ, тарихни ҳар томонлама мукамал равишда тадқиқ этиш борасида камчиликлар кўзга ташлана бошланди.

Мустақиллик даври тарихшунослигининг иккинчи қисми – яъни 1998 йил 28 июндан бошланиб, бугунги кунларда ҳам давом этмоқда. Бу йиллар мобайнида тарихни ўрганишга бўлган муносабат мазмун ва моҳият жиҳатдан тубдан янгиланиш босқичига кўтарилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих Институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Фармони катта аҳамият касб этди.¹⁶

¹⁵ Тарихий хотирамиз келажак йук. 10-11 – бб

¹⁶ Халқ сўзи. 1998 йил 28 июнь

- “Модомики, ўз тарихини билган, ундан рухий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, ҳаққимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур. Агар олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ”, - деган сўзлари билан Президентимиз тарихчилар олдида илмий жиҳатдан асосланган ва ҳаққоний тарихни яратиш вазифасини қўйди.¹⁷ Бу билан тарихни ўрганишнинг мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига йўл очиб берилди. Шу нуктадан назардан 1998 йилдан бошлаб бугунги кунгача яратилган илмий асарлар, рисолалар ҳамда илмий тадқиқот ишларида тарихни ўрганишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатларига катта эътибор берилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари ғоят ўринлидир: -«Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллигимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим».¹⁸

Таянч
тушунчалар:

“Анналар мактаби” методология, методология, моделлаштириш, тарих, эмпиризм, тарихий тадқиқотлар, “классик” (мулти) методология, “классик бўлмаган” (ноклассик) методология, “постноклассик” методология, нарратив матн, манбаининг матни, тизим-таҳлилий ёндашув, дадил.

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тарих фани методологияси нимани ўрганади?
2. Метод ва унинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
3. Тарихий тадқиқотлар методларининг даражалари ва ёндашувлари?
4. “Классик” (мулти) методология тушунчаси?
5. “Классик бўлмаган” (ноклассик) методология тушунчаси?
6. “Постноклассик” методология тушунчаси?

¹⁷ Тарихий ҳогиралиқ келажак йўқ. 24-25 - бб

¹⁸ Тарихий ҳогиралиқ келажак йўқ. 30-31 - бб

7. “Анналар мактаби” ҳақида тушунича беринг.
 8. Тарихчиларнинг тарихий тадқиқотлар ҳақидаги фикрлари?
-

Мавзуга алоқадор изохли сўзлар лугати:

“Анналар мактаби”	- “Йилномачилик мактаби”, қадимги Миср, Юнонистон, Рим, Хитой ва бошқа давлатларда мавжуд бўлган йилномалар асосида тарихни ёритиш.
Метод	- (юнонча <i>methodos</i> – назария, билим ва тадқиқот йўллари) – у ёки бу мақсадларга эришиш йўллари, услублари, аниқ ва конкрет вазифаларни ҳал этиш усуллари.
Методология	- (юнонча «метод» ва «логос» - фан, илм) - фан методологияси – илмий билишнинг шакллари, услублари ва тузилиш тамойиллари ҳақидаги фан.
Моделлаштириш	- тарихий ҳодисаларнинг андозасини, шаклини, ҳолатини тузиш, шакллантириш
Тарих	- (юнонча “ <i>historia</i> ” – ўтмишни тавсифлаш, ҳикоя қилиш). Ижтимоий фанлар мажмуаси (тарих фани) бўлиб, инсониятнинг бутун ўтмиши домидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги жараёнлар ва воқеа-ҳодисаларни аниқ-конкрет ҳолда ва гурли услублар ёрдамида даврларга бўлинган ва умумий ҳолда ўрганади. Тармоқлари: иқтисодий тарих, сиёсий тарих, маданият тарихи, ҳарбий тарих, дипломатия тарихи, тарихий география ва бошқалар. Таркибий қисмлари махсус тарихий фанлар ҳамда археология ва этнология. Фан ва маданият тарихи, санъат тарихи шу соҳаларни билан боғлиқ ҳолда ўри аниқлади.
Эмпиризм	- назарий умумлаштиришни инкор қилиб, ҳиссий идрокни, тажрибани билишнинг бирдан- бир манбаидир, деб биладиган фалсафий йўналиш, назариядан кўра амалий фаолиятга кўпроқ мойил бўлишлик, амалий фаолиятга мойиллик.

Мавзунинг мустахкамлаш учун тест топшириқлари

- ... тарихий воқеалик объектларини ўрганиш, ўтмиш ҳақидаги далилларни тиклаш, тарихий тадқиқот жараёнида тадқиқотчининг ўзини йўқ қилиш ёки сездирмаган ҳолда (элиминировать) тарихий ҳақиқатни излашга асосий эътибор қаратилди.
 Юқорида келтирилган таъриф тарих фани методологиясининг қайси босқичига ҳос?
- А. “Классик” (мумтоз) методология
 В. Классик бўлмаган” методология
 С. “Постноклассик” методология
- ... аввалги тарихий тадқиқот назарияси ёндашувлари изчиллигидан воз

кечган ҳолат, тарихий билимларнинг киёсийлигига асосланган, тарихни эса "тарихчи оқитилад инъикоси" (тарихчи томонидан воқеалар ва тарихий жараёнларнинг кетма-кетликда тузиб чиқилган ҳолати) сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган.

Юқорида келтирилган таъриф тарих фани методологиясининг қайси босқичига ҳос?

- A. "Классик" (мумтоз) методология
- B. Классик бўлмаган методология
- C. "Постклассик" методология

3. ... билиш субъектининг қарашларидан келиб чиққан ҳолати кадриятларга, интеллектуал ижод жараёнларини (тил шакллари, матнлар) ўрганишга асосий эътибор қараган

Юқорида келтирилган таъриф тарих фани методологиясининг қайси босқичига ҳос?

- A. "Классик" (мумтоз) методология
- B. Классик бўлмаган методология
- C. "Постклассик" методология

4. Тарихий тадқиқотлар методларининг неча даражаси ва ёндашувлари мавжуд?

- A. 8 та
- B. 4 та
- C. 12 та

5. "Классик позитивизм" тушунчаси қим томонидан илгари сурилган?

- A. Ш.Ланглау
- B. Ш.Сеньобоса
- C. A ва B

6. Замонавий тарих фанига қачон асос созинди?

- A. XIX асрнинг бошлари – XX аср бошларида
- B. XIX асрнинг ўрталари – XX аср бошларида
- C. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида

7. "Позитив тарих" ғоясига қимлар қарши чиқиб, тарихни жамиятнинг ривожланиб боровчи қонуниятлари асосида эмас, балки, алоҳида ва тақрорланмас ҳолатлар, кўринишлар асосида ўрганишни тарихчи олдиға вазифа қилиб қўйдилар?

- A. Немис тарихчиси В.Виндельбанд
- B. Немис тарихчиси Г.Риккерт
- C. A ва B

8. Тизимли-таҳлилий ёндашув қим томонидан тақдиф қилди?

- A. Ш.Ланглау
- B. Г.Риккерт

9. С. М.Блок
Метод нима?
- А. Тарихий тадқиқотлар жараёнида аниқ мақсадга олиб боровчи тадқиқот усуллари ва жараёнлар мажмуи
 - В. Назарий жихатдан асосланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида объектив ва субъектив ҳусусият касб этсада, объектив асосга эга.
 - С. А ва В
10. Қайси ёндашув тарихчининг диққат марказига манбанинг матни ва нарратив матни қўяди?
- А. Постструктурализм
 - В. Неокантчилик
 - С. Фанлараро ёндашув

ТАРИХ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Билиш объекти. Тарих фанини билиш объекти. Инсоният тарихи. Тарих фанининг умумий таснифи. Тарих фанида фанлараро ёндошишдан фойдаланиш. Тадқиқот предмети. Тадқиқот масалаларининг қамрови ва хусусиятлари. Тарих фани ҳақидаси фалсафий йўналишлар. Фаннинг тадрижий ривожланиш босқичи. Антропологик ёндошув. Тарих фанининг тармоқлари ва тузилмалари. Системий, ҳарбий, диний тарих. Фаннинг тарихи. Аёллар тарихи ва гендер тадқиқоти. Санъат тарихи. Интеллектуал тарих. Маданият тарихи. Дипломатия тарихи.

Тарих фанининг билиш объекти -- инсоният тарихининг барча даврларида содир бўлган воқеалар, жараёнлар, воқеликлар (кўринишлар)нинг мажмуасидир.

«Билиш объекти» тушунчаси остида объектив воқелик ётади.

Тарих фанининг предметини белгилаш тарихий билим назариясидаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Унинг ечимининг илмий жиҳатдан асосланган ҳолда белгиланиши фанинг таракқиётини ҳам белгилаб беради. Ижтимоий ва гуманитар фанлар ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда билиш объекtlари ҳамда илмий тадқиқот услублари ёрдамида бугунги жамият ҳаётининг у ёки бу соҳаларини ўрганишга йўналтирилган бўлса, тарих фани эса ўтмишни ўрганиб, комплекс хусусиятлик касб этади ва фанларнинг илмий соҳадаги ютуқлари билан интеграллашган ҳолда синтезлайди (бир-бирига боғланган ҳолда умумлаштиради). Айни вақтда тарих фани илмий хулосаларни чиқаришда тарихий тадқиқотларнинг натижаини асосланати. Бу алоқалар бугунги фанларнинг алоҳида хусусияти бўлиб, илмий натижаларнинг чиқарилишига имкон берувчи фанлараро ёнлашувдир.

Жамиятда содир бўлган воқеаларнинг таркиби, жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва кўлами жиҳатдан кенглиги билиш объектини яхлит ҳолда

тадқиқ этилиши имкониятини чеклаб қўяди. Шундан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчидан тадқиқот предмети ва аниқлаш талаб этилади. Айни вақтда тадқиқотчи томонидан тадқиқотнинг вазифалари, воқеликнинг алоҳида ўзига хосликлари, қўламини ва хусусиятлари аниқланади.

Тарих фани ижтимоий-гуманитар фанлар (*фалсафа, социология, иқтисод, психология, санъатишунослик* ва бошқалар) гизимининг таркибий қисми. Тарих фанининг бу гуруҳдаги ўрни унинг тадқиқот предмети ва усуллари билан белгиланади.

Турли ижтимоий ва гуманитар фанлар жамият ҳаётининг алоҳида жиҳатларини ўрганса, тарих фанининг тадқиқот объекти — аҳоли, жамият, мамлакат, давлат ҳаётининг ўтмиши ва ҳозирги ҳақидаги фактларни йиғиш, таҳлил қилиш, тўпланган билимларни маълум бир тизимга солиш ва назарий жиҳатдан умумлаштиришдир. Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, тарихни ҳаракатлантирувчи сабаблар, унинг мантиғи ва маъноси кўриш имконини беради. Ижтимоий ва гуманитар фанлар тарихий тадқиқотлар натижаларига таянади. Фанлараро ёндашув жамият ҳақидаги яхлит тасаввурни шакллантириб, ўтмишни ва ҳозирни аниқлаш орқали жамият ривожини истикболини кўра билишдек муҳим вазифани ҳал қилади.

Тарих фанида, бошқа фанларда бўлганидек, муқаррар ихтисослашув амалга ошмоқда. Ҳозирги замон тарих фани алоҳида бўлимлар ва соҳалардан ташкил топган билимлар мажмуидир. Ихтисослашув даражасига кўра, уларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳни жамиятнинг бутун ва алоҳида томонларини ўргатувчи бўлим ва соҳалар ташкил қилади.


- Инсоният тарихининг айрим ҳодисалари алоҳида ўрганилади.
- Ҳудудий-географик таъйинга кўра, тарихан бир-бири билан боғлиқ йirik минтақалар - Европа ва дунёнинг бошқа қисмлари, Қадимги Шарқ, Ўрта Осиё ва бошқа алоҳида мамлакатлар ҳамда халқларга ажратилади.
- Комплекс муаммоларни тадқиқ қилиш бир гуруҳ мамлакат ва халқлар тарихида бўй берган босқичий даврларни ва ҳодисаларни ўрганиш заруратидан келиб чиқади.
- Жаҳон тарихида глобал ёндашув билан бир қаторда микро тарих (шаҳар ва қишлоқлар, алоҳида шахслар, қўнак

маиший турмуш) ҳам ўрганилади.

- Тарихнинг алоҳида томонларини ўрганиш тарих фанининг алоҳида соҳаларини ажратилишига таъсир килди (масалан, ҳарбий тарих, сиёсий, иқтисодий, иқтисомий, дин, фан, хотин-қизлар тарихи ва гендер тадқиқотлари, санъат, интеллектуал, маданият, дипломатия тарихи ва бошқ).

Иккинчи гуруҳни ёрдамчи ва махсус тарих фанлари ташкил қилади. Уларни алоҳида тарих фанларига ажратилиши ва ривожланиши тарих фанининг хусусий тадқиқот усулларини ишлаб чиқиш заруратидан келиб чиқади. *Антропология, археология, этнография* мустақил ўринга эга. Ёрдамчи тарих фанларига — *манбаишунослик, археография, палеография, геральдика, нумизматика* киради. Махсус гуруҳ - бошқа фанлар эҳтиёжидан келиб чиқади (масалан, табиий фанлар тарихи, техника тарихи, давлат ва ҳуқуқ тарихи). Тарих фанининг тарихини *тарихишунослик* фани ўрганади.¹⁹

Тадқиқотнинг назарий жиҳатдан қўлами айни вақтда предметнинг ҳам қўлами жиҳатдан кенгайиб боришига таъсир кўрсатади. Бирок тарих фани тадқиқот усуллари ва тарих фани тушунчаларининг турличалиги боис, тарих фани предметининг белгилаб олиниши ҳам мураккаблик касб этади.



М.Вебернинг фикрича, тарих фанининг объектив предмети йўқ. Тарих тарихчининг *"таъқоти ва ихтиёри ҳоқиқат-иродаси"*дир. Тарихчи кен қўламли объект ичидан ўз идроки асосида англаган қисмининигина юзга чиқариб, ажратиб ола олади. Неоқантчиларнинг фикрича, ўрганиш

объекти тадқиқотчига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз қонуниятларига эга бўлган табиий фанларга нисбатан тарих фанида тарихчининг мушоҳада юритишига ҳамда воқеаларга нисбатан баҳо бера олишига боғлиқ ҳолда алоҳида ва тақрирланмас ҳолат деб тушунилади.

Марксистлар эса тарихнинг хусусий бўлиши ва умумий тараққиёт қонуниятларига алоҳида ёндашиши керак деб кўрсатади. Агар тарих фан бўлиши керак бўлса, у ҳам (барча фанлар каби) қонуниятларига эга бўлиши керак.

Тарихий тадқиқотлар узок вақт давомида сиёсий тарих тадқиқотлари билан чекланиб келган бўлиб, тадқиқотларнинг асосий эътибори ҳукмдорлар фаолиятига қаратилган бўлиб, халқ оммаси ва унинг тарихий жараёнлардаги ўрни тадқиқотлар эътиборидан четда қолган. Бу ҳақда машҳур адиблардан бири Ф.Вольтер киноя билан: - “Ҳамма томонда фақат қироллар тарихини кўрмоқдаман, мен эса одамлар тарихини ёзмакчиман”, - деган эди.

Д.Юм тарих фани предмети сифатида буюк салтанатларнинг юзага келиши, тараққий этиши ҳамда таназзулга учрашини кўрсатган эди.

Э.Гиббон урушлар тарихи ва жамиятни бошқариш деб кўрсатган бўлса, Л.Ранке дипломатик алоқалар тарихини кўрсатган эди.

Юкоридаги тарихчиларнинг фикрида бир умумийлик борки, бу ҳам бўлса уларнинг барчаси тарих предметини сиёсий тарих ва унинг тадқиқидан келиб чиққан ҳолда кўрсатиб берган эдилар.

XIX асрда статистик тадқиқотларнинг юзага келиши натижасида иқтисодий тарихга кизиқиш пайдо бўлди. Шунингдек бу вақтда маданият тарихига ҳам эътибор қаратила бошланди. Қадимги санъат ва маданий ҳаёт тарихи ва ижтимоий ҳаёт соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, алабидлар нашр қилинди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг “Анналлар мактаби” таъсирида “янги тарих фани”, яъни тарихни ўрганишда антропологик ёндашув пайдо бўлди. Энди тарихий тадқиқотларнинг диққат марказида инсон ва унинг фаолияти ҳамда ижтимоий ва маданий мансублиги масалалари кўрила бошланди. *Тарихий антропология, тарихий психология, тарихий социология, демография, урбанизация* соҳалари шаклланди, аёллар тарихини ўрганиш, маҳаллий ёки алоҳида тарихий жараёнларни ўрганиш бошланди. Шу вақтларда у ёки бу воқеаларнинг бевосита иштирокчилари бўлган инсонлар хотирасига асосланган “оғзаки тарих” соҳаси ҳам

тараккий эта бошлади.

Айрим тарихчилар ҳагто эҳтиёж йўқолиши натижасида тарих презметининг ҳам йўқолиб бориши ҳақида фикр билдира бошлаган бўлсалар, айрим тарихчилар (Э.Хобсбоум) аксинча, ижтимоий тарих асосида ва ижтимоий психологияга, яъни фикрлаш тизими, ҳулқлар стереотиплари ва ва одамларнинг ҳаёт тарзига алоҳида эътибор қаратган ҳолда яхлит тарих фани предметини шакллантириш зарур, деб ҳисоблади. Ф.Бродель эса глобаль тарихни яратиш (яъни, тарихчини инсон ва жамиятга алоқадор барча омиллар ва жараёнлар кизиктиришини ҳисобга олган ҳолда) ғоясини илгари сурди. М.Барг эса тарихни “иккинчи даражали” фактлар ва далиллар билан “тўлдириб” гашламаслик фикрини илгари сурди, бироқ бу билан ҳатоликка йўл қўйди. Б.Г.Могильницкий тәмонидан илгари сурилган “конкрет тарихий қонуниятлар” тушунчаси эса мавҳумлик касб этиб, қонуниятларни тарихий воқелиқдан факатгина абстартлашган ҳолда аниқланиши очиб берилмади. Н.А.Ерофеев эса тарих фани предметини бирмунча тўлақонлироқ тушунтириб беришга эришди, унинг фикрича, тарих фани инсон ва жамиятни ва уларнинг таракқиёти хусусиятлари, улардаги ўзгаришлар, уларнинг жамият таракқиётининг турли қисмларида содир бўлишини, бу жараёнларда инсон ва жамият қандай босқичлардан ўтганлигини, қандай таракқёт даражасига эришганлигини ва шу жараёнлардаги ишғироқини ўрганади. Бундай ёндашув ижтимоий тарих таракқиёти аъъаналарига яқин тушунча эди. Тарихчининг диққати нафақат тарихий шаслар ва тақрорланмас аниқ тарихий воқеаларга қаратилган, балки ўзаро муносабатлардаги ижтимоий тизимлар ва аъъаналарга ҳам қаратилган.

Мутахассисларнинг фикрича, тарих тушунчаси ҳақида ўттизга яқин ёндашув ва тадиққ этиш усулари мавжуд. Фикрларнинг бундай хилма-хиллиги, ёндашувларнинг турличалиги ҳамда тарих фанига бўлган муносабабнинг ҳар-хиллиги тарих фанининг предметини аниқлашда мураккабликлар туғдиради. Тарихшунос Н.Дорошенко тарих фани предметини “тарихий онгда ўз аксини тошган, турли тарихий йўналишларга асосланган, турли тарихий вазифаларни бажарувчи, одамларнинг тарихий турмушидан таркиб тошган реал қонуний, тарихий жараён муҳим элементлардан бири деб ҳисобланган тизим” сифатида тушунтиради. В.Иванов эса “ тарих оммавий ҳаёт қонуниятларининг конкрет шакллариини ўрганишни предмет” – деб ҳисоблайди.

Б.Могилюницкий - “тарих одамлар фаолияти, шунингдек ушбу фаолият оқибатлари билан боғлиқ конкрет оммавий тараккиёт қонуниятларини тадқиқ қилади”, - деб тушунтирса, тарих фани методологияси соҳасида йирик тадқиқотларни амалга оширган тарихчи И.Ковальченко эса “тарихий тараккиёт ўз мақсадига эга бўлган одам фаолиятини ўзида акс эттиради, бу эса илғор қонуний ҳамда ички шартларга эга бўлган жараёндир. Бу жараённинг конкрет йўналишида органик равишда моддийлик ва маънавийлик, объективлик ва индивидуаллик уйғунлашади. Бу уйғунликнинг ўзи эса таркибий шакл ва сифат бирлиги ҳолатида намоён бўлади”, - деган фикрни билдиради.

Бундай мазмундаги фикрлар бошқа бир қатор тарихчилар томонидан билдирилиб, улар тарих фани ва тарих фанининг предметини турлича ҳолатда тавсифлаб бердилар. Инглиз тарихчиси Р.Коллингвуд “қандайдир тарихий жараён ва уни англашнинг аниқ ва ягона йўли мавжуд эмас, тарихий жараён ўз-ўзидан шаклланадиган онг маҳсули ҳисобланади”, - деган фикрни илгари сурган бўлса, яна бир инглиз тарихчиси М.Оукшот – “тарих фанининг предмети бу шунчаки тарихчининг тадқиқот оламидир, ундаги жараёнлар тарихчининг тафаккури маҳсули ва конструкциясидир. Тарих бу - тарихчи ғояларининг специфик оламидир” - деган фикрни ўртага ташлайди. Тарихчи Г.Коммаджер замонавий тарих фанига таъриф берар экан, уни қуйидаги шарҳлаб беради: - “тарих амалдаги атом, кимёвий воситалар, сингари ўзини намоён эта олмайди. Бу воситалар табиатда мавжуд ва инсон уларни йўқ қилгунга қадар мавжуд бўлади. Тарих эса табиатда яшамайди, балки инсон тасаввурида, хотирасида яшайди”.

Тарих фани ҳақида бир қатор ватандошларимиз ҳам ўз қарашларини баён қилганлар. Хусусан, буюк мутаффаккир шоир ва аллома **Алишер Навоий** тарих фани ҳақида шундай фикрлар билдирган:

- *“Хукмдорларнинг қай бири зулм отини сурдию, қай бири адолат билан донг таратди ва охири бундан нима мурод ҳосил бўлганин тарихдан биламиз. Ўлкада нима обод бўлди, мамлакат нимадан тинчликка юз тутди? Ҳар бир шахснинг сифатида нима-ю, нуқсонлари нима, ҳамма-хаммаси тарихда битилган”.*

Абулғозий Баходирхон ўз асарини яратар экан, тарихий жараёнлар ва воқеаларни объектив равишда ёритишга ҳаракат қилганлигини алоҳида таъкидлайди: - *“Эмди қўнглингизга келмасунким фақир тараф тутуб*

ёлгон айтқон бўлғайман ва ё ўзимни ғалат таъриф этқон бўлғайман". У "Шажараи турк" асарини ёзишга киришар экан, Хоразм хонлари тарихини ёзишга ҳаракат қилганлиги ва бунда нафакат сарой тарихи, балки шу ҳудудларда яшаб ўтган халқлар ва уларнинг тарихи, туркий халқларнинг тарихи каби соҳаларни ҳам ёритишдан мақсад қилганлигини, бироқ айни вақтда бу тарихларни, айниқса Хоразм хонлари тарихини ёзишда бетараф бўлиш, тарафкашлик қилмаслик ёки илмий тил ибораси билан айтганда воқеаларни объектив равишда ёзишга амал қилмоқлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Абулғозийнинг тарихга бўлган муносабатидан келиб чикиб англаш мумкинки, тарих бу мамлакатнинг сиёсий мавжудлиги, унинг турли вақтларда турли тараққиёт даражасига етганлиги ёки инкирозга учраганлиги, унинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ва айни вақтда халқлар ва уларнинг келиб чиқиши, миллат сифатида шаклланиб бориши ва қадриятларини ёритиб бериши лозим бўлган фан эканлигини англаш мумкин.

Ўрта Осиё тарихчиларининг тарихни ёритишдаги, тавсифлаш ва талқин қилишдаги объективлик ва ҳолислик анъаналари кейинги асрларда ҳам давом эттирилди. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаб ижод қилган Мухаммад Юсуф Баёний "Хоразм тарихи" асарини ёзишда тарих ва унинг тавсифлашга алоҳида эътибор қаратади ва тарихни ҳаққоний, объектив равишда ёзиш шартлигини уқтиради: - *"тарих китоби ённинг бир шarti бор. Тарихий воқеаларни ёзувчи тарафдорлик этмасдан, бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиши керак. Агар ростлик билан баён этмаса, унинг сўзлари ҳеч бир одамга маъқул бўлмайди"*.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаб ижод қилган Фарғоналик тарихчи Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли Ибрат Тўрақўрғоний инсонларни ўз ўмиши ва аждодлари, яшаб турган ватани ва унинг ўтмишини билиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади ва тарихни ўрганишга даъват этади: - *"...инсон анча-мунча бақадри илми башарият таворихдан билмак лабудда ўлмоки маълумдир. Лоақал киши ўз муваттин ерини билмак заруриётдандур. Билмаса, тафосир ва аҳдидларда ва таворихларда мубаййндурки, кўрмак ва билмак илмдандур"*.

Ибрат тарих фани сифатида гарчи ўзининг "Тарихи Фарғона" асарида кўпгина тарихий жараёнларни ва уларнинг тавсифини, шахслар фаолияти

ва уларнинг тарихий жараёнлардаги ишлари ва бошқа шу каби бир қатор ҳолатларни баён этиб берган бўлсада, инсон ҷамият тараққиёти ва унинг тарихидан хабардор бўлиши, ҳеч бўлмаганда ўзи яшаб турган ватани, туғилиб ўсган замини тарихини билиши лозимлигини, бу ҳатто тафсир ва ҳадисларда ҳам шарт этиб қўйилганлиги ва бу ҳам илм эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тарихчи Мулло Олим Маҳдумхожа эса “Тарихи Туркистон” асарида тарихга шундай таъриф беради:

- «...*Илми таворих [тарих илми] нинг фойдамандлигига тамоми ғирқа муттафиқ ур-ройдурлар. Аксар тавойифи умам, балки, тамоми аҳли олам бу илмни амалга қўйиб, ғумонагонларининг ривоят ва ҳикоятлар қилиб, онинг ўзларига далил қиладурлар*”.

Атоқли ўзбек олимларидан бири Абдурауф Фитрат эса Европа тарихчилари томонидан тарих фани ва унинг предметининг турли галкинларини илгари суриш “авж” олган XX аср бошларида тарих ва тарих фани ҳақида шундай дейди: - “*Тарих миллатимизнинг, ўтмишимизнинг тараққиётини ҳамда таназулининг сабабларини ўрганадиган фандир*”.

Тарих ва тарих фани юзасидан бир қатор фикрлар билдириб ўтилганки, улар бири иккинчисининг мазмунини тўлдириб келади. Адабиётларда қайд этилишича, тарих сўзи бешта маънони ифодадан учун қўлланилмоқда:

1. *Ижтимоий тараққиёт жараёнида юзага келган воқелик, ҳаёт;*
2. *Ўтмишга оид далил ва ҳодисалар мажмуи – ўтмиш, кечмиш;*
3. *Бирор воқеа-ҳодисанинг изчил тараққиёти ҳақидаги фан;*
4. *Ҷамият тараққиёти ҳақидаги фан;*
5. *Бирор шининг баъжарилганлигини, бирон воқеа-ҳодисанинг қачон бўлиб ўтганлигини кўрсатувчи аниқ вақт, сана.*²⁰

Мазкур фаннинг изохи келтирилган бошқа манбада қайд этилишича, тарих бу –

1. Табиат ва ҷамиятдаги ҳар қандай ривожланиш жараёни;
2. Инсоният ва унинг маҳсули бўлган тамаддунлар ривожини, ҷамият ва давлатлар ўтмиши тараққиёти жараёнини ўрганувчи фан. Тарих фани инсониятнинг бутун ўтмиши давомида ҷамият ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, жараёнларни (ҷамият ривожини) яхлит бир тарзда

ўрганади.²¹

Ҳозирги замон тарих фани алоҳида бўлимлар ва соҳалардан ташкил топган билимлар мажмуидир.

Тарихий манбалар ва мумтоз адабиётда **тарих** ва **таърих** ибораларининг турлича мазмунда қўлланилганлигини кузатиш мумкин.

Таърих (араб тилида - юз берган, содир бўлган) — машхур кишиларнинг туғилиши ва вафоти, турли бино - иншоотларнинг қурилиши, китоблар таълифи ва бошқа муҳим воқеа-ҳодисалар вақтини аниқлашчи услуб. **Таърих** кўпинча у ёки бу машхур шахснинг вафоти муносабати билан, бирор-бир тарихий воқеанинг содир бўлган санасини аниқлаш ёки унга ишора тарзида шеърий тилда ёзилган. **Таърих**да қўлланган сўз ва иборалар, уларни ташкил этган араб ҳарфларининг абжад раками билан қўшиб ҳисобланганда, маълум бир сана келиб чиқади. Санани билдирадиган сўз ёки ибора **таърих моддаси**, уларни ташкил этган ҳарфларнинг абжад бўйича йиғиндиси **жумал** дейилади. **Таърих** фақат мустақил ёзилмай, баъзи бир асарларнинг ичида ҳам келади.

Таърихда муаллиф кўзда тутган сана сўз ёки муаммо усулида ифодаланади. Шунга қўра, **таърих сариҳ** (очик, равшан) ва **таъмия** (беркитилган, яширилган) каби икки турга бўлинади. **Таърих**нинг сариҳ турида сана очик ифодаланса, таъмияда аввал таърихнинг моддаси топилади. Тарих асарларида ва манбаларда **таърих**лар қўлланилган ҳолатлар жуд кўп учрайди.

Масалан, Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарини ёзган вақти ҳақида қуйидаги тўртликни битган:

*Бу номаким лисоним ўлди қойил,
Килким тили ҳар наъв эл ишига моил,
Тарихи “хуш” лафзидин ўлди ҳосил,
Ҳар ким ўқуса илоҳи бўлғай хушдил.*

Бу тўртликда алоҳида таъкидланган “хуш” сўзи асарнинг ёзилиш вақтига ишора бўлиб, унинг **таърихи** саналади, бундаги ҳарфларнинг ракамлар бўйича йиғиндиси ҳижрий 906 санани (милодий 1500 й)

²¹ «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004, 8-жилд. 274-б.

англатади.

Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достонининг ёзилиши санасига қуйидагича ишора қилинган:

*Чу таърихи йилин айлаи десангиз туз,
Саккиз юз саксон эрди, доғи туққуз.*

Мазкур **таърих**да келтирилган ишорага кўра шоир достонининг ёзилиш йили хижрий 889 (милодий 1484) йилни билдиради.

Мирзо Улуғбекнинг ўлими билан боғлиқ санага ишора қилинган **таърих**да эса қуйидаги мисраларни ўқини мумкин:

*Улуғбек, баҳри улуму хирад,
Ки дунёу динро аз ў буд пушт,
Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид,
Шудаи ҳарфи тарих “Аббос қушт”.*

Яъни, Улуғбек ақл ва ҳунар денгизи, дунё ва диннинг таянчи эди. Аббоснинг кўлидан шахидлик шаробин ичди ва “Аббос қушт” (Аббос ҳалок этди) сўзи унинг **таърихи** бўлиб қолди. Тарихий манбаларга кўра Мирзо Улуғбек милодий 1449 йилнинг 27 октябрь куни ўлдирилган. Юкоридаги **таърих**даги “Аббос қушт” сўзидаги ҳарфларнинг аждад ҳисоби бўйича йиғиндиси ҳам милодий 1449 йилни ифодалайди.

Тарих ва тарихга алоқадор иборалар, сўзлар ва тушунчалар бугунги лугатимизда ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Умумий тушунчаларга кўра **тарих** ўтмиш ва унда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни англатади. **тарих фани** уларни ўрганувчи, ўргатувчи ва тадқиқ этувчи фандир. Шунингдек **тарихан** ибораси орқали тарихга алоқадорлик, тарихга асосланганлик, тарихий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда каби тушунчаларни, **тарихий** ибораси орқали тарихда қолувчи, тарихга кирган, тарих фанига оид, тарихга доир, қадимги каби тушунчаларни, **тарихийлик** ибораси орқали бирон-бир воқеа ёки ҳодисанинг уни юзага келтирган мавжуд тарихий шарт-шароит ёки вазият билан узвий боғланишнинг текшириш ва баҳолаш тамойилини, **тарихнавис** ибораси орқали тарихни тавсифлаш, тарихни ёзиш, тарихни ақс эттириш, манбаларни яратиш каби тушунчаларни, **тарихшунос** ибораси орқали тарих тадқиқотларининг муаммолари ва

улани ўрганувчи фани ва ёки шу соҳа билан шуғулланувчи мутахассиси, **тарихчи** ибораси орқали эса ўтмишдаги йилномачилар, солномачилар, сулолалар тарихларини ёзувчилар, бугунги кунда эса тарих tadқиқотлари ва тарих фани, унинг ўқитилиши билан шуғулланувчи мутахассисларни тушунамиз. Тарихий жараёнларга ва уларнинг боришига таъсир кўрсатган алоҳида машҳур кишилар **тарихий шахслар** ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, тарих ва тарих фани предмети ҳақидаги тушунчалар кўп ва турличадир. Яна улардан англаш мумкинки, тарих узлуксиз доимий мавжуд бўлади. Инсон, инсоният мавжуд экан, уларнинг шажараси давом этар экан, тарих хотираларда маълум даражада “яшайверади” ва аввалги жараёнларни маълум даражада сақлаб уни давом эттиради. Ана шу ҳолатнинг ўзи тарихий билим манбаи, тарих фани предмети масаласига аниқлик киритади. Н.Жўраевнинг ёзишича, “тарих фани кишилик жамиятининг ўтмишини ўрганар экан, у том маънода инсоншуносликдир. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарих фанининг предмети – инсондир”.²²

Юқоридагилардан кўринадики, тарих фани предмети ва бу тушунчанинг тарихчилар томонидан умумий ва яхлит қабул қилинган тушунчасини аниқлаб олиш мавжуд эмасдек туюлади.

*Тарих фани предмети*нинг ўзи *тарихийлик касб* тади. Ҳамма вақтда янги илмий соҳаларнинг шаклланиши ва хусусийлашуви содир бўлиб боради. Агарда фanning предмети аниқ ва конкрет ҳолда қатъий равишда кўрсатиб берилса, бунда илмий tadқиқотлар ҳам ўз якунига етган ва тўхтатилган бўлар эди. Бироқ бу билан, фanning предмети аниқлаш муҳим эмас, деган тушунча келиб чиқмайди, балки фanning предмети аниқлаштирган ва уни аниқ тушунган ҳолдагина биз фан соҳасида кўпгина натижаларга эришишимиз мумкин.

Айрим тарихчилар tadқиқотлар жараёнида назарияни инкор қилган ҳолда кўпроқ фактлар (далиллар) ни шарҳлашга асосий эътибор қаратсалар, баъзилари аксинча тарихий воқеаликни инкор қилган ҳолда, тарихни ҳаддан ташқари социологиялаштириш ва психологиялаштиришга уринадилар. Бундай қарама-қаршиликдан равшан бўладики, таъсифланарсиз тарих бўлиши мумкин эмас ва айни вақтда назарий тушунчалар ва методологиясиз ҳам тарихнинг бўлиши мумкин эмас. Бундан кўринадики, тарихчиларда ягона аксиоматик назария (изоҳларга


²² Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Т.: “Мавнавият”, 2008.

муҳтож бўлмаган ягона назарий коида ва тушунчалар) мавжуд эмас, балки назариялар ва интерпретациянинг хилма-хиллиги мавжуд ва тарих фани предметининг асосий хусусияти ҳам ана шунда.

Тарих фанининг тармоқлари

Тарих фани кўп тармоқли фан бўлиб, инсон ва жамият тараққиёти билан боғлиқ бир катор соҳалар ривожланиши жараёнларининг умумийлиги маҳсулидир.

Ҳарбий тарих - тарих фанининг энг қадимий тармоқларидан биридир. Хатто “тарихнинг отаси” Геродот ва бошқа антик давр тарихчилари ҳам қадимда содир бўлган урушлар ҳақида алоҳида ва кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирганлар. XVIII асрдан бошлаб эса ҳарбий тарих ҳарбий тўқнашувлар тарихи сифатида ривожлана бошлади.



XIX asr oxiri – XX asr boshlaridan boshlab, urushlar xususiyatidagi yuzaga kelgan ўzgarishlar taʼsiriida xarbiy tarix sohasida

нафакат ҳарбий соҳага алоқадор масалаларнинг ўзинигина, балки жамият таракқиётига алоқадор масалаларни ўрганила бошланди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, ҳарбий тарих фани соҳаси таркибига урушгаётган мамлакатлар ва давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганиш соҳалари ҳам қўшилди. Ҳозирги вақтда ҳарбий тарих предмети бирмунча кенгрок тусда, яъни “уруш ва жамият” тушунчасига эга бўлиб, айрим вақтларда ҳарбий мутахассислар ҳарбий ҳаракатларни ўрганиш учун ҳам жалб этилади.

Ҳарбий тарих фани — тарих фанинг таркибий қисми бўлиб, урушлар, ҳарбий жанг санъати, қуроли кучлар, ҳарбий техника ва ҳарбий билим бериш, ҳарбий қўмондонлар, қўшинлар, давлатларнинг ҳарбий фаолияти тажрибаларини ўрганади.

Ҳарбий тарих фанининг тармоқларига урушлар тарихи, ҳарбий жанг санъати тарихи, қуроли кучларнинг шаклланиши ва тузилиши тарихи, ҳарбий ўқ отар қуроллар ва ҳарбий техниканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи, ҳарбий қисмлар тарихи ва ҳарбий тафаккур тарихи қиради. Шунингдек ҳарбий тарихшунослик, ҳарбий археология, ҳарбий геохронология, ҳарбий статистика соҳалари ҳарбий тарих фанининг махсус тармоқлари саналади.

Ҳарбий соҳа ва унинг таракқий этиб бориш жараёни ҳақида асосий тушунчаларни бериш имкониятига эга бўлган урушлар тарихи ҳамда ҳарбий жанг санъати тарихи ҳарбий тарих фанининг етакчи тармоқлари ҳисобланади.

Ҳарбий тарих фани ҳам бошқа фанлар каби маълум билимлар соҳасига таянади ва ўзига хос анъанавийликка эга. Сиёсий қарашлар, методологик ва назарий ёндашувлар таъсирида урушларнинг хусусиятлари, моҳияти ва ўрнига баҳо беришда турлича ёритилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда ХХI аср тарихчилари олддаги асосий вазифалардан бири урушлар тарихига, ҳарбий ҳаракатлар тарихига қатъий объективлик, соф илмийлик ва тарихийлик нуқта-назаридан ёндашиш саналади.

Сиёсий тарих — тарих фанининг энг дастлабки юзага келган тармоқларидан бири бўлиб, бу тарих ўз таркибига фуқаролик жамияти тарихини, сиёсий воқеалар тарихини, сиёсий тизимларни бошқариш ва ижро этувчи ҳокимият тарихини киритган ҳолда тарих фанининг ўрганилишини маълум даражада ўзгариб боришига таъсир кўрсатди.

Инглиз тарихчиси Д.Элтонинг фикрича, **сиёсий тарих** жамиятнинг таркиби бўлган инсон фаолиятини ўрганади. Бунда асосий эътибор инсон фаолиятини фақатгина тавсифлаб беришга эмас, балки уни тушуниш ва идрок этишга йўналтирилган бўлиши керак. Мазкур тарихчи ўз фикрини давом эттириб, сиёсий тарих статистикага буткул боғлиқ бўлиб қолмасдан, абстракциядан қочиш ва фақатгина ижтимоий тарихни ёзмасдан, инсон фаолияти ва инсонлар билан муносабатга киришиш керак, деб кўрсатади. Бирок тарихни ёзишда социологияга кўпроқ эътибор қаратувчи бир қатор тарихчилар Д.Элтонинг бу фикрларини маъқулламайдилар ва асосий қимматли маълумотларни ижтимоий тарихдан олиш керак деб ҳисоблайдилар.

Кўп ҳолларда сиёсий тарихчилар ўз диққат -- эътиборларини инсонлар тақдирига кўпроқ таъсир этувчи сиёсий ҳокимият фаолиятини ўрганишга қаратадилар. Шунга кўра тадқиқотлар қўлами ҳам кенгайиб боради, яъни аҳолининг ҳаракатлари, алоҳида муаммолар, ҳаттоки оммавий маданият ҳам сиёсий тарихчилар диққат эътиборидан четда қолмайди. Тарих фанининг бу тармоғини ривожлантиришда тарихчи Э.Хобсбоум катта ўрин тутди. У тарихни фақатгина “олий сиёсат” соҳасида эмас, балки низолар ва қелишмовчиликлар, иқтисод, ижтимоий психология ва бошқа бир қанча гуруҳларга бўлиб ўрганишни таклиф этади.

Иқтисодий тарих статистиканинг пайдо бўлиши билан фаол ривожлана бошлади. Бугунги кунда математик моделлаштиришдан кенг фойдаланилади. Тарихчи *монетаризм, лассеферизм, Д.Кейнс назарияси* ва бошқа билимларни билмасдан туриб тадқиқотларни олиб бориши самара бермайди. Тарихчи бу соҳа тадқиқида одамларнинг яшаш тарзи ҳақида тўлиқ маълумот бера олиши мумкин бўлмаган жон бошига тўғри қелувчи иқтисодий ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотлар қаби фақатгина иқтисодий таҳлил билангина чекланиб қолмасдан, демография, социология қабиларни ҳам иқтисодий соҳа тарихини ўрганишга жалб эта олиши керак.

Ижтимоий тарих. XIX асрдан бошлаб тарихчилар томонидан тарихий тадқиқотларда оддий одамлар ва халқнинг аҳолини ўрганишга эътибор қаратиш бошланди. Марксизм таълимотида ишчилар табақаларини ўрганишга асосий эътибор қаратилди. XX асрга келиб, “анналар мактаби” ижтимоий тизим ва жараёнларни ўрганишга киришди.

XX асрнинг 60-йилларида Э.Томсон томонидан ишчилар табакасининг келиб чиқиш тарихининг ўрганилиши тарихий тадқиқотларда фанлараро ёндашувнинг имкониятларини кўрсатиб берди. Ошча тарихи. аёллар тарихи ўрганила бошланди, одамларнинг кундалик фаолияти ва шахсий ҳаётини ўрганишга эътибор кучанди. Бироқ XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярами охирларига жамият ҳаёти тарихини ўрганиш жараёнида кўпгина соҳалар эътибордан четда қолдирилиб, асосан синфий кураш масалаларига асосий эътибор қаратилиб, тарихнинг бир томонлама ўрганилишига йўл қўйилди. Шунингдек бу жараёнлардаги бир гизимлилиқ ҳам жамият ҳаётини ҳар томонлама ва атрофлиқ тадқиқ қилишга имкон бермади. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб жамият ҳаётини ўрганишдаги тарихий тадқиқотларда бундай ёндашувлар инкор қилиниб, уни ҳар томонлама тадқиқ этишга киришилди.

Диний тарих. Тарих фани соҳалари ва тармоқлари орасида энг дастлабки юзага келган тармоқлардан бири диний тарих саналади. Диний соҳа ва жамият ҳаётининг бу соҳа билан боғлиқ жиҳатларига етарли баҳо берилмаслиги умумий ҳолатнинг нотўғри талқинига сабаб бўлади. Айни вақтда бу соҳанинг икки муҳим жиҳати борки, бунга тарихчилар теология йўлидан бориш (ёки воқеликка диний нуқтаи-назардан ёндашув) ёки аксинча диний ғояларни буткул инкор қилиш, деб кўрсатадилар. Хаттоки Европа тарихчиларида бирор-бир динга эътиқод қилувчи тарихчи тарихий жараёнларни яхши тушунади, деган тушунча ҳам шаклланган эди. Бироқ бу тушунча ўзини оқламади ва бугунги кунда диний тарихга (дин тарихига) интеллектуал тарих ва ижтимоий тарихнинг ажралмас бир қисми сифатида ёндашила бошланди ва айни вақтда тарихчи аввалги даврлар тарихини ўрганиш жараёнида бу соҳага оид маълумотларни ҳам эътиборга олиши керак бўлади.

Фан тарихи. Тарих фани илм-фанга кашфиётлар рўйхати сифатида эмас, балки инсон фаолиятининг маҳсули ва айни вақтда жамият ва маданий ҳаётнинг ажралмас бир бўлаги сифатида қарайди. Илм-фан – ижтимоий ва мафкуравий хусусиятга эга. Айни вақтда тарихчилардан илм-фаннинг илмий бўлмаган тафаккур маҳсули бўлган (астрология, алхимия ва бошқ.) фанларни илмий фанлар билан аралаштириб юбормаслик талаб этилади. Бу соҳанинг тарихий тадқиқотлари жараёнида илм-фан ва жамият ўртасидаги алоқалар ва боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Аёллар тарихи ва гендер тадқиқотлари. Тарихда аёллар ҳақида маълумотларнинг пайдо бўла бошланиши *феминизм*нинг шаклланиши билан боғлиқ ҳисобланади. Бироқ XX асрнинг 60-йиллари охирилари 70-йиллари бошларига келиб “аёллар тадқиқотлари” пайдо бўлган бўлса, 80-йилларга келиб бу соҳада “гендер тадқиқотлари” деб ном олган предмет тармоғи шаклланди ва бунда асосан аёллар тарихининг *концептуал аппаратини* ўрганишга эътибор қаратила бошланди. Бу тадқиқотларнинг биринчи босқичидаёқ аёл тарихчиларнинг танкидий қарашлари биринчи ўринга чиқди. Уларнинг катъий равишида таъкидлашича, эркаклар тарихшунослиги аёлларни тарихдан “ўчириб юборган” ва энг аввало бу бўшлиқни тўлдириш лозим, колаверса жинслар орасида “тобёлик” ва “ҳокимлик” муносабатларини ҳам кўрсатиб бериш керак деб ҳисобладилар. XX асрнинг 80-йилларида маданий – тарихий тараққиётнинг маҳсули бўлган жинслар орасидаги нотенгликнинг ижтимоий хусусиятига урғу берган ҳолда тадқиқотлар эмалга ошириш юзасига келди. Гендер тадқиқотларининг асосий мавзулари оила ва никоҳ, уй ҳўжалиги ва бозор, ҳуқуқ ва сиёсат, дин ва таълим, маданият соҳаларига йўналтирилган.

Санъат тарихи. Санъат тарихи ҳақида тарихчиларнинг ўз нуктаи-назарлари мавжуд. Агар санъатшунослар санъат асарининг яратилиши санаси, муаллифлиги ва услуби каби жиҳатларини биринчи ўринга қўйсалар, тарихчилар эса мазкур санъат асарининг яратилишидаги шарт-шароитлар, композициялар, контекстлар, интеллектуал ва ижтимоий тарихи жиҳатларини асосий ўринга қўядилар. Тарихчи асар яратилган давр тадқиқи жараёнида ўша даврнинг эстетик қарашларини ҳам ўрганиш билан бир вақтда ўзи ҳам бу соҳада маълум билимларга эга бўлиши лозим. Санъат тарихини чуқур ўрганиш тадқиқ этилаётган давр маданий ҳаёти тарихини кенгрок ва батафсилрок тушуниш ва тадқиқ этишда муҳим ўрин тутди. Шу нуктаи-назардан ўрганилаётган давр тарихи ҳақида маълум билимларга ва маълумотларга эга бўлган тарихчи тадқиқотчида санъатшунос тадқиқотчидан фарқли ўларок маълум даражада имкониятлар кўпроқ бўлади.

Интеллектуал тарих. Интеллектуал тарих дастлабки вақтларда йирик мутафаккирларнинг ғоялари тарихи сифатида ривожланиб келди. Кейинрок эса кўплаб ғояларнинг аксариятини ташкил этувчи ва ўзини оқламаган ва ҳаётга кириб бормаган бундай ғояларни ўрганиш зарурияти

борми, деган савол пайдо бўлди. Тарих фанида постмодернистлар қарашлари ва тадқиқотлардаги ёндашувларининг шаклланиши ва тараккий этиб бориши билан интеллектуал тарих ҳам янгилашиб борди. Натижада интеллектуал тарих ўз тадқиқот қўламлигини кенгайтириб бориб, тадқиқотлар жараёнида тарихий воқеаларга диний ва айни вақтда илмий қарашларни, турли вақтларда содир бўлган қарашлар ва уларнинг келиб чиқиши ва оқибатлари ва бошқа шу қабиларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни вақтда йирик мутафаккирлар ва уларнинг фикр ва ҳождарига, улардан қолдирилган матнлар, турли даврларнинг тилшунослиги қабил соҳаларга ҳам қизиқиш ортиб бормоқда.

Маданият тарихи. Маданият тарихи тарихий тадқиқотларнинг анъанавий ва асосий тармоқларидан бири саналади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, маданият тушунчасининг ўзи бир неча талқинда мавжуд бўлиб, кенг қўламли тушунча бўлганлиги сабабли, файласуфлар ва маданиятшунослар томонидан бу тушунчага аниқлик киритувчи ўнлаб таърифлар бериб ўтилган. Тарихчилар томонидан маданият тарихининг тадқиқотлари жараёнида бундай тушунчаларнинг деярли барчасидан фойдаланиб ўтилганлигини тарихий тадқиқотларда кузатиш мумкин.

Бугунги кунда янги маданият тарихи шаклланиб бўлиб, унинг асосини тил, матнлар ва нарратив тизимлар (семиотик ёндашув) ташкил этади. Янги маданият тарихи халқ маданияти ва этнос маданиятнинг бир-бирига қарама - қаршилигини инкор қилади. Бугунги кунда маданият тарихи билан шугулланиш маданият фалсафаси ва маданиятшунослик соҳаларида бирмунча жиддий тайёргарлик ва билимларга эга бўлишни талаб этади. Айни вақтда янги ёндашувлар эса янги-янги натижаларни бериши шубҳасиздир. Қўнгина тарихчиларнинг фикрича айнан маданият тарихи тарихи синтезининг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин, ваҳоланки айнан ана шундай синтез воситасини шакллантириш ва асослаб беришга қўнгина авлод тарихчилари томонидан уринишлар бўлган.

Дипломатия тарихи. Дипломатия тарихининг шаклланиши ва муаммаллашиб бориши ҳам тарихий тадқиқотларнинг илк қўрилишларида учрайди. Бунда асосан тарихчилар томонидан қироллар, шохлар, хонлар, дипломатлар ва элчиларнинг ўзаро алоҳида музокаралари тарихини ёритишга асосий эътибор қаратилган. Кейинчалик дипломатия тарихи соҳасига аста-секин янги тушунчалар кириб қела бошлади ва энди тадқиқот жараёнида иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳам ҳолатига

эътибор қаратила бошланди. Халқаро муносабатлар тарихи шаклланиб эса давлатлар тизимига ва тузилиши жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. XX аср охирига келиб у ёки бу халқларнинг ўзига хослиги муаммолари тадқиқот жараёнига аралаша бошлади. Бунда халқларнинг ўзига хос бебаҳо тарихий меросини яхши англаш мақсадида уларнинг менталитетига, маданиятшунослигига алоҳида урғу берила бошланди. Халқларнинг ўзаро бир-бирини яхши тушуниши ва англашини кучайтириш мақсадида тарихчиларнинг тадқиқотлар жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги ҳам йўлга қўйилган.

Юқорида тарих фани ва унинг тармоклари ҳақида сўз юритилган бўлсада, бунда фanning ва у билан боғлиқ барча тармоқларнинг тавсифи тўлиқ келтирилмаганлиги ўз-ўзидан тушунарли. Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари тарихни хронологик даврлаштириш, яъни қадимги даврлар, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврлар тарихига бўлиб ўрганиш, шунингдек, алоҳида олинган давлатлар, минтакалар тарихига ва бошқаларга асосланган ҳолда ўрганиш мумкин. Жаҳон тарихини глобал тарзда кенг ва атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш билан бир қаторда алоҳида инсонлар, шахслар, воқеалар, қишлоқлар, шаҳарлар тарихи билан боғлиқ кичик-кичик тарихий тадқиқотларни (микротарих) ҳам амалга ошириш мумкин.

**Таянч
тушунчалар:**

Билиш объекти, тарих фанининг билиш объекти, фанлараро ёндашиш, тадқиқот предмети, фалсафий йўналишлар, тадрижий ривожланиш, антропология ёндашув, тарих фанининг тармоқлари ва тузилмалари, сиёсий тарих, ҳарбий тарих, диний тарих, фан тарихи, гендер тадқиқоти, санъат тарихи, интеллектуал тарих, маданият тарихи, дипломатия тарихи, микротарих, нарратив, элитар.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Билиш объекти нима?
2. Тарих фанини билиш объектини тушунтириб беринг.
3. Тарих фанининг умумий таснифини айтиб беринг.
4. Тарих фанида фанлараро ёндашишдан фойдаланишнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Тадқиқот предмети нима?
6. Тарих фани ҳақидаги қандай фалсафий йўналишларни биласиз?

- 7 Тарих фаннинг тармоклари ва тузилмаларини айтиб беринг.
- 8 Сийсий тарих соҳасининг мазмунини айтиб беринг.
- 9 Ҳарбий тарих соҳасининг мазмунини айтиб беринг.
- 10 Диний тарих соҳасининг мазмунини айтиб беринг.
- 11 Фаннинг тарихи мазмунини айтиб беринг.
- 12 Аёллар тарихи ва гендер тадқиқотларини тушунтириб беринг.
- 13 Санъат тарихи соҳасининг мазмунини айтиб беринг.
- 14 Интеллектуал тарих соҳасининг мазмунини айтиб беринг.
- 15 Маданият тарихи соҳасининг мазмунини айтиб беринг.
- 16 Дипломатия тарихи соҳасининг мазмунини айтиб беринг.

Мавзуга алоқадор изоҳли сўзлар лугати:

Феминизм	-	юнон мифологиясидаги адолат маъбудаси Фемида номи билан рамзий боғланган бўлиб, XX асрда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши ҳояси.
Синтез	-	ходисаларни ўзаро боғланган, бир бутун ҳолда текшириш, олинган натижаларни умумлаштириш, улардан бир бутун хулоса чиқариш
Абстрактлнк	-	маъхумлик, фикрнинг маъхумлиги.

Мавзунинг мустақамлаш учун тест топшириқлари

1. **Тарих фанининг билиш объекти нима?**
 - A. Инсоният тарихининг барча даврларида содир бўлган воқеалар, жараёнлар, воқеликлар мажмуасидир.
 - B. Жамиятда содир бўлган воқеаларнинг тарқиб, жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва қўламини жиҳатидан кенглиги.
 - C. Объектив воқелик.
2. **Тарих фани илмий хулосаларини чиқаришда нимага асосланилади?**
 - A. Тарихий тадқиқотларнинг натижасига
 - B. Ўрганиш объектининг хусусиятига.
 - C. Объектив воқеликка.
3. **М.Вебернинг фикричата тарих фанининг предмети - ... ?**
 - A. Буюк саясатчиларнинг юзага келиши, тароққий этиши ва тавазулга учрашидир.

- В. Тарих фанининг объектив предмети йўқ
 С. Дипломатик алоқалар ва сиёсий, ҳарбий тарих.
4. Ҳамма томонда факат киро-лар тарихини кўрмокламан, мен эса одамлар тарихини ёзмакчиман», - деган фикрни ким билдирган?
 А. Ф.Вольтер
 В. Д.Юм
 С. М.Вебер
5. XIX асрда статистик тадқиқотларнинг юзата келиши билан ... га келиши пайдо бўлди?
 А. Сиёсий тарих
 В. Иқтисодий тарих
 С. Ижтимоий тарих
6. Иккинчи жаҳон урушидан кейин тарихни ўрганишда қандай йўналиш пайдо бўлди?
 А. Ҳарбий тарих
 В. Оғзаки тарих
 С. Антропологик тарих
7. "Аёллар тадқиқотлари" қачондан бошланган?
 А. XXасрнинг 80-йилларидан
 В. XIXасрнинг 70-йиллар охири - 80-йиллардан
 С. XXасрнинг 60-йиллари охири - 70-йиллари бошларидан
8. Инглиз тарихчиси Д.Элтоннинг фикрича,...жамиагнинг таркиби бўлган инсон фаолиятини ўрганади?
 А. Сиёсий тарих
 В. Ижтимоий тарих
 С. Диний тарих
9. Қачондан бошлаб ҳарбий тарих ҳарбий тўқнашувлар тарихи сифатида ривожлана бошлади?
 А. XXасрдан
 В. XIXасрдан
 С. XVIIасрдан
10. "Конкрет тарихий қонуниятлар" тушунчасини ким илгари сурган?
 А. М.Барг
 В. Б.Г.Могильницкий.
 С. Н.А.Ерофеев

ШАРҚ ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*

Тарихнинг “танқидий” ёки “таҳлилий” фалсафаси, Шарқ тарихнавислигининг ўзига хослиги, “Авесто”, Ўрхун-Енисей битиктошлари, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Халдуinning тарих ҳақидаги қарашлари, Абулғозий Баҳодирхон, Муҳаммад Юсуф Баёний, Ибрат, М.Бехбудий, А.Фитратларнинг тарихий асарларида тарих фанининг талқини, Шарқ тарихнавислиги ва унда ҳам тарихни ёритишдаги фалсафий ёндашувларни ёки услубларни

*

Методология - бу инсон ва инсониятнинг барча даврлардаги назарий ва амалий фаолиятини ўрганишни ташкил этиш ва уни тартибга солиш йўллари ва услублари ҳақидаги билимлар мажмуидир.

Методологиянинг умумий ижтимоий – тарихий ва маданий асослари унинг шаклланишида ва айни вақтда янги методологик омилларнинг шакллантирилиши ва таҳлили жараёнида мукаммаланиш нукта-назаридан намоён бўлади ва мазмунан турлилик касб этиб боради.

Методологиянинг фалсафий асосларини шакллантириш ва уни таҳлил қилиш ҳамда асослаб бериш борасида турли даврларда Сукрот, Платон, Аристотель, Ф.Бекон, Декарт, Кант, Шеллинг, Гегель, А.Тойнби ва бошқалар жуда катта хизмат қилганлар.

Россиялик тадқиқотчи В.П.Филатовнинг тадқиқотларидан кузатиш мумкинки, “тарих” тушунчаси ва унинг моҳияти борасида илгари сурган фикрга асосан тарих фалсафасининг икки тури мавжуд бўлиб, *биринчиси* ғарб тадқиқотчилари “субстанционал” (материал (ашёвий далайлий), исторософия) фалсафий ёндашув сифатида, яъни ўтмишда содир бўлган ҳодисалардан алоҳида айрим умумий қонуниятларни ажратиб олиш ва унга асосланган ҳолда тарихнинг барча даврлари ва ҳодисалари учун “моҳият”, “мақсад”, “вазифалар” қабиларни умумийлаштирган, ҳолда белгиланган олишни кўзда тутиб, *иккинчиси* аввалгисидан тубдан фарқланган ҳолда тарихий жараёнлар ва уларнинг мазмуни билан шуғулланмайдиган, аксинча тарих илмининг таҳлили билан, яъни тарихий тадқиқотларнинг мазмуни, ёндашувлар, фалсафий қарашларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш билан хусусиятланадиган. Буни

тарихий тадқиқотларнинг мазмуни билан бирга уларнинг концептуал-методологик тузилиши, тарихий тавсифлаш ва тушунтириш услублари, тарихшуносликнинг бошқа фанларга муносабатини ўрганишга интилади. Тарих фалсафасининг бу типи бугунги фан оламида тарихнинг “таңкидий” ёки “таҳлилий” фалсафаси сифатида талқин этилади. Тарих фалсафасининг бу типи юзасидан XIX аср охириларида немис назарийётчилари дастлабки фикрларни шакллантирган бўлсалар, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда бу масала Европанинг бошқа давлатларига ҳам тарқалиб, етакчи назариялардан бирига айланиб боради.

Худди шу маънодаги фалсафий қарашлар Ибн Халдунга ҳам хосдир. У тарих ва тарих фанига тавсиф бериб, қуйидагиларни ёзади, яъни, *“Фаннинг икки жиҳати бор. Биринчиси қадимги мамлакатлар ва давлатлар ҳақида ҳикоя этувчи ташқи томони бўлса, иккинчиси тадқиқотларнинг бирининг тарихи ва янги фикрларни кашф этиш бўлган ички томонидир”*.

Биз ҳам қўлида тарихий жараёнлар эмас, балки тарихий тадқиқотлар ва назариялар ҳақида сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

Аслида тарих фалсафаси тушунчаси Геродот ва Фукидид асарларидаги тадқиқотлардан бошланган. Улар асосан инсоният тараққиётида *тарихни ҳаракатлантирувчи куч* сифатида тавсифлаган бўлсалар, Августин динга эътикод қилувчилар қарашларини акс эттирган ҳолда *илоҳий давлат тарихи* фалсафасини яратди. Гегель дунёвий ақл-заковат, умуминсоний тафаккур, инсоният хатти-ҳаракати ва ақл-идроқи уйғунлиги асосида юзага келган, *онг ва тафаккур ҳукмрон бўлган яхлит борлиқни тарих* деб тушунтиради. Ф.Бекон тарихий ҳақиқатни аниқлашда энг аввало тадқиқот объекти ўрганилаётган предмет ёки ҳодисанинг айнан ўзи эмас, балки, унинг моҳияти ва уни юзага чиқарувчи оддий табиий омиллар бўлиши шартлигини таъкидласа, Э.Кондильяк билишни энг оддий – хис этиш ва фикрлаш орқали амалга ошириш керак деган фикрни илгари суради. Аксарият назарийётчилар ўзлари таклиф қилган ва назарий жихатдан асослаб берган услублари *ҳақиқатни англаш* ва бу борада ҳар қандай *хатоликлардан ҳоли* бўлишда асосий эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Энг асосийси бу ғоялар ва ёндашувлар аксарият ҳолларда бири иккинчисини тўлдириб, мукаммаллаштириб келса, бошқа ҳолатларда тарихий ҳақиқатни англашда энг мақбул йўл ва услубни танлаб олиш имкониятини таъминлайди.

Бундай назардан тўн ва тарихни ўрганишга бўлган турли ёндашувлар ва услублар кўпчилиكنи ташкил қилиб, улар турли даврларда шаклланиган ва ҳатто бугунги кунда ҳам янги-янги ёндашувлар шаклланимоқда.

Умуман олганда, тарихий тафаккур ва тарих фалсафасини шакллантириш, уни ўрганиш ва тадқиқ қилишда турли-туман, бир-бирини инкор қилувчи, рад қиладиган ғоялар ва ёндашувлар мавжуд ва бугунги кунда ҳам янги шакллар, ғоялар ва оқимлар пайдо бўлмоқда. Юқорида айtilганидек, тарих фалсафаси, яъни методологиясининг инсон фаолияти билан боғлиқлигини назарга оладиган бўлсак, бу жараён, яъни тарихий тафаккурнинг шаклланиши ва тарих фалсафасини англаш жараёни инсон фаолияти билан боғланган ҳолда ҳали яна узок вақтлар давом этиши табиий ҳолдир.

Ғарб тарихчилиги ва тарих фалсафасида мураккаб жараёнлар давом этмоқда экан, шарқ тарихнавислиги ва шарқона тарих фалсафасининг мазмунини ҳам барчани қизиқтириши табиий. Шарқ тарихнавислиги ёки шарқ тарихчилиги фалсафаси бугунги кунгача тарихчилар томонидан *махсус ўрганилмаган энг муҳим илмий муаммолардан* бири бўлиб қолмоқда. Гарчи тарихчилар ва уларнинг тарих асарлари манбашунесслик нуқтаи-назаридан тадқиқ этилган ва таҳлил қилинган бўлсада, бироқ бу тадқиқотлардан шарқ тарихнавислигининг фалсафий асослари, тарихий ҳодисаларни ёритишдаги бирор-бир йўналиш ёки ёндашувларнинг *даврий* асослари борасидаги фикрларни учратиш мушкул. Бу маълумотларни биз фақатгина манбаларни мазмунан, даврий, ижтимоий ва бошқа хусусиятларига асосланган ҳолда махсус тадқиқ қилиш орқали қўлга киритишимиз мумкин.

Энг аввало айтиб ўтиш жоизки, шарқда тарих фалсафаси ёки методологияси ва унинг йўналишлари ҳамда турлари ва типлари ғарбдагидек тарзда чуқур ва турли қарашлар асосида *“шакллантирилган”* эмас. Айнан ана шу ҳолатнинг ўзи ҳам *шарқ тарихнавислигининг ўзига хослигини белгилаб беради.*

Бироқ айни вақтда инсоният таракқиёти жараёнларини умумий яхлит ҳодиса сифатида олганда шарқ ва ғарб ва унинг тарихнавислигини ҳам бир-биридан алоҳида кўрсатиб бўлмайди. Бу ҳолатда ҳам ҳар икки йўналишдаги тарихнавислик бир-бирини тўлдириб келади ва тарихни мукамал англашни таъминлайди.

Тарихдан маълумки, шарқ цивилизациялари бошқа минтакалардан

анча аввалроқ (Қадимги Мисрнинг шарқона хусусиятларини ҳисобга олсак) шаклланган. Иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиёт жараёнлари ҳам аввал шарқда шаклланиб, ўз даврига ҳос равишда мукамаллашиб, бошқа ҳудудларга, энг аввало ғарб - Европага тарқалган ёки тараққиётга таъсир ўтказган. Ўз-ўзидан тарихнавислик ва тарихий тафаккур ҳам айнан шарқда шаклланган. Айни вақтда Герадотнинг тарих фани олдидаги хизматларини эътироф этган ҳолда айтиш ўринлики, тарихга муносабат ва тарихий жараёнларни ёритиш, тавсифлаш ва тушунтириб бериш ҳам айнан шарқда шаклланганки, бу энг аввало "Авесто" китобида яққол намоён бўлади.

"Авесто" - жаҳон маданиятининг, жумладан, Марказий Осиё халқлари тарихининг қадимги ноёб ёдгорлигидир. Зардуштийлик эътиқодига аман қилувчиларнинг муқаддас китоби сифатида Ягона Тангрига топиниш шу таълимотдан бошланган. Бу китоб таркиби, ифода услуби ва тимсоллар тизими билан адабий манбаларга яқин туради. "Авесто"да тилга олинган жой номлари (Варахша, Вахш)дан келиб чиқиб, унинг Амударё соҳилларида яратилгани аниқланган. Шу асосда унинг ватани Хоразмдир, деган қараш мавжуд.

- "Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз "Авесто"нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу ҳодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. "Авесто" айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди".²⁵

"Авесто" оромий ва паҳлавий ёзувлари асосида яратилган махсус алифбода дастлаб тўққиз ҳўкиз терисга ёзилган. Илк нусхалари асосида сосонийлар даврида 21 китоб ҳолида йиғилган, бизгача уларнинг чорак қисми етиб келган. "Авесто"га шарҳлар ҳам битилган бўлиб, улар "Занд" номи машҳур.

"Авесто" инсоният цивилизация тарихининг илк саҳифаларини ташкил этгани учун жаҳон олимларининг эътиборини тортган. "Авесто" ва унинг тадкини юзасида Ф. Ницше, Ф. Шлегел, А. Майллет, В. Барролд, Е. Бертельс, Ян Рипка, О. Маковелский, И. Брагинский каби бир қатор ҳорижий олимларнинг тадқиқотлари мавжуд.

²⁵ Каримов И. А. Тарихий ҳатирасиз келажак йўқ. - Тошкент. "Шарқ" 1998. 10-б.

Ўзбекистонда "Авесто"ни ўрганиш қадимдан бошланган. Абу Райхон Беруний, Абу Жафар Табарий, Абу Бахр Наршахий асарларида "Авесто" таълимотига ва унда тилга олинган тимсолларга мурожаат мавжуд. Бу нодир илмий асарларнинг қўлёзма ва босма нусхалари ЎРФА ШИ жамғармасида сақланади. Ҳозирги ўзбек олимлари А.Қаюмов, Ҳ. Ҳомидов, М. Исҳоқов, Н. Раҳмонов каби тарихчи ва адабиёт вакиллари мазкур манба юзасидан кўплаб тадқиқотлар ва илмий ишларни амалга оширганлар.

"Авесто" ва унинг тарихий аҳамияти, уни ўрганишга бўлган эътибор нафақат Ватанимизда, балки хориж тарихчилари томонидан ҳам эътироф этилган. "Авесто" ҳақида фикр билдирар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидагиларни таъкидлаб ўтади: -"Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётвий тажрибаси, диний, ахлокий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутати. Авваламбор, шуни айтиш мумкин, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб кўри маҳсули бўлиши бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас ғасори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тунроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради.

Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам хайрағда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз.

Мисол учун, «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақалар ўзвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир.

«Авесто»да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон

ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи оламнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани аниқлатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади.²⁴

“Авесто” нафақат Ўрта Осиё, балки унга туташ ҳудудлар ва халқларнинг қадимги тарихи, маданияти, дини, маънавий меросини акс эттирувчи бебаҳо манба, балки инсоният цивилизацияси шаклланиши ва жамият тараққиётининг жараёнларини ўрганишда ҳам бебаҳо тарихий манба саналади.

Бу билан шарқда тарихни ёритишга дастлаб Ўрта Осиёда қўл урилган, деган фикрни бермокчи эмасмиз, зотан бу даврларда қадимги Хитой, Ҳиндистон, Икки дарё оралиғи, Мисрда ҳам ўзига хос тарзда тарихнавислик ва тарихий воқеа-ҳодисаларни коғозга тушириш ишларига алоҳида эътибор берилган ва ҳатто бу воқеаларни коғозга тушириб боровчи махсус кишилар ҳам шакллانган.

Илк Ўрта асрлар тарихининг муҳим жиҳатлари ва жамият ҳаётининг турли жиҳатларини акс эттирувчи яна бир муҳим манбалардан бири **Ўрхун-Енисей битиктошлари** — V аср ўрталари -VIII аср биринчи ярмида Шарқ, хусусан Осиёнинг бепоён ҳудудларида ҳукмронлик қилган ва ўз давлатчилигини шакллантирган туркий халқларнинг тарихига оид манбалардир.

Ўрхун-Енисей битиктошлари V-VIII асрларда қадимги турк тилидаги ва ёзувидаги тарихий ёдгорликлар ҳисобланади. Мўғулистондаги Ўрхун ва Жанубий Сибирдаги Енисей дарёлари сохилларида топилгани учун ҳам мазкур ёдгорликлар умумий ҳолда шу ном остида юритилади. Мўғулистондан Шимолий денгизгача, Уралдан Сахалинга қадар давом этган ҳудудларда шу ёзувдаги ёдномалар учрайди. Шимолий Кавказда XV асрда ҳам Ўрхун ёзувидан фойдаланилган. Ўзбекистон ҳудудларида (Фарғона, Сурхондарё) дан. Қозғистоннинг Талас водийларидан 20 дан ортиқ туркий-рун ёзуви ёдгорликлари топилган.

Қадимги туркий ёзувлардан бири ҳисобланган Ўрхун-Енисей ёзувининг илк кўринишлари давлатнинг маънавий ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Лекин булар туркийларнинг дастлабки ёзувлари

²⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2009. 31-32 - бб.

эмас, Сирдарё буёғидан (милоддан аввалги III - II асрлар) ҳамда Қозоғистоннинг Исик-Кўл оқидан (милоддан аввалги IV аср) топишган ёзувлар ҳам туркийларга хос битиклар ҳисобланади. Бу битиклар орасида албатта Ўрхун-Енисей битиктошлари алоҳида тарихий аҳамиятга эга, айниқса Култегин, Билга хоқон, Тўнюкүк ёдномаларида турк хоқонлиги ва унинг бир қатор давлатчилик масалалари, бошқаруви, давлатнинг таназзули, сиёсий тарқоклик каби ҳолатлар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Култегин битиктоши 732 йилда Турк хоқонлиги (551-745) нинг лашкарбошиси шарафига ўрнашган. Битиктош икки қисмдан - Кичик ва Улуғ битикдан (муаллифи Йўлдиш такин) иборат. Битикда Табғач, Тибет, Сўйд, Туркаш, Қирғиз каби номлар тилга олинган. Битиктошлар XIX аср охирида топилиб, У.Томсен томонидан ўқилган ва илмий муомалага киритилган. Турк - руш битиклари АҚШ, Польша, Венгрия, Финляндия ва Туркияда ҳам ўрнатилган. Россияда В.Радлов, С.Малов, И.Стеблева ишлари маълум. Ўзбекистонда Фитрат, А.Қаюмов, Н.Раҳмонов ва бошқалар тадқиқот ишларини ҳақ қилганлар.

Тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси маърифатли жамият қуришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилар экан, тарих бунда ўтмишни англаш, уни ҳис этиш ва тушуниш пировардида кишилар руҳиятида маънавий ва руҳий эътиқодни шакллантириш ва бу орқали жамиятни маънавий жиҳатдан ислоҳ қилиш, айни вақтда ўзликни англаш ва ўзини бошқалар билан қўйишнинг саклаб қолишида энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

“Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавийлигини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгоруликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.²⁵

Шарқда, ҳусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида яшаб ижод қилган фозил кишилар томонидан яратилган тарих, шунингдек география ва фалсафага оид асарларнинг аксариятида тарихий жараёнлар ва воқеаларни ёритиб беришга катта ўрин берилган. Қизиғи шундаки, XV асргача бўлган даврдаги бу асарлар муаллифлари орасидан (Наршахий, Жувайний каби)ларни ҳисобга олмаган ҳолда) биронтасини айнан тарихчи деб кўрсатиш мушкул ёки улар саноклигини, сабаби шарқ тарихнавислигининг, асосан ислом олами тарихнависларининг қўйчилиги

тарихдан бошқа соҳаларда ҳам етук олимлар ва фозил кишилар ҳисобланган. Бу эса уларга тарих соҳасидаги билимларни фақатгина рўй-роҳат вокеларни тавсифлаш (тарихий материализм) орқали эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабаблари, мазмуни ва натижалари ҳамда оқибатларини ҳам таҳлил қилган ҳолда, уларнинг алоҳида шахс ёки инсонга ва айни вақтда мамлакатга, жамиятга таъсирини фалсафий мушоҳадалар орқали ёритиб беришларига имкон берган. Тарихни ёритишга бўлган бундай ёндашувни Абу Наср Фаробий, Низомулмулк, Абу Райҳон Беруний каби олимларнинг турли вақтларда ёзилган асарларида кузатиш мумкин.

“Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам гонилади”.²⁶

Шарқ тарихчилари орасида Абу Райҳон Беруний (973-1048 йй) алоҳида ўрин тутали. У турли мазмунда, жумладан фалсафий, географик, этнографик, жумладан тарих соҳаларига оид 150 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Мутафаккирнинг 152 асаридан 15 таси бевосита тарих ишмига бағишланган. Айниқса тарих тўғрисидаги чуқур билимларини ўз ичига олган “*Осор ул-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия*” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) ҳамда “*Ҳиндистон*” ёки “*Китаб таҳқиқ молиҳ-Ҳинд мин манкула фи-л-ақл ва-л-марзума*” (“Ҳиндларнинг ақлга синадиган ва синмайдиган таълимотларининг тадқиқ этиш”) ва “*Китоб ул-мусаммара фи ахбори Хоразм*” (“Хоразм ҳақидаги ахборотлар ҳақида суҳбатлар”) номли асарлари билан жаҳон тарих фани ва маданият тарихига катта ҳисса қўшди.

Беруний сиймоси ҳақида сўз юритар экан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидаги фикрларни билдиради: - “Миллий тарихимизнинг яна бир ёрқин юлдузи Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берад экан, америкалик фан тарихчиси

²⁶Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. 30-31 - бб.

Саргон XI асри «Беруний асри» деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало комусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан таракқиётига қўшган бекиёс ҳиссаси билан изоҳланади. Шу ўринда таъкидлаш жонзки, Беруний илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам ўта ҳолислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган. Шу биле ҳам у ҳаётда кўп азиятлар чеккан, ҳатто умрининг охирида гурмуш қийинчиликларига дучор бўлган, аммо ҳар қандай оғир шароитга қарамасдан, эътиқодидан қайтмагани унинг ўз маънавий идеалларига нақадар содиқ бўлганидан далолат беради.²⁷

Абу Райҳон Беруний асарлари орасида “Осор ул-боқия” асари алоҳида муҳим аҳамият касб этиб, асарда қадимги Ўрта Осиё, Юнон, Эрон, Ҳинд, насроний, яҳудий ва бошқа халқларнинг исломиётгача бўлган тарихи, урф-одатлари, байрамлари ва асосан вақтни ҳисоблаш таквим-хронология тўғрисида мукаммал маълумот берилган. Берунийнинг Хоразм тарихига оид асари юқорида зикр этилган номдан ташқари, яна “Тарихи Хоразм” ва “Машоҳири Хоразм” (“Хоразмнинг машҳур кишилари”) номлари билан ҳам машҳур бўлиб, унинг айрим лавҳалари – пәрчалари Абдулфазл Байҳакийнинг 1056 йили ёзиб тамомланган “Тарихи Байҳак” ва Ёқут Ҳамавийнинг “Мўъжам ул-булдон” асарларида сакланиб қолган. Берунийнинг “Китоб фи ахборот ал-мубаййизот вал-каромитга” (“Ок қийимлилар ва қарматларнинг хабарлари ҳақида китоб”) асари ҳам тарих илми учун алоҳида қийматга эга. Унда ўша замонларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган ижтимоий ҳаракат – қарматлар ҳаракати ҳақида диққатга сазовор маълумотлар бор.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, шарқда тарихга қизиқиш, инсоният тарихий таракқиёти босқичларини ўрганиш кенг тараккий этган. Бу борада юқорида айтиб ўтилганидек нафақат тарихий мазмундаги, балки бир асарнинг ўзида бир неча соҳалар ҳақидаги, яъни тарихий, фалсафий, тарихий-фалсафий ва тарихий-бадний мазмундаги кўплаб фикрларни ўз ичига олган, уларнинг таҳлили, тавсифи ва шарҳлари бериб ўтилган кўплаб нодир асарлар яратилган. Улар жумласига Абу Жаъфар Табарийнинг (839-923 йй) “Тарихи Табарий”, “*Тарихи ар-русул ва ва-л-милук*” (Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи), Абу Бакр Мухаммад Жаъфар ан Наршахий томонидан ёзилган ва тарихи асарлари орасида нодир асар саналган “*Таҳқиқ ал-виҷоят*” (Вилоятларнинг тадқиқотлари), “*Тарихи Бухоро*” (Бухоро тарихи), “Ахбор ал-Бухоро” (Бухоро ҳақида хабарлар) каби асарларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкинки, уларда тарихий воқеаларнинг таҳлили, шарҳлари, тавсифи, ҳодисаларнинг фалсафий-

мантийкий ифодалари ўз аксини топган.

Абу Муҳаммад ал-Куфийнинг (X аср) *“Футухи ибн Аъсам”*, араб тарихчиси ва географи, файласуфи Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мушқуя (X аср - 1030 й.) Абу Али Мисковайхнинг *“Адаб ал араб ва-л-фурс”* (Араб ва форсларнинг одоб қоидалари), олти китобдан иборат бўлган *“Таҳсил ал ахлоқ”* каби асарларида инсоният яхлит ўтмишининг таракқиёт омиллари, айрим халқларнинг анъаналари, турмуш тарзи ва ҳаёт тажрибалари акс эттирилган бўлса, олти жилдан иборат *“Китоб тажориб ул-улуъ”* (*“Халқларнинг тажрибалари ҳақида”*) номли асарида мусулмон мамлакатларининг қадим замонлардан 983 йилгача тарихи ёритиб берилган. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий(VIII аср иккинчи ярми - IX аср ўрталари, Хоразм) *“Китоб ал-тарих”*, (*“Тарих китоби”*) ўрта Осиёда ёзилган дастлабки тарих китобларидан бири бўлса, унинг *“Китоб ал-сурат ал-арз”* (*“Ер тасвири китоби”*) асарида ўрта Осиё ва унга яқин жойлашган халқлар, Каспий денгизи, Хоразм (Орол) денгизи ва шу каби географик ҳудудлар ва жойларнинг таъриф – тавсифи келтириб ўтилган. Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Мадоний (IX аср, Арабистон)нинг *“Китоб ал мағозий”* (*“Урушлар (тарихи) ҳақидаги китоб”*), *“Тарих ал-булдон”* (*“Мамлакатлар тарихи”*) каби икки юздан ортиқ асар яратган бўлиб, бу асарларнинг аксариятида илк ўрта асрларда мусулмон мамлакатлари ва уларга туташ ҳудудлардаги асосан сиёсий, ҳарбий, дипломатик тарих масалаларига катта эътибор қаратилган. Яна бир араб тарихчиси Абулаббос Аҳмад ибн Абу Яъқуб ибн Жаъфар ибн Ваҳб ибн Вадиҳ ал-Котиб ал-Аббосий каламига мансуб ўта қимматли мазмунга эга манбалар саналган *“Китоб ал-булдон”* (*“Мамлакатлар ҳақида китоб”*) ҳамда *“Тарих”* номи билан машҳур бўлган асарлар бўлиб, уларда араб халифалиги таркибига киритилган бир қатор мамлакатлар ва халқлар тўғрисидаги маълумотлар, бу мамлакатларнинг географик ҳолати, йирик шаҳарлар ва қалъалари, аҳолиси ва унинг асосий маишулоти, урф-одатлари, улардан олинадиган хирожнинг умумий миқдори ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган асарлар қаторида Абубакр Аҳмад ибн Яхъё Жабир ал-Балазурийнинг (IX аср) *“Китоб футух ал-булдон”* (*“Мамлакатларнинг забт этилиши”*), Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфийнинг *“Китоб ул-хирож”* (*“Хирож солиғи ҳақида китоб”*), Абу Абдуллоҳ Муаммад ал-Хоразмий (X аср, Хоразм) *“Мафотих ул-улуъ”* (*“Илмларнинг қалитлари”*), Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибийнинг(961-1038-йй, Нишопур) *“Иътимом ад-даҳр”* ёки *“Иътимом ад-даҳр фи маҳосин аҳл ул-аср”* (*“Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонининг дурдонаси”*), Абу Наср Муҳаммад ибн Абдужаббор Утбийнинг (961-1036 йй, Эрон) *“Тарихи Яминий”*, Абулқосим ибн Ҳавкал ан-Насибий - Ибн Ҳавкалнинг (976 йй)да вафот

этган) “*Китоб ул-мамолик ва-л-мамолик*” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”) ёки иккинчи қисмча номи “*Китоб сурат ал-арз*” (“Ернинг сурати”), Абу Саид Абулхайр ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизийнинг (XI аср) “*Зайн ул-ахбор*” (“Тарихлар зийнати”), Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Хусайн ал-котиб ал-Байҳакийнинг (995-1077 йй, Нишопур) “*Тарихи Масъудий*” (“Масъуд тарихи”), шунингдек турли мамлакатларда ва турлих даврларда яшаб ижод қилган ва кейинги асрларда яратилган Шиҳобуддин ибн Аҳмад ибн Али Муҳаммад Насавийнинг (XIII аср, Хоразм) “*Сийрат ас-султон Жалолуддин Менкбурни*” (“Султон Жалолуддин Менкбурнинг таржимаи ҳоли”), Аълоиддин Отамалик ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Жувайнийнинг (XIII аср, Ғарбий Хуросон). “Тарихи жаҳонкушой” (“Жаҳонгир (Чингизхон) тарихи”), Рашидиддин Фазлуллоҳ ибн Абулхайр ал-Ҳамадонийнинг (1247 - 1318 йил 18 июль) “*Жомъ ут-таворих*” (“Тарихлар мажмуаси”), Ҳамдуллоҳ ибн Абубакр ибн Аҳмад ибн Наср Муғавфий Қазвинийнинг (1281 – 1350 йй, Қазвин) “*Таворихи гузида*” (“Сайланган тарих”), Низомуддин Шумийнинг машҳур “*Зафарнома*”си, Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳавофийнинг (XIV аср – 1430 йил Хирот, Ҳамадон) “*Маҷма ат-таворих*” асари, Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбекнинг (1394 – 1449 йй, Самарканд) “*Тарихи арбаъ улус*” (“Тўрт улус тарихи”), Камолуддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исоҳқ Самарқандий - Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482 йй.) “*Матлаъ ус-саъдайн ва маҷмаъ ул-баҳрайн*” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи ва икки азиям дарёнинг қўшилиш ери”) номи йирик тарихий асари, Мир Муҳаммад ибн Саййид Бурхониддин Ховандшоҳ ибн Камолуддин Маҳмуд ал-Балхий - Мирхонднинг (1433-1497 йй.) “*Равзат ус-сафо*” (“Соф жаннат боғи”) ёки “*Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиъ ва-л-мулк ва-л-хулифо*” (“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги соф жаннат боғи”) номи билан машҳур бўлган умумий тарихга онд асари, Абдулла Насруллоҳий ёки Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Насруллоҳнинг (XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг биринчи ярми) “*Зубдат ул-асар*” (“Солномалар асари”) асари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530 йй, Андижон, Агра) “*Вақоеъ*” – “*Бобурнома*” асари, Абулғози Баҳодирхоннинг “*Шажарайи тарокима*” ва “*Шажарайи турк*” каби тарихчилар томонидан яратилган юзлаб тарихий, географик, этнографик, маданият ва санъат, адабиёт ва меъморчилик, иктисодий ҳаёт ва мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ҳамда дипломатик муносабатлар ҳақидаги қимматли ва турли-туман мазмундаги маълумотларни ўзида жамлаган асарлардан ҳам кўриш мумкинки, улардаги манбалар муаллифлари томонидан тарихий воқеалар ва жараёнларнинг ёритилиши, тавсифи, таҳлили ва айрим ҳоллардаги танқидий хулосалари за мулоҳазаларни қилиб тарих фани ҳақидаги кейинги асрларда (асосан

XVIII асрдан бошлаб) Европада юзага келган фалсафий ёндашувларнинг ҳам асосий элементларини кузатиш мумкин. Шарқ тарихчилари, хусусан ўзбек халкининг фарзандлари саналган Абу Бакр Муҳаммад Жаъфар ан Наршахий, Абулғозий Баҳодурхон, Ибрат, Огахий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Аваз Муҳаммад Агтор Хўкандий каби бир қатор тарихнавислар ҳам ўз асарларини яратиш жараёнида тарих илми ҳақида қатор қимматли фикрлар ва фалсафий ёндашувларини баён этганлар.

Абулғозий Баҳодурхон тарих ва тарихчилар ҳақида куйидаги фикрларни билдиради: - *"Муаррихлар ... онларнинг подшоҳлик қилгон, тузгон ва ўлгон тарихларини, яхши ва ёмон қилгон ишларини ёзиб турурлар. Бир подшоҳ отина бир донишман киши бир тарих айтиб турур. Яна бир неча ишлардан сўнг шул подшоҳнинг авлодидан бир подшоҳ бўлгонда тақи бир донишманд муаррих пайдо бўлуб, маи ул бурунги муаррихдан яхши айтурман теб, бу подшоҳнинг отина тақи бир тарих айтиб турур. Шундоқ қила-қила подшоҳларнинг отларига баъзиларига ўн тарих, баъзиларига йигирма тарих ва баъзиларига ўнтуз тарих айтиб турурлар"*. **Абулғозий Баҳодурхон** ўз асарини яратар экан, тарихий жараёнлар ва воқеаларни объектив равишда ёритишга ҳаракат қилганлигини алоҳида таъкидлайди: - *"Эмди кўнгалнгизга келмасунким фақир тараф тутуб ёлгон айтқон бўлгайман ва ё ўзимни ғалат таъриф этқон бўлгайман"*. Шарқ тарихнавислигида нафакат адабиёт, шеърят ва бошқа китобатчилик соҳаларида, балки тарих ва тарихнавислик соҳаларида ҳам тил омилнга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, тарихий асарлар муаллифи Абулғози ўз асарларини она тилида ёзаётганлигини таъкидлаб: - *"... бу тарихни яхши ва ёмон барчалари билсин, деб турк тили билан айтдим. Бир қалима чизатой, туркийдан, форсийдан ва арабийдан қўшмайман, равишан бўлсин деб, туркийни ҳам андоқ айтибманки беш яшар ўлгон тушунар"*, - деб ёзади. Абулғози тарихий воқеаларни бадий лавҳа ва шеърлар орқали тавсифлайди.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаб ижод қилган тарихчи **Муҳаммад Юсуф Баёний** "Шажарайи Хоразмшоҳий" асарини ёзар экан, ундаги айрим воқеалар тафсилотларини ўзидан аввал Огахий томонидан ёзилган асарлардан тонмаганлиги ва энди бевосита ўзи тарихий жараёнлар иштирокчилари ва шохидларининг сўзларидан ёзишга ҳаракат қилганлигини таъкидлайди: - *".... юқорида зикр этилган давр тарихини (Муҳаммад Раҳимхон II нинг (1865-1910 йй) 1872 йилгача бўлган хонлик даврини -- З.И.) ўша даврда ишга аралишиб юрган бир неча кекса одамларни топиб, улардан бўлган воқеаларни сўраб, диққат билан ҳақиқатлаб ёздим"*. Муҳаммад Юсуф Баёний "Хоразм тарихи" асарини ёзишда тарих ва уни тавсифлашга алоҳида эътибор қаратади ва тарихни ҳаққоний, объектив равишда ёзиш шартлигини уқтиради: - *"тарих китоби ёзишнинг бир шарти бор. Тарихий воқеаларни ёзувчи*

тарафдорлик эмасдан, бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиши керак. Агар ростлик билан баён эмаса, унинг сўзлари ҳеч бир одамга маъқул бўлмайди". XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаб ижод қилган Фарғоналик тарихчи Исоҳқон Жувайдулоҳўжа ўғли Иброт Тўрақўргоний инсонларини ўз ўтмиши ва аждодлари, яшаб турган ватани ва унинг ўтмишини билиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади ва тарихни ўрганишга даъват этади: - *"...инсон анча-мунча бақадри илми башариёт таворихдан билмак лабудда ўлмоқи маълумдир. Лоақал киши ўз муваттин ерини билмак заруриётдандур. Билмаса, тафосир ва аҳодисларда ва таворихларда мубаййиндурки, кўрмак ва билмак илмдандур"*. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида асосан Ўрта Осиё ва қўшни туркий давлатларда кенг тарқалган ва таълим соҳасининг тараккий этишига маълум даражада таъсир кўрсатган жадидчилик ҳаракати ва жадид намоёндалари ҳам тарих фанига алоҳида эътибор қаратганлар ва уни чуқур ўрганиш шартлиги ҳақидаги фикрларини билдирганлар. Жумладан, тарих фанининг жамият таракқиёти, миллатнинг ўзлигини англашдаги нуфузли ўрнига алоҳида эътибор қаратиб, тарих фанини ўрганишга М.Бехбудий, А.Фитрат ва бошқалар атрофлича эътибор қаратганлар. Жумладан, М.Бехбудий шундай дейди: - *"Ҳозирги дунёда яшаш, зиёли, қомил ва одил бўлиш учун ўз ватани ва ўз тарихини ўрганиш даъвати билан чиқиб лозим"*. Абдурауф Фитрат эса тарих илмига аввалги муаллифларга нисбатан аниқроқ таъриф бериб шундай дейди: - *"Тарих миллатимизнинг, ўтмишимизнинг таракқиётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўрганадиган фандир"*.

Юқорида номлари келтирилган олимлар ва тарихчиларнинг тарих ва тарих фани, тарих илмий ҳақида келтириб ўтган фикрларидан ҳам англаш мумкинки, Шарқ, хусусан Ўрта Осиёда ҳам қадимдан тарих фани соҳаларига эътибор кучли бўлган ва айни вақтда тарихнавислар фақатгина тарихий жараёнларни тавсифлаш, манбаларни таҳлил этиш қабилар билан чекланиб қолмасдан тарих ва тарих фани ҳақида, уни қандай ёзиш ёки таҳлил қилиш кераклиги қабил масалалар юзасидан ҳам ўзларининг фалсафий фикрларини кўрсатиб ўтганлар. Шулардан қилиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Шарқ тарихнавислиги билан кенгрок танишар эканмиз, унда ҳам тарихни ёритишда ўзига хос тарзда шаклланган *фалсафий ендашусларни* ёки *услубларни* кузагишимиз мумкин.

Биринчидан, тарихни ёритишда тарихий жараёнларнинг энг аввало бутун борлик билан боғлаган ҳолда ёригилиши. Яъни, ибтидо – яралиш-воқелик. Бу анъананинг бугунги методологик қарашлар нуктаи-назаридан икки томонлама мазмунга эгаллигини пайқаш қийин эмас. *Биринчи томони* шундаки, бунда бирор-бир тарихий воқеа ёки асар яратилар экан, аввало оламнинг пайдо бўлиши, инсоннинг яралиши ва ёритилаётган воқеагача бўлган давр мобайнидаги асосий илохий воқеалар ва жараёнларнинг

ёзлатиб ўтилишига алоҳида эътибор берилган ва аксарият тарихчилар бу анъанага риоя қилганлар. Бу ёндашувнинг *иккинчи томони* Августин қарашлари асосидаги *илоҳий тарих фалсафасини* эслатсада, бироқ айнан уни ақс эттирмайди. Чунки шарқ тарихнавислигида тарихни илоҳий жараёнларнинг ақс эттириш билан бирга унга боғланган ҳолда лавом эттирилсада, бироқ тарихий жараёнларнинг ўзи айнан диний нуқтаназардан эмас, балки ўз ҳолича, яъни воқеликни ёритиб берувчи далилий ва манбавий асосларга таянган ҳолда яратилганлиги билан Августин қарашларидан кескин фарқланади. Бунда дин тарихи ва диний тарих масалаларининг алоҳида йўналиш эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Эътиборли томони шундаки, инсон ва табиат, одам ва олам ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро боғлиқлик илк маротаба дунёвий фан нуқтаназаридан айнан шарқда, Абу Райҳон Беруний томонидан тадқиқ этилган.

Иккинчидан, шарқ тарихнавислигида тарихий воқеаларни ёритишда *даврийликка асосланган ҳолда ёндашув*, яъни исломгача, арабларгача, халифалиklar, амирликлар, подшоликлар, хонликлар, сулолалар каби алоҳида ҳодисаларга асосланган ҳолда тарихни ёритиш ҳам устувор йўналишлардан бири ҳисобланган. Бунда асосий воқелик подшоларнинг фаолияти ва бошқаруви жараёнлари атрофида шакллантирилганлигини кузатиш мумкин. Бунда подшоликларнинг вужудга келиши ва сиёсий тарихи, дипломатик алоқалар жараёнлари ва давлатларнинг инкирозлари асосий диққат марказида тутилган. Ушбу даврдаги маънавий ва маданий, иқтисодий тараққиёт ёки инкироз ҳолатлари айнан шу давр ҳукмдорлари фаолияти билан боғланади. Бундай тарихий ёндашувда тарихий воқеликнинг ақс эттирилиши асосан даврий ёки худудий жиҳатдан чегараланган ва воқеаларнинг бугун моҳияти ва кўлами билан тасаввур қилиш имкониятини чеклаган. Бундай ёндашув Д.Юмнинг “тарих предмети́ни буюк империяларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва инкирози ташкил этади”, Э.Гиббоннинг “тарих урушлар тарихи ва жамиятни бошқариш шиларидан иборат”, Л.Ранкеннинг “тарих бу дипломатик муносабатлардир” каби фикрларига турли даражада мос келади. Хатто бу борада машҳур ёзувчи Ф.Вольтер кинояли равишда “ҳар томонда фақат қироллар тарихини кўриш мумкин, мен эса одамлар тарихини ёзмақчиман” деган сўзларни айтиб ўтган эди.

Учинчидан, шарқ тарихнавислигида *ахлоқий ва маънавий мезонлардан келиб чиққан ҳолда тарихий воқеликни ҳаққоний ва қандай бўлса шундайлигича талқин қилиш* ҳам устувор ёндашувлардан бири ҳисобланади. Айрим тарихчилар ўзларидан эъдин содир бўлган воқеаларни аввал ёзиб қолдирилган асарлар асосида кўрсатиб бераётганлигини ва бунда ўзларидан бирор – бир қўшимчалар қўшишга журъат этмагандикларини, яъни ўзларидан кейинги авлод учун исботланмаган ва тасдиқланмаган маълумотларни ўз китобларида қайд этишга журъат

эзмаганликларини алоҳида кайд этиб ўтганлар. Бундай кайдлар ҳамма тарихчилар томонидан эътироф этиб қолдирилмаган бўлсада, бироқ асарларни ўқиш жараёнида шундай руҳиятни сезиш мумкин.

Тўртинчидан, шарқ тарихнавислигида тарихий воқеаларни ёритишда *ижтимоий мансублик омили* ҳам учрайдики, бу айрим ҳолатларда тарихий воқеаликни бир томонлама ёки чекланган ва чегараланган ҳолда ёритилишига олиб келган. Бундай ҳолатлар аксарият ҳолларда асарлар муаллифларининг ҳукмдор таъсирида бўлганликлари ёки ундан жабрланганликлари билан хусусиятланади ва кўп ҳолатларда муболағали ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар билан воқеаликни тавсифлашга уриниш кўзга ташланади. Бундай ҳолатларни тарихнавислик билан бир вақтда шеърят ва адабийёт соҳларида ҳам кузатиш мумкин. Албатта тарихни ёритишга бундай ёндашув асл воқеаликни тасаввур этишга имкон бермайди ёки уни чеклайди ва чалғитади. Тарих тадқиқотига бундай ёндашувни шартли равишда *тарихий-бадший йўналиш* сифатида баҳолаб, унда тарихий далилларга асосланган бадший баён услубини етакчи деб ҳисоблаш мумкин. Бундай ёндашувнинг энг эътиборли томони шундаки, бунда муаллифлар *ўзларига маъқул бўлган жараённи ёки ҳодисани мутлақ ҳақиқат* деб ҳисоблайдилар, айнан ана шундай хулоса чиқариш тарихийлик ва ҳаққонийликка путур етказади.

Бешинчидан, шарқ тарихнавислиги ва тарих фалсафасида инсон ҳаётидаги, турмушидаги ахлоқий меъёрлар ва маънавий тамойилларга бўлиб даражадаги кадриятлар сифатида ёндашув ҳам етакчи хусусиятлардан биридир. Бу йўналишнинг асосчиси Абу Райхон Беруний ҳисобланади. Бунда тарихни ёритишда аниқлаб бўлмайдиган далилларни айнан юқорида кайд этилган хусусиятларга бирламчи сифатида ёндашиб хулосалар чиқаришга даъват этади.

Олтинчидан, шарқ тарих тафаккурида тарихни *Олам асослари сабабиятини аниқ излайдиган фан* сифатида ҳам ёндашилади ва тарихга воқеалар ва уларнинг сабаблари ҳақидаги чуқур илм сифатида ёндашилади. Бундай ёндашув асосчиси Ибн Халдун ҳисобланиб, у тарихий воқеаликни фалсафий тафаккур ёрдамида идрок қилиш, фалсафий фикрлар, хулосалар чиқаришга даъват қилиб, тарихни фалсафий фанлар қаторига қўшади. Ибн Халдун тарихнинг мазмуни ҳақида мулоҳаза юритар экан, уни, инсон ҳаётининг мазмуни каби, тарих тугатанидан кейингина аниқлаш мумкинлигини кайд этади. Аммо, шунга қарамай, тарихнинг мазмуни ҳақида эркинлик, ижод тўлуқчаларига таяниб ёўз юритиш мумкин, деб ҳисоблайди. Тарихнинг ҳаракатида Ибн Халдун объективдашувнинг инсон устидан ҳукмини қамайтирадиган, унинг эркинлиги ва ижодининг тантанасини қарор топтирадиган жараёнларни аниқлашга ҳаракат қилади.

Еттинчидан, шарқ тарихчилигида *адолат устуворлиги, тарих ҳақиқати* ҳамиша бош мезон бўлиши, ҳар қандай воқеа ва ҳодисанинг таҳлилида тўғри муносабат (позиция) танлаш, хулосалар чиқаришга одиллик билан ёндашишни устувор деб ҳисоблайдилар. Бундай қарашлар Беруний ва Ибн Халдун, Абулғози, Баёнийларнинг қарашларида етакчи ёндашувлардан биридир.

Шарқ тарихнавислиги намоёндалари ва уларнинг асарларининг айрим тафсилотлари билан танишар эканмиз, асосан юртимиз замининда яшаб ижод этган ва бебаҳо тарих асарлари яратган тарихчиларимизнинг асарларида бугунги жаҳон тарих фани методологиясидаги мавжуд бир қатор фалсафий мактабларининг тарих фани соҳасидаги ёндашувлари ва қарашлари турли кўринишда ва турли мазмунда бундан бир неча асарлар аввалроқ шарқ тарихнавислигида амалда бўлганлигини кўриш мумкин. Шарқ тарих фалсафасининг шаклланиши юқоридаги хусусиятлар атрофида юзага келган ва шаклланиб борган. Бироқ юқорида қайд этилган фикрлар шарқ тарих фалсафасининг бутун моҳияти ва мазмунини очиб бера олмайдики, бу борада ҳали яна кўплаб чуқур илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилиши керак.

“Бизнинг қадимий ва ўзгал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон дивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алаомаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.”²⁸

²⁸ Қаримов И.А. Юсуф маънавият — енгилмас куч, 29-30 — бб

Таянч
тушунчалар:

Онг, яхлит борлиқ ҳақиқатни англаш, шарқ тарихнавислиги, фалсафий ёндашу, ахлоқий ва маънавий мезонлар, ижтимоий мансублик омили, адолат устуворлиги, тарихий-бадиий йўналиш, Олам асослари, Шарқ тарих фалсафаси

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Шарқ тарихнавислигининг ўзига хослигини нималарда кўрасиз?
 2. Тарихий жараёнларнинг бутун борлиқ билан боғлаган ҳолда ёритилиши тушунчасини изоҳлаб бериңг.
 3. Тарихий воқеаликни ҳаққоний талкин қилиш деганда нимади тушунсиз?
 4. Ахлоқий меъёрлар ва маънавий тамойилларга одий даражадаги қадриятлар сифатида ёндашушни айтиб бериңг.
 5. Адолат устуворлиги, тарих ҳақиқати ҳамиша бош мезон бўлиши тушунчасини изоҳланг.
-
-

Мавзуни мустаҳкамлаш учун тест топшириқлари

1. ...“*Фаннинг икки жиҳати бор. Биринчиси қадимги мамлакатлар ва давлатлар ҳақида ҳикоя тувчи ташқи томони бўлса, иккинчиси тадқиқотларнинг бирининг тарихи ва янги фикрларни кашф этиш бўлган ички томонидир*”.
Ушбу фикрлар қайси аллома қаламига мансуб?
А. Абу Райҳон Беруний
В. Ибн Халдуи
С. Муҳаммад Наршахий
2. Қадимги Ўрта Осиё, Юнон, Эрон, Ҳинд, насроний, яҳудий ва бошқа халқларнинг исломиётгача бўлган тарихи, урф-одатлари, байрамлари ва асосан вақтни ҳисоблаш тақвим-хронология тўғрисида мукаммал маълумот қуйидаги қайси асарда берилган?
А. “*Китоб таъқиқ молия-Ҳинд мин манқула фи-л-ақл ва-л-марзум*”
В. “*Китоб ул-мусамма ра фи ахбори Хоразм*”
С. “*Осор ул-боқия ан ал-қурун ал-халия*”
3. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий қаламига мансуб асарни кўрсатиңг.
А. “*Китоб ат-тарих*”
В. “*Китоб ал-сурат ая-арз*”
С. А ва В
4. “*Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мудук ва-л-хулаф*” асарини ким ёзган?

- А. Мир Мухаммад ибн Саййид Бурхониддин Ховандшоҳ ибн Камолуддин Махмуд ал-Балхий - Мирхонд
- В. Абулаббос Аҳмад ибн Абу Яъқуб ибн Жаъфар ибн Ваҳб ибн Валиҳ ал-Котиб ал-Аббосий
- С. Абулхасан Али ибн Мухаммад Мадоний

5. Мўғуллар ва Хоразмшоҳлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам маълумот келтирилган асарни кўрсатинг?

- А. “Сийрат ас-султон Жалолиддин Менкбурни”
- В. “Тарихи жаҳонқушоқ”
- С. А ва В

6. “Тарих миллатимизнинг, ўтмишимизнинг таракқиётини ҳамда таназулнинг сабабларини ўрганадиган фандир”.

Мазкур фикр муаллифи ким?

- А. Махмудхўжа Бехбудий
- В. Абдурауф Фират
- С. Мулло Олим Маҳдумхожа

7. Маашхур кишиларнинг тугилиши ва вафоти, турли бино - иншоотларнинг қурилиши, китоблар таълифи ва бошқа муҳим воқеалар вақтини англатиш қуйндаги соҳаларнинг қайси бирига тааллуқли?

- А. Манбашунослик
- В. Тарихшунослик
- С. Таърих

ТАРИХИЙ БИЛИШ ГАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАРИХНИ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Англаш. Тарихий билиш тамойиллари. Билиш тамойиллари ва уларнинг регулятив функциялари. Билишнинг субъекти. Билиш субъектининг фаоллиги. Ҳақиқатни излаш. Обьективлик тамойили. XX асрда обьективлик тамойилига ҳужум. Сабабийлик тамойили. Тасоифлар, тартибсизликлар, тарихий воқеаларнинг сабаблари. Сабаб ва оқибат алоқаларини очиб мураккаблиги. Тарихийлик тамойили. Диалектик услуб. Тарихни материалистик тушуниш, воқеаларнинг генетик алоқаси. Тузилиш ва жараён. Тарих фанми ёки санъатми? Ижтимоий ва табиий фанлар услубларининг ўзаро боғлиқлиги. Тадқиқот обьектининг ўзига хослиги. Ўтмиш ҳақида тасаввур. Ўтмиш ва ҳозирги кун. Билишнинг ретроспектив характери. Тарихни ўрганишда мафкурани, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятга таъсир этган омиллар. Икки қарра субъектмолчан билим. Фикрлар ҳилма-ҳиллиги. Тарих фанидаги комплекс характерлиги.

Билиш тамойиллари тадқиқотчиға тадқиқот жараёнидаги вазифаларни бир маромда маълум тартибларга асосланган ҳолда амалга оширишида зарур бўладиган омиллардир. Улар тадқиқотчининг у ёки бу тарих мактаблари, фалсафий йўналишларга мансублиги ва дунёкараши, фикрлаши ва тафаккуридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Тамойиллар услублар билан мустаҳкам ўзаро боғлиқликда бўлганлиги учун айрим ҳолларда уларни бир-бири билан адаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш ўринлики, тамойиллар услубларга нисбатан бир мунча мураккаб ва кенг тушунча бўлиб, бир тамойил ўзига боғлиқ ҳолда бир неча услубларни шакллантириши мумкин, айтиш вақтида эса бир услуб бир неча тамойилларга хизмат қилиши мумкин.

Тарихий билиш тамойиллари деганда нимаарни тушуниш ёки тушунтириш керак савол тарихчилар ўртасида узоқ вақт мобайнида баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келди. Мавжуд барча тамойиллардан тарих

фанининг деярли ҳамма йўналишлари ва тармоқларида устувор тамойиллар сифатида фойдаланилади. Қуйида тарихчилар томонидан тадқиқотлар жараёнида кўпроқ қўлланиладиган ва нисбатан самаралироқ бўлган тамойиллар ҳақида сўз юритилади, бироқ уларни умумий қабул қилинган тамойиллар деб қатъий фикр билдириш мумкин эмас, ҳар бир тарихчи ўз тадқиқотлари жараёнида тадқиқот мазмунидан ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот натижаси учун самаралироқ бўлган тамойиллардан фойдаланиши мумкин.

Ҳолислик (объективлик) тамойили. Мазкур тамойилга кўра тарихий воқеалик объективдир, тарихий фактлар (далиллар) ва манбалар объектив мазмунга эга бўлиб, тарихий тафаккур ёрдамида объектив ҳақиқатга эришиш мумкиндир. Агар тарихчи бу тамойилга амал қилмаса, тарихий тадқиқотни амалга оширишидан самара бўлмайдиган ва ҳатоликка йўл қўйиши мумкин. Бу масалада дастлаб XIX асрда немис тарихчиси Л.Ранке тарихчиларга мурожаат қилиб, тарихни объектив (ҳолисликка амал қилган ҳолда, ҳолисона ёндашиб) ўрганишга чақирди. Унинг фикрича, “тарихчи ўтмишни тафтиш қилиб (айнан “суз қилиб”) келажак фойдаси учун замондошларни ўргатиш эмас”, балки фақатгина тарихий жараёнларни тадқиқот услубларидан фойдаланган ҳолда ва тарихчиларнинг танқидларига амал қилган ҳолда қандай бўлса шундайлигича кўрсатиб бериши керак. Бу амалга ошириш мураккаб бўлган идеал тадқиқот, бироқ уни тўлиқ равишда амалга оширишга ҳаракат қилиш тарихчи учун зарурдир”. Л.Ранкеннинг Германиядаги касбдошлари унинг бу фикрларига қўшилмадилар ва тарихчи сиёсатдан четда туриши мумкин эмас, деган қарши фикр билдирдилар. Г.Трейчкеннинг фикрича “тарихчи “фақатгина қабрда ётганида” сиёсатдан (ёки сиёсий мансубликдан) ҳоли бўлиши мумкин”.

Марксистлар тарихчиларнинг сиёсатга алоқадорлигини синфий қарама-қаршилик (ёки синфий мансублик) нуқтаи назаридан кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Бунда уларнинг аксарият кўпчилиги бошқа бир марксист Г.Плехановнинг тарих фани бирор-бир партия ёки сиёсатга боғлиқ бўлиши мумкин эмас, фақатгина тарихчининг ўзи бундай ҳолатга мансуб бўлиши мумкин, деган қарашларини ҳам инкор қилдилар. XX аср дастлабки чорағида бу қарама-қаршилик аста-секин сўниб борди ва асосан собиқ совет тарихчиларидан “сўнгги тарихий жараёнлар ҳақида тарих фанига ўзгартиришлар киритиш” ва тарихчиларни “мафқуравий фронт

жангчилари” сифатида шакллантирилиши талаб даражасига кўтарилди. Бундай вазиятда бу тарихчилар томонидан тарихий ҳақиқатни излаш ва ҳолисона тарихий тадқиқот олиб бориш амалда ўз аҳамиятини йўқотди. Совет мафкураси тарих фанини ўз таъсирига олиб унинг фан сифатидаги мавқеига ҳам путур етказа бошлади.

XX аср давомида европалик файласуфлар томонидан ҳам объективлик (ҳолислик) тамойилини инкор қилиш ва уни гурлича талқин қилиш ҳолатлари давом эгди. *Субъективлик ва релятивизм* кенг тарқалиб, оммалаша бошлади. Бирок XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб *постмодернистларнинг* тарих фани ҳақидаги фикрлари ва қарашлари, бир қатор илмий-назарий ёндашувлари илгари сурила бошлагач объективлик (ҳолислик) тамойилига қарши яна бир “хужум” юзага келди, яъни, постмодернистларнинг “тарихчилар ҳеч қачон объектив ҳақиқатга эриша олмайдилар ва бу борадаги ҳаракатлари самарасиз якун топади” деб таъкидлайдилар.

Бирок тарихчилар постмодернистларнинг бу фикрларини тўлиқ инкор қиладилар ва ҳеч қачон тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши ва уни амалга оширишдан тўхтамайдилар. бу асрлар давомида тарихчилар томонидан амалга оширилган тарих асарларининг яратилиши ва улардаги тарихий жараёнларнинг ёритилиши ва кейинги даврларда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг илмий ҳулосаларилан ҳам англаш мумкин. Агар танқид асосли бўлса, у ҳар доим тарихчилар томонидан инобатга олинади ва бунда тарихчилар албатта тарихий ҳақиқатнинг (тарихий ҳолисликнинг) қарор толиши ва илмий жиҳатдан асосланиши ҳамда тадқиқот олдига қўйилган мақсадларини амалга оширилиши учун янги услубларни излаб топишга (шакллантиришга) ва уларни илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади. Бунда тарихчига таъсир этиши мумкин бўлган бир қатор омиллар (сиёсий, миллий, диний, ижтимоий ва бошқалар) ҳам борки, улар ҳам баъзида тарих тадқиқотларида ўз таъсирини кўрсатиши мумкин, бундай ҳолларда билдириладиган танқидлар тарихчига энг тўғри йўналишни танлаб олиши учун туртки бўлиши шубҳасиздир.

Тарихчи тадқиқот объекти, тарихий воқеалик ёки жараён ва ҳодисаларни ҳар томонлама ўрганиши лозим. Билиш объекти ҳар доим тарихий жараённинг бевоқифа илгирокчиси. бўлади жараённинг бутун моҳиятини ўзида акс эттиради.

Тадкикот жараёнида ҳолисликка (объективликка) эришиш учун билиш субъективнинг фаоллиги ҳамда кузатувчанлиги, кенг мушоҳада юрита олиши, тафаккури ва билишга интилиши, тадқиқотлардаги барча услубларни, айниқса фанлараро ёндашув услубларини қўллаши катта ёрдам беради.

Тарихчига зарур бўладиган омиллар бу – юқори даражадаги профессионаллик (юқори даражадаги касбий маҳорат ва билим), кенг тафаккури ва чуқур ақл-заковатга эгалиги, тадқиқ этилаётган давр (тадқиқ этилаётган тарихий даврлар) инсонлари (инсоният) олдидagi жавобгарлик ҳиссининг юқорилиги ва аynи вақтда масъулиятни ҳис эта олиши, аynи вақтда касбдошлари олдидa ва қолаверса, замондош кишилар олдидaги жавобгарлик ҳиссининг юқорилиги ва масъулиятни ҳис эта олиши ҳисбланади. Шу билан бирга тарихчининг фаоллиги, манбалардаги маълумотларни илмий муомалага жасиб қилиниши, моделлаштириши ва бошқалар жараёнида ўзбошимчилик ва хатоликка йўл қўймаслик ҳам тарихчи олдига қўйиладиган муҳим талаблардан саналади.

Тадқиқотчи агар тарихий тадқиқот объекти ёки тадқиқ этилаётган материал билан яккама-якка қолгандагина (болиқа таъсирларга учрамаган ҳолда) унинг тадқиқот жараёнидаги ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлади, бунда тарихчи тадқиқотчининг ҳаққонийлиги ва истеъдодидан тадқиқотнинг натижаси юзага чиқади.

Детерминизм тамойили. Сабабийлик ғояси янги даврда ўрта асрлардаги Уйғониш даврига хос бўлган башоратчилик ғояси ва воқеаларнинг “тасодифийлиги” ғояси ўрнига пайдо бўлди. Сабабийлик тамойили француз ва немис маърифатпарварлари томонидан илгари сурилган. Улар тарих - тартибсиз тасодифлардан иборат деган ғояга қарши чиқдилар. Маърифатпарварларнинг детерминизм тамойили катъий мазмунга эга бўлиб, у тарихда тасодифлар бўлиши мумкин деган қарашларни буткул инкор қилиб хатоликка йўл қўйди. XIX асрда шаклланган эволюцион (тадрижийлик) услуби (позитивистлар ва марксистларнинг қарашларида) сабаб ва оқибатларнинг узлуксиз кетма-кетлигига асосланган эди.

Детерминизм тамойили тадқиқотчининг эътиборини тарихий ҳодисалар ва воқеаларнинг шартли равишда ўзаро бир-бирига боғлиқ равишда содир бўлишига қаратади. Бу тамойилга қўра барча воқеалар ва ҳодисалар ўзаро бир-бири билан боғлиқ равишда содир бўлади ва бир-

бирига таъсир кўрсатади. Тарихчи тадқиқот жараёнида тарихий воқеалар ва ҳодисаларнинг сабаб-оқибатларига кўра алоқадорлигини, у ёки бу ҳодисаларнинг содир бўлишига туртки бўлган омилларни аниқлашга эътибор қаратиш талаб этилади. Бунда тизимли ёндашув ёрдамида тузилишдаги алоқадорлик ўрганилади.

Кўпгина тарихчилар ўз тадқиқотларида тарихий воқеаларнинг сабабини аниқлашга ҳаракат қиладилар ва бу тарихдаги заруриятлар ва қонуниятлар алоқадорлиги мавжудлигининг эътироф этилишидир. Бирок бугунги кунгача тарихий тараққиёт қонуниятларининг мавжудлигини инкор этувчилар *детерминизм тамойилини* ҳам инкор қиладилар ва тарихий воқеаларнинг, ҳодисаларнинг тасодифий эканлигига урғу бериб, детерминизм (сабабийлик) тамойили инсон эркинлиги омили билан мос келмаслигини кўрсатадилар. Тўғри, тарихда тасодифий ва олдидан айтиб бўлмайдиган воқеалар ва ҳодисалар ҳам рўй бериши мумкин, инсон таълаш ҳуқуқига ҳам эга, бироқ у ўз олдига қўйган максалига эришиши учун имкон бермайдиган ёки мураккаблаштирадиган бошқа инсонлар ва жамиятдаги турли тизимлар билан тўқнаш келиши ёки муносабатга киришишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Детерминизм тамойилига ишончсизликнинг асосий сабабларидан яна бири тарихдаги воқеаларнинг сабаб-оқибат алоқадорлигини очиб беришнинг мураккаблигидир. Камдан – кам ҳолларда тарихий воқеалар бир ёки икки сабаб билан боғлиқ бўлиши мумкин ва бунда бир қатор омилларни кўрсатиб бериш ва аниқлаш талаб этилади. Шу ўринда айтиш керакки, позитивистлар *“тенг ҳуқуқли” омиллар* (иктисодий, сиёсий, мафкуравий ва бошқалар) *парадигмасини* илгари сурганлар. Уларнинг таъкидлашича, бу омиллар тарихчи томонидан бирдек ўрганилиши керак (яъни тадқиқот жараёнида бу омилларнинг барчасига бирдек, тенг ва мутаносиб муносабатда бўлиш керак) ва тадқиқот жараёнида у ёки бу омилни бир-бирига нисбатан даражасини пасайтириши ёки биронтаси бошқасидан устун бўлиши ёки асосий ва ҳал этувчи омил сифатида кўрсатилиши мумкин эмас. Амалда эса позитивистлар тарихий тараққиётнинг содир бўлиш иди белгилаб берувчи омилларга муқаммал омиллар сифатида ёнбосганлар. Аслида бу тушунчалар бирмунча мураккабдир. *Сабабларнинг* бир қанча *даражаслари* мавжуд. Масалан, икки давлат ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ (алоҳида) *қоқкрет, аниқ ва равшан, тушунарли сабаблар* (масалан, XIX асрнинг

60-йилларида Россия империясининг Қўқон хонлигига (кейинроқ Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига) қарши уруш эълон қилиши ва уни босиб олиши) бўлса, иккинчидан **алоҳида махсус** сабаблар ҳам мавжуд (юқоридаги мисолдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, XIX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида Россия империяси ҳудудларининг кенгайтириб борилиши сиёсати) бўлиб, шунингдек **умумий сабаблар** (масалан, Россия империясининг XIX асрда бошқа мустамлакачи мамлакатлар каби дунёни таъсир доираларига бўлиб олиш сиёсати) мавжуддир. Албатта юқорида айтиб ўтилганидек, иктисодий, сиёсий, стратегик, психологик, мафкуравий ва бошқа сабаблар бу жараёнларнинг содир бўлишида омил (сабаб) бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда тарихчилар тарихий жараёнларнинг келиб чиқиши ва содир бўлиши жараёнларини ўрганар эканлар, бир омил ёки сабабни асосий омил ёки сабаб сифатида кўрсатмайдилар (ёки асосланмайдилар), балки бир қанча омиллар (сабаблар) ёки айни вақтда бир гуруҳ сабаблар ва омилларга асосланадилар, шу сабабни бир тарихий воқеа ва жараёнлар юзасидан тадқиқот олиб борган тадқиқотчиларнинг фикрлари тадқиқот учун омил бўлган асосий сабаблардан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши (бирида сиёсий жараёнларга асосий эътибор қаратилган кенгрок таҳлил этилган бўлса, бошқасида иктисодий, яна бирида ижтимоий ва маданий ва ҳ.к.) мумкин.

Тарихий жараёнларнинг сабабларини аниқлаш борасидаги давлатлар ўртасидаги муносабатлардан ҳам мураккаброқ бўлган ҳолатлар бу энг машхур давлат ва жамоат арбобларининг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятларининг сабабларининг аниқлаш жараёнидир, чунки тарихнинг боришидаги айрим ҳолатларга маълум даражада таъсир ўтказиши мумкин бўлган бундай арбобларнинг ўзларига ҳам у ёки бу омиллар таъсир ўтказиб туради. Шу сабабни ҳам тарихда бирон-бир тарихий шахснинг фаолиятини ўрганиш энг мураккаб жараёнлардан бири саналади. Бундай ҳолатларда ҳам тарихчиларнинг фикрлари бир-биридан фарқлашиши мумкин.

Юқоридагиларга ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, тарихий воқеликни аниқлашда унинг сабаблари ва оқибатлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш тарихий жараёнларни тушунириб беришнинг энг асосий воситаси саналган. У жуда мураккаб бўлган тушунча бўлиб, бугунги

кунгача тарихий муаммоларда унинг мохиятини тугал маънода ва мукаммал даражада таърифлаш имкони бўлмаган. *Постмодернистлар детерминизм тамойилини* катъий равишда инкор қиладилар ва тарихга узук-юлик, бир-бири билан боғланмаган тарқок жараёнлар сифатида муносабатда бўлиб, тарихчилар бундай тарзда кечувчи жараёнлар ва уларнинг мохиятини ҳеч қачон англай олмайдилар, деган ғоя билан муносабатда бўладилар. Бирок бундай қарашлар тарихчилар томонидан ҳеч қачон маъқуланмаган.

Тарихийлик тамойили. Тарихийлик тамойилининг шаклланиши ва тараккий этиб боришига бир қатор мутафаккирлар ўз ҳиссаларини қўшганлар, бироқ уларнинг орасида асосий фикрлар немис “ҳуқуқ тарихи мактаби” вакиллари, француз реставрацияси даври тарихчилари ва Г.Гегель томонидан билдирилган. Г.Гегелнинг тарихийлик тамойилининг ривожланишига қўшган ҳиссаси *диалектик услубни* асослаб берганигида эди.

К.Маркс тарихни материалистик тушуниш ғоясини шакллантириб, Г.Гегелнинг диалектик услубини материалистик асосга йўналтирди, немис “ҳуқуқ тарихи мактаби”нинг тарихийлик тамойилини “кенгайтирган” ҳолда жамиятнинг қайта шаклланиши (бошқа шаклга ўтиш - формация) ва “капитализмнинг таназзули” ҳақидаги фикрларни илгари сурди.

Немис “ҳуқуқ тарихи мактаби” вакиллари бу масалада амалдаги давлат ва ҳуқуқ шакллари сиёсатчиларнинг волюнтаризми (тарихий таракқиётнинг объектив қонунилари билан ҳисоблашмай, ўз билганича иш тутиш) оқибатлари эмас, балки узок давом этган “жонли” (органик) таракқиёт ва немис “руҳи”нинг пайдо бўлишидан келиб чиқиб ёндашганлар. Замонавий давлатни тушуниш ва унинг фаолиятини англаш учун энг аввало унинг тарихини ўрганиш лозим. Айнан ана шу тушунча тарихий тамойили эди, яъни ҳар қандай ҳодисани, тарихий воқеани, давлат муассасаларининг таъсис этилишини тушуниш учун энг аввало уларнинг тарихини ўрганиш ва тарихийликдан келиб чиққан ҳолдагина уларни англаш мумкин, деган тушунча шаклланган эди.

Тарихийлик тамойилига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида сўз юритганда қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак, яъни ҳодисалар ўрасидаги ўзаро алоқадорлик ва уларнинг келиб чиқиши ҳамда рўй

беришидаги умумий боғлиқлик ва келиб чиқиш сабабларидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, ҳодисаларнинг солир бўлиши босқичларидаги ўзаро алоқадорлик, бир ҳодиса ёки жараённинг иккинчи ҳодиса ёки жараённинг келиб чиқишидаги таъсирини ўрганиш ва аниқлаш, барча ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда уларга тарихийлик нуктаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни аниқлашда жараёнларнинг тарихий аҳамиятини кўрсатиб бериш масалаларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ҳозирги тарихийлик тамойили ва услубларининг асосий мазмунини ташкил этади.

Тизимлилик тамойили. XX асрга келиб барча фанлар тадқиқотларида *tizimlilik* услубидан фойдаланиш асосий ўрин тутиб бора бошлади, бунда тадқиқот объектига сабабийлик ва келиб чиқишидаги ҳамда вазифавий алоқадорлиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мураккаб тузилмани тизим сифатида қарайди. М.А.Барг томонидан фанга *tizimlar* (системалар) ва *tuзилishi*лар (структуралар), *tizimlar таркиблари* (подсистема) ҳақидаги тушунчалар киритилди. *Tuзилishi* – бир тизимни ташкил этувчи ҳодисалар алоқадорлиги ва уларни бир тартибга солиш шакллари бўлиб, у тарихчи эътиборидан яширин ҳолда бўлади. Шу ўринда мазкур тарихчи томонидан “*tuзилishi ва жараён*” тушунчаси ҳам илгари сурилади, бунда *tuзилishi* ўзгармас ва барқарорлик ҳолат сифатида, *жараён* эса ўзгарувчан ва бекарор, диний ҳаракатдаги ҳолат ва улар бир – бирини тўлдириб келади деб кўрсатилади.

Тарихни билишнинг ўзига ҳослиги

Тарихнинг фан ёки бадий ижоднинг бир кўриниши эканлиги борасида тарихчилар ва файласуфлар ўртасидаги баҳс ва мунозаралар узоқ вақт давом этиб келди. Кейинги фикрни асослашга кўпроқ **постмодернистлар** мойиллик билдирадilar. Тарихчилар эса айрим ҳолларда **сциентистлар** (тарихни фан деб ҳисобловчилар) ҳамда **антисциентистлар** (тарихнинг илмий эҳсослигини исботлашга ҳаракат қилувчилар) билан мунозарага киришган ҳолда, одатдагидек тарихий тадқиқотларни амалга оширадilar.

Ҳар икки қарашнинг орасида учинчи бир қараш мавжудки, бунда тарихнинг **фан** эканлиги, бироқ бошқа табиий ва аниқ фанлардан алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туриши таъкидланади.

Позитивистлар табиий фанлар ва гуманитар фанлар методлари ўртасида принципиал фарқлар мавжуд эмас деган қарашдан келиб чиққан ҳолда ўз қарашларини илмий сурадилар. (Позитивистлар тарихни "позитив" билимга айлантиришни арақат қилдилар. Бу таъқутиранинг махияти шундаки, позитивистлар ҳақда ҳариси, позитив билимлар конкрет фанларнинг маҳсулидир, фалсафа эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг қарши йўқ. Ҳақин ҳаққа исбатланган субъектив қарашга эа эдилар. Улар тарихий далиллар билан қандай ишлаш, маълумларни таҳлил қилиш бўйича бир қанча методларни тақлиф қилидилар). Бунда улар социология фанини жамият қонуниятларининг мувофиқлаштирувчи сифатига алоҳида урғу бериб, тарих фанини ҳам "позитив" билим беришга лаёқатли деб ҳисобладилар.

Неокантчилар эса позитивистларга қарши фикр билдириб, тарихнинг асосий вазиқаси қонуниятларни очини эмас, балки тарихни ташкил қилувчи алоҳида, индивидуаль, тақрорланмас ҳодисаларни ўрганишни тақлиф қилдилар. **Марксистлар** эса жамиятдаги билиш қонуниятлари ҳоясини илгари суриб, тарихни ўрганишга бўлган бошқа қарашларни сохталаштирилган ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш деб ҳисобладилар.

XX аср охирларида ҳам табиий фанлар тақдикот усулларининг (математик моделлаштирини, тартибсизлик назарияси (хаос назарияси - бундай бир нарсa ёки воқеанинг турли аралаш унсурлардан ёки аралаш воқеалардан келиб чиққанлигини асослашга ҳаракат қилувчи назария) ва бошқалар) тарих фани тақдикотларида ҳам қўлланилишининг қанчалик тўғрилиги ва самара бериши ҳақида баҳс ва мунозаралар давом этиб келди.

Бугунги кундаги ахборотлаштириш жараёналари турли фан тармоқларини бир-бирига яқинлаштира бошладди. Шунингдек, бугунги кунда фаннинг ўзига қарашлар ва фан ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўзгариб бормоқда. Ижтимоий ва гуманитар фанларда бўлгани қаби табиий фанлар қаринишида ҳам бугунги кунда энг долзарб муаммо бўлиб турган масала мутлақ, объектив ҳақиқатга эриши муаммосидир.

Тарихга бўлган муносабат ва қараш фанга бўлган муносабат ва қараш қаби бўлиши керак ва зарурдир. Бирок бунда ҳар бир фан қаби тарих фанининг ҳам ўзига ҳос хусусиятларини мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозимдир. Унинг асосий хусусияти тақдикот

объектидир, яъни у ўтмишда содир бўлганлигидир. Тарих фани вақт нуктаи назаридан олис ўтмишдаги объектни ҳаракатга келтириши керак. Бирок бунда тадқиқотчи тадқиқот объектини кузатиш ва тажрибалар ўтказиш имкониятидан маҳрум этилган. Табиий фанларда ҳам бундай жараёнларни кузатиш имконияти чекланган бўлиши табиий, тарихчида эса бундай вақтда мантиқан, фикрлаш ва тафаккури ёрдамида воқеалар тизимини шакллантириши ва моделлаштириш имконияти мавжуд. Айни вақтда тарихчида манбалар ҳазинаси ҳамда услублар ва тадқиқотлар усуллари мавжудки, бу унинг тадқиқот соҳасидаги катта устунлигидир. Тарихий билишнинг **иккинчи хусусияти** шундаки, тарихчи ҳозирги замонда турган ҳолда ўтмишнинг тадқиқ этади. Ҳозирги замон ўтмишнинг бир канча ҳодисалари ва тарихий жараёнларини **интерпретациялайди.** Бирок бунда ҳозирги замон ўтмишни айнан шакллантирмайди, балки ўтмиш бизнинг тасаввуримизда ҳосил бўлади. Маданият, мафкура, айни жамиятнинг маънавий бойликлари, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллар ҳам бунда ўз таъсирини кўрсатади. Тарих фани маданиятнинг даражаси ва хусусиятларини акс эттирган ҳолда унинг бир қисmini ўзида намойиш этади. Тарихчи ана шу маданият майдонинда фаолият кўрсатиб, ҳозирги замонда турган ҳолда тадқиқ этилаётган ўтмиш давр маданияти билан мулоқотга киришади. Ҳозирги замон омилли тадқиқотнинг чўккиси, билимнинг даражаси ва савияси, бошқа гуманитар фанларнинг таракқиётини аниқлаб беради.

Замонавийлик ва замон талабларига мосликнинг тарихчига таъсири кучлидир. *Тоталитар тузумлар ҳукмронлиги вақтида тарих фани ҳеч қандай тақаллуфсиз ўша тузум мафкурасига ва тартиб-қоидаларига бўйсунушига мажбур қилинган.*

Айрим тарихчилар ўтмишнинг бугунги кунга таъсир кўрсатган жараёнларини ўрганиш кифоядир, деган фикрни ҳам илгарӣ сурганлар, бирок бугунги кун жараёнларини билиш ва уни тушуниш, теран англаш учун ўтмиш тарихни тўлалигича ўрганиш талаб этилади.

“Презентистлар”нинг фикрича, тарих барча даврларда айни ўша замон нукта-назаридан ёзилган, яъни айни ўша вақт ёзилган тарих учун замонавийлик касб этган, шу сабабли турли вақтларда ёзилган тарих ўтмиш ҳақида ҳеч қандай объектив тушунча ва тасаввур ёки маълумот бера олмайди, деб ҳисоблайдилар. Ўтмиш ва ҳозирги замон, мозий ва келажак бир-бири билан бағлиқ ва бири-бирига мосдир. Агар ўтмишда

содир бўлган воқеа ёки тарихий жараён бир гуруҳ инсонлар манфаати ёки давлатлар қарашлари учун зарур бўлса у яна қайтадан фаоллаштирилади. Мисол учун, агар уруш ҳаракатлари олиб борилаётган бўлса, урушлар тарихига, саркардалар фаолияти тарихига, шу соҳаларга боғлиқ ислохотлар тарихига кизиқиш ортади. Презентизм тарихни модернизациялашга, яъни ўтмиш тарихий воқеаларини замонавийлаштирилишига олиб келади.

Э.Хобсбоумнинг фикрича, биз ҳозирги кун нуқтаи-назаридан ўтмиш ҳақида ҳулоса чиқарамиз, бироқ бу билан чекланиб қолсак, ўтмишни ҳам, келажакни ҳам бўлиқ тасаввур қила олмаймиз. Бу билан у жуда тўғри фикрлаган эди.

Тарихий билиш ретроспектив хусусият касб этади. Бунда тарихий тадқиқот жараёнида замонавийликдан ўтмишга томон, яъни оқибатларнинг сабабларини излашга асосий эътибор қаратилади. Бунда тарихий жараёнлар ва ҳодисаларни аввалги ва кейинги ҳолати бўйича бутун борица тасвирлаш имконияти юзага келади. Тўғри бунда ўтмишни *модернизациялаш*, яъни тарихий воқеаларнинг замонавий талабларга мослаштирилиши ёки *архаиклаштириши*, яъни тарихни айни эски ҳолатининг хусусиятларини илгари суришга йўл қўйилиши мумкин. Айни вақтда замонавий тарихчи учун ўтмиш ҳақида ва ўтмишни тасаввур қилиш ва ҳис этиш мураккаблик туғдиради, чунки ўша давр тарихчиларининг ўзлари ҳам ўз замонлари ва ўзларидан аввалги даврларни тушунишда ва тавсифлашда худди шундай қийинчиликларга дуч келганлари табиий.

Табиатдан фарқ қилган ҳолда жамиятда онги ва тафаккури жиҳатдан юксак иқтидорга эга бўлган ҳамда ўз олдига аниқ бир мақсад қўйиб унга эришига ҳаракат қиладиган инсонлар ҳаракатда бўлади ва фаолият юритади. Бундан ташқари табиий фанларда объект ва субъект бир-бирига қарама-қарши турадиган бўлса, тарих фанида ўзаро муносабатлар бир муноча мураккаб жараёндир. Тарих фанида субъект, яъни тадқиқотчининг ўзи айни вақтда тарихий жараёнларнинг иштирокчиси ҳамдир. Бу ҳолатда тарихчи, яъни субъект тарихий жараёнларни четдан туриб кузата олмайди ва бунда инсоннинг ўз-ўзини, ўзининг фаолиятини билиш ва таҳлил қилиш жараёни кечади. Тарихчи тадқиқотчи тадқиқот даражасида тарихий жараёнларда фаолияти муҳим аҳамият касб этувчи инсонлар фаолиятини тадқиқ қилар экан, унинг тарихий билиш даражаси *қийёсий хусусиятга* эга

бўлади ва бунда тарихий жараёнлардаги инсонлар фаолияти турли даражада баҳоланиб борилади. Тарихчи тарихий жараёнлар ва воқеаларнинг аҳамиятини аниқлаган ҳолда, айтиш мумкин тарихчи инсонлар фаолиятига ҳам баҳо беради. Бу тарих фанининг ўзига хослигидир. Тарих фани ҳақида фикр юритувчиларнинг кўпчилиги одатда қўлга киритилган натижаларнинг субъективлиги ҳақида фикр билдириб, буни *мутлақ ҳақиқатга* эришишдаги энг катта тўсиқ деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, И.Ковальченконинг фикр билдиришича, тарихий билиш *икки қарра субъектланган* бўлиб, **биринчидан** тарихчи субъектив характердаги тарихий манбалар билан ишлайди ва **иккинчидан**, айтиш мумкин тарихчи манбалардаги фактларнинг, улардаги тарихий воқеалар ва тарихий жараёнларнинг тавсифлари келтирилган маълумотларнинг интерпретацияси жараёнида ҳам умумий ҳулосаларни беришда ўзининг шахсий, субъектив фикрларини беришга мажбур бўлади. Адабиётларда тарихчининг субъективлигини объектив ҳақиқатга эришишдаги асосий тўсиқ сифатида кўрсатилсада, бу ерда субъективликнинг сифати аксинча, кўп асрлар оша мозийга ёриб ўтиб кириб бориш имконини беради. Бунинг ўзига хослиги ва исботи шундаки, Геродотдан бошлаб барча буюк тарихчиларнинг асарлари ва уларнинг тарихий маълумотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва барча тарихчилар учун қимматли манбалар бўлиб саналади, айтиш мумкин улар тарих фанининг ривожини ва таракқиёти учун бугунги кунда ҳам хизмат қилмоқда.

Плюрализм тарафдорлари айтиш мумкин тарихий воқеа ёки жараённинг турли асослари ва қонуниятлари мавжуд деб фикрлайдилар. Бу турли – туманлик қарашларини тарихий тадқиқот объектининг мураккаблигини, яъни тарихий воқеликнинг юз беришининг турли ҳолатлари билан изоҳлайдилар. Тарихий реалликнинг ўзини турличадир, унинг юзига келиши ва турли ўзаро алоқаларини ўрганиш керак, деб ҳисоблаб, тарихий воқелик ёки тарихий реалликни тарихий манбалар ёрдамида тикланадиган айрим маълумотлар тарзида тушунтиришга ҳаракат қиладилар. *Плюрализм* *гояси тарихчининг дунёқарашидagi турличалик ва унинг методологик билимлари билан боғлиқликни илгари сурadi.*

Тарихда барча тарихчилар томонидан баробар бирдек исботсиз қабул қилинадиган бирор-бир назария, ҳаттоки энг аҳамиятли ва энг долзарб тарихий тушунчалар ва категориялар борасида ҳам тарихчилар ўртасида ўзаро аҳднома ёки шартномалар ҳам мавжуд эмас. Шундан тарих

фани методологик ва методик полисемантилик тушунчаси келиб чиқади. Буни эса айни бир тарихий воқеа ва ҳодиса ёки жараёнинг турлича интерпретацияланиши билан тушуниш мумкин. Бу эса тарих фанини чуқурроқ англаш ва билиш имкониятини беради. Барча интерпретациялар ўзаро умумийлик касб этиб, ўтмиш воқеалар ва жараёнлар ҳақида мукаммал тасаввурнинг яратилишига имкон беради. Бунинг асосий жиҳати шундаки, у кейинги тадқиқотлар учун йўналишни аниқлаб беради, кейинги тадқиқотлар жараёнида аввалги тадқиқотларнинг хулосаларига аниқлик киритилади ва хулосалар мукаммаллаштирилиб, илмийлиги оширилади. Бу эса билиш жараёнининг тугалланмаслигини кўрсатади ва турли фикрлар тўқнашуви натижасида ишончларок хулосаларнинг чиқарилишига имкон беради.

Тарихчидан ўзига ортиқча ишонмаслик ва ортиқча баҳо бермаслик, баъки билиш жараёнида қийинчиликларни енгиб ўтмиш талаб этилади. Чунки тарих фанининг шундай хусусияти борки, бу унинг зиммасида барча ижтимоий ва гуманитар фанларнинг илмий соҳалаги ютуқларини умумлаштириган ҳолда, интеграллаштириш ва уларни тарих фани тадқиқотларида қўллашдек комплекс хусусиятидир. Бу барча тадқиқотчиларининг ҳам қўлидан келавермайдиган ўта мураккаб вазифадир.

**Таянч
тушунчалар:**

детерминизм, индетерминизм, (сабабийлик) таъойили, марксизм, постмодернистлар, релятивизм, субъективлик, таъойиллар, билиш таъойиллари, тизимлилик (системалилик) таъойили, система, диалектика, тизимлилик: услуби, Ҳолислик (объективлик) таъойили.
Тадқиқот объект, ўтмиш ҳақида тасаввур, ретроспектив, икки қарра субъектланган билиш, фикрлар ҳақида-ҳақиқи, тарих фанининг комплекс характерлиги, постмодернистлар, сициентистлар, антисициентистлар, полизистлар, неокантчилар, марксистлар, интерпретация, презентистлар, модернизациялаш, архайкализация, плюрализм, мутлақ ҳақиқат, қиёсий хусусият, полисемантилик.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тарихий билиш тамойилларини шарҳлаб беринг.
2. Билиш тамойиллари ва уларнинг регулятив функциялари тушунчаларининг мазмуни?
3. Билишнинг субъекти нима?
4. Билиш субъектининг фаоллиги нима?
5. Обьективлик тамойилини шарҳлаб беринг.
6. XX асрда объективлик тамойилига хужум қандай тушунча?
7. Сабабийлик тамойилини тушунтириб беринг.
8. Тасодифлар, тартибсизликлар, тарихий воқеаларнинг сабаблари тушунчаларининг мазмуни?
9. Сабаб ва оқибат алоқаларини очишнинг мураккаблиги нима?
10. Тарихийлик тамойилини тушунтириб беринг.
11. Диалектик услуб қандай услуб?
12. Тарихни материалистик тушунишнинг моҳияти?
13. Тузилиш ва жараён тушунчалари?
14. Тарихнинг фан ёки санъат эканлиги борасидаги қараишлар ҳақидаги фикрингиз?
15. Ижтимоий ва табиий фанлар услубларининг ўзаро боғлиқлиги қандай ҳолатларда қўринади?
16. Тадқиқот объектининг ўзига ҳослиги?
17. Билишнинг ретроспектив характери деганда нимани тушунасиш?
18. Икки қарра субъектланган билим нима?
19. Фикрлар ҳилма-ҳиллигининг аҳамияти?
20. Тарих фанининг комплекс характерлилиги нималарда акс этади?

Мавзуга алоқадор изоҳли сўзлар лугати:

Волонтаризм

фалсафада воқеликнинг истиғи продаладир деб билувчи ва объектив тараккиёт қонунларини рад этувчи идеалистик йўналиш. Психологияда иродави психик ҳаётнинг асосий омили деб қараи. Тарих фанида эса тарихий тараккиётнинг объектив қонунлари билан ҳисоблашмай, ўз билганича иш тутуиш. Волонтаристларнинг таъкидлашича, инсон тарихни ижод қилувчи, уни шакллантирувчи омилдир, инсон тарихий жараёнда ўзига зарур ва ўзи хоҳлаган жамиятни барпо эта олиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Детерминизм

(лотин. “аниқлайман”) – моддий ва маънавий олам ҳодисаларининг объектив қонуниятли ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги, нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги фалсафий таълимот. Детерминизмнинг марказий ўзагини сабабиятнинг, яъни ҳодисалар ўртастида бир

ходиса (сабаб) муайян шароитларда муқаррар равишда бошқа ҳодисани (оқибатни) келтириб чиқарадиган алоқадорлик мавжудлиги хақидаги қонда ташкил қилади. Детерминизмнинг акси **индетерминизм** бўлиб, у умуман сабабиятни ёки алоқани унинг умумий хусусиятига тан олишни рад этади. Тарих фанида **детерминизм (сабабийлик)** **тамойили** француз ва немис олимлари томонидан илгари сурилган. Улар тарих фақат тасодифлардан иборат деган ғояга қарши чиққанлар. Сабабийлик тамойили тарихий воқеликнинг ўз сабабига эълолигига эътибор беради. **Детерминизм (сабабийлик)** **тамойили** тадқиқочининг эътиборини тарихий ҳодисалар ва воқеаларнинг шартли равишда ўзаро бир-бирига боғлиқ равишда содир бўлишига қаратади. Бу тамойилга кўра барча воқеалар ва ҳодисалар ўзаро бир-бири билан боғлиқ равишда содир бўлади ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Айрим тарихчилар сабабийлик тамойилини тан олмайдилар, чунки тарихий воқеаларнинг сабабини очиб бериш жуда мураккабдир.

Детерминизм

парса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари хақидаги материалистик таълимот

Диалектика

мавҳумлик кенг маънода билимнинг “қашшоқлиги”, бир томонламалиги, қонкретлик эса унинг тўлиқлиги, мазмундорлиги сифатида тушунилади. Шу маънода мавҳумликдан қонкретликка ўтиш илмий билиш жараёнининг умуман олганда қам мазмунли билимдан қупроқ мазмунли билимга ҳаракатини билдиради

Интерпретация

шарҳлаш, изоҳлаш, тушунириб бериш, талқин қилиш, очиш

Марксизм

тарихий-фалсафий йўналиш сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада шаклланди. **Марксизм** йўналишининг асосчилари германиялик К.Маркс (1818-1883 йй) ва Ф.Энгельс (1820-1895 йй) ҳисобланади. Улар тарихий материализм ғоясини асослаб, барча тарихий жараёнларнинг асосини ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил этади мазмундаги ўз фикрларини илгари сурдилар. **Марксистлар**(марксизм тарафдорлари)нинг қарашларига кўра жомеанин умумий тарихи бу иккисолий ва сийсий ҳоқимият (ҳуқуқронийк) учун кўраш жараёнидан иборат. Бунда сийфий кўрза тарихий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи қучи ва иккисолий муносабатлар жамият таракқийетининг асосий омилли сифатида биринчи ўринга қўйилади.

Панорализм	борлиқнинг ёки билим асосларининг бир неча ёки жуда кўп мустақил бошлангичи мавжуд деб даъво қилувчи сохта фалсафий таълимот
Позитив	- тажрибага, фактларга асосланган
Полисемантизм	- кўп маънолилиқ.
Постмодернистлар	- тадқиқот объектнинг субъектдан, далилларни уйдирмадан алоҳида ажратмайдилар ва объектив ҳақиқатга эришишни шубҳа остига қўядилар.
Релятивизм	<i>релятивистик</i> - Релятивистик ёндашув (релятивистлар) - воқеликни объектив равишда билиш мумкинлигини инкор этадиган методологик гоя, унга нисбийлик асосида ёндашиш тарафдорлари.
Система	муайян тарзда ўзаро боғланган ва бир қадар яхлитликни ташкил этадиган элементлар мажмуи. Тармоқ, шаҳобча, бирлик, бутунлик ташкил этувчи нарсалар мажмуи. Тарих фанида умумий яхлит тарихий жараёнларнинг таркибни ташкил этувчи тарихий жараёнлар, воқеалар, ҳодисалар мажмуи.
Субъективлик	<i>фалсафа фанида</i> ташки, моддий дунё мавжудлигини инкор этиб, улар фақат одамларнинг оғидагина мавжуд деб қарайдиган фалсафий оқим; <i>тарих фанида</i> эса тарихий воқелик ва тарихий жараёнларга, уларнинг тадқиқи ва таълиқи жараёнида ҳолис (объектив) бўлмаган, ўз мансублиги ва дунёқараши жиҳатидан келиб чиққан ҳолдаги илмий бўлмаган ёндашши.
Тамойиллар	тадқиқотчиға нисбатан қўйилган талаблар. Билиш тамойиллари тадқиқотчиға тадқиқот жараёнидаги вазифаларни бир маромда маълум тартибларға асосланган ҳолда амалға оширишида зарур бўладиган омиладир. Улар тадқиқотчининг у ёки бу тарих мактаблари, фалсафий йўналишларға мансублиги ва дунёқараши, фикрлаши ва тафаккуридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Тамойиллар услублар билан мустаҳкам ўзаро боғлиқликда бўлганлиги учун айрим ҳолларда уларни бир-бири билан алмаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, айтинчи ўринлики, тамойиллар услубларға нисбатан бир мунча мураккаб ва кенг тушуنча бўлиб, бир тамойил ўзига боғлиқ ҳолда бир неча услубларни шакллантириши мумкин, айни вақтда эса бир услуб бир неча тамойилларға хизмат қилиши мумкин.

Тизимлилик
(системалилик)
тамоийли

XIX асрда тарихчилар жамиятни, тарихий воқеаларни тизимлилик асосида (системалаштириб) ўрнатиш бошлаган бўлсалар, XX асрга келиб барча фанлар тадқиқотларида *тизимлилик* услубидан фойдаланиш асосий ўрин тутиб бора бошлади, бунида тадқиқот объектига сабабийлик ва келиб чиқишидаги ҳамда вазифавий алоқадорлиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мураккаб тизимли тизим сифатида қаралди.

Хаос назарияси

бирер-бир нарса ёки воқеанинг турли аралаш унсурлардан ёки аралаш воқеалардан келиб чиққанлигини асослашга ҳаракат қилувчи назария

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун тест топшириқлари

1. Тарихчига зарур бўладиган омиллар....?
 - A. юқори даражадаги профессионализм
 - B. юқори даражадаги касбий маҳорат ва билим
 - C. A ва B
2. Тарихчига зарур бўладиган омиллар....?
 - A. кенг таълаққур ва чуқур ақл-заковатга эгалиги, тадқиқ этилаётган давр (тадқиқ этилаётган тарихий даврлар) инсонлари (инсоният) олдидagi жавобгарлик ҳиссининг юқорилиги ва айни вақтда масъулияти ҳис эта олиши
 - B. айни вақтда касбдошлари олдида ва қолаверса, замондош кишилар олдидagi жавобгарлик ҳиссининг юқорилиги ва масъулияти ҳис эта олиши ҳисобланади.
 - C. A ва B
3. Тарихчига зарур бўладиган омиллар....?
 - A. тарихчанинг фаоллиги
 - B. манбалардаги маълумотларни илмий муомалага жалб қилиниши, моделлаштириш ва бошқалар жараёнида ўзбошимчилик ва католикка йул қўймаслик
 - C. A ва B
4. Моддий ва маънавий олам ҳодисаларининг объектив қонуниятли ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги, нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги фалсафий таълимот....?
 - A. Волюнтаризм
 - B. Детерминизм
 - C. Релятивизм
5. тадқиқот объектини субъектдан, далилларни ўйдирмадан алоҳида ажратмайдиган ва объектив ҳақиқатга эришишни шубҳа

- остига қўядилар?
- A. Релятивистлар
 - B. Постмодернистлар
 - C. Позитивистлар

6. инсон тарихни ижод қилувчи, уни шакллантирувчи омиддир, инсон тарихий жараёнда ўзига зарур ва ўзи хоҳлаган жамиятни барпо эта оlishи мумкин деб ҳисоблайдилар.
- A. Волюнтаристлар
 - B. Постмодернистлар
 - C. Позитивистлар
7.нинг тарихийлик тамойилининг риножланишига қўнган ҳиссаси *диалектик услуби* асослаб берганлигида эди.
- A. Г.Гегель
 - B. А.Тойнби
 - C. А.Барг
8. Мазкур тарихчи томонидан *“тузилиши ва жараёни”* тушунчаси ҳам илгари сурилади, бунда *тузилиш* ўзармас ва барқарорлик ҳолати сифатида, *жараёни* эса ўзгаришчан ва беқарор, доимий ҳаракатдаги ҳолат ва улар бир – бирини тўлдириб кетади деб кўрсатилади.
- A. Г.Гегель
 - B. А.Тойнби
 - C. А.Барг
9. услублар билан мустахкам ўзаро боғлиқликда бўлганлиги учун айрим ҳолларда уларни бир-бири билан адаштириш ҳолатлари ҳам учрайди.
- A. Тамойиллар
 - B. Тизимлар
 - C. Танқидлар
10. Қайси тушунчада маъхумлик кенг маънода билимнинг “қашшоқлиги”, бир томонламалиги, конкретлик эса унинг тўлиқлиги, мазмундорлиги сифатида тушунилади?
- A. Диалектикада
 - B. Детерминизмда
 - C. Тизимчиликда
11. Тарих фанини ҳам позитив билим беришга лаяқатли деб ҳисобловчилар қимлар?
- A. Неокангчилар
 - B. Позитивистлар
 - C. Антициентистлар
12. Тарихнинг асосий вазифаси қонуниятларни очиб эмас, балки тарихни ташкил этувчи алоҳида, индивидуал, тақрирланмас ҳодисаларни ўрганиш деб ҳисобловчи йўналиш қайси?
- A. Неокангчилар
 - B. Антициентистлар

- С. Марксистлар
13. **Тарих фанининг асосий хусусияти нима?**
А. Тадқиқот объекти яъни ўтмишда содир бўлганлигидир.
В. Обьектив ҳақиқатга эришиш муаммоси.
С. Интерпретация
14. **Тарих фани вақт нуқтан-назаридан...?**
А. Тарихчи ҳозирги замонда турган ҳолда тарихий жараёнга чуқур кириб боради.
В. Олис ўтмишдаги объектни ҳаракатга келтирилиш керак
С. Воксалар тизимини шакллантириши ва моделлаштириши керак
15. **Тарихий билишнинг исқинячи хусусияти нима?**
А. Ҳозирги кун нуқтан-назаридан ўтмиш ҳақида ҳулоса чиқаради
В. Тарихчи ҳозирги замонда ўтмишни айнан шакллантиради
С. Тарихчи ҳозирги замонда турган ҳолда ўтмишни тадқиқ этади
16. **“Тарих барча даврларда айни ушбу замон нуқтан-назаридан ёзилган” – бу қайси йўналишдагилар фикри?**
А. Антисциентистлар
В. Марксистлар
С. Презентистлар
17. **Интерпретация нима?**
А. Шарҳлаш, изоҳлаш, тушунириб бериш, таъкид қилиш.
В. Қўп маънолилик
С. Нарса ва ҳодисаларнинг сабабий бўғламлигидан ҳақидаги материалистик таълимот
18. **“Тарихий билиш исқин қарра субъектланган” - деган фикрни ким билдирган?**
А. Э.Гомсон
В. Э.Хобсбаум
С. И.Ковальченко

ТАРИХ ФАНИДА АСОСИЙ ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА УСЛУБЛАР

*

Тарих фалсафаси ҳақида тушуунча. Тарихни билишнинг автоном характери. Фалсафий мактабларнинг ва йўналишларнинг таъсири. Позитивизм. Тарихда сабаб ва оқибатларни чуқур англашни инкор қилиш. Жамият эволюцияси. Тарихни материалистик тушуниш. Тарих-бу синфлар кураши. Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиёти диалектикаси. Неокантчилик. Лингвистик бурилиш. Матн таҳлили. Тарихни ўрганишда объектив фикр бўломаслик гояси. Тарихни адабиётга алмаштиришга уриниш. Постструктурализм. Далилларга бўлган муносабат. Ички муносабатлар Постмодернизм. Структурализм. Тизимли услуб ва функциявий таҳлил. Экзистенционализм. Шахснинг фожяси. Неопозитивизм. Тарихнинг диний фалсафаси.

*

Тарихни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, уни идрок этиш, юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар орқали муайян даврнинг сиёсий ва маънавий муҳитини баҳолаш, ҳар бир давр кишилари руҳияти, маънавий ахлокий мезонлари, воқеа - ҳодисаларга муносабатини ўрганиш, уни фалсафий идрок этиш тарих фалсафаси тушунчасининг мазмунини белгилайди.²⁹

Тарих ва уни тушуниш, уни англаш, уни идрок этиш, уни тушуна олиш ва уни тушунтириб бериш турли даврларда турлича нуқтан-назарлар ва ёндашувлар асосида амалга оширилганлиги боис, турли даврларда тарих ва тарих фани ҳамда унга бўлган муносабат ҳам турлича бўлган.

Аслида тарих фалсафаси тушунчаси Цицерон (юнон файласуфи, милоддан аввалги 106-43-йй) томонидан “тарихнинг отаси” деб улуғланган қадимги юнон тарихчиси Геродот (лог. Herodotus, юнон. Иродотос, милоддан аввалги тахминан 484 йил, Кичик Осиё, Галикарнас

²⁹Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Т.1. “Маънавият”. 2008

— милoddан аввалги 5-4-асрдан 426 йил, Юнонистон, Фурия) ҳамда Фукидид асарларидаги тарихчиликотлардан боғланган. Шундай тарихчилардан яна бири антик даврда яшаб ижод қилган юнон тарихчиси Диодор (милoddан аввалги 90-21-йй, Сицилияга қарашли Арғирия шахри) бўлиб, йирик тарихчи олим сифатида “Тарихий кутубхона” номли 40 китобдан иборат асар ёзиб қолдирган. Бу тарихчилар ўз қарашларида инсоният таракқиётида асосан *тарихни ҳаракатлантирувчи куч* сифатида таъсифлаган бўлсалар, Августин динга этикод қилувчилар қарашларини акс эттирган ҳолда *илоҳий давлат тарихи* фалсафасини яратди. Августин қарашларига кўра жамият ва инсониятнинг таракқиёти илоҳий мазмунга эга бўлиб, у христиан черкови ва унинг фаолияти мисолида давлат ва унда содир бўлаётган барча жараёнлар авалдан белгилаб қўйилган илоҳий қонуниятлар асосида амалга ошиб боради ва бошқалар бу жараёнга таъсир этиши мумкин эмас (илоҳсиз), мазмунидаги илоҳий давлат тарих фалсафасини илгари сурган эди. Кейинчалик Августиннинг издошлари тарихни илоҳийлаштиришга, тарихий тафаккурни ва тарихни илоҳий тафаккур орқали идрок этиш ва тушунишга чақирдилар. Бу қарашлар асосида кейинчалик *теологетика* тушунчаси, яъни тарихий воқеаларнинг ва жараёнларнинг барчаси олдиндан белгиланган ва маълум қонуниятларга асосланган ҳолда содир бўлади деган теологик тушунчанинг пайдо бўлишига асос бўлди. Тарихни бу тарзда тушуниш ва англаш XVIII асргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Бу даврга келиб фан соҳаларида ва уларнинг илмий тушуниш борасида бир қатор янги тушунчалар ва қарашлар шаклланиб борди. Улар орасида тарих ва уни тушуниш борасида ҳам бир қатор мактаблар юзага кела бошлади ва бу жараён XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср ўрталаригача давом этди.

Тарихни англаш ва уни билиш назариясининг шаклланиши борасида маълум маънодаги жиддий қарашларни илгари сурган назариячилардан бири немис файласуфи ва “абсолют идеализм” тизимининг асосчиси Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770 йил 27 август, Штутгарт —1831 йил 14 ноябрь, Берлин) эди. Гегель дунёвий ақл-заковат, умуминсоний тафаккур, инсоният хатти-ҳаракати ва ақл-идроки уйғунлиги асосида юзага келган, *онг ва тафаккур ҳужмрон бўлган яхлит борлиқни тарих* деб тушунтиради.

Гегельнинг тарихни англаш ва билиш борасидаги фикрлари билан тарих фалсафаси ва уни билиш, англашга йўналтирилган фалсафий қарашлар шаклланишининг янги босқичини бошлаб берди. Гегель тарих,

фалсафасига ҳаёт қонунияти, маънавий шаклланиш жараёни ва инсон ривожланишининг маънавий эҳтиёжи сифатида қаради. Унинг қарашлари тарих – инсон тафаккурининг, маънавий-руҳий ва ахлоқий қамолотининг маҳсули деган ҳулосага келишга имкон берди.

Ф.Бекон тарихий ҳақиқатни аниқлашда энг аввало тадқиқот объекти ўрганилаётган предмет ёки ҳодисанинг айнан ўзи эмас, балки, унинг моҳияти ва уни юзага чиқарувчи оддий табиий омиллар бўлиши шартлигини таъкидласа, Э.Кондильяк билишни энг оддий – ҳис этиш ва фикрлаш орқали амалга ошириш керак деган фикрни илғари суради. Аксарият назарийётчилар ўзлари тақлиф қилган ва назарий жихатдан асослаб берган услублари *ҳақиқатни англаш* ва бу борада ҳар қандай *хатоликлардан ҳоли* бўлишда асосий эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Энг асосийси бу ғоялар за ёндашувлар аксарият ҳолларда бири иккинчисини тўлдириб, мукаммаллаштириб келса, бошқа ҳолатларда тарихий ҳақиқатни англашда энг мақбул йўл ва услубни танлаб олиш имкониятини таъминлайди.

Ўзбек олими Н.Жўраевнинг фикрича, - “Тарих – тафаккур маҳсули. Ўтмишимизда бўлган ҳар бир ҳодиса, маълум маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида юз берган. Унга назар солганда, воқеалар замиридаги мантиқ, фалсафа, руҳият, сиёсат, иқтисод, қўйингки, ҳар бир даврнинг ўзига хос шуқуҳию ташвишлари, секинчу – изтироблари кўзга яққол ташлансин. Онгимиз ва шууримизга мустаҳкамроқ ўрнашсин. Ана шунда кишини фикрлашга, ўтмишни идрок қилиб, келажакни ақл йўриғи билан белгилашга ёрдам беради. Тарихнинг тафаккур маҳсули ва улук мураббийлиги, олий кадрият эканлиги ана шу билан белгиланади...”

Тарихга тўғри ёндашиш, уни тўғри тушуниб, тўғри тадқиқ этиш учун биз ўзимизни тарихий тадқирга қўшиб юборишимиз, унинг ичида яшашимиз керак. Ана шунда унинг тириклигини, яхлитлигини тушунамиз, бутун қўламин ва микёси билан қамраб оламиз, моҳиятини англаб етамиз. Тарихий тақдир билан тақдирдошлик, тарихий тақдир жараёнини онгимиз, қалбимиз ва тафаккуримиз орқали ўтказиб, қорислик ҳиссини туйганимиз сайин конкрет шахс тақдири, зҳамон ва макон қиёфаси кўзга ёркинроқ ташланади. “Инсон, замон ва маконнинг яхлит қиёфаси тўлалисига бугун салмоғи билан гавдаланади. Инсон маънавияти, унинг шаклу шамойили орқали қайсибир даражадаги тарихий воқелик ва тақдирга дахлдорлик аниқланади. Тарихни ўрганишда муаррихларимиз

саналар ва воқеаларни таҳлил этиш билан бирга, уларнинг ортида турган тақдирлар, кечинмалар, руҳиятлар, манфаатлар ва ҳоказолар гирдобиди ҳам яшамоғи керак. Ана шунда тарихи ҳақидаги фикримиз, ҳулосамиз асосли, сўзимиз таъсирили, ғояларимиз яшовчан бўлади”.

Тарихий билиш автоном хусусиятга эга бўлиб, фалсафий мактаблар ва фалсафий йўналишларнинг таъсирини билвосита ва шартли равишда (зарурий ҳолатларда) қабул қилиши мумкин. Фалсафа тарих фанига билишнинг услублари ва ёндашувларинигина бериши мумкин. Тарихчилар кўп ҳолларда фалсафий йўналишлар ва уларнинг моҳиятини тарих фанида тадқиқотларида кенг равишда қўлламайдилар ва шу сабабли уларнинг услубларни танлаши кўп ҳолларда эркин-эмпирик (тажрибадан келиб чиққан ҳолдаги) хусусиятга эга бўлади.

Кўпинча тарихчилар тадқиқот услубларини танлашда *электик* услубда ҳам ёндашадилар, яъни танланган услубларнинг қандай фалсафий мактаблар ва йўналишларга мансублигини эътиборга олмаган ҳолда тарихий тадқиқот учун зарур бўлган тадқиқот услубларини танлаб оладилар ва тадқиқотларга жалб этадилар ва бунда асосий мақсад тадқиқот жараёнида эришилладиган натижага қарағилари. Бундан шунинг аниқлаш мумкинки, тарихчилар фалсафанинг у ёки бу йўналишига қатъий риоя этишга мажбурият ҳис этмайдилар. Шунга кўра тарих фани *кумулятив*дир, яъни у эскирган услубларни четга суриб қўймайди ва тадқиқот услубларини доимий равишда янгилари билан ўзлаштириб боради. Табиийки, агар тарихчи фалсафа фанидан ҳам чуқур билимга эга бўлса, у тадқиқот йўналишлари ва услубларни танлаш ва тадқиқотга жалб этишда кўпроқ натижага эришиш мумкин, шунинг учун бир қатор йирик тарихчилар фалсафа соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришганлар. Айни вақтда тарихчи фалсафанинг у ёки бу тамойилларининг энг наздик жиҳатларигача эътибор қаратмайди, чунки бу фалсафа фанининг хусусиятларини ўзида акс эттиради ва тарихчи улардан фақат тадқиқот учун ва ўз илмий тадқиқот мавзусининг мазмунидан келиб чиққан ҳолдагина зарур бўлганлари ва самарали ҳисобланганларини олиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда қўйида тарих фанининг ривожланиши учун жиддий таъсир кўрсатган бир қатор фалсафий ёндашувлар ва фалсафий услублар ҳақида сўз юритилган.

Позитивизм. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тарихшунослик соҳасида инглиз олими О.Контнинг “позитив” фалсафаси катта таъсирга

эга бўла бошлади. Унинг издошлари тарих фанини ҳам “позитив” фанга айлантиришга ҳаракат қилдилар. Тарихчи турли хил “кераги йўқ, кулгили” тизимлардан воз кечини, *аниқ далиллارни қарор топтириш ва уларни тавсифлаб бериш, далиллارни текшириш ва манбаларни танқидий таҳлил қилишга эътибор қаратиши* керак, деб ҳисобладилар.

Позитивистлар тарихни “позитив” билимга айлантиришга ҳаракат қилдилар. *Бу тушунчанинг моҳияти шундаки, позитивистлар ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар конкрет фанларнинг маҳсулидир, фалсафа эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, деган зояга асосланган субъектив қарашга эга эдилар.* Улар тарихий далиллар билан қандай ишлаш, манбаларни таҳлил қилиш бўйича бир қанча методларни таклиф қилдилар.

“Позитив тарих” ғоясига немис тарихчилари ва неокантчилари В.Виндельбанд ва Г.Риккертлар дарҳол қарши чиқиб, тарихни жамиятнинг ривожланиб боровчи қонуниятлари асосида эмас, балки, алоҳида ва тақдорланмас ҳолатлар, кўринишлар асосида ўрганишни тарихчи олдига вазифа қилиб қўйдилар.

Позитивистларнинг фикрича, жамиятнинг тараққиёт қонунлари бу табиат қонунларининг давомидир. О.Конт социологиянинг асосчиси саналиб, эволюцион ёндашувни (оддийликдан мураккабликка қадар) жамият тараққиёти қонуниятининг асоси эканлигини ҳимоя қилди.

Жамият эволюциясига бир қатор омиллар таъсир ўтказади, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, жўгрофий, мафкуравий, биологик, психологик ва бошқалар бўлиб, улар жамият тараққиёти жараёнида тенг ўринга ва аҳаиятга эга бўлиб, бир вақтда ҳаракатда бўладилар, яъни уларнинг ҳар бири жамият ҳаётида бир вақтнинг ўзида солир бўлиб туради. Тарихчилар эса бу омилларни алоҳида ёки бир вақтда бир нечасинигина ўрганиб, тадқиқ этганлар. Ҳозиргача тарихчиларнинг тадқиқотларида бу ҳолатни кузатиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларга кизиқиш ва статистик услубларни қўллаш алоҳида ўрин тута бошлади. Бу ҳам ўз ўрнида тарих фани тадқиқотларида илгарилашга интилиш бўлиб, ишлаб чиқариш тарихи, кишлоқ хўжалиги тарихи, савдо-иқтисодий муносабатлар тарихи, тарихий тадқиқотларнинг объектига айланиб борди. Асосий эътибор интеллектуал тараққиёт, ақлий ривожланишга қаратилди. Тарихчи позитивистлар илгари сурган услублардан бири бу *тарихий таққослаш*

услубидир. Асосий қилчиликлари -- позитивистлар тарихда ҳодисаларнинг ички сабаб-оқибат алоқадорлиги имкониятларини инкор қилдилар ва тарихчининг асосий вазифаси тарихий ҳодисалар содир бўлишининг “нима учун содир бўлди” деган саволга эмас, балки “қандай содир бўлди” деган саволга жавоб беришдан иборат деб ҳисоблалдилар.

Позитивизм барча тарихчилар томонидан бирдек қабул қилинмаганлиги сабабли уни турли тарихчилар турлича нуқтан-назардан қўллаганлар ва тарихшунослик соҳасида ўзига хос из қолдирганлар.

Улардан бири Буюк Британиялик Г.Бокль жаҳон цивилизациялари тарихини яратиш мақсадида 19 та тилини ўрганиб, 20 мингдан ортиқ китобга эга бўлган кутубхона ташкил қилди, бироқ у фақатгина икки китобдан иборат “Англия цивилизациялари тарихи” номи китобини ёзишга улгурди. Бу китобнинг аҳамияти шундаки, тарихчилар томонидан Г.Бокль томонидан ёзилган ва қўлланган услублар ва тадқиқотга ёндашувлар позитивизм ёндашувининг эталони сифатида эътироф этилган. У тарихга *энг мардонавор ҳамда мураккаб ва қийин машғулот* сифатида таъриф берган. Г.Бокль ақлий тараққиёт жараёнининг асосий омили сифатида қонуниятларни излаб, уларни *иккиланган ва шубҳаланган ақлий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи манбаи* деб кўрсатади. Тарихий ҳодисаларни ақлий тараққиёт жараёнларига таъсир кўрсатиш нуқтан-назаридан баҳолади.

XIX аср охирларига келиб позитивизм аста-секин ўзининг илғор қарашларини йўқота бошлади ва тарихчилар кўпроқ эмпиризмга эътибор қарата бошладилар. Шунга қарамай XIX асрнинг иккинчи ярмини тарих фанининг ривожланиши даври сифатида баҳоланади ва бунда позитивистларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлган.

Марксизм. Позитивизм билан бир қаторда бу даврда янги қараш, яъни тарихни материалистик тушуниш гоёси шаклланди. Бу гоё дастлаб К.Маркс ва Ф.Энгельснинг “Коммунистик партия манифести” (1848 й) номи китобида, кейинчалик “Капитал” асарига кўрсатиб берилади.

Марксистлар ва марксизм тарафдорлари тарихни фалсафий умумлаштириш, унинг асосий қонуниятларини ўрганишга бағишланган ўзларига хос “илмий” гоёни илгари сурдилар.

Бу гоёнинг мазмунига кўра кишлоқ жамияти тараққиётининг асосини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ва ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектикаси ташкил этади. Бу ерда гап

позитивистлар каби фақатгина иқтисодий омиллар ҳақида эмас, балки моддий неъматларнинг яратилиши ва моддий фаровонлик ҳақида ҳам бормокда. Марксизмга кўра жамият таракқиётининг асосида ишлаб чиқариш шаклларининг алмашинуви, яъни ибтидоий жамоа шакли, антик, феодал, буржуача ва коммунистик ишлаб чиқариш шакллари кетма-кетлиги ётади. Тарих - бу синфлар ўртасидаги курашдан иборат деб кўрсатилади. Тарихда содир бўлган ҳар қандай воқеа ва жараёнлардан синфий кураш омилини излаш кераклиги кўрсатилиб, К.Маркс бу ғоянинг юзага келиши ўзига тегишли эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтади. Ҳақитан ҳам бу борадаги дастлабки фикрлар О.Тьеррининг “Англиянинг норманнлар томонидан забт этилиши” (“Завоевание Англии норманнами”) асарида босиб олувчиларни (норманнларни) ҳукмрон синф, мағлубиятга учраганларни эса эзилувчи, жабрланганлар сифатида кўрсатиб ўтади. Кейинчалик Ф.Гизо синфларга бўлишда мулкӣй фарқланиш омилини ҳам кўрсатиб ўтади. К.Маркс эса синфларнинг ишлаб чиқариш тизимидаги ўрнини кўрсатиб берди. Унинг синфий бўлинишга барҳам беришда пролетариат (ишчилар синфи) диктатурасининг муқаррарлиги ҳақидаги фикрлари ва ғоялари жамият ҳаёти учун ўта даражада кескинлиги (радикаллиги) сабабли ўз даврининг кўнгина тарихчилари ва мутафаккирлари томонидан катъий равишда рад этилди. Бироқ айрим ҳолларда хориж тарихчилари томонидан тарих фанида синфий ёндашувнинг қисман ўзгартирилган ҳолатдаги кўринишлари бўйича, яъни мулкӣй даромади даражасига қараб ўрганиш ҳам учраб турди.

Ф.Энгельс К.Маркснинг тарихни материалистик тушуви борасидаги қарашлари ҳақида фикр билдирар экан, бунда хатоликлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтган. Бу вақтда айрим тарихчилар томонидан иқтисодий омилга тарихий жараёнларни белгилаб берувчи таракқиётнинг ягона омили сифатида қаралган, бу эса “сохталаштирилган материализм” тушунчасининг шаклланишига олиб келди. Аслида эса, иқтисодий омил таракқиётнинг якуний босқичида муҳим ўрин тутган бўлса, айни вақтда тарихий жараёнларни белгилаб берувчи ва жамият таракқиётига таъсир ўтказувчи сиёсий, ҳуқуқӣй, мафкуравий, фалсафӣй, диний, адабиёт ва санъат каби асосий омилларнинг мавжудлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

XX асрнинг 90-йилларида келиб марксизм қарашлари асосидаги “тарихни материалистик тушуви” ғояси тарихчилар томонидан рад

этилли ва бу тамойиллар асосида амалга ошириладиган тарихий тадқиқотлар ҳам барҳам топди, энди тарихчилар тадқиқотлар жараёнида илмий ижодий эркинликка эришиб, шу вақтгача “ягона ва тўғри” деб ҳисоблаб келинган тарихни материалистик тушуниш гоёси ва тадқиқотларни ҳам шу қарашдан келиб чиққан ҳолдаги “илмий ҳулосаларга мослаштириш”дан воз кечиб, тарихни умумфан тадқиқотлари тамойилларидан келиб чиққан ҳолда илмий ва тарихий, объектив жиҳатдан тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлидилар ва бу жараёнлар ҳозирги кунда ҳам такомиллаштириб ва мукаммаллаштириб боришмоқда.

Неокантчилик. Неокантчилик позитивистларнинг қарашларига қарши тарзда шаклланиб, XIX асрнинг 80-йилларида В.Дильтей томонидан илгари сурилган. Уларнинг қарашларича ижтимоий ҳаётда ҳеч қандай қонуниятлар мавжуд эмас, тарихчининг субъектив ҳаёти – ҳаракатлари (бошидан кечирганлари, кўрган-билганлари) - билишнинг энг асосий воситасидир, тарихий далиллар – билишнинг асосий далилларидир деб ҳисоблайдилар. Фандаги (илмдаги) онг, ақл, идрок ҳақидаги (бунга тарихни ҳам қўшадилар) билишнинг энг асосий воситаси бу – тушуниш ва интуиция (сезгирлик) дир деб кўрсатадилар. Неокантчиларнинг таъкидлашича, тарих индивидуал, алоҳида конкрет ҳолатлар билан боғлиқ бўлади, тарих поэзияга ва санъатга яқин бўлиб, кўпроқ тавсифий хусусиятига эгадир. В.Дильтейнинг “онг, идрок ҳақидаги фан”нинг табиий фанларга қарама-қарши қўйиши тушунчаси некантчиларнинг Баден мактабида В.Виндельбанд ва Г.Риккертлар томонидан янада ривожлантирилди. Г.Риккертнинг таъкидлашича табиий фанлар учун асосий услублар *етакчи мавқега (генераллашган)* эга бўлиб, умумлаштирувчи (яъни жараёнларни ўрганишдан бошлаб тизимларни ўрганишгача, тавсифлашдан таҳлилга ўтиши кераклиги тўғрисидаги фикр) хусусиятга эга, тарих учун эса *индивидуал* хусусиятга (алоҳида яқка жараённи ёки ҳолатни тадқиқот жараёнида устун қўйиш) эгадир. Неокантчилар томонидан илгари сурилган энг асосий услуб – далилларни қадриятларга тенглаштиришдир. Бунда у қадриятлар сифатида ҳодисалар ёки далилларнинг аҳамиятини кўрсатиб беради ва аниқлаб бера оладиган давлат, санъат, дин қабилларни тушуниган. Тарихнинг предмети сифатида эса инсониятнинг маданий ҳаёти эканлигини кўрсатиб, тарихни индивидуаллаштирувчи эмпирик фан деб ҳисоблайди.

Ҳарчи бу қарашлар барча тарихчилар томонидан бирдек қабул

килинмаган бўлсада, айрим ҳолларда уларнинг ўзгарган ва янгиланган ҳолатдаги элементлари тарихий тадқиқотларда учраб туради. Кўплаб файласуфлар ва тарихчилар тарих фанида назариянинг муҳимлиги инкор қиладилар ва гарчи тарихнинг фан сифатидаги статусини асослаб беришда етарли бўлмасда тарихдаги такрорланмасликка ва индивидуалликка урғу берадилар ва бунини ўз ўрнида тарихни “сохталаштирилган социологиялаштирилган” дан маъқул деб ҳисоблайдилар.

Структурализм. Тарихий воқеаларни ўрганиш ва тадқиқ этишдаги индивидуаллаштириш услубига қарама-қарши равишда структуралистлар структурали-вазифавий ва структурали-тизимли таҳлил услубини таклиф қилиб чиқдилар. Бу услуб борасида иш олиб борган француз лингвисти Ф. Де Соссюр дастлабқилардан бўлиб “диакрон” ва “синхрон” атамаларини тарих фани тадқиқот услублари доирасига киритди. 1973 йил тарихчиларнинг халқаро конгрессида структурализм ва унинг тарихий тадқиқотлардаги имкониятлари ҳақида илк бор маъруза қилинди.

Структура (тузилиш) объектнинг муҳим хусусиятлари ва жиҳатларини аниқлаб берувчи ички мустахкам ва барқарор муносабатларнинг тизими сифатида тушунилади. Шунингдек бу услуб тарихда тарихий воқеалар, ҳодиса ва жараёнларни уларнинг ички таркибий жараёнлари ва ҳодисалари тизими, уларнинг ўзаро боғланиши ва муносабатларни текширувчи сифатида қарашни аниқлади. Ички боғланишлар ва муносабатлардаги бузилишлар ёки бўшлиқлар бу тизимнинг мукамаллигига путур етказди. Жамиятда макроструктуралар ва микроструктуралар мавжуд бўлади. Тарихчи нафақат таракқиёт даражасини ўрганиши, балки, синхрон равишда сабаб-оқибатли алоқадорлик билан бир қаторда вазифавий алоқадорликни ҳам ўрганиши лозим. Бироқ структуралистларнинг барча қарашлари ҳам тарихчилар томонидан тўлиқ қабул қилинмаган, айрим тарихчилар эса структуравийлик тарихдан шахсни сиқиб чиқаради ва тарихий жараёнларнинг тавсифи шахс иштирокисиз акс эттирилиши мумкин деган фикр ҳам билдирганлар. Бироқ структуравийлик услублари орасидан тарих тадқиқотлари учун қабул қилинган математик услублар тарихни илмий ўрганишда маълум муваффақиятларга эришди ва тадқиқотларда қандай услубдан қенгрок фойдаланиш тарихчининг ўзига боғлиқдир.

Постмодернизм (постструктурализм). XX асрнинг 70-йилларига

келиб тарихий билишнинг бир қатор назариялари қайта кўриб чиқиладиган бўшланди. Натижада назариялар қаторига “лингвистик бурилиш” ҳамда “семиотик ёндашиш” назариялари (усуллари) қўшилди. Янги ёндашувга кўра тарихий билишнинг объекти ҳисобланган тарихий воқеалар тил ва талаффуз амалиётига асосан шакллантирилиши кўзда тутилди. Тил омилига фақатгина мулоқот воситаси сифатида эмас, балки фикрлаш, маънавийликнинг асоси бўлувчи омил, фикрларни ўзаро боғловчи омил сифатида ҳам қаралди. Тил воқеаларни акс эттирмайди, “акс эттирувчи” ҳар доим ҳам “акс эттирилиувчи” билан айнан бир хилда бўлмайди. Бу тушунчадан келиб чиқадики фикр шуки, манбанинг матни ва тарихий нарратив (тарихий воқеалар (тарихий манбалар ва факт (лабил)ларга) умумий яхлитликда қараш (қабул қилиш)га ишончсизлик пайдо бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда матнларнинг маъноларини очиб бериш (ўқий олиш), мазкур матнлардаги маънавий хусусиятларни кўрсатиб бера олиш, аynи вақтда эса манба матнидаги тил хусусиятларининг ўзгариб бориши диққатни қаратиш талаб этилди.

Тарихчи-постмодернистлар матнни объектлаштирилган белги сифатида эмас, балки нарсанинг шартли равишдаги шакли бўлган ва аynи вақтда кўплаб изоҳларга ва таърифларга асос бўлувчи белгилар код (харфлардан тузилган махсус белги, ишоралар)лар сифатида таъкидлашди. Бундан эса матнларни *дешифровка* (номаълум харфлардан солинган нарсани ўқиш, очиб) ва ахборотни етказиб берилиши масаласига эътибор қўйди. Манбанинг тили ўтмиш ва ўтмиш образларини тавсифлайди. Тарихчи ўз таассуротларини сўзларга айлантиради, тарихчи тадқиқотчи (манбани ўқувчи) эса уни сўзлар воситасида образларга айлантиради, бироқ аynи шакллантирилган образлар ўртасидаги фарқ, яъни тарихчи (манбани ўқувчи) ва тадқиқотчи (манбани ўқувчи) ларнинг шакллантирган образлари бир-биридан кескин фарқланиши мумкин.

Матн деконструкцияга мойилдир, матндан ташқарида ҳеч нарсаси йўқ — яъни, эмпирик материаллар мавжуд эмас ва тарихий тажриба ҳам йўқ. Тарихчи фақатгина матнга боғланган ҳолда ва ундан келиб чиққан ҳолдагина воқеаларга нисбатан ўзининг тавсифини келтириши ва муносабатини билдириши мумкин. Бунда ҳар қандай таъкидий таҳлил ва интерпретация тарихчининг матнга алоқадор эмаслигидан келиб чиқиб инкор қилинади. Американик олим Д.Лекарп постмодернистларнинг

юқоридаги фикрлари ва қарашларини ўзининг “матнининг ўзида ҳам ҳеч нарса мавжуд эмас” деган тушунчаси билан “бойитди”. Шу ўринда И.М.Савельев ва А.В.Полетаевларнинг бир фикри ўринлидир, улар кинояли тарзда “бир нарса кўнглини хотиржам қиладики, у ҳам бўлса кўпгина тарихчиларнинг ўзлари ҳам постмодернистлар дискурсини тушунмайдилар”.

Постмодернистларнинг фикрлари агар юқоридаги қарашлар билан чекланганда ҳам тарихчиларнинг жидий қаршилигига дуч келмаган бўларди. Постмодернистлар ўз қарашларида *логоцентризм* рационаллик ғояларини, маориф ва таракқиётни, “катта” нарративлар (*тарихий воқеликка (тарихий манбалар ва факт (далил)ларга) умумий яхлитликда қараш (қабул қилиш)* ни инкор қилган ҳолда ғояларни илгари сурдилар. Шунингдек, фаннинг мавқеини (статусини) ҳам қайта қўриб чиқиб, уни “*дискурс*” тушунчаси билан алмаштиришга ҳаракат қилдилар. Улар тарихчилар мутахассислигининг мутахассислик сифатидаги мавқеини, тарихий билиш тамойилларининг мавжудлигини, тарихий воқеликнинг ҳаққоний (объектив) билиш имкониятларини ҳам шубҳа остига олдилар. Бироқ тарихчилар постмодернистларнинг бир қатор фикрларини инкор қилдилар ва уларни қўламадилар. Яъни, постмодернистлар томонидан илгари сурилган “*матндан таниқарида ҳеч нарса мавжуд эмас*”, “*тилдан таниқари*” *реаллик мавжуд эмас*” деган қарашлар катъий равишда инкор қилинди. Бироқ маълум давр оралиғида тарихчилар бу қарашларни “юмшатиб” бордилар, айрим услубларнинг самарали жиҳатларидан, хусусан тарихий манбаларнинг таҳлили ва нарративлардан тадқиқотларга фойдалана бошладилар, бироқ айни вақтда юқорида инкор қилинган жиҳатларни ҳам назардан четда қолдирмадилар.

Юқоридагиларга ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, мазкур маърузада барча фалсафий тамойиллар ҳақида ҳам сўз юритилмади. жумладан, экзистенциализм ва унинг жамиятдаги шахс фожеаси масалалари, шунингдек тарихнинг диний фалсафаси масалалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилмади. Бу ва бу каби бир қатор ёндашувлар турли-туман тарихчиларнинг дунёқарашига таъсир ўтказиб келган. Агар тарихчи, айниқса ёш тадқиқотчи ўз илмий тадқиқотлари жараёнида бу каби масалаларга дуч келса, энг аввало мазкур ёндашувлар борасидаги илмий адабиётларга мурожаат қилиши ва қўрилаётган масала юзасидан ҳамда юқоридаги ёндашувларнинг тадқиқот учун самара бериши мумкин бўлган

имкониятлари юзасидан хулоса чиқара олиши учун етарлича билимга эга бўлиши кераклиги талаб этилади.

Таянч тушунчалар:	<i>"тарихнинг отаси", тарихни ҳаракатлантирувчи куч, илоҳий давлат тарихи фалсафаси, апологетика, "абсолют идеализм", онг ва тафаккур ҳукмрон бўлган яхлит борлик, ҳақиқатли англаш, тарихий билиш, эмпирик, позитивизм, аниқ далилларни қарор топтириш, манбаларни танқидий таҳлил қилиш, "позитив тарих", тарихий таққослаш усули, марксизм, неокантчилик, индивидуал, структурализм, структура, постмодернизм, постструктурализм, "лингвистик бурилиш", "семиотик эндилиш", сенсифровка, логоцентризм</i>
--------------------------	--

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар:

1. Тарихий билишнинг автоном характерини изоҳлаб беринг
2. Позитивизм нима?
3. Тарихда сабаб ва оқибатларни чуқур англашни инкор қилишни тушунтириб беринг
4. Тарихия материалистик тушуниш нима?
5. Неокантчилик ҳақида тушунча беринг.
6. Лингвистик бурилиш қандай тушунча?
7. Матн таҳлили қандай амали ошпирилади?
8. Постструктурализмни шарҳлаб беринг?
9. Постмодернизмни шарҳлаб беринг?
10. Структурализмнинг моҳиятини айтиб беринг

Мавзуга алоқадор изохли сўзлар лугати:

Дискурс (дискурсив) - *фалсафада* маънавий фикрлашга асосланган, дискурсив билиш – маънавий фикрлаш асосида шакллантирилган билиш.

Нарратив тарихий воқеаликка (тарихий манбалар ва факт (далил)ларга) умумий ҳикматликда қараш (қабул қилиш).

Неокантчилик Неокантчиларнинг қарашларига нисбатан ҳаётда ҳеч қандай қонуниятлар мавжуд эмас, тарихчининг субъектив ҳағти -- ҳаракатлари (бошдан кечирганлари, кўрган билганлари) -- билишнинг энг асосий воситасидир, тарихий далиллар -- билишнинг асосий далилларидир деб ҳисоблайдилар. Фанлагги (ишдаги) онг, ақл, индук ҳақидаги (бўнга тарихни ҳам қўшдилар) билишнинг энг асосий воситаси бу -- тушуниш ва интуиция (сезирилик) дур деб кўрсатдилар. Неокантчиларнинг таъкидлашича, тарих индивидуал, алоҳида қонарег ҳолатлар билан боғлиқ

бўлади, тарих поэзияга ва санъатга яқин бўлиб, кўпроқ тавсифий хусусиятига эгадир.

Позитивизм

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инглиз олими О.Конт томонидан илгари сурилган Позитивистлар ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар конкрет фактларнинг махсулидир, фалсафа эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, деган таятга асосланган субъектив қарашга эга эдилар. Позитивистлар аниқ далилларни қарор топтириш ва уларни тавсифлаб бериш, далилларни текшириш ва манбаларни танқидий таҳлил қилишга эътибор қаратиш керак, деб ҳисобладилар. Позитивистларнинг фикрича, жамиятнинг таракқиёт қонунлари бу табиат қонунларининг давомидир. Тарихчи позитивистлар илгари сурган услублардан бири бу тарихий таққослаш услубидир. Асосий қамчиликлари – позитивистлар тарихда ҳодисаларнинг ички сабаб-оқибат алоқадорлиги имкониятларини инкор қилдилар ва тарихчининг асосий вазифаси тарихий ҳодисалар содир бўлишининг “нима учун содир бўлди” деган саволга эмас, балки “қандай содир бўлди” деган саволга жавоб беришдан иборат деб ҳисобладилар.

Структурализм

тарихда тарихий воқеалик, ҳодиса ва жараёнларни уларнинг ички таркибий жараёнлари ва ҳодисалари тизими, уларнинг ўзаро боғланиши ва муносабатларни текширувчи сифатида қараш.

Мавзунинг мустақамлаш учун тест топшириқлари

1. Тарих фалсафаси тушунчаси энг дастлаб қайси муаллифларнинг асарларида тилга олинган?
А. Геродот, Фукидид
В. Цицерон, Геродот
С. А ва В
2. автоном хусусиятга эга бўлиб, фалсафий мактаблар ва фалсафий йўналишларнинг таъсирини билвосита ва шартли равишда (зарурий ҳолатларда) қабул қилиши мумкин.
Бу сўзлар қуйидагиларнинг қайсинисига тааллуқли?
А. Тарихий билиш
В. Тарих фалсафаси
С. Методология
3. Тарих фани , яъни у эскирган услубларни четга суриб қўймайди ва тадқиқот услубларини диний равишда янгилаш билан ҳўладириб боради.
А. Кумулятивдир
В. Прогрессивдир

С. Қосов бағатидир

4. фикрлаш, жамиятнинг тараккиёт қонунилари бу табиат қонуналарининг давомэдилар.
- A. Позитивистларнинг
 - B. Структуралистларнинг
 - C. Неокангчиларнинг
5. Структура объектнинг мухим хусусиятлари ва жиҳатларини аниқлаб берувчи ички мустахкам ва барқарор муносабатларнинг сифатида гушунилади.
- A. Тизими
 - B. Тамойили
 - C. Тўғри жавоб йўқ
6. тарихда тарихий воқелик, ҳодиса ва жараёларни уларнинг ички таркибий жараёлари ва ҳодисалари тизими, уларнинг ўзаро боғланиши ва муносабатларни текширувчи сифатида қараш.
- A. Структуравийлик
 - B. Позитивчилик
 - C. Нарративлик
7. Тарихий воқеликка (тарихий манбалар ва факт (далил)ларга) умумий яхлитликда қараш (қабул қилиш)..... дир?
- A. Структуравийлик
 - B. Позитивчилик
 - C. Нарративлик
8. маъини объектлаштирилган белги сифатида эмас, балки зареанинг шартли равишдаги шакли бўлган ва айни вақтда қўлаб изоҳларга ва таърифларга асос бўлувчи белгили код (харфлардан тузилган махсус белги, ишоралар)лар сифатида таъкидлайдилар.
- A. Тарихчи – позитивистлар
 - B. Тарихчи-постмодернистлар
 - C. Манбашунослар
9. Тарих тадқиқотларининг назариялари қаторига “лингвистик бурилиш” ибораси қачон кириб келди?
- A. XX асрнинг 70-йилларида
 - B. XX асрнинг 60-йилларида
 - C. XX аср бошларида
10. Кимлар томонидан тарихий таққослаш усули илгари сурилган?
- A. Тарихчи – позитивистлар
 - B. Тарихчи-постмодернистлар
 - C. Манбашунослар

ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА МАХСУС-ТАРИХИЙ УСЛУБЛАР

*

Тарихий-генетик услуб. Генетик услуб-ўтмишдан ҳозиргача. Ретроперспектив услуб бугундан ўтмишгача. Синхрон услуб. Хронологик услуб-тарихий ҳодисаларни кетма-кетлигини, вақтида ўрганиш. Диахрон услуб. Хронологик услуб-тарихий ҳодисаларни кетма-кетлигини ўрганиш. Тарихий таққослаш услуби. Тарихий типологик услуб. Тарихий тизимли услуб.

*

Тарих фанининг махсус тадқиқот услублари фалсафий, умумфан тадқиқот услубларига асосланган бўлиб, улар аник-муаммовий услубларнинг асосини ташкил этади. Тарих фани тадқиқотларида бундай услубларнинг бир нечтаси қўлланилиб, улар қуйидагилардир:

- Тарихий- генетик услуб
- Генетик услуб
- Ретроспектив услуб
- Синхрон услуб
- Хронологик услуб
- Диахрон услуб
- Тарихий таққослаш услуби
- Тарихий методологик услуб
- Тарихий тизимлилик услуби

Тарихий-генетик услуб. Тарихий генетик услуб ва ретроспектив услублар кенг тарқалган бўлиб, улар тарихий воқеаларнинг таркибн. вазифалари ва ўзгаришларни кетма-кет очиб беришга йўналтирилган.

Тарихчи И. Ковальченконинг таъкидлашига кўра мазкур услублар - “мантикий табиати бўйича бу аналитик ва индуктив, ахборотнинг баён этилишига кўра эса тавсифийдир”.

У сабаб ва оқибат ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга

йўналтирилган бўлиб, у ёки бу тарихий жараёнларнинг келиб чиқишини таҳлил қилишга асосланади. Бунда тарихий воқеа ҳам индивидуал, ҳам конкрет ҳолатда кўринади.

Бу методдан абсолютлаштирилган (мутлақлаштирилган) ҳолатда фойдаланиш айрим хатоликларга олиб келиши мумкин. Тарихий жараёнларни ўрганишга асосий ургу берилган ҳолда бу жараёнларнинг барқарорлигини етарлича баҳолаш ҳам мумкин эмас.

Шунингдек воқеаларнинг индивидуаллиги ва такрорланмаслигини кўрсатган ҳолда унинг умумийлик касб этиши ни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бунда эмпиризмдан сақлаш тавсия этилади. **Генетик услуб.** Бу услуб тарихий тадқиқотларда тарихий жараёнларнинг келиб чиқишини тадқиқ этиб, тадқиқот йўналишини ўтмишдан бугунги кунга томон йўналтиради. Бунда генетик услуб ўтмишдан бугунги кунгача содир бўлган тарихий жараёнларнинг келиб чиқиши, ривожланиб бориши ва кейинги ҳолатларига ўтиши жараёнларини воқеаларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлашга эътиборни қаратган ҳолда амалга оширади.

Ретроспектив эса бугунги кундан ўтмишга ёки натижа ва воқеалардан сабабларга йўналган бўлади. Ўтмишнинг сақланиб қолган элементлари орқали ўша ўтмишни реконструкция (қайта тиклаш) қилиши мумкин. Ўтмиш билан танишиш жараёнида бугунги мавжуд ҳолатларни юзга келиши босқичлари ва шаклланишини аниқлаш мумкин.

Синхрон услуб - бир вақтда содир бўлган турли тарихий воқеаларни ўрганишга йўналтирилган. Жамиятда ҳар қандай ҳодиса ўзаро боғлиқлиги сабабли бу методдан тизимли ёндашишда фойдаланиш бу боғлиқликни очишга ёрдам беради.

Бу эса у ёки бу миқёсда содир бўлган тарихий жараёнларни тушунтиришга имкон яратади, шу билан биргаликда уларнинг иқтисодий, сиёсий ҳамда турли давлатларнинг халқаро алоқаларига таъсирини кузатиш имконини беради.

Хронологик услуб - ҳар бир тарихчи томонидан қўлланилиб, тарихий жараёнларнинг вақт бўйича (хронологик) кетма-кетликда ўрганиш имконини беради. Бироқ бунда эътиборга молик фактларни диққатдан четда қолдирмаслик керак. Айрим ҳолларда, яъни тарихчилар томонидан айрим далилларнинг (фактларнинг) мазкур тизимга жалб эта олмаган ҳолларида тарихий жараённинг тавсифидати ноаниқликка йўл қўйилиши мумкин.

Бу услубнинг бир кўриниши *муаммовий-хронологик* услуб бўлиб, йирик тадқиқот мавзусини тадқиқот жараёнида бир неча қисмга бўлиб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хронологик жиҳатдан кетма-кетликда тадқиқот амалга оширилади.

Диахрон услуб (*даврлаштириш методи*). Вақт бўйича жараёнларнинг энг аҳамиятли хусусиятлари, янги босқичларнинг, даврларнинг шаклланиш ҳолатлари аниқланиб, жараёнларнинг бошланиш давридаги ва якуний давридаги ҳолатлари солиштирилиб, таққосланади, таракқиёт ва ривожланишнинг умумий йўналишлари аниқланади. Даврларнинг аҳамиятга молик жиҳатларини аниқлаш учун даврлаштириш мезонларини аниқ ва равшан белгилаб олиш ва бунда албатта жараённинг содир бўлишидаги объектив шароитлар ва жараённинг ўзини инобатга олиш зарур. Даврлаштиришнинг бир мезонини бошқа бир мезон билан алмаштириш мумкин эмас. Айрим ҳолларда у ёки бу воқеа ва жараён ёки босқичнинг бошланиш санасини аниқ кўрсатиш имконсиз бўлиб қолади, чунки жамиятдаги барча жараёнларнинг чегаралари ҳаракатланувчи ва айни вақтда шартли ҳолда белгилангандир. Бу тадқиқот жараёнида барча жараёнлар ва воқеаларнинг турли хусусиятларга эгаллиги, бир тахлитда содир бўлмаслиги ва вақт нуктаи-назаридан келиб чиққан ҳолда уларни аниқ бир “қолип”га солиб чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас ва тарихчи тадқиқот жараёнида бу жиҳатларни албатта инобатга олиши зарурдир. Қачонки бир нечта тизим ва мезонлар мавжуд бўлиб, улар тадқиқотга жалб этилса, тарихий билиш жараёнининг қўламини ва мазмунан бойлиги ҳам ортиб боради.

Тарихий таққослаш услуби. Таққослаш услуби дастлаб маърифатпарварлар томонидан қўлланилган. Ф.Вольтер биринчилардан бўлиб ўзи томонидан яратилган тарихий китобларида таққослаш услубини қўлаган, бироқ бунда бу услуб тарихий услубга нисбатан кўпроқ восита сифатида қўлланилган. XIX аср охирига келиб бу услуб тарихий тадқиқотларда, айниқса ижтимоий-иқтисодий тарих соҳаларида анча кенг ўрин тута бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда айниқса *компаратив* услуб кенг қўлланила бошланди. Амалда биронта ҳам тадқиқот бу услубдарни қўлламадан амалга оширилмайдиган бўлди.

Далилий материалларни, маълумотларни йиғиш, далилларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш жараёнида тарихчи кўпгина жараёнларнинг мазмунидаги ўхшашликни, бироқ айни вақтда

жараёнларнинг *заъси* ва макон бўйича турлилиги, бир-биридан фаркланиши омиллари сабабдан турлилик касб элишини ва яна айни вақтда шаклан умумийликни кўриши мумкин. Мазкур услубнинг билиш жараёнидаги моҳияти унинг тарихий жараёнларнинг моҳиятини тушунтириб бериш учун йўналтирадиган имкониятларидадир. Жараённинг моҳиятини англаш ва тушуниш учун унинг ўхшашлик ва фарқланувчи хусусиятларини тушуниш керак. Бу услубнинг мантикий асосини *аналогия* ташкил этиб, тадқиқот объектидаги бирор-бир ўхшашлик асосида жараённинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам хулосалар чиқарилиши мумкин.

Тарихий такқослаш услуби тарихий жараён тафсилотлари аниқ ва равшан бўлмаганда унинг моҳиятини очишга, шунингдек, умумийликни, қонунийликни, тақрорланувчанликни аниқлаш ҳамда умумлаштиришга ва тарихий параллелликни юзага чиқариш учун имкон беради. Бунда албатта бир қатор талабларга риоя этишга тўғри келади. Жумладан, *аввало* такқослаш тарихий жараённинг шаклан ўхшаш жиҳатларини эмас, балки моҳиятини асос эттирувчи аниқ ва конкрет далиллар (фактлар) билан амалга оширилиши лозим, *иккинчидан*, ҳодисалар ва жараёнларнинг *типологияси* ва *даврини* яхши билиш ва тушуниш лозим. Тараққиётнинг бир босқичида ёки турли босқичларида бўлган бир хил ва турли хил ҳодисаларни такқослаш мумкин. Бир ҳолатда моҳият ўхшашлик асосида оқиллашган бўлса, бошқа ҳолатда турлилик асосида аниқланиши мумкин. Бирок айни вақтда тарихчидан *тарихийлик там йилини* унутиб қўймаслик талаб этилади.

Тарихий такқослаш услубини қўллашда бир қатор чекланишларга дуч келиш мумкин. Бу услуб реал воқеликнинг турлилигини тушунишга имкон берсада, конкрет шаклдаги хусусиятини кўрсатиб беролмайди. Шунингдек, тарихий тараққиёт суръатининг тадқиқида ҳам тарихий такқослаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Мазкур услубнинг расман (шунчаки қўллаш, қўланиши “керак” бўлганлиги учун қўллаш) қўлланилиши хатоликларга олиб келиши, қўпгина тарихий ҳодисалар моҳиятининг нотўғри таъкинига ва тавсифланишига олиб келиши мумкин. Тарихий такқослаш услубидан бошқа тадқиқот услублари билан биргаликда фойдаланиш мумкин. Афсуски, тарихчилар томонидан тарихий такқослаш услуби кўп ҳолларда аналогия ва ва солиштириш билангина қўлланилади, у тадқиқотлар жараёнида тўлиқ


юқоридаги кўрсатиб ўтилган жиҳатларини инobatга олган ҳолда камдан-кам қўлланилади.

Тарих фани тадқиқотларида типологик услуб. Типология тарих фанида тарихий ҳодисалар ва жараёнларни умумий аломатлари, жиҳатлари, моҳиятига караб илмий асосда гуруҳларга ажратиш, тасниф (классификация) қилиш. Типологик услуб тарихий жараёнларнинг моҳиятига асосан таҳлил қилишдир (И.Ковальченко). Позитивистларнинг таъкидлашича, расман тавсифий классификациялаш натижа бермайди. Субъектив ёндашув тарихчи тафақуридагина типларни шакллантиришга олиб келади. М.Вебер томонидан илгари сурилган “идеал типлар” назарияси социологлар томонидан узок вақтгача қабул қилинмади ва соддалаштирилган ҳолда талқин қилинди. Бунда асосан гап бугунги кунда маълум бўлган *модделлаштириш* ҳақида бориб, ҳозирги вақтда тарихчилар бу услубдан самарали фойдаланмоқдалар.

И.Ковальченко томонидан тақлиф этилган гуруҳлар (турлар) *дедуктив ёндашув* ва *назарий таҳлил* жиҳатлари билан ажралиб туради. Сифат хусусияти билан аниқлаштиришнинг белгилари ажратиб кўрсатилиб, тадқиқот объектининг у ёки бу типга мансублигини аниқлаш мумкин эканлиги таъкидланади. Бу ёндашув кейинчалик унга математик услубларни тадқиқот жараёнида қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилган эди.

Тарих фани тадқиқотларида тизимли услуб. Тарихий-тизимли услуб тарих фани тадқиқотларида математик услубларни ва моделлаштиришни қўллаш билан боғлиқ ҳолда қўлланила бошланди. Мазкур услуб турли даражадаги ижтимоий-тарихий тизимларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, воқеликнинг асосий компонентлари (таркибий қисмлари) - индивидуал ва тақрорланмас ҳодисалар, воқеалар тарихий вазиятлар ва жараёнлар ижтимоий тизимлар сифатида кўриб чиқилади. Уларнинг барчаси вазифалари ва бир жараёнда содир бўлиш (намоён бўлиш) кетма-кетлиги жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу услубдан фойдаланишнинг дастлабки босқичида тадқиқ этилаётган тизимни тизимлар умумийлигидан ва унинг таркибидан ажратиб олиш керак. Тадқиқ этилаётган тизим ажратиб (белгилаб) олингандан сўнг уни тузилиш жиҳатдан таҳлил қилиш ва тизимларнинг тузилиши ва улар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаб олиш керак бўлади. Бу

жараёнда *мантиқий* ва *математик* услублар қўлланилади. Иккинчи босқичда ўрганилаётган тизим (тузилиш) нинг шу тизим (тузилиш) мансуб бўлган умумий тизим (тузилиш) билан боғлиқлиги ва унинг таркибий қисмидаги ўрни ва вазифавий моҳияти ҳамда аҳамияти аниқланади. Мазкур услубни тарихий тадқиқотлар



жараёнида қўллашнинг мураккаблиги шундаки, ижтимоий тизимларнинг мураккаб тузилишга эга эканлиги ва оддий тизим (тузилиш)дан мураккаб тизим (тузилиш) ларга (турар жой – қишлоқ - зилоят қаби) ўтиб бориш жараёнларидир. Тадқиқотлар жараёнида агар ҳодисаларнинг моҳиятини ёритиш ёки аниқлаш имкони бўлмаган ҳолда умумфан услублари ва махсус тарихий услублардан фойдаланиш тавсия этилади. Синхрон таҳлилда нисбатан кўпроқ самарага эриши мумкин, бироқ бу ҳолда таракқиёт жараёни очилмай қолиши мумкин. Тизимли – тузилиш жиҳатдан ва функциональ жиҳатдан таҳлил эса ҳаддан ташқари абстрактлаштиришга ва формаллаштиришга олиб келиши мумкин.

Юқорида тарихий тадқиқотларнинг энг асосий кўп ҳолларда қўлланиладиган услублари ҳақида сўз юритилди. Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, уларнинг биронтаси ҳам тадқиқотлар жараёнида барча тадқиқотлар учун ҳос (универсал) ва мутлақ услуб бўлиши мумкин эмас. Улардан тадқиқотлар жараёнида умумлаштирилган ҳолда ва тадқиқотнинг

турли мазмуни ва қисмларидан келиб чиққан ҳолда энг самарали ҳисобланганларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг фалсафий ва умумфан хусусиятларини ҳам назардан кочирмаслик керак, бу эса тарихчига тадқиқотлар жараёнида турли ҳатоликлар ва ноаниқликларга йўл қўймаслик учун асос бўлади.

Таъинч

тушунчалар:

Тарихий-генетик услуб, генетик услуб, ретроперспектив услуб, синхрон услуб, хронологик услуб, диахрон услуб, тарихий таққослаш услуби, тарихий типологик услуб, тарихий тизимли услуб, муаммовий-хронологик услуб, даврлаштириш методи, дедуктив ёндашув, назарий таҳлил, мантиқий услуб, математик услуб.

Мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Услуб нима?
2. Тарихий тадқиқотлар услублари нима?
3. Тарихий тадқиқотларда қўлланиладиган услублар ҳақида тушунчангизни асослаб бериш.
4. Тарихий-генетик услуб ҳақида тушунчангиз?
5. Генетик услуб ҳақида тушунчангиз?
6. Ретроперспектив услуб ҳақида тушунчангиз?
7. Синхрон услуб ҳақида тушунчангиз?
8. Хронологик услуб ҳақида тушунчангиз?
9. Диахрон услуб ҳақида тушунчангиз?
10. Хронологик услуб ҳақида тушунчангиз?
11. Тарихий таққослаш услуби ҳақида тушунчангиз?
12. Тарихий типологик услуб ҳақида тушунчангиз?
13. Тарихий тизимли услуб ҳақида тушунчангиз?
14. Тарихий тадқиқотларда тадқиқот услубларидан фойдаланишда қандай жиҳатларга эътибор қаратиш лозим?

Мавзуга алоқадор изохли сўзлар дугаги:

Аналогия

Ўхшашлик; тарих фаннда ўхшашлиги асосида ҳудоса чиқариш, таққослаб, қислаб ҳудосага келиш, ҳодиса ва жараёнларнинг, даврлар ва босқичларнинг бирор жиҳатдан ўхшашлигига асосан (ёки фарқлигини) фикрлаш, ҳудоса чиқариш, таъсир қилиш, тадқиқот объектидаги бирор-бир ўхшашлик асосида жараёнинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам ҳудосалар чиқарилиши мумкин.

Генетик услуб	-	генезис (келиб чиқиш) билан боғлиқ бўлган, келиб чиқишини (генезисини) ўрганадиган услуб бўлиб, тарихий жараёнларнинг келиб чиқиши, воқеаларнинг шаклланишидаги ўзаро боғлиқлик ҳолатларини ўрганиш нуктаи-назаридан тарихий тадқиқотларни амалга оширишда қўлланиладиган тадқиқот услуби.
Диахрон услуб (<i>доврилатириш услуби</i>)	-	тарихий тадрижийлик асосида тадқиқотнинг амалга оширилиши, тарихий воқеаларни кетма-кет, босқичма-босқич ривожланиши бўйича тадқиқот амалга оширилади
Моделлаштириш	-	билиш объектиларини (кўпинча физикада) уларнинг моделлари ёрдамида тадқиқ қилиш. Моделлаштириш асосида тадқиқот объекти билан унинг модели ўртасидаги ўхшашлик, мувофиқлик етиди. Ҳозир бу мезгд илмий тадқиқот жараёнини етиллаштирилади.
Ретроспектив услуб	-	ретроспективлик. Ўтмишга қаратилганлик. Тарихий тадқиқотларда бугунги кундан ўтмишга ёки натижа ва оқибатлардан сабабларга йўналган ҳолда тарихий тадқиқ этиш услуби
Синхрон услуб	-	синхронлик хусусиятига эга бўлган, синхрон равишда (бир вақтда, барабар) содир бўладиган. Бир вақтда содир бўлган турли тарихий воқеаларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқот услуби.
Тарихий — тизимли услуб	-	турли даражадаги ижтимоий-тарихий тизимларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, воқеликнинг асосий компонентлари - индивидуал ва тақрорланмас ҳодисалар, воқеалар тарихий вазиятлар ва жараёнлар ижтимоий тизимлар сифатида кўриб чиқилади.
Тарихий таксолаш услуби	-	тарихий жараён тафсилотлари аниқ ва равшан бўлмаганда унинг моҳиятини очишга, шунингдек, умумийлигини, қонунийлигини, тақрорланувчанлигини аниқлаш ҳамда умумлаштиришга ва тарихий параллеликни юзага чиқариш учун қўлланилади.
Тарихий-типологияк услуб	-	типология тарих - фанда тарихий ҳодисалар ва жараёнларни умумий аломатлари, жиҳат тариф, моҳиятига қараб илмий асосда гуруҳларга ажратиш, тасниф (классификация) қилиш. Типологияк услуб тарихий жараёнларнинг моҳиятига асосан таҳлил қилинидир.

Типология	- тарих фанида тарихий ҳодисалар ва жараёнларни умумий атоматлари, жиҳатлари, моҳиятига қараб илмий асосда гуруҳларга ажратиш, тасниф (классификация) қилиш.
Хронологик услуб	- воқеаларнинг кетма-кет содир бўлишига асосланган, воқеа ва ҳодисаларни хронологик тартибда баён қилишга йўналтирилган тарихий тадқиқот услуби.

Мавзунинг мустақкамлаш учун тест топшириқлари

- У сабаб ва оқибат ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга йўналтирилган бўлиб, у ёки бу тарихий жараёнларнинг келиб чиқишини таҳлил қилишга асосланади.**

Бу қайси услубга ҳос?

 - Ретроспектив услуб
 - Синхрон услуб
 - Тарихий – генетик услуб
- Бунда тарихий воқеа ҳам индивидуал, ҳам конкрет ҳолатда қўринади.**

Бу қайси услубга ҳос?

 - Ретроспектив услуб
 - Синхрон услуб
 - Тарихий – генетик услуб
- Тарихий жараён тафсилотлари аниқ ва равшан бўлмаганда унинг моҳиятини очишга, шунингдек, умумийликни, қонунийликни, такрорланувчанликни аниқлаш ҳамда умумлаштиришга ва тарихий параллеллигини юзага чиқариш учун қўлланилади**

Бу қайси услубга ҳос ?

 - Синхрон услуб
 - Тарихий – генетик услуб
 - Тарихий таккослаш услуби
- Воқеаларнинг кетма-кет содир бўлишига асосланган, воқеа ва ҳодисаларни хронологик тартибда баён қилишга йўналтирилган тарихий тадқиқот услуби.**

Бу қайси услубга ҳос ?

 - Синхрон услуб
 - Типология
 - Хронологик услуб
- Тарих фанида тарихий ҳодисалар ва жараёнларни умумий атоматлари.**

жиҳатларини моҳиятига қараб илмий асосда Ғуруҳларга ажратиш, тасниф (классификация) қилиш деб аталади.

- A. Синхрон услуб
- B. Типология
- C. Хронологик услуб

6. Бир ҳолатда моҳият ўхшашлик асосида очиладиган бўлса, бошқа ҳолатда турлилик асосида аниқланиши мумкин. Бироқ айни вақтда тарихчидаи унутиб қўймаслик талаб этилади.

- A. Тарихийлик тамойилини
- B. Объективлик тамойилини
- C. Тўғри жавоб йўқ

7. тарихий жараёнларнинг келиб чиқishi, воқеаларининг шаклланишидаги ўзаро боғлиқлик ҳолатларини ўрганиш нуқтаи-назаридан тарихий тадқиқотларни смага оширишда қўлланиладиган тадқиқот услуби?

- A. Синхрон услуб
- B. Генетик услуб
- C. Хронологик услуб

8. тарихий жараён тафсиловлари аниқ ва равшан бўлмаганда унинг моҳиятини очишга, яънишдек, умумийлигини, қонунийлигини, такрорланувчанлигини аниқлаш ҳамда умумлаштиришга ва тарихий параллеллигини юзаси чиқариш учун имкон беради.

- A. Тарихий таққослаш услуби
- B. Тарихий – генетик услуб
- C. Танқидий таҳлил

9. М.Вебер томонидан илгари сурилган “идеал типлар” назарияси социологлар томонидан узоқ вақтгача қабул қилинмади ва соддалаштирилган ҳолда талқин қилинди. Бунда асосан гап бугунги кунда маъlum бўлган ҳақида бормоқда.

- A. Моделлаштириш
- B. Типларга ажратиш
- C. Тизимлаштириш

10. Вақт бўйича жараёнларнинг энг ахамиятли хусусиятлари, яъни бошқичларининг, давралирининг шаклланиш ҳолатлари аниқланиб, жараёнларининг бошланиш давридаги ва якуний давридаги ҳолатлари солиштирилиб, таққосланади, тараққиёт ва ривожланишининг умумий йўналишлари аниқланади.

Бу қайси услуб?

- A. Дваҳрон услуб
- B. Хронология
- C. Тизимлаштириш

ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА УМУМФАН УСЛУБЛАРИ

* ————— *

Мантикий ва тарихий услуб. Тарихий услуб. воқеа сабабларининг очилиши. Тахминлардан аниқликка ўтиш. Системалик ёндашув ва системалик таҳлил. Индукция, дедукция. Таҳлил ва синтез. Моделлаштириш. Математик моделлаштириш.

* ————— *

Тарихий тадқиқотларнинг амалга оширилишида тадқиқотнинг мазмуни ва тадқиқот объектининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда барча тадқиқот услубларининг қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот услублари эса ўз ўрнида бир неча турларга бўлинади. Бу борада бугунги кунгача кўпгина тарихчилар ўз фикрларини билдириб ўтганлар.

*Позитивистлар*нинг фикрича, илмий тадқиқот услублари барча ижтимоий ва гуманитар фанлар учун бирдек хос бўлиши керак. *Неокантчилар* эса тарих фани тадқиқот услубларини табиий фанлар тадқиқот услубларига карама-карши қўйганлар. Бироқ амалда бу ҳолатнинг тушунилиши бирмунча мураккаблик касб этади, яъни, *биринчидан* бирча фанлар тадқиқотлари учун хос бўлган умумфан услублари мавжуд бўлса, *иккинчидан* у ёки бу конкрет фанларнинг ҳамда фанлар комплексларининг тадқиқотлари учунгина хос бўлган фанларнинг махсус тадқиқот услублари ҳам мавжуд. Тарих фани методологиясига оид илмий ва ўқув адабиётларида (И.Ковальченко) мазкур услубларнинг тадқиқотлар жараёнда қўлланилиши борасида бир катор фикрлар бериб ўтилган. Қуйида ана шу услубларнинг қўлланилиши борасида билдирилган айрим ҳолатлар ҳақида сўз юритилади.

Мантикий ва тарихий услуб. Тарихда тадқиқот объектининг макондаги тизимлилиги, унинг тузилиши ва вазифалари (*мантикий услуб*) ҳамда тадқиқот объектининг вақт (замон)даги мавжудлиги (диахрон - *тарихий услуб*) биргаликда, яъни синхрон ҳолатда ўрганилади. Тадқиқот жараёнда юқоридаги ҳар икки услубдан алоҳида ҳолда ҳамда ҳар иккисини умумлаштирган ҳолда ҳам фойдаланиш мумкин. Натижада

фани макондаги ва вақт (замон)даги ҳолатини бир вақтнинг ўзида ўрганиш имкони юзага келади. Мантикий услуб тизимли ёндашув асосида объектнинг тузилиши ва вазифаларининг таҳлили нуктаи-назаридан ўрганиш имконини беради.

Тарихий услуб тарихийлик тамойилларини асос эйтириб, тараккиёт жараёнлари тадқиқот объектнинг турли вақтлардаги ҳолатини алоҳида-алоҳида таҳлил этиш орқали ўрганилади. Бунда аввал тадқиқот объектнинг структураси ва вазифалари ўрганилиб, сўнгра тарихий таҳлил амалга оширилади. Бу икки услубни бир-биридан ажратиш ташлаш мақсадга мувофиқ эмас. Агар фақатгина тарихий услубнинг ўзига асосланиб хулоса чиқариладиган бўлса, ўрганилаётган даврнинг фақатгина мавжуд тарихий ҳолатини англаш мумкин, бироқ бу ҳолатни мантикий жиҳатдан, яъни тизимли ёндашув асосида структуравий жиҳатдан таҳлил этилса, ўрганилаётган тарихий давр ёки тарихий жараён ҳақида атрофлича тўлиқроқ хулосаларга эга бўлиш мумкин.

Конкретликдан абстрактликка (аникликдан мавҳумликка) ўтиш ва **абстрактликдан конкретликка** (мавҳумликдан аниқликка) ўтиш. Бу услуб тадқиқотлар жараёнида тадқиқотнинг йўналишини аниқлаштириш хусусияти билан жуда муҳим саналади.

Конкретлик билиш объектни унга хос бўлган барча жиҳатлари билан идрок қилишдир. Абтрақлаштириш эса реалликнинг у ёки бу жиҳатларини фикрлаш ёрдамида тасаввур қилишдир.

Конкретликдан абстрактликка (аникликдан мавҳумликка) ўтиш уч усулда амалга оширилади.

Биринчи усул – *эътиборни четга тортиш, қалғитиш воситасида*, тадқиқот объектнинг у ёки бу таркибий жиҳатини бошқалардан алоҳида ажратган ҳолда ёки объектнинг у ёки бу белгиларини жамлаган ҳолда, мазмун-моҳияти ҳамда расмий-мисдорий моделларига асосланган ҳолда тадқиқ этиш.

Иккинчи усул – *турли ҳодисаларни айнан ўхшаш ҳодисалар сифатида абстрақлаштириш* усули бўлиб, объектга ўзига хос ва тааллуқли бўлмаган ҳолатлар орқали баҳо берилади. Бу ҳолат турли ҳилдаги классификациялаш (воқеаларни таснифлаш) ва типологиялашда (жисмлар ва ҳодисаларни умумий аломатларига асосланиб гуруҳларга, туркумларга ажратиш) қўлланилади.

Учинчи усул – *идеаллаштириш* бўлиб, объект айрим идеал

(мукаммал) хусусиятларига асосланиб шакллантирилади. Улар объектнинг ўзигагина хос бўлиб, бироқ объектда етарли даражада ифодаланмаган ёки объектда етарли даражада ўз аксини топмаган. Бу услуб дедуктив-интеграл моделлаштириш имконини беради. Абстрактлаштириш объект моҳиятини чуқурроқ тушунишда ёрдам беради.

Бироқ алоҳида конкрет ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш ва англаш учун иккинчи услуб - абстрактликдан конкретликка (мавҳумликдан аниқликка) ўтиш услуби ҳам катта аҳамият касб этади. Бунда конкрет-назарий билим илмий тушунчалар, қонунлар ва назариялар сифатида ўзини ақс эттиради. Бу услуб бирмунча мураккаб бўлиб, унчалик кенг тарқалмаган.

Тизимли ёндашув ва тизимли таҳлил. Тизим - реал воқеликдаги алоҳида таркибий жараёнларнинг умумий яхлитлиги бўлиб, уларнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти ва мавжудлиги уларнинг таркибий қисмларига хос бўлмаган янги умумийлашган хусусиятларнинг шаклланишига олиб келади.

Ҳар бир тизим ўзининг тартиби, тузилиши ва вазифаларига эга. Тизимнинг таркибий қисмлари - ички тизимлар ва элементлардир. Жамиятга хос бўлган ижтимоий тизимлар бирмунча мураккаб тузилишга эга бўлиб, уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш тарихчининг вазифасидир. Тизимли ёндашув услуби жамият тизимларини тартибга солувчи қонунларни тушунишга ёрдам беради. Бунда тадқиқот жараёнида етакчи услуб *тизимли-вазифавий* (структурвий-функционал) таҳлилдир.

Айрим тарихчилар томонидан тизимли таҳлилда кўпинча тизимнинг муҳит билан биргаликдаги фаолияти инкор қилинади. Барча ижтимоий тизимларнинг асоси ўта мустаҳкам бўлган гайриинхтиёрий ўзига хослик бўлиб, бунинг натижасида структура (тизим) ўзгармас бўлади. Ўзгармас ҳолатларни синхрон ўрганишга бўлган мойиллик қўл ҳолатларда динамик диахрон таҳлил (турли ўзгаришларни тадрижийлик, босқичлари бўйича таҳлил)дан воз кечишга олиб келади.

Индукция-дедукция. Индукция – алоҳида ҳолатлардан умумий воқеаларга томон таҳлил этиш. Дедукция – умумий ҳолатлардан алоҳида, дастлабки воқеаларга томон ўрганиш.

Тарихчи далилларни (фактларни) ўрганиш натижасида умумий тушунчаларга келади, ёки ақсинча, далилларни (фактларни)

тушунтиришда ўзини маълум тушунчаларни қўллайди. Ҳар бир далил (факт)да умумий ҳолатнинг айрим қисмлари мавжуд бўлади. Дастлаб у алоҳида далиллар (фактлар) сифатида намоён бўлса, кейинчалик ҳам шундайлигича намоён бўлади. Ф.Бекон айнан индукцияни асосий услуб деб ҳисоблаб, дедукциядаги муайян бир фикрга келиш ва тўғри хулоса чиқариш кўп ҳолларда ҳағоликка учрайди. XIX аср тарихчилари аксарият ҳолларда индуктив услубни қўллаганлар. Ҳозирги кунда ҳам дедуктив услубга шубҳа билан қараи мавжуд. Д.Энтон манбалардаги эмпирик материалларга ҳос бўлмаган назарияларни қўллаш фан учун зарар келтириши мумкин, деб ҳисоблайди. Бирок унинг бундай кескин нуқтаи-назари бошқа тарихчилар томонидан маъқулланмади. Ҳодисаларнинг туб моҳиятига етишиш ва уни англаш учун ўзаро яқин фанлардан ҳамда тушунча ва назариялардан фойдаланиш лозим. Индукция ва дедукция бир-бирига боғлиқ ва улар бир-бирини тўлдириб келади.

Анализ (тахлил) ва **синтез** (ҳодисаларни ўзаро боғланган, бир бутун ҳолда текшириш, олинган натижаларни умумлаштириш, улардан бир бутун хулоса чиқариш) **услублари**. Мазкур тадқиқот услублари ҳам тарихчилар томонидан тадқиқотлар жараёнида кенг қўлланилади. *Тахлил* объектнинг турли томонларини алоҳида ажратиб олган ҳолда, бир бутун ҳодисани алоҳида қисмларга ажратган ҳолда ўрганади. Тарихчи ўрганилаётган давр ёки тадқиқот объектини тадқиқот жараёнида бир яхлит ҳолда жалб қила олмайди ёки тадқиқот қўлами тадқиқот объектини яхлит ҳолида қамраб ололмайди. Ўрганилаётган объектнинг ёки даврнинг турли омилларини ҳамда тадқиқот объектини турли нуқтаи-назарлардан тадқиқ қилаётган тарихчи тадқиқот жараёнида тахлил натижасида қўлга киритилган маълумотларни бирлаштиради ва умумлаштирган ҳолда бир бутун, яхлит тушунчага ёки хулосага келади. Тарихда ва тарихий тадқиқотда синтез нисбатан мураккаб услуб бўлиб, тадқиқот объектини тушунишда сифат жиҳатдан жиддий равишда олға силжишга имкон беради.

“Тарихий синтез” тушунчаси А.Берр томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у XX аср бошларида “Тарихий синтез журналі”ни ва Халқаро синтез марказини жорий этиб, бир қатор мамлакатларда фаолият олиб бораётган тарихчилар, соҳиологлар ҳамда табиий ва математика фанлари соҳалари олимларини бирлаштирди. А.Берр *маданий-тарихий синтез* тушунчасини янаро қуриб, психология ва антропологиянинг

йотукларидан фойдаланиш ҳамда тарих ва социологияни бирлаштириш гоясини ёклаб чиқди.

Ҳар бир фалсафий йўналиш синтез учун ўз асосларини кўрсата бошладилар. Улардан бири постмодернистлар гушунчасидан келиб чиққан ҳолда маданий омилларга асосланган синтез гояси бўлиб, бугунги кунда ҳам бу борада аниқ ва конкрет хулосалар мавжуд эмас.

Бирок шу нарса аниқки, таҳлил (анализ) ва синтез ўзаро боғлиқдир. Таҳлил жараёнида эришилган муваффақият синтезсиз аҳамият касб этмайди. Синтез тадқиқот учун таҳлилга янги бир турткилар бериб, унинг фаоллигини таъминласа, таҳлил ўз навбатида янги синтезга йўл очиб беради. Синтез ҳам муваффақиятларга эришган бўлсада, бирок улар киска ва хусусий характер касб этади. Тарихчилар томонидан синтезни аниқловчи аниқ бир омилларни илгари суришда яқдиллик йўқ ва тадқиқот предметининг қўлами канчалик катта бўлса, синтез ҳам шунчалик мураккаб бўлади.

Моделлаштириш. Моделлаштириш илмий фаолиятнинг кенг тарқалган шаклларида биридир. Барча фанларда моделлаштирилаётган ҳодисалар хақида маълумот олишда, фаразлар ва назарияларни ишлаб чиқишда моделдан фойдаланилади. Шу жумладан тарихчилар ҳам бу услубдан тадқиқотлар жараёнида кенг фойдаланадилар. Тарихий ҳодисаларни моделлаштириш мантикий шакллантириш ёрдамида амалга оширилади, яъни фикран мазмун-вазифавий режа шакллантирилади. Моделлаштириш соддалаштириш, идеаллаштириш ва абстрактлаштириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. У манбалардаги маълумотларнинг репрезентативлигини текширишда, далилларнинг ишончлилигини, фаразлар ва назарияларнинг хақиқийлигини текшириш имконини беради. Масалан жамоанинг ҳолатини ўрганиш учун уни моделлаштириладиган бўлсак, бунда социология, ҳуқуқ, психология ҳамда жамоанинг ўзига ҳослиги омилларини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Бу эса ўз навбатида фанлараро ёнлашув услубининг қўлланилаётганлигини ҳам англатади. Бу жараёнда бир ҳолатни ҳисобга олиш керакки, бошқа бир фаннинг моделини тўғридан - тўғри жалб этиш мақсадга мувофиқ эмас, уни фаннинг тузилиши моҳияти нуктаи-назарида шакллантириш тоғзим.

Математик моделлаштириш услуби ҳам мавжуд. Бунда математик тартибсизлик назарияси, ижтимоий ҳалокатлар назарияларидан фойдаланилади.

Интуиция. Яхши маълумки, олимлар қўпинча илмий муаммоларни ҳал этиш жараёнида интуициядан фойдаланадилар. Тадқиқотчининг бундай кутилмаганда юзага келадиган ҳулосаси кейинги жараёнда илмий услублар билан қайтадан текширилади. Тарихда XIX аср охиридаёқ В.Дильтей тарихий жараёнларни тушуниш ва уларни англашнинг асосий услуби сифатида интуицияни кўрсатган. Бирок унинг бу нуктаи-назари аксарият тарихчилар томонидан қабул қилинмади, бундай услуб тарих фани тадқиқотларини инкирозга олиб келади ва ҳулосалар ўта субъектив хусусиятда бўлади, тарихий тадқиқотларда объектив услублар зарур деб ҳисобланди.

Бирок бу билан интуиция тарихий тадқиқотларда жиддий ўрин тутмайди деб қарамаслик керак, тарихчида интуиция ўз фанини чуқур билишида ва тарихчининг билимдонлигида, у ёки бу услубларни ўз ўрнида қўллай била олиш малакасида қўриниши мумкин. Билимсиз ҳеч қандай интуиция мавжуд эмас, тарихий жараёни тасаввур қилиш ёки ҳис қилиш учун албатта тарихчининг иқтидори ва билими зарурдир. Бундай ҳислатга эга тадқиқотчилар эса мазкур услубни қўлаб ажойиб илмий натижи амалга оширишлари мумкин.

Таянч

тушунчалар:

Мантиқий услуб, тарихий услуб, тахминлардан аниқликка ўтиш, системалик ёндашув, системалик таҳлил, индукция, дедукция, таҳлил, синтез, моделлаштириш, математик моделлаштириш, конкретликдан абстрактуликка ўтиш, абстрактуликдан конкретликка ўтиш, тизимли ёндашув, тизимли таҳлил, анализ, таҳлил, синтез, моделлаштириш, математик моделлаштириш, интуиция.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мантиқий услуб қандай услуб ва унинг моҳияти?
2. Тарихий услуб қандай услуб ва унинг моҳияти?
3. Тахминлардан аниқликка ўтиш нима?
4. Системалик ёндашув ва системалик таҳлил ва унинг моҳияти?
5. Тарихий тадқиқотларда индукция?
6. Тарихий тадқиқотларда дедукция?
7. Таҳлил ва синтез ва унинг тадқиқотлардаги аҳамияти?
8. Тадқиқотларда моделлаштириш нима?
9. Математик моделлаштириш ва унинг тарих тадқиқотларидаги ўрни?

Мавзуга алоқадор изоҳли сўзлар лугати:

Абстрактлик	- мавҳумлик, фикрнинг мавҳумлиги.
Анализ	- таҳлил, объектив воқеликни илмий билан, ўрганиш услуби
Дедуктив-интеграл моделлаштириш	- воқеаларнинг хусусиятлари ва қўламадан ҳосил бўлган умумий тушунчалар ва хулосалар ердамида тадқиқотчи тасавурида тарихий жараёни таркибий жиҳатдан шаклнинг шакллантириш.
Дедукция	- умумий ҳолатдан хусусий хулосаларга келиш ёки хусусий хулосалар чиқариш.
Идеал	- мукаммал.
Интеграл	бу ерда кичик тарихий жараёнлардан йиғиндисидан умумий жараёни шакллантириш ва уни хулосалаш
Интуиция	ички ҳис, сезги, сезгирлик, тажриба ердан ташқари бевосита мураккаб йўли билан ҳақиқатни билни мумкин деган тушунча.
Классификациялаш	Турларга ажратиш, воқеаларни таснифлаш.
Конкретлик	Муайян аниқлик, фикрнинг аниқлиги
Моделлаштириш	тарихий ҳодисаларнинг шартли равишдаги андозасини, шаклини, ҳолатини тузиш. шакллантириш
Синтез	ҳодисаларни ўзаро боғланган, бир бутун ҳолда текшириш, олинган натижаларни умумлаштириш, улардан бир бутун хулоса чиқариш
Типологиялаш	- жисмлар ва ҳодисаларни умумий аноматларига асосланиб турохлари а, туркумларга ажратиш

Мавзунин муҳт. Ҷамъан учун тест топишриклари

1.нинг фикрича, илмий тадқиқот услублари барча ижтимоий ва гуманитар фанлар учун бирдек хос бўлиши керак.
А. Позитивистлар
В. Неокантчилар
С. Структуралистлар
2. тарих фани тадқиқот услубларининг табиий фанлар тадқиқот услубларига қарама-қарши қўйганлар.
А. Позитивистлар
В. Неокантчилар
С. Структуралистлар
3. у ёки бу конкрет фанларнинг ҳамда фанлар комплексларининг тадқиқотлари учунгина хос бўлади.
А. Фанларнинг махсус тадқиқот услублари
В. Умумфан услублари
С. Махсус услублар
4. Тарихда тадқиқот объектининг макондаги тизимлиги, унинг тузилиши ва вазифалари қайси услуб ёрдамида ўрганилади?
А. Мантикий услуб ёрдамида ўрганилади
В. Диахрон - тарихий услуб ёрдамида ўрганилади
С. Тарихий таккослаш услуби ёрдамида ўрганилади
5. Тадқиқот объектининг вақт (замон)даги мавжудлиги қайси услуб ёрдамида ўрганилади?
А. Мантикий услуб ёрдамида ўрганилади
В. Диахрон - тарихий услуб ёрдамида ўрганилади
С. Тарихий таккослаш услуби ёрдамида ўрганилади
6. Қуйидагиларнинг қайсылари тадқиқотларда синхрон ҳолатда қўлланилади?
А. Мантикий услуб ва диахрон - тарихий услуб
В. Мантикий услуб ва тарихий таккослаш услуби
С. Диахрон - тарихий услуб ва тарихий таккослаш услуби
7. – алоҳида ҳолатлардан умумий воқеаларга томон таҳлил этиш.
А. Индукция
В. Дедукция

С. Интуиция

8. – умумий ҳолатлардан алоҳида, дастлабки воқеаларга гомон ўрганиш.

А. Индукция
В. Дедукция
С. Интуиция

9. - ички ҳис, сезги, сезгирлик, тажриба ёрлаидан ташқари бевосита мураккаб йўли билан ҳақиқатни билиш мумкин деган тушунча.

А. Индукция
В. Дедукция
С. Интуиция

10. маданий-тарихий синтез тушунчасини илари суриб, психология ва антропологиянинг ютуқларидан фойдаланиш ҳамда тарих ва социологияни бирлаштириш ғоясини ёқлаб чиқди.

А. А.Берр
В. И.Кант
С. Г.Гегель

11. Турли даражадаги ижтимоий-тарихий тизимларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, воқеликнинг асосий компонентлари - индивидуал ва такрорланмас ҳодисалар, воқеалар тарихий вазиятлар ва жараёнлар ижтимоий тизимлар сифатида кўриб чиқилади.
Бу қайси услубга хос?

А. Тарихий генетик услуб
В. Моделлаштириш
С. Тарихий - тизимли услуб

12. Тарихий тадқиқотларда бугунги кундан ўтмишга ёки натижа ва оқибатлардан сабабларга йўналган ҳолда тарихни тадқиқ этиш услуби саналади.

А. Диахрон услуб
В. Хронологик услуб
С. Ретроспектив услуб

ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВ

*
=====

*Тарихнинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатлари-
ижтимоий ва гуманитар фан даврий жараёни. Тарих ва
жамиятшунослик. Янги ижтимоий тарих. Тарих ва
психология. Маданий антропология. Тарих ва адабиёт.
тилунослик. Семиотика ва тарих. Тарих ва табиий
фанлар. Синергетика, тартибсизлик назарияси.*

*
=====

Тарих фани ҳар доим бошқа фанлар билан ўзаро муносабатда бўлган. Антик даврларда ва ўрта асрларда -- мифология, диншунослик, адабиёт билан, Уйғониш даврида -- география, санъат, сиёсий назария, XVII-XIX асрларда -- сиёсат, география, адабиёт ва маданият билан доимий равишда алоқадорликда бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмида фалсафа фани билан алоқага киришган бўлса, кейинги даврларда лингвистика ва археология фанлари билан алоқага киришган. Ҳозирги вақтда тарих фанининг бошқа фанлар алоқадорлиги -- фанлараро ёндашув кўлами анча кенгайган. Тарих фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги фаннинг ва фан тадқиқотлари услубларининг аксарият ҳолларда умумлашувига таъсир кўрсатди. Тарихчилар ва жамиятшунослар томонидан замонавий тарих тадқиқ этилаётган бўлсада, тарихчи ўрганилаётган давр хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларга доимий равишда тузатишлар киритиб боради. Тадқиқот мақсадида шакллантирилган моделлар ва назариялар ўз-ўзидан (механик тарзда) тадқиқот учун жалб этилиши мумкин эмас, чунки бу ҳолда улар қўйилган натижани бермайди, шунинг учун танлаб олинган ва шакллантирилган бундай назариялар ва моделлар тарихчи томонидан доимий равишда тарихий тадқиқотларга мослаштирилиши лозим.

Тарих ва социология. Тарих ва социология фанларининг ўзаро алоқадорлигининг шаклланиши мураккаб жараёнлар орқали амалга оширилган. Социология XIX асрда шаклланган бўлиб, унинг асосчиси

О.Конт ҳисобланади. Позитивистлар социологияни тарих фанига қарама-қарши қўймадилар ва бу ҳар икки фanning позитив билимлар беришини таъкидладилар. Марксистлар ҳам социология ва тарих фанларига нисбатан худди шундай қарашда бўлганлар. Бирок анъанавий немис тарихчилиги ва неокантчилар бу ҳар икки фани бир-бирига қарама-қарши қўйдилар, уларнинг таъкидлашича тарих алоҳида, такрорланмас ҳодисаларни ва жараёнларни ўрганadi, социология эса абстракт (мавҳум) фандир.

XX аср бошларида Францияда тарихшуносликда “социологик” йўналиш пайдо бўлди (А.Берр ва унинг “тарихий синтез” назарияси). Икки жаҳон уруши оралиги йилларида эса “Анналар мактаби” тарих ва социология фанлари ўртасидаги алоқадорликни кўрсатиш борасида фаоллик кўрсата бошлади. Давлатчилик тарихи билан боғлиқ, ҳуқуқ, сиёсий ташқилотлар ва муассасалар тарихи билан боғлиқ анъанавий мавзуларни бу мактаб вакиллари табиий муҳитда, ишлаб чиқариш, аҳоли ва унинг жойлашуви, қўчиши ва бошқа жиҳатлари билан боғлаган ҳолда ўрганишни таклиф қилди. Бу жараёнда “Анналар мактаби” таққослаш ва қиёслаш услубидан кенг фойдаланиш ғоясини илгари сурди. Ф.Бродель ижтимоий фанлар соҳаларидаги алоқадорликни кучайтиришни таклиф қилиб чиқиб, ўзи социология ва тарих фанларининг ўзаро алоқадорлигидаги илмий тадқиқотларни амалга оширди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тарих ва социология фанлари ўртасидаги алоқадорлик жараёнлари кучайиб бориб, АКШда социологлар тарихчиларга ўз фани тадқиқот услубларини таклиф қилдилар. Бирок бу жараёнда шу нарса ойдинлашдики, социология фанининг барча тадқиқот услубларини ҳам тарих фани тадқиқотлари жараёнида қўллаб бўлмаслиги, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва уларни абсолютлаштирмаслик (мутлақлаштирмаслик) ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Тарихчилар тадқиқотларда эмпирик социологиянинг энг янги ёндашувларининг ўзлаштирган ҳолда социологиянинг назарияларини ҳам қўллай бошладилар.

Бирок бу вақтда анъанавий тарихчилик етакчи бўлган ва унинг каторида янги юзага-қелган “ижтимоий-тарих” мавжуд бўлган. Германияда социология ва тарих фанларининг ўзаро яқинлашуви ва алоқадорлигининг кучайиб боришига қарши катъий фикрлар билдирилди. Булардан кўриш мумкинки, тарих ва социология фанларининг алоқадорлиги ҳозирги

вақтгача турли муносабатларга учради ва бугунги кунда уларнинг алоқадорлиги кучайиб бормоқда.

Тарих ва социологиянинг ўзаро алоқадорлигини бу конкретлик ва абстрактлик ўртасидаги, тарихийлик ва мантикийлик ўртасидаги муносабатлардир. Агар тарихчига конкрет, аниқ далиллар зарур бўладиган бўлса, социологияга умумий вазият, ҳодисаларнинг мантикий алоқадорлиги зарур бўлади. Социологик тамойиллар ва унга боғлиқ айрим тушунчаларни ўзлаштирмасдан туриб тарихчига тизимлар ва жараёнларни ўрганиш мураккаблик тугдиради. Умумий ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганишда, мураккаб тизимларни тадқиқ этишда социологиянинг кўмаги зарур бўлади. Ўйланган эксперимент ва дедуктив мулоҳазалар чиқариш, манбалардаги яширин ахборотларни ажратиб олиш тарихчилар учун баҳсларга сабаб бўлади. Бу вазиятда социология тарихи тадқиқотларига тизимли таҳлил, илмий изланишнинг дастурий шакллари билан ёрдам бериши мумкин. Бирок бир нарсани ёдда тутиш лозимки, яъни социологиянинг замонавийлигини тадқиқ этишига йўналтирилган бир қатор тушунчалари ва услубларини тўғридан-тўғри ўқитишни ўрганишга йўналтирилган тарихий тадқиқотларга жалб этиш қўпол хатоликка олиб келади. Социологиянинг тадқиқот услубларини тарихи тадқиқотларига жалб этишнинг мураккаблиги ҳам ана шунда.

Социологик ёндашув тарихий ёндашувларнинг ўрнини босмайди ёки ўрнини қимматсизламайди, балки уларнинг моҳиятини ва самарадорлигини чуқурлаштириб, мукаммаллаштиради, бунда у манбалардан ажратиб олинган фактлар (далиллар) га асосланади.

Манбалардаги яширин ахборотни аниқлаш ва ажратиб олиш учун *контент-таҳлил методи* қўлланилади. Бундай таҳлил методи катта ҳажмли матнли ахборотни, яъни мақолларнинг мазмуни, топишмоқлар, анкеталар, трактат (бирор-бир мавзуга бағишланган илмий асар) ларни, газета ва журналларни, алоҳида одамлар ва гуруҳларнинг ёзма ва оғзаки сўзлашлари кабиларни миқдорий кўрсаткичларга айлантиришда ёрдам беради.

Таҳлил стандартлаштирилган жараёнлар ёрдамида амалга оширилади, бу жараёнда матнни интерпретациялашдаги субъективлик маълум даражада камаёди. *Контент – таҳлил уч босқичда* амалга оширилади: *биринчи босқичда* матн мазмунига кўра бир неча гуруҳларга (кичик матнларга) ажратилади, уларнинг моҳияти, аҳамияти ва ўзаро боғлиқлиги

аниқланади ва чуқур тарихий таҳлил амалга оширилади. *Иккинчи босқичда* маъновий бирликларнинг матнда қўлланилиши ва такрорланишлари микдори ўрганилади ва бу босқич *микдорий босқич* деб аталади. *Учинчи босқичда* матн таҳлили натижаларининг интерпретациялаш амалга оширилади, бу босқичда ҳам сифатли таҳлил амалга оширилади. Манба матнининг мазмуни бўйича таҳлили манбанинги яширин ахборотларини аниқлашга ва уларни тушунишга ҳам имкон беради.

Тарихчилар социологлар томонидан ишлаб чиқилган ва тарихда содир бўлган жараёнларни тушунтиришда ёрдам берадиган турли даражалар назарияларини ҳам қўлайдилар. Социологиянинг тадқиқот услубларидаги янгиликлар тарихчилар томонидан ҳам диққат билан ўрганилади, шунинг учун нафакат амалий, балки назарий социология ҳам тарихчи учун фойдали бўлиши мумкин.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда етакчи ўринга чиқиб борган “*янги ижтимоий тарих*”нинг шаклланиши тарих ва социология ўртасидаги интеграциянинг асоси бўлиб хизмат қилди. Бу тарих фанининг кучли қўп қиррали тармоғи бўлиб, доимий равишда тараққий этиб бориб, тарих фани предметининг жиҳатларини аниқлаб бериши ва доимий равишда тадқиқот услубларини янгилаб бориши, такомиллаштириб бориши билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. “*Янги ижтимоий тарих*”нинг мазмуни ва унинг муаммолари Л.П.Репина томонидан кўрсатиб берилган “Янги ижтимоий тарих” тарихий ўтмишни, жамиятнинг ички ҳолатини кўрсатиб берувчи, ундаги алоҳида гуруҳларнинг, шахсларнинг ва улар ўртасидаги муносабатларни ижтимоий терминларда интерпретациялаш вазифасини илгари сурди.³⁰

Бу соҳа фанлараро ёндашувнинг “олтин асри” ва фанларнинг интеграцияси бошланган XX асрнинг 60-йилларида шаклланган эди. Бу даврда шаҳарлар тарихи бўйича, урбанизациянинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий нуктаи-назардан комплекс хусусият касб этувчи мазмунда амалга оширилган илмий тадқиқотлар пайдо бўлди. *Ижтимоий тарих* ўзининг *предмети* этиб қуйидаги микроструктураларни белгилалади, яъни - онла, жамоа, турли кўринишдаги корпорациялар, натижада жамиятнинг мураккаб тизим (система) сифатида кўриниш ва яхлит ҳолда тушуниши юзага келади.

³⁰Репина Л.П. “Новая истоническая наука и социальная история”. М.1998.

Ижтимоий тарихдаги янги йўналишлар XX асрнинг 70-80 йилларида антропология ва ижтимоий психологиядан кириб келган ёндашувлар таъсирида шаклланди. Тарихчиларнинг кизиқишлари объектив жараёнларни ва тизимларни тадқиқ этишдан маданият ва унинг антропологик интерпретацияси (менталитет, рамзлар (символлар), урф-одатлар ва кадриятлар ва бошқалар) га ҳам қаратила бошланди.

Ижтимоий тарихнинг янги тури сифатида у ўз предмети таркибига инсон тафаккурини ҳам қўшди. Ижтимоий тарих маданий-антропологик тадқиқот мазмунини ҳам ўзлаштириб, ижтимоий тарих мазмунини инсон омили билан “тўлдирди”. Тарихни “қуйидан” ўрганиш, яъни ишчилар тарихи, деҳқонлар тарихи, аёллар тарихи, минтакалар ва ҳудудлар тарихи ва бошқалар юзага келди. 1971 йилда Э.Хобсбоум *тизимчилик ва ижтимоий-маданий ёндашувни* инобатга олиш ва *ижтимоий тарихни жамият тарихи* сифатида тушуниш, менталитетни эса турмуш тарзига мос келувчи турли тафаккур ва қарашлар (фикрлар) ўртасидаги алоқадорлик деб тушунишни таклиф қилди. Ж.Дюби менталитетни объекти шароитлар билан мослаштириш керак деб ҳисоблади. П.Берк 1980 йилда жамиятдаги муносабатларни, ижтимоий тизимлар, кундалик турмуш, хусусий (шахсий) ҳаёт, ижтимоий умумийликлар ва эҳдиётлар кабиларни ўрганишни таклиф қилди. Э.Бриггс эса (1983) ижтимоий тарих ҳар томонлама бўлиши керак ва у ҳокимият эгаларни ҳам назардан кочирмаган ҳолда олдин одамларнинг ҳаётини ўрганиши керак, деган тушунчани илгари сурди.

Юқоридагилардан кўринадики, турли тарихчилар ижтимоий тарихни турлича тушунганлар. Айни вақтда тарих фанига социология фанининг услублари, моделлари ва тамойиллари механик равишда кириб келмоқда, деган танқидий фикрлар ҳам кўплаб билдирила бошланган эди. XX асрнинг 80-йилларида менталитетни ўрганишда тарихийликни ҳам қўллаш эътироф этила бошланди, шу вақтда синтезни амалга ошириш учун ижтимоий ва маданий антропологияни бирлаштириш ғояси ҳам шаклланди. Аёллар тарихи гендер тадқиқотлари билан алмаштирилди. Шунингдек, XX асрнинг иккинчи ярмида локаль тадқиқотларни (алоҳида тарихий тадқиқотлар, яъни, алоҳида қишлоқлар, шаҳарлар, ҳудудлар, ва бошқаларни ўрганиш) миллий тарихга боғлаш, яъни микротарихни макротарихга синтезлаш муаммоси қўтарилди. Ёндашувлар, тамойиллар янгиланиб мукамаллашиб борди.

Тарих ва психология. Тарихчи тарихий тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида тадқиқот объектининг турли хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларига тўқнаш келади ва уларни турли услубларни қўллаш орқали моҳиятини англашга ҳаракат қилади. Бу услублар аксарият ҳолларда тарих фанига бевосита алоқадор бўлса, тадқиқот объектининг ҳолатига кўра айримлари турли бошқа фанлар тадқиқот услубларига хос бўлиши мумкин. Шундай фанлар ёки соҳалар қаторида психология фани ҳам бор.

Тарихчилар ўз тадқиқотларида қўпинча турли машҳур шахслар, санъат намоёндалари, халқ оммаси ва бошқа шу қабиларнинг руҳиятини ҳам ўрганишга ҳаракат қилганлар. Бундай ҳолатлар илк тарих асарларида ҳам кам бўлсада учрайди ва XVIII асрга келибгина тарихчилар инсоннинг ички дунёси ва руҳий ҳолатини тушунишга ҳаракат қила бошлайдилар. XIX аср охирларига келиб психология фан сифатида қарор топгандан сўнг, экспериментал психология ва психиатрия юзгага келиб. XX асрнинг 60-йилларида эса “психотарих” юзгага келган. Психоанализнинг клиник “тарих” лари тарихчиларга инсоннинг ички дунёсини терапрук англашга ёрдам берди. Шундай тадқиқотлар доирасида М.Лютернинг, М.Гандининг таржимаи ҳолларини ўрганган Э.Эриксон уларнинг ҳаёти фалиятидаги мотивларини аниқлади. Унинг ҳулосасига кўра болаларнинг ўз оталарининг ҳаётларидаги эриша олмаган нарсаларига эришишга ҳаракат қилганлиги бу шахслар фаолиятининг асосий мотивлари бўлганлигини аниқланди. Шу тариқа тарихчилар томонидан алоҳида шахсларнинг фаолиятига хос бўлган умумий ҳолатлар аниқланди ва психологиядаги бундай типология тарихчилар томонидан фанга киритилди.

Айни вақтда тарихчи психология фанининг энг сўнгги илмий янгиликлари, унинг тадқиқот услубларини доимий равишда ўзлаштириб бориши керак бўлади. Тадқиқотларда психологиянинг қўлланилиши оммавий ҳаракатлар, инқилоблар, халқаро муносабатлар, ҳарбий тўқнашувлар ва бошқа шу каби тарихий жараёнларнинг ички руҳий ҳолати ҳақида ҳам тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Ўтмишни тушуниш тобора чуқурлашиб бормоқда ва айни вақтда тарихчи тадқиқот мақсадларидан четлашган ҳолда психологияга “сингиб” кетиши мумкин эмас.

Тарих ва маданий антропология. Маданий антропологиянинг марказида инсон ва унинг маданиятга асосланган менталитети, ҳаётий

тажрибалари, хулиқасеори туради. Антропология инсоннинг хулқини аниқлаб берувчи турли маросим (ритуал) лар, белгиларга алоҳида эътибор қаратади. Антропологларнинг фаолияти туфайли турли даврларнинг “нотаниш” маданиятлари, уларнинг хусусиятлари ва ўзига хосликлари ўрганилади. Масалан турли халқ байрамлари, маросимлари, сайилларини ўрганиш орқали халқнинг маданиятини тушуниш мумкин. Тарихчилар эса маданиятнинг тарихий жараёнларга таъсири ва ўзаро алоқадорлигини ўрганадилар.

Тарих ва адабиёт. Семиотика. Тарих ва адабиёт узоқ вақтлар давомида бир-биридан ажралмас яхлитликда мавжуд бўлиб келган. Антик давр тарихчиларининг айримлари ҳам (Тацит, Ливин) адабиётга яқин ижод қилганлар. XIX асрнинг бошларига келиб тарихни адабиётдан алоҳида тушуниш ғоялари пайдо бўлди ва бу икки соҳанинг бир-биридан алоҳида соҳаларга ажралиши жараёни шу асрнинг иккинчи ярмида тўла амалга оширилди. Шу вақтда бир қатор тарихий асарлар (А.Дюма, В.Гюго, В.Скотт) яратилди. Дастлаб тарихни тушунишнинг бадиий услуби сифатида бу жараён тушунилган бўлса, кейинчалик бундай “тарихий-бадиий ижод”нинг илмий томонлари ҳам шакллана бошлади. XIX асрнинг иккинчи ярмида тарих фан сифатида тўлиқ қарор топгандан сўнг адабиёт ҳам ундан алоҳида фанга айланди. Адабиётчиларнинг асарлари тарихий романларга айланди. Тарих илмий билиш шакли бўлиб эволюцияга ээтилган бўлса, адабиёт маданиятнинг таркибий қисмига айланди.

Фан оламида XIX аср “тарих” асри ҳисобланиб, аввалги афсоналар, ривоятлар, тарихий жараёнларнинг бадиий, диний талқинлари ўрнини тарихнинг фан сифатида илмий хулосалари эгаллай бошлади. Бу даврда бир қатор илмий жамиятлар ва илмий журналлар пайдо бўла бошлади. XX асрга келиб эса тарих ва адабиёт тўлалигича бир – биридан алоҳида соҳага айланди.

XIX асрнинг охирига келиб постмодернистлар томонидан тарихни қайтадан адабиётга яқинлаштириш ҳақида фикрлар билдирила бошланди. Адабиётшунослар ва файласуфларнинг фикрича, метафора (киноз, мажозий маънода) тарих ва адабиётни бирлаштириш мумкин. Х.Вайт томонидан тўр маънодаги тарихий ва “қўғчиликка, тўғчиликка” бўлган фикрларни тарихий прозадаги оммабон тушуночалар билан алмаштириш, тарихчиларнинг фаолиятини адабиёт соҳасидаги бир бўғалиш, тарихий билишнинг эса дунёни эстетик тушуниш шаклига

айлантириш гоёси илгари сурилади. Тарихчи ўз фанидан, ўтмишни “қандай бўлса шундайлигича” тавсифлашдан воз кечиши ва бунда энг асосий ўринга интонация (сўз оҳанги) ни қўйиш керак, деган фикрлар илгари сурила бошланди. Постмодернистлар Х.Борхеснинг - “Жаҳон тарихи бу – айрим метафораларни талаффуз қилишдаги интонациялар тарихидир”, - деган сўзларига урғу бердилар.

Бирок табиийки тарихчилар бундай постулатларни (исботсиз қабул қилинадиган қоидалар) қабул қилмадилар ва уни жилдий фикр ҳисобламадилар. Постмодернистларнинг юқоридаги карашлари фақатгина тарихий романларда ишлатила бошланди. Замонавий тарих фанида тарихий ўтмишнинг ва тарихий жараёнларнинг эстетик жиҳатларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Бирок шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тарихчи ва ёзувчини бир жиҳат доимо ажратиб туради, яъни ёзувчи эса ўзининг ҳаёлий фикрларидан ва тўқима образларидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳолда, *тарихчи фаолияти жараёнида тўқима, уйдирма, ҳаёлий фикрларни беришга ҳаққи йўқ.*

Тарих ва семиотика. Тарих фанидаги семиотик ёндашувлар XX асрнинг 70-йилларида юзага келди.

Семиотика – белгилар ҳақидаги фандир. Белгиларни айнан белги ҳолича ҳам қабул қилиш мумкин, ҳам коммуникация (муомала қилиш, алоқага кириши, алоқа воситаси) тизими сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Бу ерда белгилар тизими ва ўзаро коммуникация тизимининг воситаси сифатида **тил** кўзда тутилади. Семиотикада *икки йўналиш* мавжуд бўлиб, биринчиси *сантиқий йўналиш* бўлса, иккинчиси *лингвистик йўналиш*дир.

Биринчи йўналишда белги “муҳофазаланган” белги бўлиб, белги рамзий маънодаги белги сифатида, белгининг шаклланиши, белгига айланиши жараёнида ўзининг моҳиятига нисбатан, бошқа белгиларга, белгининг аломатларига ва унинг тизимига йўналтирилган бўлади. Кейинги йўналишда эса тил ахборотни етказувчи, берувчи восита сифатида ёндашилади.

Тарих нима деб қўйилган масаланинг турли тушуниришлари ва ечимлари орасида **маданий-семиотик** ёндашув ҳам мавжуд. Масаланинг ечимини топишдаги ва тушунчаларнинг турличалиги бир-бирини илкор қилиш эмас, балки бир-бирини тўлдириб қилиши билан бир нуктадан назардан иккинчисига ва хулосага қилишда муҳим ўрин тутди. *Маданий-*

семиотик ёндашув тарихий жараёнлар иштирокчиларининг ички нуктаи-назарларига ва хусусиятларига мурожаат қилади. Бунда жараёнлар субъектив жihatларининг у ёки бу ҳаракатлари кўзда тутилмоқда. Бунда тарихчининг фаолияти жараёнлар ва улар орасидаги боғлиқликнинг шартли равишдаги тасаввурда акс этади. Шунинг учун тасаввурлар тизимини реконструкция қилиш керак. Семиотик истиқболда тарихий жараён коммуникация жараёни сифатида тасаввур этилади.

Тарихий жараён – социум ва индивид ўртасидаги коммуникация, социум ва ташқи омиллар ўртасидаги коммуникация. Тарих бу – ўтмишни семиотик қабул қилишдир.

Тарих ва табиий фанлар. Синергетика, тартибсизлик назарияси. XX асрнинг 70-йилларига келиб мураккаб таркибли тизимларни ўрганиш бошланиши натижасида фанда янгича иборалар, аниқлаш янгича базавий моделлари шакллана бошладилар. Шулардан бири ўз-ўзини ташкил қилиш ҳақидаги фан - *синергетика* янги йўналиш сифатида пайдо бўлди. Синергетика фанлараро ёндашувнинг асосий воситаси (қуроли) сифатида қўрилади. *Хаосология* синергетиканинг бир тармони бўлиб, ўз предмети сифатида тизимларнинг номуносиваблиги ёки тасодифлар, жараёнлардаги кучли “тебранишлар” соҳаларини ўрганайди. XX асрнинг 70-80 йилларидан бу ёндашув ижтимоий – гуманитар билимларга ҳам кириб кела бошлады. Бу назария тарихнинг бир текисда босқичма-босқич содир бўладиган жараёнлар ҳақидаги моделларини қарши тарзда танлаш имкони кенгрок бўлган *альтернативлик ҳолатини* (қарама-қарши, зид ҳолатда) илгари сурди. Шунини таъкидлаш керакки, файласуфлар ва физиклар хаос назариясининг фаол тарзда тараққий эттириб борадилар, бироқ бу тарих фани соҳасида бир қатор саволларга сабаб бўлады. “Хаос” тушунчасининг ўзи мажозий маънода ва мавҳумдир. Ҳозиргача хаос назарияси тарихчига нима бериши ёки тарих тадқиқотларида қандай самарага ва илмийликка эришиши мумкинлиги мавҳум қолмоқда.

**Таянч
тушунчалар:**

Тарих ва жамиятшунослик, тарих ва психология, маданият антропология, тарих ва адабиёт, тилшунослик, семиотика ва тарих тарих ва табиий фанлар, синергетика, тартибсизлик назарияси, контент – таҳлил, “янги ижтимоий тарих”, ижтимоий-маданият ёндашув, жамият тарихи, локаль тадқиқотлар, интонация, мантикий йўналиш, лингвистик йўналиш.

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Фанлараро ёндашув ва унинг моҳиятини тушунтириб бериң.
2. Тарих ва жамиятшунослик фанлари ўртасидаги алоқадорлиқни тушунтириб бериң.
3. Тарих ва психология ўртасидаги алоқадорлиқни тушунтириб бериң.
4. Маданий антропология нима?
5. Синергетика тушунчасини изохланг.
6. Тартибсизлик назарияси қандай назария?
7. Тарих фанининг қайси фанлар билан алоқадорлигини изохлаб бера olasiz?
8. Фанлараро ёндашув ва унинг талкиотлардаги ўрин?

Мавзуга алоқадор изохли сўзлар лугати:

Антропология	- одамнинг келиб чиқиши ва тадрижий ривожланиши жараёни, жисмоний тузилиши ва ирқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фан.
Мифология	- (миф - афсона) - афсоналар, мифларни, афсоналарни ўрганувчи фан
Постулат	- исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган дастлабки қоида, фараз.
Семиотика	тиббийёт фанларига оид агама бўлиб, касаллик аломатлари ҳақидаги фандир. Тарих фанида эса тарихий жараёنларни уларнинг янги белгилари, аломатлари, хусусиятлари, ўзига хосликларига асосан қисмларга бўлиб ўрганиш соҳаси
Тарих ва социологиянинг ўзаро алоқадорлиги	- бу конкретлик ва абстрактлик ўртасидаги, тарихийлик ва маънавийлик ўртасидаги муносабатлардир. Социология тарих фани билан умумий алоқадорликда бўлиб - замонавий жамиятнинг тузилиши ва қазифалари, жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий оғи мазмуни ва ўзгаришларини ўрганади.
Тарих фанининг ҳуқуқий фанлар билан алоқадорлиги	- умумий алоқадорликда бўлиб, давлат тараққиёти ва ривожланишини умумий (муқамма) ҳолда ўрганади
Тарих ва иқтисодиётнинг ўзаро алоқадорлиги	умумий алоқадорликда бўлиб, замонавий жамиятнинг иқтисодий ҳаёти соҳасини ўрганади

Тарих ва сўбасатшуносликнинг ўзаро алоқадорлиги	- умумий алоқадорликда бўлиб, замонавий жамиятнинг сўбасий ҳаёти соҳасини ўрганади;
Тарих ва маданиятшуносликнинг ўзаро алоқадорлиги	- умумий алоқадорликда бўлиб, маданият ҳаёт соҳасидаги алоҳида ва конкрет шаклланиши, тузилиши ва тараккий этишини ўрганади
Тарих ва фалсафа ва фалсафий фанларнинг ўзаро алоқадорлиги	- асосий назарий – методологик йўналишлар бўйича фалсафий дунёқараишни, тарих фанининг гносеологик асосларини шакллантиради; <i>онтология</i> -- категориялар ёрдамида жаҳоннинг ўзида умумий тузилишининг акс этирувчи фалсафий манзарасини, жумладан жамият ва унинг аниқ ва конкрет тарихий тараккиети ҳақидаги қарашларни шакллантиради; <i>гносеология</i> -- дунёни, жумладан тарихий жараёнларни аниқлаш, билишнинг чегаралари, мисёллари ва имкониятларини асослаб беради; <i>мантик</i> -- илмий тарихий билиш учун зарур бўлган фикрлашнинг шакллари амалга оширилишининг ўзгич қўлланилишини ажратиб, асослаб беради; <i>эпистемология</i> -- илмий билишдаги умумийликни ўрганади, илмий билиш назариясини ишлаб чиқади, жумладан илмий тарихий билиш назариясини ўрганади; <i>испистимий фалсафа</i> -- замонавий жамиятнинг тузилиши ва вазифавий хусусиятларидаги умумийликни ўрганади ва айни вақтда янги ва энг тарихнинг назарий асосларини яратишда асосий ўрин тутаяди; <i>тарих фалсафаси</i> -- умумжаҳон тарихий жараёнларидаги умумий мантикийликни ўрганади, тарихий жараён назарияси учун илмий дунёқараи асосларини яратаяди.
Хаос	- ючон мифологияси ва философиясида турли элементларнинг ибтидоий бетартиб аралашмаси, гўё ҳамма мавжудот ана шу аралашмадан келиб чиққан, деб ҳисобланади. Хаос тушунчаси ўта тартибсизлик, қарқашлик, алғов-данғоблик, аралаш-қуралашлик маъноларини аниқлатади
Хаос назарияси	- бирер-бир нарса ёки воқеанинг турли аралаш унсурлардан ёки аралаш воқеалардан келиб чиққанигини асослашга ҳаракат қилувчи назария

Мавзуни мустахкамлаш учун тест топшириқлари

1. XX аср бошларида қайси давлат тарихшуносликада “социологик” йўналиш пайдо бўлди?
 - A. Францияда
 - B. Германияда
 - C. Англияда
2. Контент – таҳлил неча bosқичда амалга оширилади?
 - A. Уч bosқичда
 - B. Тўрт bosқичда
 - C. Олти bosқичда
3. Контент таҳлиlining қайси bosқичда қуйидагилар амалга оширилади?

..... - матн мазмунига кўра бир неча гуруҳларга (кичик матнларга) ажратилади, ularning моҳияти, аҳамияти ва ўзаро боғлиқлиги аниқланади ва чуқур тарихий таҳлил амалга оширилади

 - A. Биринчи bosқичда
 - B. Иккинчи bosқичда
 - C. Учинчи bosқичда
4. категориялар ёрдамида жаҳоннинг ўзида умумий тузилишининг асос эттирувчи фалсафий манзарасини, жумладан жамият ва унинг аниқ ва конкрет тарихий тараккиёти ҳақидаги қарашларини шакллантиради.
 - A. Онтология
 - B. Гнессология
 - C. Эпистемология
5. Контент таҳлиlining қайси bosқичда қуйидагилар амалга оширилади?

..... - матн таҳлили натижаларининг интерпретациялаш амалга оширилади, бу bosқичда ҳам сифатли таҳлил амалга оширилади. Манба матнининг мазмуни бўйича таҳлилни маълумнинг яширин ахборотларини аниқлашга ва ularни тушунишга ҳам имкон беради.

 - A. Биринчи bosқичда
 - B. Иккинчи bosқичда
 - C. Учинчи bosқичда
6. дунёни, жумладан тарихий жараёнларни аниқлаш, билишнинг чегаралари, мезёрлари ва имкониятларини асослаб беради.
 - A. Онтология
 - B. Гнессология
 - C. Эпистемология

7. **Контент таҳлилнинг қайси босқичида қуйидагилар амалга оширилади?**
 - босқичда маъновий бирликларнинг мағида қўлланилиши ва такрорланешлари миқдори ўрганилади ва бу босқич миқдорий босқич деб аталади.
- A. Биринчи босқичида
 - B. Иккинчи босқичида
 - C. Учинчи босқичида
8. илмий билишдаги умумийликни ўрганади, илмий билиш назариясини ишлаб чиқади, жумладан илмий тарихий билиш назариясини ўрганади
- A. Онтология
 - B. Гнессеология
 - C. Эпистемология
9. — умумжаҳон тарихий жараёнларидаги умумий мантикийликни ўрганади, тарихий жараён назарияси учун илмий дунёқараш асосларини ярагади
- A. Тарих фалсафаси
 - B. Ижтимоий фалсафа
 - C. Фалсафа
10. **Фав оламида XIX аср “.....” асри ҳисобланади.**
- A. Тарих
 - B. Социология
 - C. Табиий фанлар

ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА МАТЕМАТИК УСЛУБЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

*

Математик услублар. Оммавий жараёнларнинг ривожланишида қонуниятларни ва тенденцияларни аниқлашда математик услублар. Услубларнинг репрезентатив танланиши. Математик моделлаштириш. Расмий сон услуби. Икки тури: имитацион модели ва кўрсатиш-ўрганиш модели.

*

Тарих фанида математик услублардан фойдаланишнинг бошланиши XIX аср охири – XX аср бошларига тўғри келади. Тарихчилар ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг статистик таҳлили билан шуғуллана бошладилар.

Математик услублардан фойдаланишнинг янги босқичи иккинчи жаҳон урушидан сўнг, XX асрнинг 50-60 - йилларида ЭХМ лари пайдо бўлгандан бошланди. 1962 йилда АҚШ даги бир катор университетлар ва коллежлар сиёсий тадқиқотлар консорсиумини ташкил этдилар ва бу фаолият давомида АҚШ тарихини ҳам ўрганиб маълумотлар тўплашни бошладилар. Янги тадқиқот услубларига асосланган ҳолда “янги иқтисодий тарих”, “янги сиёсий тарих”, “янги ижтимоий тарих” тушунчалари шаклланди. “Клиометрия” деб ном олган янги фан ҳақида фикрлар пайдо бўла бошлади ва дасгурлар ҳамда маълумотлар базалари яратилди. Бу фаолият натижасида икки нафар клиометрист Д.Норт ва Г.Фогель Нобель мукофоти билан тақдирланди. Уларгача ва улардан кейин ҳам бундай нуфузли мукофотга бирон-бир тарихчи мушарраф бўлмаган. Бу услубларни қўллаш борасида структуралистлар дастлабкилардан бўлдилар. Айни вақтда “тавсифий” тарих тарафдорлари тарихий жараёнларни ҳаддан ташқари абстрактлаштиришга қарши чиқдилар ва манбаларда микродий маълумотлар (дашллар, фактлар) нинг етарли эмаслигини асос сифатида кўрсатиб, тарихнинг фан сифатида ўз киёфасини йўқотиши мумкинлигини таъкидладилар.

Кейинчалик бу масаладаги баҳслар тўхтади, клиометристлар тарих фанини тарихий тавсифлашларсиз математикалаштириш ва унга бoғлиқ

фан сифатида кўрсатиш ҳолатидан воз кечдилар. Бироқ айни вақтда анъанавий тарих тарафдорлари ва мутахассислар эса бу маслага бошқача ёндашиб, математик услублар ёрдамида тарих фани тадқиқотларидаги бир қатор масалаларни ҳал этиш мумкинлигини кўрсатиб бердилар. Бу эса XX асрнинг 60-йилларида тарих фани тадқиқотларида математик услублардан фойдаланишни кучайтирди ва айни вақтда математиклар тарих фани тадқиқотларида бағишланган ишларга ўз тақлифларини кирита бошладилар математик услубларга берилаётган урғу кучайиб борди. Бироқ бу жараёнларда тарихчилар тарихда барча нарсани миқдор жиҳатдан асослаб бериш мумкин эмаслигини ва тадқиқотлар жараёнида тарихий услублар ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаслигини яхши тушуниб турардилар. Айни вақтда тарихчилар тарих фани тадқиқотлари соҳасида яхши самара бериши мумкин бўлган математик услубларни ҳам ўзлаштириш керак деб ҳисобладилар. Бундан келиб чиқадики, тадқиқотлар жараёнида математик услублардан зарур ҳолларда бошқа маънос тарихий ва умумфан услубларидан ҳам фойдаланган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, акс ҳолдаги қўллашларда эса тарихий жараёнларни тушунишда ҳатоликларга олиб келиши мумкин.

Математик услублар умумий жараёнларнинг ривожланишидаги қонуниятлар ва анъаналарни аниқлаб бериши мумкин. Кўплаб иқтисодий, сиёсий жараёнлар математик услублар ёрдамида ўрганилмоқда. Математик услубсиз тизимли ёндашув тадқиқот юзасидан кенг ва агрофлича тушунча бермаслиги мумкин. Типологик классификация (таснифлаш) жараёнида у бир хилда бўлмай кўп томонлама (турли хил) бўлиши мумкин ва бунда шу таҳлитда ёндашув ва таҳлил талаб этилади.

Оддий рақамларни, фозиларни ва оддий ҳисобли гуруҳларни тадқиқот жараёнида қўллаш бу математик услублардан фойдаланиш дегани эмас. Ҳозирги вақтда *дисперсион, корреляцион, фактор (омил, муҳит) ли, кластерли таҳлил, ахборот назарияси элементлари ва дифференциал (ўзгарувчан) тенглаштириш, математик моделиштириш* услублари тарих фани тадқиқотларида қўлланилади.

Математик услублар турли ҳолатлар ва омиллар, у ёки бу ҳодисаларнинг сабаблари, асосий фактлар (далиллар) ни аниқлаш, уларнинг қиёсий аҳамиятини аниқлашда қўл келади. Шунингдек, бу услублар *энесеологик муаммолар* – манбалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш, манбадан кўпроқ ахборотларни олиш

даражасини ошириш кабиларни ҳал этишда ҳам ёрдам беради. Айни вақтда мазкур услублардан фойдаланишнинг меъёрлари ва тадқиқотлардаги ўрнини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади, чунки унинг тадқиқот объектининг хусусиятлари, айни вақтда тарих фанининг ва математика фанининг тараққиёти билан ҳолатларини ҳам диққат эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Математик услублардан тадқиқот жараёнида энг зарур ҳолатларда ва қўллаш имконияти мавжуд бўлган ҳолатларда фойдаланиш мумкин ва қўлга киритилган натижаларни ва ҳулосаларни анъанавий услублардан фойдаланган ҳолдаги натижалар билан таққослаб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда тарихчининг математика фани соҳасидан ҳам етарли билимга эга бўлиши муҳим ўрин тутadi ва ҳар икки фан юзасидан юқори даражадаги билимга эга тарихчи мутахассислар тадқиқотлар жараёнида катта натижаларга эришишлари мумкин.

Шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши ва илмий тадқиқотлар жараёнига кириб келиши билан математик услублардан фойдаланишнинг янги босқичи бошланди.

Математик моделлаштириш. Моделлаштириш — тарихий ҳодисаларнинг шартли равишдаги андозасини, шаклини, ҳолатини тузиш, шакллантиришдир. Ҳар қандай модель (андоза, шакл) — бу тадқиқ этилаётган ҳодисалар ва жараёнлар моҳиятининг абстрактлашган кўринишидир. Моделлаштириш асосида *ўхшашлик назарияси* ётади, бунда модель (андоза, шакл) тадқиқ этилаётган ҳодисалар ва жараёнларнинг яқинлаштирилган ўхшашлигидир.

Моделлаштириш ўз таркибига сифат ва миқдор жиҳатдан тузилган моделлаштиришни киритади (яъни *моҳият-мазмун жиҳатдан* ва *тузилиш-миқдорий жиҳатдан*).

Тузилиш миқдорий моделлаштириш — бу моҳият-мазмунли шаклнинг (андозанинг) тузилиш шаклидир. Унинг аниқ-конкрет маълумотлар билан тўлдирилиши ва бу маълумотларнинг математик услублар ёрдамида таҳлил қилиниши тадқиқ этилаётган ҳодисалар ҳақида янги маълумотлар бериши мумкин.

Қўлга киритилган бу маълумотларни талқин қилиш ва тушунтириб бериш моҳият-мазмунли шакл орқали амалга оширилади ва бунда тадқиқ этилаётган ҳодисанинг моҳияти очиқ берилади.

Тузилиш — миқдорий модель (андоза, шакл) икки кўринишда бўлади:

биринчиси акс эттирувчи - (мезонли) ўлчамли (тарихий ҳодисаларнинг ҳақиқий тузилишини акс эттиради ва уни ўлчовчи, мезонини аниқлаб берувчи сифатида намоён бўлади) бўлиб, иккинчи тури имитацион модель (андоза, шакл) бўлиб, тадқиқот объектининг тузилишини аслига тақлидан талкин қилишга имкон беради ва бунда у моделлаштиришнинг муқобил кўриниши сифатида намоён бўлади.

Акс эттирувчи - (мезонли) ўлчамли модель (андоза, шакл) тадқиқот жараёнида тадқиқотчи учун самарали ва зарур бўладиган муҳим услублардан бири бўлиб, тарихий жараёнларнинг ички рўй бериш ҳодисаларини тушуниш имкониятини беради, манбалардаги айрим етishмайдиغان маълумотларнинг ўрнини тўлдиришда дуч келинадиган қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам беради. Имитацион-муқобиллик модели тушунишни чуқурлаштиришнинг муҳим воситаларидан бири саналиб, тушунишнинг ривожлантириб борилиши турларини ва қўлланилиши мумкин анъаналарни тушунишда ёрдам беради. Шунингдек ҳолатлар ва жараёнларни муқобил ҳолатда имитациялаш ҳам мумкин.

Асосийси, тарихчи модел (андоза, шакл)ни қандай шакллантиришни ўзи ўзлаштириб олган бўлиши талаб этилади. У ёки бу соҳадаги тайёр модел (андоза, шакл) ларни тўғридан-тўғри қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, бундай модел (андоза, шакл) лар тарихий тадқиқотлар учун мослаштирилиши керак. Бу мураккаб жараён маълум билим ва малака ҳамда қўникмаларга эга бўлишни талаб этади ва тадқиқот жараёнида бундан фойдалана олган тарихчи илмий жиҳатдан катта самараларга эришилиши мумкин.

Таянч тушунчалар:	<i>Моделлаштириш, математик моделлаштириш, имитацион модель, акс эттирувчи модель, ўлчамли модель, Математик услублар</i>
--------------------------	---

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар:

1. Математик услублар ҳақида тушуновчанлигини таърифлаб беринг
2. Математик услублардан оммавий жараёнларнинг ривожланишида қонуниятларни ва анъаналарни аниқ аслида қандай фойдаланиши мумкин?
3. Математик моделлаштириш нима?
4. Моделлаштиришнинг акс эттирувчи - (мезонли) ўлчамли шакли нима?
5. Моделлаштиришнинг имитацион шакли нима?

Мавзуга алоқадор изохли сўзлар дугати:

Дисперсия	-	ёйилиш, ажратилиш, бўлиниш, парчаланиш. Тарих фанида тарихий жараёнларнинг таркибий қисмларга ажратиш ўрганиш
Корреляцион	-	ўзаро боғлиқлик, боғлиқчилик, муносабатдорлик; тарих фанида воқеаларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро муносабатда бўлганлиги.
Моделлаштириш	-	тарихий ҳодисаларнинг шартли равишдаги андозасини, шаклини, ҳолатини тузиш, шакллантириш.
Тарихда услуглар	математик -	математикалаштириш (математизация) ва компьютерлаштириш (компьютеризация) илмий-техникавий тараккиётнинг асосий йўналишларидир. Математик услублардан тарих фани тадқиқотларида фойдаланиш ҳақида маҳсус асарлар ҳам ёзилган (М. Ковальченко. Количественные методы в историческом исследовании. М.1984; Математические модели исторических процессов. М.1998). Математик услублар тарихий жараёнларидаги қонуният ва аъёнчаларни аниқлаш ва ўрганиш ва ҳудосалар чиқаришга ердан беради. (масалан, иқтисодий тараккиёт даражасини аниқлаш, аҳолини рўйхатга олиш, сайловларнинг натижаларини таҳлил қилиш). XIX аср охири–XX аср бошида француз олим Семион француз халқининг ойлик статистикасини ҳисоблаб чиқиб математик услубларга асос солган. XX асрда бу усул ривожланади. II жаҳон урушидан кейин АКШ олимлари бу усулдан фойдалана бошлайдилар. Улар математик услублардан электрон ҳисоблаш машиналари билан боғлиқ ҳолда фойдаланганлар. Янги фанлар пайдо бўла бошлагач, тарих янги услубларда кўриб чиқиола бошлаган. Д.Норт ва Г.Фогель математик услублардан фойдалангани учун Нобель мукофотига сазовор бўлишган. Баъзи олимлар агар ҳамма жараён рақамларга айлантириб юборилса, тарихда тирик насон қолмайди, бошқалари математик услублар сиз умумий ҳудосага келиб бўлмайдиган деган фикрларни билдирганлар. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб математик услублар тарих фани тадқиқотларида кенг қўламда қўлланиш бошлади. Математик услубларлардан фойдаланиб, тарихий жараёнлар, воқеаларни математик моделлаштириш (тиклаш) мумкин.

1. **Тарих фанида математик услублардан фойдаланишнинг бошланиши қайси даврга тўғри келади?**
 - A. XIX аср охирига тўғри келади.
 - B. XX аср бошларига тўғри келади.
 - C. XIX аср охири – XX аср бошларига тўғри келади.
 2. **Моделлаштириш нима?**
 - A. Тарихий ҳодисаларнинг шартли равишдаги андозасини шакллантиришдир.
 - B. Тарихий ҳодисаларнинг шартли равишдаги шаклини, ҳолатини тузишдир.
 - C. A ва B
 3. **Сифат ва миқдор жиҳатдан, моҳият-мазмун жиҳатдан ва тузилиш-миқдорий жиҳатдан тузилган шакл қайси услуб таркибига кирилади?**
 - A. Моделлаштириш таркибига
 - B. Тизимлаштириш таркибига
 - C. Хронологиялаштириш таркибига
 4. **Тузилиш миқдорий моделлаштириш бу -**
 - A. Моҳият-мазмунли шаклнинг (андозанинг) тузилиш шаклидир
 - B. Тарихий воқеаларнинг абстракт шаклидир
 - C. Даврлаштирилган босқичли шакл
- Тузилиш – миқдорий модель неча хилда бўлади?**
- A. Икки хилда
 - B. Уч хилда
 - C. Беш хилда
6. **Тарих фанида тарихий жараёсларнинг таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш бу-дир.**
 - A. Дисперсия
 - B. Корреляция
 - C. Моделлаштириш
 7. **Тарих фанида воқеаларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро муносабатда бўлганлигини аниглайди.**
 - A. Дисперсия
 - B. Корреляция
 - C. Моделлаштириш
 8. **Тарихий ҳодисаларнинг шартли равишдаги андозасини, шаклини,**

ҳолатини гузариш, шакллантириш ёрдамида амалга оширилади.

- A. Дисперсия
- B. Корреляция
- C. Моделлантириш

9. Қуйидагилардан услублардан қайсилари тарих фани тадқиқотларида қўлланилади?

- A. Фактор (омил, муҳит) ли, кластерли таҳлил
- B. Ахборот назарияси элементлари ва дифференциал (ўзгаришчан) тенглаштириш
- C. А ва В

10. Қуйидагилардан услублардан қайсилари тарих фани тадқиқотларида қўлланилади?

- A. Дисперсион таҳлил
- B. Корреляцион таҳлил
- C. А ва В

ТАРИХИЙ МАНБА.АХБОРОТ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*
—————

*Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни.
Манба ахборот ташувчи. Ахборот. Яққол ва яширин
ахборот. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот.
Ахборотнинг этишии ва этишмаслик муаммоси. Илк
манба. Биринчи ахборот. Манбанинг ахборотли
туғулланмаслиги. Манбаларнинг мазмунига системали
ёндашув. Манбанинг матни. Асосий ва қўшимча
манбалар. Тарихчининг манбалардан ташқари билими.*

*
—————

Тарихчи ўтмишда ўтган одамларнинг фаолияти сифатида сақланиб, бизгача етиб келган манбаларга асосланган ҳолда ўтмишни тасвирлаб, унинг айрим кўринишларини “тиклаб” беради. Сўнгги ёкларда аввалги даврларда яшаб ўтган одамларнинг “фаолиятлари келдиклари” тарихчининг эътиборига тушгандан кейин ҳамда тарихчи томонидан унга мурожаат қилингандан сўнггина тарихий манбага айланиши ҳақида фикрлар илгари сурилмоқда.

Агар тарихий манбашунослик курсида манбашуносликнинг турлари, классификацияси, уларни таҳлил қилишнинг танкидий усуллари ўқитилса, тарих фани методологияси курсида эса манбашуносликнинг назарий асослари муаммолари, унинг табиати, репрезентатив имкониятлари, манбаларнинг тадқиқотлардаги билиш вазифалари ўрганилади.

XIX асрнинг биринчи ярмидаги “классик манбашунослик” ва (Б.Нибур, Л.Ранке) манбаларга ўтмишнинг ҳақиқий гувоҳи сифатида муносабатда бўлинган ва ҳаттоки унга “таъзим қилинган”. Бунда тарихчи томонидан манбаларда келтирилган маълумотларни тавсифлаш билангина чекланганилган ва тарихчининг ижодий фикрлари ва тафаккурига эътибор қаратилмаган ёки етарли баҳо берилмаган. Тарихчилар тор доирадаги манбалардаги маълумотлар билан чекланган ҳолда тадқиқотларда асосий урғун манбалардаги ҳужжатларга берилган

Позитивистлар тарихин “иҷобий” фанлар қаторига қўтариш ақсалида ҳаракат қилиб, тарихчидан ҳужжатлар ичидан далилларни

ажратиб олишни асосий вазифа сифатида кўрсатдилар. Манбаларнинг таҳлили методларини яратиш долзарб вазифалардан бирига айланиб, фалсафий масалалар “четга суриб” қўйилди. “Манба” ибораси ўрнига одамларнинг фаолияти ва фикр-қарашлари натижасида юзага келган “из” ибораси қўлланила бошланди, фаолиятнинг ўзи эътибордан четда қолиб, хиссиётлар ва фикрларнинг акси ҳақида гапирила бошланди. Бунда тарихчи тадқиқот жараёнида манба муаллифининг фикрлари билангина чекланиб қолиб, унинг таассуротларини қайтадан шакллантира бошлади. Позитивистлар манбаларнинг бирламчилигини тарихчининг тафаккури ва фикрлашидан устун қўйдилар, “хужжат йўқ бўлса, тарих ҳам мавжуд эмас” ғоясини илгари сура бошладилар. Назарияга етарли баҳо берилмаслиги эмпиризмга олиб келди, *тарихчига фактларнинг қайд этувчиси* деб қаралди. Хужжатлар эса ўтмиш ҳақида реал объектив маълумот берувчи манба ҳисобланди.

XIX асрнинг охирига келиб фандаги мавжуд вазият ўзгарди, манбалар ва реал воқеалик ўртасидаги, тарихчининг манбаларга бўлган муносабати аввалги даврларга қараганда бирмунча мураккаблашди. Бу вақтга келиб тарихчилар ҳеч қандай факт ёки далил манбаларда тайёр ҳолда учрамаслиги ва мавжуд бўлмаслигини тушуниб етдилар. “Далилга сизиниш” ва “хужжатларга сажда қилиш” ни танқид қила бошладилар. Манбалар ва далилларга муносабатининг бу тарзда ўзгариши эса манбаларнинг объективлигини шубҳа остида қолдира бошлади. Қўлгина тарихчилар ва ҳатто файласуфлар ҳам манбаларнинг таҳлили жараёнида ижодий ёндашув зарурлигини тан ола бошладилар. Манбаларни чуқурроқ ўрганиш кўпроқ маълумот олиш имконини бера бошлади. Бирок энди бу ҳолатда, яъни “далилларнинг илоҳийлаштирилиши”ни танқид қилиш жараёнида тарихчилар иккинчи бошқа бир муаммога, яъни энди тарихчининг фикрларини “илоҳийлаштирилиши” ва аксинча манбалардаги объективлик хусусиятининг инкор қилинишига олиб келди. Манба мазмунининг тарихчи тафаккуридан келиб чиққан ҳолдаги боғлиқлик ҳақида таъкидлана бошланди. Бу йўналиш тарих фалсафасининг “танқидий” йўналиши ҳисобланади. Б.Кроче тарихий манбалар тарихчининг тафаккури ва онгидан ташқарида мавжуд бўлмайди, деб ҳисоблади. Тарихчининг фикрларисиз хужжатлар ўлиқдир амалда тарихий манба тарихий онг ичида, унинг таркибига айланиб кетади. Бирок, Б.Кроче фикрининг тарафдорлари тарихий манбаларнинг

объектив мазмунини тасвир қилган ҳолда уни тарихчининг фикрига ва тафаккурига боғлиқ қилиш керакдир.

Англиялик тарихчи Л. Карр позитивистларнинг тарихчини фактларнинг қайд этувчиси сифатида берган баҳосига кескин қарши чиқиб, тарих билиш субъектининг, тарихчининг ижодий меҳнати маҳсули, деб баҳо берди. Бироқ бу фикри билан у ҳам ҳатоликка йўл қўйди, яъни тарихчи манбани яратди, деб айтган фикрини қўлғина тарихчилар инкор қилдилар.

Э.Карр тадқиқотларда тарихчининг ўрнини бўрттиришга қарши чиқиб, бу объектив ҳулосалар чиқарилишини шубҳа остига қўяди, деб фикр билдирди.

Айрим тарихчилар эса манбани ижтимоий фаолият маҳсули ҳамда объектив тарихий воқелик аксининг шакли деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича манбалар ижтимоий ҳолига бўлиб, уларда ижтимоий муносабатлар акс этади, манбанинг ўзи эса объектив воқеликнинг субъектив образ (сиймоси, кифоси, шакли) дир. Бу нуқтаи-назар тарафдорларининг эътироф этишича, манба тарихчига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади, фақатгина манбанинг билиш жараёнига жалб этилиши тарихчига боғлиқдир. Тарихчи манбани яратмайди, балки ундан маълумотларни ажратиб олади.

Манбанинг ахборот назарияси эканлиги. Манба тарихчига ўта боғлиқ бўлган ахборот ташувчидир. Қўн ҳолларда манбалардан олинаётган маълумотлар тарихчини қониқтирмайди. Бундай ҳо. атлар тадқиқотчи ва тарихнавис ёки манба муаллифининг мақсадлари бир-бирига мос келмаганда, шунингдек тадқиқотчи учун зарур маълумотлар манбада мавжуд бўлмаганда юзага келади. Бундай ҳолатда тарихчи ёки тадқиқотчи томонидан бошқа манбалар тадқиқот учун жалб этилиб, маълумотларнинг етарли, асосли ва ишончли бўлиши таъминланишига ҳаракат қилинади. Манбалар ижтимоий маълумотлар ва ахборотлар ташувчиси бўлганлиги учун бунда ахборот ҳақидаги билимларни қўллаш зарурдир.

И.Ковальченçonнинг фикрича ахборот – дунёда содир бўлган турли воқеаларнинг тасвиридир. Ахборотнинг доимий алмашинуви жамият ҳаёти ва инсон ҳаётини изга солиб турилишининг асосий шартларидан биридир.

Ахборот очик шифодаланган ва яширин ҳолатда (кейингиси, қўп

учрайди) бўлади. Ахборот белгилар орқали, кўп ҳолларда тил (ёзув) тизимлари орқали ифода этилиши, аynи вақтда эса сақланиши ва етказиб берилиши мумкин. Объектив маълумотларнинг қўлга киритилиши субъектнинг билиш хусусиятлари, идрок эта олиш лаёқатиға боғлиқ ҳолда ҳамда қўлланилаётган тадқиқот методларининг самарасига боғлиқ равишда чекланиши мумкин. Айрим ҳолларда бузилган, нотўғри талкин этилган ва хаго маълумотларни ҳам олиши мумкин.

Ахборот қайд этилган ва қайд этилмаган (оғзаки) бўлиши мумкин. Турли нарсаларға (тош, чарм(пергамент), ёғоч, сопол, коғоз ва бошқ) қайд этилган маълумотлар албатта оғзаки маълумотларға нисбатан ишончлироқ бўлиши табиий. Маълумот канча кўп бўлса, шунча яхши, бироқ муҳим бўлмаган ва аҳамияти кам бўлган маълумотлар тадқиқотчи томонидан аниқланиб, уларни асосий маълумотлардан ажратиб қўйиш мақсадға мувофиқдир. Бундан ахборотнинг етарлилиги масаласи келиб чиқади ва буларнинг ҳаммаси манбаларнинг таҳлили ва тадқиқоти жараёнида эътиборға олинishi лозим.

И.Ковальченконинг таъкидлашича, манбанинг юзаға келиши жараёнининг ўзи ахборотлашиш ва ахборотлаштириш жараёнидир. Манбанинг яратувчиси ёки тарихнавис манбани ёзиш жараёнида аниқ мақсадни қўяди ва бир қатор вазифаларни амалға оширади. Манба муаллифининг ўзи воқеликнинг бир қисмидир. *Яхши ёки ёмон манбалар бўлмайди, булар тадқиқотчининг таҳлилга ёндашуви ва қўллаётган тадқиқот методларининг самарадорлигига боғлиқдир.*

Хар қандай манба икки томонлама ахборот ташиувчи хусусиятиға эға ҳисобланади. *Биринчидан*, муаллифининг тафаккури ва онги маҳсули сифатида биз тадқиқот объекти ҳақида маълумотға эға бўламиз, *иккинчидан*, манбалар ахборот берувчи субъектини хусусиятлайди.

Статистикаға манба сифатида баҳо берар экан, И.Ковальченко манбалардан статистикаға онд ажратиб олинган хар қандай маълумот ахборотнинг йўқотилишиға олиб келади.

Манбаларнинг энг қимматлиси дастлабки маълумотлар ёритиб берилган манбалар, яъни *бирламчи манбалар*дир.

Хар қандай манбада ўтмиш тажассуротлари ва воқеаларнинг тафсилотлари сараланган ҳолда қайд этилиши табиийдир. Бунда воқеаларнинг тўлақошли тафсилотлари ҳақидаги тасаввурлар чекланар, бундай ҳолатда тарихчи ёки тадқиқотчи умидсизликка тушмасдан,

манбалардаги *ахборотларнинг тугалланмаслигига* эътибор қаратиши лозим. Бунда тадқиқотчи томонидан манбалардаги қайд этилмаган ва яширин ахборотларни излаш ва уларни тадқиқотга жалб эта олиши лаёқати муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда ёзма манбалардаги асосий хусусиятлардан бири бўлган *манбанинг тили* масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

И.Ковальченко яширин ахборотларни аниқлаш имконини берувчи манбаларни таҳлил қилишнинг тизимли ёндашуви методини илгари сурди. (Мангикий ёндашув ҳам яширин ахборотни аниқлаш имконини беради-З.Н.) Манбаларни тизимли таҳлил қилиш орқали ахборотларнинг ишончли эканлигини ҳам текшириш имконияти юзага келади.

Постмодернистлар манбанинг матни. Кейинги йилларда манбага матн сифатида қараш фикри юзага келган. Матнлар ўтмишда содир бўлган воқеаларни мангикий, тил, нотиклик қонуниятлари асосида “кайтадан сўзлаб” бериши мумкин. Натижада тарихий воқелик шакли, мазмуни ҳамда моҳияти жиҳатидан ўзгариши содир бўлади. Ю.Лотман тилдаги мавҳумлик ёки умумийлик ва унинг тавсифга ва тавсифланаётган объектга таъсиридан келиб чиқадиган тил муаммосига эътиборни қаратади. Бу ерда манба тилининг тадқиқотчи тилига таржима қилиш муаммоси ҳам мавжуд.

Биз биладиган ўтмиш – бу тарихчининг конструкциясидир. Бунда манбани ўз ичида барча ҳақиқатни яшириб турган идишга ўхшатиш мумкин ва унинг оғзини очиб, ичидан ана шу тарихий ҳақиқатни, яъни тарихий воқеликлар ва уларнинг тафсилотларини, сабаб ва оқибатларини аниқлаш ахборот ва маълумотларни олиш мумкин. Бирок *тарихий манбасиз тарихий тадқиқотни амалга ошириш мумкин* эмас ёки манбага асосланмаган тадқиқот тадқиқот ҳисобланмайди. Манбаларга таянган ҳолда нарратив шакллантирилади. Бирок бу ерда тарихий манба нарративини тарихий ижод нарративига айлантириш асосий вазифа эмас. Е.Топольскийнинг таъкидлашича, тарихчи ўтмиш билан мулоқотга кириша олмайди ва улар ўртасида алоқадорлик мавжуд эмас, бирок тарихчининг воқелик билан жуда ожиз бўлган “тола” боғлаб турадики, уни инкор қилиш мумкин эмас.

Е.Топольский манбаларни *тўғри* ва *эгри* манбаларга ажратади. Тўғри манбаларни тарихчи ўз кўзи билан кузатиш имконига эгадир (археологик ёдгорликлар, бинолар, ашёлар ва бошқ.). Эгри манбалар эса

тарихчи томонидан эмас, балки бошқа бир шахс томонидан қўзатилаган ҳолатлардир. Бундай манбалар каторида хатлар, қўндаликлар, йилнома­ларни келтириб ўтиш мумкин. Агар ахборот интерпретацияга эга бўлмаса, унда бу ахборот асосий таянч ахборот ҳисобланади. Тарихчи адабиёт­шуно­сдан фарқли равишда далилларни ўзича тўкиб чиқара олмайди. Далиллар нарративни шакллантириш учун хизмат қилади, бунда тарихчи дедукцияга мурожаат қилади. Буларнинг барчаси тарихчи томонидан манбаларга асосланган билимлари ва манбалардан ташқари билимлари орқали назорат қилинади.

Е.Топольский тарихчининг манбалардан ташқари билимларини асослаб беради. Гап шундаки, тарихчи тадқиқотга киришар экан, тадқиқ этилаётган давр ва тарихий воқеалик ҳақида маълумотларга эга бўлади, яъни бу давр бўйича фактларга, назарий билимларга эга бўлади. Тадқиқот мавзусини танлаган вақтдаёқ тарихчи шу билимларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот олдига ва манбалардан фойдаланишдаги вазифаларни аниқлашда фойдаланади. Айни вақтда у аввалги тарихчилар мазкур манбалардан қанчалик даражада фойдаланганликларини ҳам билади. Бу ерда охи­рги натижанинг асосланганлиги муҳимдир. Манбанинг танланиши ва унинг таҳлили тарихчининг айни вақтда тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан қанчалик билимга ва маълумотларга эга эканлиги билан боғлиқ. Бунда тарихчининг тадқиқот жараёнидаги манбадан ташқари билимлари бекиёс муҳим аҳамият касб этади.

Таянч

тушунчалар:

Ахборот, манба, яққол ва яширин ахборот, белгиланган ва белгиланмаган ахборот, ахборотнинг етишиши ва етишмаслиги, илк манба, биринчи ахборот, асосий манбалар, қўшимча манбалар, тарихчининг манбалардан ташқари билими.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни?
2. Манбанинг ахборот ташувчи эканлиги?
3. Ахборот нима?
4. Яққол ва яширин ахборот нима?
5. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот нима?
6. Ахборотнинг етишиш ва етишмаслик муаммоси нима?
7. Илк манба қандай манба?
8. Биринчи ахборот нима?
9. Манба ахборотининг тугалланмаслиги?
10. Манбалар мазмунига системали (тизимли) ёндашув?

11. Манбанинг тартибиди?
12. Асосий манбалар ва қўшимча манбалар?
13. Қўшимча манбалар қандай манбалар?
14. Тарихчининг манбалардан фойдаланиш билими?

Мавзуга алоқадор иттиҳод сўзлар лугати:

Ахборот	- дунёда содир бўлган турли ҳолатларнинг тасвиридир. Ахборотнинг диний аламини ва жамият ҳаёти ва инсон ҳаётини изла солиб турилишининг асосий шартларидан биридир. Ахборот <i>очик ифодаланган</i> ва <i>яширин</i> ҳолатда (кейингиси кўп учрайди) бўлади.
Манба	- ўтмиш ҳақида ахборот ташувчилар манбалар ҳисобланади. <i>Манбалар</i> бир неча турли бўлиши мумкин: <i>Ёзма (беғилли, манбалар; Моддий манбалар; Этнографик манбалар; Халқ оғзаки ижодиёти оид манбалар; Лингвистик (тилишуносликка оид) манбалар.</i>
Эмпиризм	- назарий умумлаштиришни инкор қилиб, ҳиссий идрокни, тажрибани билишнинг бирдан бир манбаидир деб биладиган фалсафий йўналиш. назариядан кўра амалий фаолиятга кўпроқ мойил бўлишлик, амалий фаолиятга та мойиллик.

Мавзунинг мустақамлаш учун тест топшириқлари

1. **Қачондан бошлаб классик манбашуносликда манбаларга ўтмишнинг ҳақиқий гувоҳи сифатида муносабатда бўлинган ва ҳаттоки унга таъзим қилинган?**
 - A. XIX асрнинг биринчи ярмидан
 - B. XVIII асрнинг охириларидан
 - C. XX асрнинг бошларидан
2. **Қайси йўналиш вакиллари тарихий ижобий фанлар каторига кўтариш мақсадида ҳаракат қиладилар?**
 - A. Неокангчилар
 - B. Позитивистлар
 - C. Антипозитивистлар
3. **Қайси йўналиш вакиллари тарихчидаги ҳужжатлар ичидаги далилларни ажратиш олишнинг асосий вазифа сифатида кўрсатадилар?**
 - A. Неокангчилар
 - B. Позитивистлар
 - C. Антипозитивистлар

4. **“Хужжат йўқ бўлса, тарих ҳам мавжуд эмас”, - ғоясини кимлар илгари сурдилар?**
 - A. Неокантчилар
 - B. Позитивистлар
 - C. Антициентистлар
5. **Тарихда нима сабабдан эмпиризм вужудга келди?**
 - A. Тарихчига фактларнинг қайд этувчиси деб қарагани учун.
 - B. Далилларнинг илоҳийлаштирилганлиги учун.
 - C. Назарияга старли баҳо берилмаганлиги учун.
6. **Б.Кроченинг фикрича...**
 - A. тарихий манбалар тарихчининг тафаккури ва онгидан ташқарида мавжуд бўла олмайди
 - B. тарих билиш субъекти, тарихчининг ижодий меҳнат маҳсули
 - C. тарихчи фактларнинг қайд этувчиси
7. **.... нинг фикрича манбаанинг юзага келиши жараёнининг ўзи ахборотлаштириш ва ахборотлаштириш жараёнидир?**
 - A. И.Ксвальченко
 - B. Б.Е.Топольский
 - C. С.Ю.Лотман
8. **Манбаларнинг энг қимматлиси қандай манбалар?**
 - A. Статистик манбалар
 - B. Тўғри манбалар
 - C. Бирламчи манбалар
9. **Е.Топольский манбаларни қандай гуруҳларга бўлади?**
 - A. Бирламчи ва иккиламчи манбаларга
 - B. Қайд этилган ва қайд этилмаган манбаларга
 - C. Тўғри ва эгри манбаларга
10. **Ахборот асосан қайси ҳолатда қўл учрайди?**
 - A. Яширин ҳолатда
 - B. Очиқ ифодаланган ҳолатда
 - C. Қайд этилган ҳолатда

ТАРИХИЙ ДАЛИЛ ВА УНИНГ ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

*
—————

Тарихий далил ва унинг интерпретацияси. Далил. Тушунча тўғрисидаги баҳслар. XIX асрда далилга сизиниш. Далил тадқиқотларининг натижаси. Интерпретациянинг «юмишқилиги» ва далилнинг «мустаҳкамлиги». Далилнинг ҳақиқийлиги ва уни англаш. Далилнинг гуруҳлари ва хусусияти бўйича моҳияти. Тарихий борлиқ далилларининг турлари. Тарихий далил тизими, тарихга таъсир этиш омиллари ва моҳияти.

*
—————

Тарихий далилларни аниклаш ва уларнинг интерпретацияси замонавий тарих тадқиқотларининг асосий омилларидан бири саналади. Тарихчи нафақат профессионал маҳоратга эга бўлиши керак, балки тарихий далил юзасидан ўзининг илмий қарашларига ҳам эга бўлиши (қай тарзда қўлланилиши, таҳлили қилиниши ва далилларни интерпретациялаши) талаб этилади. Тарих фани мавжуд бўлган фаолият кўрсатаётган барча даврларда “тарихий далил” тушунчаси юзасидан баҳс ва мунозаралар ҳам доимий равишда мавжуд бўлган. Бу ҳақда фикрлар тушунчалик кўпки, уларни тарихий ижодни шакллантириб берадиган “тиштчалар” (“кирпичики”) бошлаб тафаккур орқали шакллантириладиган тасаввурларгача кўриш мумкин. Бирок бу баҳслар ва мунозаралар асосланмаган курук сафсаталар эмас, балки умумий ҳолатда тарихий тафаккурни мукаммаллаштириб, янги ёндашувларнинг юзага келиши ва тарихий тадқиқотларда янги услубларнинг қўлланилишига йўл очиб берди.

Далил тушунчаси тарихшунослик нуктаи-назаридан алоҳида мақомни, алоҳида таърифни, ўзига хос қонидани талаб қилади. Тарихчи далил ва унинг ўзига хос жиҳатларига жиддий ёндашуви лозим. Ҳар қандай тадқиқот жараёнида тарихчи тадқиқотчи шундай ҳолатларга дуч келадики, бунда тарихий тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган тадқиқотнинг моҳияти, унинг илмий асосланганлиги

далилларга бевосита боғлиқ бўлади. Бунда тадқиқотчи маълум бир тарихий жараён, воқелик ёки ҳодиса ҳақидаги хулосаларни исбот қилиш, ёки аксинча уни инкор қилиш, учинч ҳолатда эса ўз илмий хулосасини инкор қилиб бўлмайдиган ҳолатда кўрсата била олиши ва исботлай олишида бевосита далилга асосланади, ўз-ўзидан бу жараёнда далил ўта муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, савол туғилади, далилнинг ўзини, тарихий далил қандай бўлади, далилни қандай тушуниш лозим?

Тарих фани ўзининг бир неча минг йиллик тараққиёт йўлида тарихий далилга бўлган муносабатни аниқлаштириб олиш учун бирмунча мураккаб, илмий тафаккур, илмий билиш ва илмий хулосалар чиқариш тажрибаларини ўтади. Тарих фанининг ибтидосида тарихчининг вазифаси асосан далилани йиғиш бўлган. Оғзаки манбалар, афсоналар, ривоятлар дастлабки вақтларда ўтмишни тасвирлаб берувчи асосий омиллар бўлган бўлса, тарих фанининг тараққиёти жараёнида далил ва унга бўлган муносабат, далилни тарих фанига ва тарихий воқеаларнинг асослаб берилишига жалб этилиши ҳам жиддийлашиб, мураккаблашиб борди. Аниқ ва муайян содир бўлган тарихий жараён ёки ҳодиса ҳақида аниқ далилларни топиш тарихчи олдидagi асосий вазифалардан ва муаммолардан бирига айланди.

Яна бир асосий муаммолардан бири далилни изоҳлаб бериш эди. Аста – секинлик билан далил ва унинг изоҳи борасидаги фикрлар, қарашлар, ёндашувлар шакллана бошлади ва айни вақтда уларнинг гурличалигибу тушунчалар ўртасидаги зиддиятларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлди.

XIX асрда далилнинг “илоҳийлаштирилиши”, далилга “сиғиниш” ҳолатлари рўй берди. Далилларнинг аниқланиши ва қўлланилиши вазифаси манбаларнинг танқидий текшируви орқали амалга оширилди. Далил тушунчаси остида реал тарихий воқеликни акс эттириб, тасвирлаб берувчи ишончли билим тушунилди. Далилларга фаннинг ишончли объектив асоси сифатида муносабатда бўлинди, далилларни тавсифлаб тарихий жараёни умуллаштиришга эътибор қаратилди. Немис тарихчиси Д.Ранкеннинг таъкидлашича, “тарихни қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича ёзиш керак”.

Позитивистлар далилларни умуллаштиришга ишончсизлик ва шубҳа билан қараб, уни тарихчининг субъектив қарашлари маҳсули деб ҳисобладилар. Натижа эмпиризмининг юзага келиши ва далилларнинг

мутлаклаштирилишига (абсолютлаштирилишига) олиб келди. Тарихчининг вазифаси сабабларни оқибат орқали бир-бири билан боғлиқ бўлган далилларни бир тизимга қўйиш, деб қаралди.

Г.Риккерт бу масалага неокантчиларнинг тарихнинг ўзига хос хусусиятларини асослаб берган нуктаи-назаридан келиб чикиб ёндашди. У тарихчи далилларга асосланган соф ҳақиқатни ўз фикр-мулоҳазаларига асосланган ҳолда баён қилиши керак деб ҳисоблади. Тарихий далиллар биб марта содир бўладиган ҳолат бўлиб, у индивидуал хусусиятга эга ва ҳар қачон такрор содир бўлмайди. Далилларнинг саралаб олиниши кўрсаткичлари унинг “нодир”лигини асослайди.

Бирок фаннинг ривожланиши шуни кўрсатдики, далиллар таъкидотнинг фақатгина асосига эмас, балки унинг натижасига ҳам тавассути таъсир кўрсатувчи омилдир. Далилларсиз нафакат умумлаштириш мумкин эмас, балки илмий далилларнинг ўзи ҳам ўзида умумийликни ифодалайди. Инглиз олими Ф.Пауикнинг қарашича, фаннинг *далиллари* – *бу фикр ва мулоҳазалар тизими бўлса, умумлаштириш* – *мулоҳазалар ҳақидаги мулоҳазалардир*.

Тарихчи Е.Топольский эса тарихий далилларни ўзгарувчан яхлит тизим сифатида ўрганиб, бу тизим доимий равишда ўзгариб ва янгиланиб туради, дунёқарашлар кенгайиб боргани сайин далил орқали воқелик воқеиятининг янги қирралари очилиб бориши муқаррардир, деган фикрларни ўртага ташлайди.

Америкалик олим К.Беккер 1955 йилда ҳар қандай оддий далиллар ўз таркибида қўплаб майда ва оддий далилларни ифодалайди, деган фикр билан чиқди. Унинг таъкидлашича, далил – “бу ақлий шакллантирилган, белги, минглаб оддий ва содда далилларнинг ягона далилга бирлаштирилиши”дир. Далилларда ҳеч қандай объектив мазмун мавжуд эмас ва у реал тарихий воқеликка мос келмайди. Буларнинг барчаси тарихчининг онгида, шуурида, тасаввурида тўқнашади. К.Беккернинг асосий *релятивистик(воқеликни объектив равишда билиш мумкинлигини инкор этадиган методологик гоя)* қарашларини бошқа файласуфлар ҳам қувватладилар. Хусусан, француз Р.Арон – “далиллар ўз ҳолича мавжуд бўлмайди, далил онг ва тафаккур орқали шакллантирилади ва онг ҳамда тафаккур учун бўлади”, - деб ҳисоблайди. Масалан, тарихчи тасвирлаётган тарихий жараёнлар ва воқеалар унинг онгида, тасаввурида ҳосил бўлади, яъни тарихчининг онгидан ташқари тарихий реаллик

мавжуд эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича далил (факт) ихтиёрий эркин ҳолатда тарихчи томонидан шакллантирилади, тарихий билиш эса нисбий хусусиятга эгадир. Р.Ароннинг бу қарашлари тарихчиларни қониқтирмади ва улар бу фикрларни инкор қилдиб, бу услубдаги ёндашувни асоссиз деб ҳисобладилар.

Тарихчи Э.Каррнинг таъкидлашича, тарихда бўлиб ўтган ҳар қандай воқеалар эмас, балки тарихий аҳамиятга эга бўлганларигина тарихий далил бўлиши мумкин. Унинг фикрича, тарих бу изоҳ беришдир, тарихчи ва далил ўзаро тенглик муносабатида бўлиши ва ҳар иккиси ҳам ўз ҳукмига эга бўлиши керакдир. Тарихчи ҳолисликка, далил эса воқеликнинг асоси сифатида исботланганликка эга бўлиши керак. Шунда уларнинг тенглиги ва ҳолислик таъминланади, деган фикрларни билдиради.

Далиллар ҳақида ўз фикрини билдирар экан, Э.Карр - далил -- “интерпретациянинг юмшоқлигига нисбатан қаттиқ жисм”, - деб кўрсатади. Далиллар бизга ҳеч қачон соф ҳолда етиб келмайди, улар тарихчининг онгида таъсирга учраб, даҳлсиз ҳолатда тарихчининг қарашлари ва интерпретациясини ифодалайди. Шунинг учун далиллар алоҳида маълум бир интерпретацияда мавжуд бўлади. Далилларнинг сараланиши эса тарихчининг фактларга асосланмаган қарори натижасидир. Э.Карр кўрсатиб ўтганидек, тарихчи Сцилланнинг *далилларнинг объектив равишдаги аралашлиги ва далилнинг интерпретациядан устуңлиги тўғрисидаги тарих назарияси* ҳамда *Харибданинг тарих тушунчаси далилларни аниқлаш ва уларни интерпретация ажараёнида уларни ўз измига буйсундирадиган тарихчининг субъектив ижоди маҳсули сифатида қарашлари ўртасида сарсон бўлиб қолади.* Бу ҳақатан ҳам икки бир-биридан узоқ бўлган қараш бўлиб, улар ўртасидаги мутаносибликни излаш давом этмокда.

Г.М.Иванов далил тафаккур маҳсули бўлиб, объектив реаликни ва тарихий воқеликни ифодалайди, деб ҳисоблайди. Тарихий далил тарихий воқеа билан айнан бир ҳилда эмас, улар бир-бирини айнан такрорламайди, бироқ уларни бир-бирига қарама – қарши қўйиш мақсадга мувофиқ эмас -- субъективликка олиб келади. Далиллар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида объектив ва субъектив ҳолатда намоён бўлади. Фактнинг мазмуни предметнинг мазмуни ва тадқиқот жиҳати ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бир хилликка эга бўлмайди.

Вокеликдаги фактлар ва тарихий тафаккур далилларини ҳамда маълумотдаги далилни вокеликдаги далилдан бир-биридан фарқлай олиш тадқиқотлар жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай хабар ва маълумотни вокеликдаги далил сифатида қабул қилиш ва айтиш вақтда вокеликдаги ҳолатларни маълумотларга таркибига сингдириш мақсадга мувофиқ эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур тарихчи далилларни *гуруҳларга* ажратишни тақлиф этади. Бунга кўра энг *аввало* улар мазмунига кўра иқтисодий, сиёсий, мафкуравий бўлиши мумкин, яъни бундай далилларжаҳмиёт тузилиши ва вазифаларидаги алоқадорликни ўрганиш имконини берса, *иккинчи гуруҳ* тарихий ҳодиса (воқеа)нинг таркибини аниқлаб берувчи мазмунга эга бўлиб *тузилишига* кўра алоҳида гуруҳни ташкил этади. Бунга кўра далиллар *оддий* ва *мураккаб* бўлиши мумкин. *Оддий далил* такрорланмас ва ягона бўлиб, янада соддарок гуруҳларга ва қисмларга бўлинмайди. *Мураккаб далиллар* эса бутун-бутун жараёнлар билан боғлиқ бўлиб ёки айтиш вақтда уларни акс эттириб (масалан, халқларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, деҳқончиликнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, тараккий этиб бориш босқичлари ва бошқ) *муҳимлиги* касб этади. *Далилларни ўрганиш тизими ёндашуви талаб этади. Учинчидан*, далилларни мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда *муҳимлиги даражасига* асосан, яъни тадқиқот жараёнидаги ўта муҳимлиги ва аксинча, аҳамиятга эга эмаслиги билан ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Тарихчи тадқиқот жараёнида энг аввало муҳим аҳамиятга эга долзарб мавзулардан бирини ёки тарихий жараёнинг энг долзарб соҳаларидан бирининг тадқиқини танлаши мумкин. Айтиш шунки жараёнда далилларнинг муҳимлиги даражасидан келиб чиққан ҳолдаги ёндашув орқали тадқиқотнинг предметини ва жиҳатларини танлаб олиш ёки аниқлаш мумкин. Бироқ бир нарсага эътибор қарағини керакки, бунда далилларни муҳимлиги жиҳатларини ёки даражаларини аниқлаб олиш *нисбийдир*, яъни айтиш бир ҳолатда бирор-бир далил муҳим аҳамият касб этса, иккинчи бир ҳолатда у эътиборни тортмаслиги ёки аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Яъни, бирор-бир тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ далиллар ўша давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ёки маданий ҳаёти тарихи жараёнларининг ёритишда муҳим аҳамият касб этмайди, бироқ ўша тарихий шахснинг фаолияти ва ҳаётини ўрганишда бебаҳодир.

И.Ковальченко далилларни учта даражага бўлади: *тарихий*

воқеликка алоқадор далиллар, тарихий манбалардаги далиллар (фактлар), тарихий-илмий далиллар (фактлар). Тарихчи тадқиқотлар жараёнида бу ҳар учала далиллар даражасини бир-биридан ажрата олиши керак.

Тарихий воқеликка алоқадор далиллар (фактлар). Позитивистлар тадқиқот жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган оддий ва алоҳида далилларни (фактларни) ҳақиқатан мавжуд ва тўғри деб ҳисоблаганлар. Бирок айни вақтда тарихчи томонидан бундай далиллар (фактлар) дан ташқари мураккаб жараёнлар, тизимлар ҳам тадқиқот жараёнида ўрганилишига жиддий эътибор қаратмаганлар. Тарихчи эса макон ва замон ҳамда вақт чегараларини ва меъёрларини ҳисобга олган ҳолда мураккаб далилларнинг сифатини аниқлайди.

Ҳар қандай тарихий далил (факт) айни вақтда бошқа далиллар (фактлар) тизими таркибида ва айни вақтда улар билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Далиллар (фактлар) тизими кўп маънолидир. Шунинг учун ҳам тарихчилар айни бир далиллар (фактлар) дан тарихий воқеликни турлича тасаввур қилишлари мумкин. Тарихчилар тарихий воқеликни турлича тасаввур қилсаларда, бироқ далил (факт) нинг ҳақиқий мазмуни ўз объективлигини сақлаб қолади. Тарихий далиллар (фактлар) алоҳида тарихий воқелик даражасида тақрорланмасдир, бироқ жамият тизими тараққиёти жараёнида мазмунан ва моҳиятан тақрорланиши мумкин.

Тарихий манбалар далиллари (фактлари, маълумотлари). Тарихий манбаларнинг тарихий воқелик ҳақида нечоғлиқ ҳаққоний ва объектив маълумот бера олиши ҳамда бу тарихий манбанинг тарихий воқеликка нисбатан маълумотларининг имкониятлари даражасини тарихчи аниқлаб бериши мумкин. Бунда герменевтика, яъни манбалар ва далилларни (фактларни) тушунтириб бериш, шарҳлаб бериш, талқин қилиш муҳим ўрин тутadi. Манбалар маълумотларидаги субъективлик ва тўқима маълумотларни (хаёлий маълумотлар) аниқлаш ва уларни тарихий тадқиқотларда асосий ўринга қўймаслик, уларга асосланиб қолмаслик ва уларнинг шундай жиҳатларини аниқлаб бериш манбашунослик фанининг вазифаларидан биридир.

Тарихий-илмий далиллар (фактлар). Бундай далиллар (фактлар) тарихчининг ўзи томонидан шакллантирилади. Бирок бу далиллар (фактлар) тарихий манбадан алоҳида ажратиб олинган далил (факт) нинг ўзигина бўлиб қолмасдан, М.Баргнийг фикрича бундай далиллар

“моҳиятан тизимлаштирилган”, яъни тарихий назариянинг маҳсули сифатида шакллантирилган далиллардир. Аниқланган далиллар (фактлар)нинг мажмуи ёки жамланмаси қўйилган муаммонинг ечимини топишда ва аниқлашда аниқ ва равшан фойдаланган бўлиши лозим. Далиллар (фактлар) нинг аниқлигини таъминловчи асосий тамойиллардан бири далиллар (фактлар) нинг тизимлилигидир. Бунда далиллар (фактлар) нинг нафақат жамланмаси, балки уларнинг ўзаро боғлиқлиги мазмунан яхлитлиги жиҳатидан тизимлилиги муҳим аҳамият касб этади. *Тарихий манбалардаги маълумотларнинг етишмаслиги ва бўлиқларни эса маънудаги назарий таҳлил тўлдирishi мумкин.*

Шу ўринда бошқа бир фикр илгари сўриладики, бу ҳам бўлса тарихий манбалар ва далил интерпретациясида мантикийлик назариясидир. Қуйида шу ҳақда сўз юритилади.

Тарих ва тарихий жараёнлар, сиёсий-тарихий вазият уларнинг рўй беришидаги асосий сабаб ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда ҳар томонлама таҳлил қилиш тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишида катта омил саналади. Турли даврларда яратилган тарихий илмий асарларда муаллифларнинг тадқиқот масалаларига турлича ёндашувлари фикрлар ва хулосаларнинг ҳам турлича бўлишига олиб келган. Уларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва тарихийлик, илмийлик ва ҳолисликка асосланилган энг тўғри хулосаларни чиқариш мутахассислар олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Бугунги кунда тарих фани методологиясида мавжуд бўлган тарихий далил ва унинг интерпретацияси тушунчаси тарихий далиллар, ёзма ва моддий манбалардаги маълумотлар ва ўзига хос жиҳатларни таҳлил қилган ҳолда тарихий жараён ва воқеаларни таҳлил қилиш, улар юзасидан илмий хулосалар беришда аниқ далилларга асосланилишини кўзда тутди.

Тарихий фактларни аниқлаш, уларни талқин қилиш тарихга оид тадқиқотларнинг муҳим вазифасидир. Тарихчи нафақат профессионал маҳоратга эга бўлиши, шу билан бирга тарихий фактларни аниқлаш, таҳлил ва талқин қилишда ўзининг объектив қарашларига ҳам эга бўлиши керак.

Тарихни ўрганишда энг бирламчи манба сифатида тарих ёки тарихий жараённинг ўзини асосий ўринга қўйиш, ёзма манбалар, моддий манбалардан фойдаланиш жараёнида унинг моҳиятини очиб беришда, уларга баҳо беришда ёки талқин қилишда эса уларнинг ўзига хос субъектив

хусусиятларини ва айти вақтда тадқиқотчи томонидан субъективликка йўл қўйилиши мумкинлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Манбалар муаллифлари томонидан тарихий жараёнларни тавсифлашда кўпроқ умумийлик асосий ўрин тутати. Воқеаларнинг келиб чиқиши, жараёнларнинг содир бўлиши, натижалари ва оқибатлари ҳамда улар билан боғлиқ қатор маълумотлар келтирилади. Бир муаллиф маълум бир тарихий жараён, воқеа, давлат ёки бошқалар ҳақида маълумотлар келтирган вақтда ўз карашлари ва тафаккури, тарихий жараёни қай тарзда кўра олишига асосланган ҳолда тарихий фактларни тизимлилик асосида шакллантиради ва тарихий манбани яратади. Шунинг учун айти бир давр, давлат ёки воқеалар ҳақида ёзилган бир қанча манбалар ва уларнинг муаллифлари томонидан яратилган асарларда умумийлик мавжуд бўлсада, айти вақтда воқеаларнинг турлича талқинини кузатиш мумкин. Шунингдек, бир тарихий жараён тавсифи келтирилган, бироқ турли даврларда яратилган тарихий манбаларда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бироқ кейинги даврларда яратилган манбалардаги устунлик жиҳати ҳам мавжудки, улар ўзларидан аввалги муаллифлар томонидан яратилган манбалардаги маълумотларни таҳлил қилиб, умумлаштириб, маълум маънода тадқиқотни амалга оширадидлар. Шундай экан, манбаларнинг тарихни ўрганишда энг асосий ўрин тутишини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай манбада умумий тарихий жараёнинг у ёки бу ҳолатлари эътибордан четда қолади ва ҳар қандай манба ўзига хос тарзда субъективлик касб этади. Албатта бунда манбалардаги маълумотларнинг бир-бирини тўлдириб келиши муҳим омилдир. Айтилик, қадимги Миср, Хитой ёки ўрта асрлар Европа давлатларидаги ҳукмдорлар ҳузуридаги йилномачилар кўпроқ сарой билан боғлиқ сиёсий жараёнларни ёритиш вақтида халқнинг умумий иқтисодий, маданий, ижтимоий, маънавий ҳаёти билан боғлиқ маълумотларни асосий эътибордан четда қолдирган бўлсалар, турли ижтимоий тоифага мансуб тарихчилар томонидан яратилган асарларда эса сарой ҳаётига, давлат тузилиши ва бошқарувидаги жиҳатлар умумлаштирилган. Бундай хилма-хилликни айтикса антик давр муаллифлари асарларида яққол кузатиш мумкин. Демак, *манбалар маълум маънода субъективлик хусусиятида бўлиб, улар ерқали тарихий жараёнларни тўлақонли тавсифлаш имконияти маълум маънода чекланган ёки бошқача айтганда, тарихчининг тадқиқот жараёнидаги*

имконияти манбалардаги маълумотларга бевосита боғлиқ экан, манбаларда тавсифланган тарихий жараёнлар ва уларнинг тавсифланмаган жиҳатларини аниқлаш ҳамда ўрганишда тарихийлик ва объективлик нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда илмий жиҳатдан мантиқий изчилик асосида ёндашиш муҳим ўрин тутadi.

Тарихнинг турли давларида яратилган моддий манбалар ҳам тарихий давр ва тарихий жараёнларнинг умумий ҳолатига кўра ҳудудий ва даврий жиҳатдан маълум даражада субъектив хусусийликка эгадир. Маълум бир моддий манба умумий ҳолат ва жараённинг маълум бир қисмини ёритиш, шарҳлаш ёки тавсифлаш имконини беради. Бу орқали умумий тарихий жараёнларнинг маълум бир қисми, мисол учун меъморчилик ишлари ҳақида, ёки сопол парчаси ёки буюмлар ижтимоий ҳаётнинг маълум бир қисми ҳақида тасаввур қилиш имконини беради. Бунда умумий тарихий жараёнлар маълум маънода эътибордан четда қолгани ёки бошқача айтганда, айни бир манба бу ҳақда тўла тасаввур ҳосил қилиш имониятини бермаслиги мумкин.

Тарихчи учун ана шу давр тарихий жараёнлари, иқтисодий жараёнлар, жамиятнинг маънавий тараққиёти ва маданий ҳолати ҳақида мантиқий фикр юритиш орқали билимларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай тадқиқотнинг асосида энг аввало бирламчи манба бу тарихнинг ўзи, яъни ана шу тарих жараёнлари содир бўлган вақт, жараёнларни юзага келтирган тарихий шароит ва ҳудудий омиллар бўлиши керак. Бунда тарихий даврнинг ва ҳудуднинг сиёсий ва иқтисодий ҳолати, жамият маънавий ҳаётининг асосий жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади. Бу эса тарихчидан тегишли давр тарихий жараёнларини чуқур билиши, шу даврга оид манбалар ва даллиларни тадқиқотга жалб этиш ва улардан фойдаланишда ва айни вақтда уларга нисбатан мантиқий фикрлай олиши муҳим аҳамият касб этади.

Тўғри, бунда айрим тарихчилар томонидан тадқиқот жараёнида бундай йўл тутилиши субъективликка олиб келади, деган фикр билдирилган табиий. Бироқ бундаги устувор моҳият тарихчининг субъектив жиҳатдан ўз фикрини ва ҳулосасини тарихий жараёнга ёки унинг мазмун-моҳиятига сиғдириши эмас, балки тарихий жараёндан келиб чиққан ҳолда мавжуд тарихий жараёнлар юзасидан мантиқий фикрлай, тарихий жараёнларни ва воқеаларни тасаввур қилиш орқали

манбалардаги маълумотларга асосланиб, илмийликка асосланган мантиқий хулосани бера оlishидир.

Тарихчи томонидан тадқиқот давомида манбалардаги маълумотларни аниқлаб, уларни умумий тарихий жараёнларни аниқлашда ва тавсифлашда фақатгина фактларнинг ўзига эмас, балки шу билан бир қаторда тарихий жараёнларнинг юз беришидаги мантиқий изчилликдан келиб чиққан ҳолдаги илмий ёндашув умумий илмий хулосаларнинг мантиқий жиҳатдан тўлақонли бўлишидаги муҳим омилдир.

Тарихий жараёнларнинг тадқиқи асосида манбалар асосий ўрин тутсада, улардаги маълумотларни айнан қандай бўлса шундайлигича эмас, балки тарихий жараёнларнинг умумий ҳолатидан мантиқийликка асосланган ҳолда илмий хулосаларни танлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Илмий адабиётларда таъкидлаб ўтилганидек, фактларсиз, далилларсиз тарих йўқ. Тарихчи тадқиқот мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёзма ва моддий манбаларни, улардаги маълумотлар, яъни фактлар ва далилларни танлаш асосида уларни саралайди, уларни шархлаш орқали “жонлантиради”, ўзининг илмий нуқтан-назардан тасаввури, тавсифи ва шархлари орқали илмий тизимга киритади ва маълум бир тарихий жараённинг бир қисмини ёрита олади. Бунда биринчидан, тарихий манбаларнинг таҳлили орқали ундаги маълумотлар, фактлар орқали тарихий жараёнларнинг тавсифи ва таҳлили шакллантирилса, иккинчидан ёзма манбалардаги мавжуд маълумотлар орасидаги мавҳумлик, ёзма ва моддий манбаларни солиштириш ва мантикий хулосалар чиқариш ёрдамида эса тарихий жараёнларнинг тавсифи ва таҳлилидаги узилишлар ва мавҳумликларни тўлдириш имкониятини беради.

Юқоридаги фикрларга хулоса сифатида қуйидаги фикрларни айтиб ўтиш ўринлидир.

Биринчидан, тарихий тадқиқотлар жараёнида кўринадики, барча манбалар ҳам тарихий жараёнлар тафсилотларини ўз таркибида тўлиқ камраб ололмаган.

Иккинчидан, тарихий жараёнлар, воқеалар, ҳодисаларнинг барча хусусиятларини ўзида ‘акс эттирган’ ва уларнинг барча моҳиятини акс эттира оладиган моддий манбаларнинг ҳам, ёзма манбаларнинг ҳам мавжуд бўлиши ҳам мантиқан, ҳам амалда мумкин эмас.

Учинчидан, ҳар қандай ёзма ва моддий манбаларнинг яратилиши

билан боғлиқ аксарият ҳолатларда субъективлик нисбатан мавжуд ва бу тарихий жараёнларнинг мазмун жиҳатдан бутун борлиғича аниқ, моҳият жиҳатдан объектив ёритилишини аксарият ҳолларда шубҳа остига қўйиши мумкин (расмий ҳужжатлар ва ҳукукий мазмундаги ҳужжатларни истисно қилган ҳолда).

Тўртинчидан, манбаларда келтирилган маълумотлар, далиллар ва фактлар орқали тарихий жараёни ўрганиш чоғида ўрганилаётган масаланинг айрим жиҳатлари муаллифлар эътиборидан четда қолиши ёки муаллиф онги ва дунёкарашига мос келмаслиги натижасида тарихий жараёнлар тафсилотларининг тавсифида узилиш ва айни вақтда мавҳумлик юзага келади. Бу эса манбаларда тарихий жараёнларнинг тўлиқ тавсифлаб берилмагандлигининг яна бир сабабидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда манбаларни ва улардаги маълумотлар, далилларни тадқиқот жараёнига жалб қилиш жараёнида аввал айтиб ўтган фикримизни яна қувватлантиришимиз мумкин. Яъни, тарих тадқиқотларида ёзма ва моддий манбалардан фойдаланиш чоғида уларнинг ўзига хос субъектив хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда шу вақтгача тадқиқотлар жараёнида манбалардан фойдаланиш услубларини тўлақоли қўллаган ҳолда, тарихчи назариячиларнинг таъкидлаб ўтишича, унга қўшимча равишда тарихий жараёнларнинг ўзини мантиқан шакллантириш моделлаштириш ва бир қанча ҳолда солиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу тариқа тарихий тадқиқотлар жараёнидаги тарихий манбалар ва далил интерпретациясида мантикийлик асосидаги ёндашув **биринчидан** барча манбаларнинг ҳам тарихий жараёнлар тафсилотларини ўз таркибида тўлиқ камраб ололмагандлигини, **иккинчидан**, тарихий жараёнлар, воқеалар, ҳодисаларнинг барча хусусиятларини ўзида акс эттирган ва уларнинг барча моҳиятини акс эттира оладиган моддий манбаларнинг ҳам, ёзма манбаларнинг ҳам амалда мавжуд бўлиши ҳам мантиқан, ҳам амалда мумкин эмаслигини, **учинчидан**, аксарият ёзма ва моддий манбаларда барча ҳолатларда ҳам субъективлик хусусияти мавжудлигини, **тўртинчидан**, манбаларда келтирилган маълумотлар, далиллар ва фактлар орқали тарихий жараёнларнинг тўлиқ ва мукаммал даражада тавсифлаб берилмагандлигини кўрсатиб беради.

Энг асосийси эса тарихий манбалар ва далил интерпретациясида мантикийлик асосидаги ёндашув манбаларда акс эттирилмаган тарихий

жараёнлар тафсилотларидаги бўшлиқларни тўлдириш ва тарихий жараён ҳақидаги тўлиқ ва яхлит умумий тасаввурга эга бўлиш имкониятини юзага келтиради. Бундаги энг мураккаб жараён эса мазкур қўлланма муаллифининг фикрича энг бирламчи манба сифатида тарих ёки тарихий жараённинг ўзига мурожаат қилишдир, яъни умумий тарихий жараёнларни аниқлашда ва тавсифлашда фақатгина фактларнинг ўзига эмас, балки шу билан бир қаторда тарихий жараёнларнинг юз беришидаги мантиқий изчилликдан келиб чиққан ҳолдаги илмий ёндашув умумий илмий хулосаларнинг мантиқий жиҳатдан тўлақонли бўлишидаги муҳим омил эканлигини инобатга олишдир.

Бунда тарихчининг тадқиқот жараёнидаги профессионаллиги, тарихий жараёнларни бутун моҳияти билан чуқур англамоғи, далиллар ва фактларнинг ҳаққонийлигини илмий жиҳатдан ва айни вақтда маъинан қўллаш била олиши, хулосаларни чиқаришда илмийликка ва объективликка амал қилиши энг асосий омилдир.

Агар тарихчи ихтиёрида қўплаб манбалар ва далиллар (фактлар) mavjud бўлса, бунда танлаб олиш услуби қўлланилади ва танлаб олиш жараёни репрезентатив бўлиши талаб этилади.

Тарихий-илмий далиллар (фактлар) фаннинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда, янги манбаларнинг аниқланиши, янгича ёндашувларнинг шаклланиши таъсирида воқеликни тўлақонли равишда ёритиб берилиши учун имкон яратади. Бу жараёнда унинг интерпретацияси ўзгариб боради. Айнан ана шу ҳолат манбалардаги маълумотларни илмий далиллар (фактлар) га айлантиради. Бироқ, турли тарихчилар манбалардаги маълумотларни турлича талкин қиладилар, бу эса релятивистлар (нисбийлик тарафдорлари) га далиллар (фактлар) нинг объектив мазмуни юзасидан бузилиши борасидаги баҳслари ва мунозараларига сабаб бўлади. Постмодернистларнинг таъкидлашича, интерпретацияларнинг қўплиги тарихий билимнинг объективлигига путур етказиши мумкин. Бироқ бу бирмунча бўрттириб юборилган нуктаи-назардир. Чунки, биринчидан айнан бир ҳодиса ёки жараёнга боғлиқ маълумотлар ва далиллар (фактлар) нинг интерпретацияси унчалик ҳам кўп эмас. Тарихчи ҳар қандай тадқиқот жараёнида ўзидан аввалги тарихчиларнинг айнан бир воқеага алоқадор далилларни (фактларни) қандай талкин қилгани ёки шарҳлагани ёки қўллаганлиги, ўзи эса нима учун уни бошқа мазмунда талқин этаётганлигини кўрсатиб беради (шарҳлаб беради). Айнан мана шу ҳолат

фанининг чегара билмас тараккиётини белгилаб берувчи омиллардан биридир. Иккинчидан, аниқ, конкрет объектив мазмунга эга бўлган далиллар (фактлар) нинг ўзи интерпретаторлар (манбалар, далиллар, маълумотларни ўрганувчилар ва у ёки бу нукта-назардан шархловчилар ва талкин этувчилар, тарихчи тадқиқотчилар (тарихни бўзиб кўрсатувчи ва далилларни сохталаштирувчи “тарихчи”лар бунга кирмайди)) нинг шархлаш ва талкин қилиш жараёнидаги имкониятларини чеклаб қўяди. Манбаларни чуқур ўрганиш, далиллар (фактлар) ни атрофлича таҳлил қилиш, уларни тарихий тадқиқотларга жалб этиш жараёнида тарихийлик, илмийлик, объективлик тамойилларига амал қилиш тарих фани тараккиётининг гаровидир.

**Таъинч
тушунчалар:**

Тарихий далил ва унинг интерпретацияси, далил, интерпретациянинг «қўлшоқлиги» ва далилнинг «мустахкамлиги», оддий далил, мураккаб далиллар, тарихий воқеликка алоқадор далиллар, тарихий манбалар далиллари, тарихий-илмий далиллар.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар:

1. Тарихий далил нима?
2. Далил интерпретацияси нима?
3. Далилнинг “илоҳийлаштирилиши” ва далилгъ “снғиниш” ҳолатларини тушунтириб беринг.
4. Ф.Пауикнинг далиллар ҳақидаги фикрини тушунтириб беринг.
5. Нима учун Р.Ароннинг далиллар ҳақидаги ёндашуви ўзини оқламади?
6. Г.М.Ивановнинг далиллар ҳақидаги фикрлари ва далилларнинг гуруҳлари ҳақида маълумот беринг.
7. “Оддий” ва “мураккаб” далиллар?
8. Далилларни ўрганишда тизимли ёндашувни нима?
9. И.Ковальченко томонидан таклиф этилган далилларнинг даражалари ҳақида маълумот беринг.
10. Тарихий воқеликка алоқадор далиллар қандай далиллар?
11. Тарихий манбалардаги далиллар қандай далиллар?
12. Тарихий-илмий далиллар қандай далиллар?

Мавзуга алоқадор илоҳли сўзлар лугати:

Интерпретация	- шархлаш, изоҳлаш, тушунтириб (изоҳлаб) бериш, талкин қилиш.
Мантик (мантиқийдик)	- мантик илми, мантикий фикр (фикрлаш), фикор қилиб бўлмайдиган мантик (мантикан) тўғри хулоса ёки фикр) ички (мантикий) қонуният -

вокеаларнинг ички конуниятлар асосида (мантикий боғланишда) кечиши, мантикий хулоса, мантикий изчилик, мантикан тўғри мулоҳаза қилмоқ, мантикий фикр юритмоқ.

Релятивистик ёндашув - воқеликни объектив равишда билиш мумкинлигини инкор этадиган методологик ғоя, унга нисбийлик асосида ёндашиш тарафдорлари.
(релятивистлар)

Тарихий манбалар - кишилик жамияти ўтмишини ҳамда тарихий жараёнларни ўрганиш имконини берадиган барча объектлар, яъни инсон кули билан яратилган нарсаларнинг ҳаммаси, шунингдек агроф муҳит билан муносабати натижалари, моддий маданият намуналари, ёзма ёдгорликлар, урф-одатлар, маросимлар ва бошқалар. Тарихий манбалар миқдори чегарасиз, бироқ турли тарихий даврларга оид бўлган манбалар миқдори бир-биридан фарқланади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун тест топшириқлари

1. **Тарих фанининг далиллари** – бу фикр ва мулоҳазалар тизими бўлса, умумлаштириш – мулоҳазалар ҳақидаги мулоҳазалардир.
Мазкур фикрлар кимга тегишли?
А. Ф.Пауик
В. Е.Топольский
С. К.Беккер
2. тарихий далиллари ўзгарувчан яхлит тизим сифатида ўрганиб, бу тизим донмий равишда ўзгариб ва янгилашиб туради, дунёқарашлар кенгайиб боргани сайин далил орқали воқелик моҳиятининг янги қирралари очилиб бориши муқаррардир, деган фикрларни ўртага ташлайди.
А. Ф.Пауик
В. Е.Топольский
С. К.Беккер
3. ҳар қандай оддий далиллар ўз таркибида қўшлаб майда ва оддий далиллари ифода тайди, деган фикр билан чиқди.
А. Ф.Пауик
В. Е.Топольский
С. К.Беккер

4. “Гароҳи қандай солир бўлган бўлса, шундайлигича ёзиш керак”. Бу фикрни қиёсий равишда таъкидлаб, уни илгари сургани эди?
 - A. Д.Ранке
 - B. Г.Гегель
 - C. Гердот
5. далиллари умумлаштиришга ишончсизлик ва шубҳа билан қараб, уни тарихчининг субъектив қарашлари маҳсули деб ҳисобладилар.
 - A. Позитивистлар
 - B. Неокантчилар
 - C. Структуралистлар
6. Қуйдагиларнинг қайсиниси тарихий манбалар ҳисобланади?
 - A. Кишилиқ жамияти ўтишини ҳамда тарихий жараёнларни ўрганиш имконини берадиган барча объектлар
 - B. Моддий маданият намуналари, ёзма ёд-эриклар, урф-одавлар, маросимлар
 - C. A ва B
7. Вокелликни объектив равишда билдиш мумкинлигини инкор этадиган методологик тоя, унга нисбийлик асосида ёндашув қандай номланади?
 - A. Релятивистик ёндашув
 - B. Интерпретация
 - C. Мантик (мантикийлик)
8. Интерпретация бу –
 - A. шарҳлаш, изоҳлаш
 - B. тушунириб (изоҳлаб) бериш, талқин қилиш
 - C. A ва B
9. Тарихда бўлиб ўтган ҳар қандай воқеалар эмас, балки тарихий аҳамиятга эга бўлганларининг тарихий далил бўлиши мумкин, деган фикрлар кимга тегишли?
 - A. Э.Карр
 - B. Д.Ранке
 - C. Г.Гегель
10. Позитивистларнинг далиллари умумлаштирашга ишончсизлик ва шубҳа билан қараб, уни тарихчининг субъектив қарашлари маҳсули деб ҳисоблашлари натижасида
 - A. эмпиризмининг тозага келиши олиб келди.
 - B. далилларнинг мураккаблаштирилишига олиб келди.
 - C. A ва B

ТАРИХИЙ ҚОНУНИЯТ ВА ТАРИХИЙ ЗАМОН КАТЕГОРИЯЛАРИ

*
—————

*Тарихий қонуният. Тарихий ривожланишда
муқобиллик. Тарихий замон категориялари.
Ўтмишни тўлдирishнинг хилма-хиллиги ва
хронологик жадвалларнинг тузилиши.
субъективлиги. Тарихий ривожланиш даврлари.*

*
—————

Тарих фани қонуниятларни шакллантирадими ёки индивидуал, яқка ҳолдаги, такрорланмас тарихий жараёнларни тавсифлаш билан чекланадими? Бу тарихий билишнинг энг асосий муаммоларидан бири сифатида тарихчилар томонидан эътироф этилган масалалардан биридир.

Агар тарих фан бўлса, у ҳолда жараёнларнинг моҳиятига кириб борган ҳолда уларнинг объектив қонуниятларга асосланганлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиб бера олиши керак. Айни вақтда тарихий билиш жараёнининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда қўнғина файласуфлар тарихий жараёнларнинг тасодифий эканлигига урғу берадилар ва қонуनларни очиш вазифасини социологларга берадилар.

Бу вазифанинг ҳал этилиши ва ўз ечимини топиши тарихдаги заруриятлар ва тасодифлар ҳақидаги саволларга жавоб топишга имкон беради. *Фаталистлар*нинг таъкидлашича, тарих ўзининг аввалдан маълум йўлида гилдираб келаверади, унда ҳамма нарса қонуний ва зарурий, инсон эса шиддат билан содир бўлаётган бу жараёнда майда ва арзимас пайраҳадир (яъни инсон тарихий жараённинг содир бўлишида ҳеч қандай рол ўйнамайди ва унга таъсир кўрсата олмайди) деб ҳисоблайдилар. *Волонтаристлар* эса аксинча, инсон тарихни ижод қилувчи, уни шакллантирувчи омил деб билиб, инсон бу жараёнда ўзига зарур ва ўзи ҳоҳлаган жамиятни барпо эта олиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Бундан кўринадики, бу масала академик фан доирасидан четга чиқиб кетмоқда ва айни вақтда инсониятни ўйлангандиган энг долзарб саволларни ўртага ташламоқда.

Тарихий жараёнларни қонуниятлаштириш ғояси янги замондаги

мушоҳадаларни юзага келтириб, маърифатпарварлар томонидан ўрта асрлардаги илоҳиятчилик, тарихнинг ёки инсон тақдирининг “аввалдан белгилаб қўйилгани” ғоясини инкор қилди. Бу ёндашув натижасида тарихга дунёвий характер берилиб, рационалистик ёндашув, яъни ҳар қандай тарихий жараёни ақл-идрок, мулоҳазакорлик ва илмийликка асосланган ҳолда тушуниш ва талқин қилиш қарор топтирилди.

Позитивистлар жамиятнинг таракқиёт қонунини турлича талқин қилдилар: гоҳ уларни табиат қонунлари билан айнан ўхшаш деб ўз фикрларини илгари сурсалар, гоҳ инсон ахлокий таракқиётининг асосий қонунияти деб тушунтирдилар.

XX аср бошларида немис тарихчиси Э.Мейер шу вақтгача (яъни XX аср бошларигача) ҳеч бир тарихчига тарих соҳасида бирон-бир қонуниятни очганлиги ва қашф этганлиги насиб этмаганлигини қайд этиб ўтган эди.

Марксистлар эса қонуниятлар ғоясида катъий туриб олдилар. Бирок уларнинг максадлари билан инсон фаолиятининг натижалари бир-бирига мос келмади. Жамиятда кўплаб қонуниятлар мавжуд ва улар доимий ҳолатда бўлиб, натижада улар жамлашиб бир маромда ишлай бошлайди ва объектив қонуниятлар сифатида намоён бўлади. Марксистлар томонидан тақлиф этилган *ижтимоий-иқтисодий формациялар назарияси* жамият тарихий таракқиётини қонуниятлар асосида рўй бериши ҳақида умумий тасаввурларни берди, бироқ кўпгина тарихчилар томонидан бу ғоя қабул қилинмади, шунга қарамадан XX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида жаҳоннинг кўпгина давлатларида бу назарияга амал қилиш кенг тус олиб, XX асрнинг 90-йилларига келиб бу назария ўз аҳамиятини йўқотди.

А.Тойнби, О.Шпенглер каби айрим тарихчилар ва файласуфлар таракқиётнинг “даврий” назариясини қабул қилдилар. Ҳар қандай маданият ва цивилизация шаклланиш, таракқиёт, инкироз ва буткул йўқ бўлиб кетиш даврини бошдан кечирган. Бирок бу тамойил ҳам тарихчилар ўртасида бирдек қабул қилинган ғоя ҳисобланмади. Кўпчилик расмий маънавий, психология қонунларини тан олиб, ҳаттоки билишнинг ўзини ҳам тан оладилар, бироқ тарихий таракқиёт қонуниятларини бирдек қабул қила олмайдилар.

XX асрнинг сўнгги чорагида рус тарихчилари позитивистларнинг қонунларни социология очади (шакллантиради, юзага чиқаради), тарихчи

эса уларни тарихий материалларда акс эттиради холос, деган фикрга қарши баҳсга киришдилар. М.А.Барг ўзининг “Категории и методы исторической науки” (1984) номли китобида тарихий қонуниятларни социологик қонуниятлардан алоҳида ажартиб кўрсатишга ҳаракат қилди. Улардан ҳар бири билиш фаолиятининг тегишли даражасидагина ишлаши мумкин. Тарихий қонуниятлар ўзининг абстрактлик даражасига кўра мазмунлироқдир ва айни вақтда социологик қонуниятлардаги абстрактлик даражасидан бир неча баробар пастроқдир. Агар социологик даража умумий ҳолатда намоён бўладиган бўлса, тарихий даража эса алоҳида махсус ҳолатда акс этади. Бироқ бу тезислар тарих фанининг умумий қонуниятларни қабул қилиш ва билиш даражасини пасайтиришни хоҳламаган тарихчилар томонидан қабул қилинмади. Бироқ айни вақтда М.А.Баргнинг мазкур фикрларининг ўзи тарих фани учун самарали фикрлар бўлиб, энг аввало у тарихий қонуниятларнинг социологик қонуниятлар билан бир эмаслигини, қолаверса тарихий қонуниятларнинг аниқ ва конкретлиги, турлилиги ва мазмун жиҳатдан бойлигини кўрсатиб берди. Тарихчи социологик қонуниятларни ва қонунларни билишнинг ўзи етарли бўлмайди, балки тадқиқотлар мобайнида тарихий жараёнларнинг ўзаро содир бўлишида таъсир кўрсатган бир қатор “хусусий” қонуниятларни ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Тарихий қонуният (қонун) – бу турли кўринишдаги “хусусий-тарихий” қонуниятларнинг тугуни, уларнинг бирлашган кўриниши бўлиб, уларнинг ўзаро тенгликда бир-бири билан кесишиш нуктасидир. Жамият ҳаётида социологик қонуниятларнинг юзага келишидан чекиниш ва тизимларга хос бўлмаган ҳолатлар ҳам учрайди. Тарих фани тарихий жараёнларни *“тўғрилаш ёки изга солиш”* учун социологияга имкон бермайди. М.Барг тарихий қонунларни *вақт бўйича, фаолият кўлами, юзага келиш ёки содир бўлиш шакллари ва содир бўлиш ҳолатларига кўра турларга* бўлади. Улар анъаналар ва статистик қонунлар сифатида ўзларини намоён қилади.

1889 йилда Б.Г.Могильницкий факатгина умумий қонунларга асосланган ҳолда тарихий жараёнларнинг турлидигини кўрсатиб бўлмайди деб таъкидлаган эди. *Тарихий воқелик ҳар қандай энг тўғри ва энг мукаммал қонундан ҳам мукамалроқдир.*

Тарихий қонуният (қонун)- бу тарихий жараёнларнинг ички ўхшаш ҳолатларини ўзаро боғлиқликда акс эттирувчи зарурий, муҳим аҳамиятга

эга, баркарор ҳолат ва такрорланувчи аниқ ва конкрет муносабатлардир.

Тарихий қонуниятлар (қонунлар) *аниқ-умумий, индивидуал-бошқарувчи, шартли (эҳтимолӣ)* бўлади. Улар тарихий жараёни ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик моҳиятига асосан тушунтириб беради. Факатгина социологик қонуният (қонун)ларнинг мавжудлигининггина тан олиш ёки эътироф этиш Б.Могильницкийнинг фикрича фатализмга ва апологетика (кўр-кўрона ҳимоя қилиш, барчаси олдиндан белгиланган ва маълум қонуниятларга асосланган) га олиб келади.

Тарихий тараққиётда муқобиллик масаласининг қўйилиши маълум бир аҳамият касб этди. Дастлаб XX асрнинг 50-80 - йилларида фанда қонуниятларнинг қўлланилиши бўйича катъий қарашлар мавжуд бўлган бўлса, 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларга келиб ҷамият тараққиётининг турли қўринишлари ҳақида сўз юритиш имконияти пайдо бўлди. Бу вақтда Европа тарихшунослигида ҷамият тараққиётининг турли муқобил қўринишлари бор ва улардан бирининг устунлиги ва ҷамиятда қарор топиши фақат тасодифга боғлиқ эканлиги эътироф этилган эди.

Бирок турли ғоялар ва анъаналарни тараққиёт жараёнида ўз-ўзидан қўллаш мумкин эмас. Бўлиши мумкин бўлган ҳар бир муқобил ҳолат объектив реал воқеликда маълум даражада ўз асосига эга бўлади. Тарихчи уларни ўйлаб топмайди, тўкиб чиқармайди, балки ҳақиқий, реал воқеликдан қидиради. Ҷамият қарама-қаршиликлардан, турлиликлардан тарат сулиб, унда турли ғоялар,бир-бирига қарши қурашувчи сиёсий партиялар, иқтимоий ва иқтисодий тизимлар фаолият кўрсатади. Тарихчи ўз тадқиқотлари жараёнида ана қарама-қаршиликлар ва муқобилликлардан нима учун айнан битта муқобиллик устунлиққа эришди ёки ғалаба қозонди, ана шу ҳолатни ўрганиши ва аниқлаши керак бўлади. Қонуният ана шу тарихий имкониятдан фойдалана олган қарама-қаршилиқ натижаси сифатида намоён бўлади. Тарихчи эса ана шу имкониятлардан қандай фойдаланилди ва у қандай натижаларга ёки оқибатларга олиб келганлигини ўрганади. Аксарият ҳолларда воқелик содир бўлаётган ҳолатда унинг натижалари ёки оқибатларини замондошлари пайкамаслиги мумкин, тарихчи эса ана шу ҳолатларнинг у ёки бу жиҳатларини тарихий ҳулосалаш орқали маълум маънода олдиндан "кўра олиши" керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бирор-бир муқобилликнинг ҷамиятдаги устунлиги қонуниятларнинг амал қилишини инкор қилмайди,

чунки субъектив омилларнинг фаолияти объектив шарт-шароитлар билан чекланган бўлади ёки бошқача айтганда муқобиллик ҳар доним бўлиши мумкин. Бирок бу ҳолатнинг инкор қилиниши объектив тарих ҳақидаги тасаввурларни камайтиради ва фатализмга ва мавҳумликка олиб келади. Албатта муқобилликни йўқ жойда ҳам маълум маънода кўриш мумкин, бироқ бу тарихчининг тафаккури, тарихий жараёнларга объектив равишда ёндаша олиши ва тарихий билимларига боғлиқдир.

Юкорида кўриб чиқилган тарих фанининг махсус қонуниятлари ҳақидаги фикрларга ҳулоса сифатида айтиб ўтиш керакки, кўпгина европалик файласуфлар томонидан бу масалага умуман муаммо сифатида муносабатда бўлинмаган, чунки улар тарих фанидаги қонуниятлар (қонунлар) нинг мавжудлигини инкор қилганлар ва унинг билиш имқониятларини етарли баҳоламаганлар. Уларнинг фикрича тарихчи социологик қонуниятлардан фойдаланяптими, демак тарих ҳам “социологиялаштирилмокда” (ижтимоийлаштирилмокда), ўғминдаги тарихий жараёнлар ва ҳодисалар ҳақидаги аниқ ва конкрет тарихий ёндашувларни эса йўқка чиқаради.

Умуман бу фикрлардан ҳам кўринадики, *тарих фанининг қонуниятлари (қонунлари) масаласи ҳали яна янги фикрлар ва илмий ҳулосаларга муҳтождир ва бу борадаги баҳс муносазасалар яна давом этади.*

Тарих фанидаги қонуниятлар билан узвий боғланган масалалардан яна бири *тарихни даврлаштириш ва тарихий замон категориялари масалаларидир.*

Тарихчилар И.М.Савельева ва А.В.Полетаевнинг таъкидлашича, тарих фанида замон (вақт) категориялари методология фани учун унинг тарих фани предмети ва тарих фани методлари каби ўта муҳим ўрин тутади (И.М.Савельева, А.В.Полетаев. “История и время”. 1997). Ф.Бродельнинг тарихий вақт масалалари юзасидан билдирган ўхшатишга кўра “Тарихда вақт тарихчининг фикрларига боғбоннинг белкурагига ёпишган тупроқ каби ёпишади”. Вақт ҳақидаги тасаввурлар асосида фаразлар ва тадқиқотларнинг ҳулосалари шаклланади.

Фалсафий мазмундаги илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида юкоридаги муаллифлар вақтни икки қисмга бўладилар, яъни бунга кўра *биринчи вақт* *гуруҳига* статистик, дискретик, бир хил хусусиятли (гомоген) ва тасодифий-таъсирсиз бўлса, *иккинчи вақт*

гуруҳига ўзгарувчан, континуал, хар-хил хусусиятли (гетероген), тасодифий-самарали турларга бўлинган. Бу ёндашув европа маданиятида бир неча юз йиллардан буён амал килади.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, тарихчи вақт бўйича (вақтга асосланган ҳолда ва вақт омилини ҳисобга олган ҳолда) фаолият кўрсатади, аynи замондан ҳулосалар чиқарган ҳолда ўтмишни тўлдиради. Ўтмишни тўлдиришдаги вақт бўйича хилма-хиллик ва субъективлик тарихий билишнинг алоҳида белгилари (хусусиятлари) дан биридир. Масалан, хронологик жадваллар турли кўринишда (кунлар, ойлар, йиллар, асрлар, даврлар, боскичлар ва бошқ) шакллантирилади, бунда кўрсатилган саналар оралиғидаги бўшлиқ даврларда қандай воқеалар содир бўлган, бу воқеалар ёки жараёнлар даврларга оид воқеаларга қандай таъсири бор, боғлиқлиги бор – бу масалалар очик қолиши мумкин, шунга кўра саналарни бир тизимга келтириш, воқеаларни ва уларнинг саналарини танлаш ва хронологик жадвалга киритиш кўп ҳолларда субъектив хусусиятга эга бўлади. Айрим ҳолларда манбаларнинг мавжуд эмаслиги ёки етишмаслиги ва мустаҳкам эмаслиги сабабли вақтни далиллар (фактлар) билан бойитиш ёки мустаҳкамлашнинг имкони бўлмай қолади. Айрим ҳолларда эса вақтни танлаш ва тўлдириш ҳолатлари мафкуравий омилларга ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Баъзан эса кенг тарқалган ижтимоий назариялар (социологик назариялар – зиддиятлар, модернизациялар, ҳокимият-ҳукмронлик) ҳам вақт тўлдириш ва хронологик тизимга солишга таъсир кўрсатади. Шу тарика тарихчи тарихий тадқиқотлар жараёнида тарихий воқеаларни ва ҳолисаларни вақт бўйича, қисмларга бўлган ҳолда, турли нуқтаи-назарларни таҳлил қилган ҳолда амалга оширишига тўғри келади. Турли тарихий даврлар, географик минтақалар ва ҳудудлар тарихини ўрганишдаги тартибсизлик, тарқоқлик, тенгсизлик, хилма-хиллик тарихий вақт тушунчасидаги “оқ доғлар” га айланади.

Ўқоридаги муаллифларнинг фикрича тарихчи “вақт билан ишлайди”. Бунда у яшаб турган замон (давр, вақт) дан келиб чиққан ҳолда, тарихчининг қандай ижтимоий гуруҳга мансублиги (профессонал ёки сиёсий) қаби омиллар таъсирида “вақт билан ишлай”и, қўйиладиган вазифалар - яъни ҳақиқатни излаш, ёшларни тарбиялаш, у ёки бу сиёсий тизим ёки сиёсий йўналишнинг тарихий асосларини аниқлаш ва асослаб бериш қабилар жараёнида “вақт билан ишлай”и, шунингдек энг асосийси

тарихчининг ўз меҳнати, ўз тадқиқоти ва унинг натижаларига канчалик жиддий муносабатда бўлиши нуктаи-назаридан “вақт билан ишлаш” и мумкин.

Тарихчилар томонидан вақт ва унинг жиҳатлари ҳақида билдирилган фикрлар унчалик ҳам кўп эмас. Бирок булар орасида француз тарихчиси Ф.Броделнинг “*тарихий вақтнинг турли ўлчамлари*” тушунчаси алоҳида эътиборни тортади. У диққат-эътиборни “тарихий жараёнларнинг архитектураси” деб номланган тизимга қаратади. Бунда муаллиф бу тизимни ҳаёлий, ўйлаб чиқарилган конструкцияга (тузилишга), реал (барқарор, секин ўзгарувчан) воқеликни эса мустаҳкам конструкция (тузилиш) га киёслайди.

Ф.Бродел вақтнинг учта “*қатлами*”ни ажратиб кўрсатади. Бу қатламларнинг *энг қуйидаги* асосий элементлари инсон, ер ва коинот бўлган ижтимоий ҳаёт қаватида барқарор тузилиш мавжудлиги, бунда *вақт “жуда секин”* ўтиши, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар юз йилар давомида аста-секинлик билан ўзгариб бориши билан хусусиятланади ва “*узоқ вақт*” ҳисобланади. *Иккинчи “қават”* иқтисодий ва ижтимоий воқелик бўлиб, даврлар такрорланувчи хусусиятга эга (циклик характер), улар орасидаги вақт масофаси қисқадир. *Учинчи “қават”* сифатида муаллиф сиёсий воқеаларнинг хронология билан аниқланишини кўрсатади.

Ф.Броделнинг “узок давом этувчи вақт” тушунчаси тарихчига “воқеалар ичидан” чиқиб, жараёнларга бошқача кўз билан қараш имконини беради. Унинг бу фикрлари кейинчалик Ле Руа Ладюри томонидан ҳам давом эттирилди.

Юқоридагиларга ҳулоса қилиб айтиш керакки, тарихчи ҳамма вақт янги ёндашувлар ва ғояларни қўллашга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, янги ва соғлом фикрларни қўллаб-қувватлаши, бироқ айни вақтда уларнинг имкониятларини объектив равишда аниқлаб олиши ва тадқиқотлар жараёнида энг самарали ва энг тўғри ёндашувлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

1-аянч
тушунчалар:

Тарихий қонуният. Тарихий ривожланишда муқобиллик. Тарихий замон категориялари. Умумини тўлдирининг хилма-хиллиги ва хронологик жараёнларнинг тузилиши. Субъективлиги. Тарихий ривожланиш даврлари.

Мавзунини мустаққанди учун саволлар:

1. Тарихий қонуният ва тарихий қонун тушуначилирини изоҳлаб беринг
2. Тарихий ривожланишида муқобиллик қандай тушунча?
3. Тарихий замон категориялари?
4. Тарихни даврлаштирини масалаларига изоҳ беринг
5. Тарихий замон категориялари ҳақида тушунча беринг
6. Ўтмишни тўлдиришнинг хилма-хиллиги?
7. Хронологик жадвалларнинг тузилиши?
8. Хронологик жадвалларнинг субъективлиги?
9. Тарихий ривожланиш даврлари?

Мавзуга алоқадор изоҳли сўзлар дугати:

- | | |
|----------------------|--|
| Апологетика | - диний ибора бўлиб, айрим ҳолларда тарих фанида ҳам қўлланилади ва кўр-кўрона ҳимоя қилиш маъносида тарихий воқеаларнинг ва жараёнларнинг барчаси олдиндан белгиланган ва маълум қонуниятларга асосланган ҳолда содир бўлади деган теологик тушунча. |
| Волюнтаризм | - <i>фалсафада</i> воқеликнинг исғили продададир деб билувчи ва объектив тараккиёт қонуналарини рад этувчи идеалистик йўналиш. <i>Психологияда</i> продани психик ҳаётнинг асосий омилли деб қаради. <i>Тарих фанида</i> эса тарихий тараккиётнинг объектив қонуналари билан ҳисоблашмай, ўзбўлимчалык билан иш тутиш. <i>Волюнтаристларнинг таъжидлашича</i> , инсон тарихни ижод қилувчи, уни шакллантирувчи омилдир. инсон тарихий жараёнда ўзига зарур ва ўзи хоҳлаган жамиятни барпо эта олинши мумкин деб ҳисоблайдилар. |
| Позитивистлар | - (позитив -тажрибага, фактларга асосланиш). Позитивистлар тарихни “позитив” билимга айлантиришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчанинг моҳияти шундаки, позитивистлар ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар кенкрет фанларнинг маҳсулидир, фалсафа эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, деган ғояга асосланган субъектив қарашга эга эдилар. Улар тарихий далиллар билан қандай ишлаш, манбаларни тахтил қилиш бўйича бир қанча методларни ҳам тақлиф қилганлар. |
| Рационалист | - ҳаётга ақл қўзи билан қаровчи, мулоҳазакор, ақл-идроққа асосланган ҳукм (фикр). Фалсафада рационализм - тафаккурни ҳиссий тажрибадан ажратиб қўядиган ва ақлни билишнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий оқим. Тарих фанида ҳар қандай тарихий жараённи ақл-идроқ, мулоҳазакорлик ва илмийликка асосланган ҳолда тушуниш ва талқин |

қилиш.

Фаталист

- тақдирга ишонувчи, тақдир, пешонага ёзилгани, қисматга битилгани содир бўлади деб ҳисоблайди, фаталистлар (тарих фанида) - воқеалар содир бўлиши муқаррар, уни муҳофаза қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобловчилар. Фаталистларнинг фикрича, тарих ўзининг аввалдан маълум йўлида гилдираб келаверади. унда ҳамма нарса қонуний ва зарурий, инсон эса шиддат билан содир бўлаётган бу жараёнда майда ва арзимас пайраҳадир (яъни инсон тарихий жараёнинг содир бўлишида ҳеч қандай рол ўйнамайди ва унга таъсир кўрсата олмайди) деб ҳисоблайдилар.

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун тест топишиқлари

1.нинг таъкидлашича, тарих ўзининг аввалдан маълум йўлида гилдираб келаверади, унда ҳамма нарса қонуний ва зарурий, инсон эса шиддат билан содир бўлаётган бу жараёнда майда ва арзимас пайраҳадир (яъни инсон тарихий жараёнинг содир бўлишида ҳеч қандай рол ўйнамайди ва унга таъсир кўрсата олмайди) деб ҳисоблайдилар.
А. Фаталистлар
В. Волюнтаристлар
С. Рационалист
2.инсон тарихни ижод қилувчи, уни шакллантирувчи омил деб билиб, инсон бу жараёнда ўзига зарур ва ўзи хоҳлаган жамиятни барпо эта олиши мумкин деб ҳисоблайдилар.
А. Фаталистлар
В. Волюнтаристлар
С. Рационалист
3.тақдирга ишонувчи, тақдир, пешонага ёзилгани, қисматга битилгани содир бўлади деб ҳисоблайдилар.
А. Фаталистлар
В. Волюнтаристлар
С. Рационалист
4. – бу турли кўринишдаги “хусусий-тарихий” қонуниятларнинг тугуни, уларнинг бирлашган кўриниши бўлиб, уларнинг ўзаро тенгликда бир-бири билан кесилиш нуктасидир.
А. Тарихий қонуният (қонун)
В. Тарихий таъомиллар
С. А ва В

5. - бу тарихий жараёнларнинг ички ўхшаш ҳолатларини ўзаро боғлиқликда ақс эттирувчи зарурий, муҳим аҳамиятга эга, барқарор ҳолатда такрорланувчи аниқ ва конкрет муносабатлардир.
- A. Тарихий қонуният (қонун)
 - B. Тарихий тамойиллар
 - C. A ва B
6. аниқ-умумий, индивидуал-бошқарувчи, шартли (эҳтимолий) бўлади.
- A. Тарихий қонуният (қонун)
 - B. Тарихий тамойиллар
 - C. A ва B
7. XX аср бошларигача ҳеч бир тарихчиға тарих соҳасида бирон-бир қонуниятни очганлиги ва кашф этганлиги насиб этмаганлигини қайд этиб ўтган эди.
- A. Э.Мейер
 - B. А.Тойнби
 - C. О.Плентлер
8. "Тарихда вақт тарихчининг фикрларига боғбоннинг белқурагига ёпишган туپроқ каби ёпишади". Бу ўхшашнинг муаллифи ким?
- A. A.B.Полетаев
 - B. И.М.Савельева
 - C. Ф.Бродель
9. вақтнинг учта "катлами"ни ажратиб кўрсатди.
- A. A.B.Полетаев
 - B. И.М.Савельева
 - C. Ф.Бродель
10. нинг фикрича факатгина социологик қонуният (қонун)ларнинг мавжудлигинигина тан олиш ёки эътироф этиш фатализмга ва апологетика (қўр-қўрғақ диния қилиш, барчаси олдиндан белгиланган ва маълум қонуниятларга асосланган) га олиб кетади.
- A. Б.Могильницкий
 - B. И.Ковальченко
 - C. Э.Мейер

ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

*
—————

*Ахборотлаштириш жараёни. Ҳозирги
тенденциялар тарихий информатика ривожиди.
Сканернинг қўлланилиши, Электрон почта.
Компьютер ва унинг тарихий таълим ҳамда фандаги
имкониятлари. "Тарихчи ва компьютер" ҳалқаро
уюшма. Маълумотлар базаси ва компьютер
технологиялари. Интернетдаги
имкониятлар Кутубхонанинг электрон каталоги.
Манбалар наири. Электрон журнал.*

*
—————

Бугунги кунда фан соҳасида, илмий тадқиқотлар соҳасида амалга оширилаётган жараёнларни компьютер ва ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш мушкул.

Давр талабига кўра бугунга келиб компьютер технологияси жадал ривожланмокда. Маълумотларни бошқариш, аиникса, ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этиб, маълумотларни бошқариш тизимларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормокда.

Жамият тараккиётида юз бераётган жадал ўзгаришлар унинг бир қисми бўлган информатика соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмокда. Бу таъсир шунчалик кучлики, ахборот технологиялари соҳасида бўлаётган ўзгаришлар жуда қисқа вақтлар орасида ўзгариб ва бойиб бормокда. Янги ахборот технологияларининг ёки компьютер технологияларининг пайдо бўлиши бу соҳадаги хизмат қилиш ва улардан фойдаланиш, таълим тизимида қўллаш услубларини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартирди. Бу тизимда Internet, электрон почта (E-mail) каби имкониятларининг мавжудлиги, Windowsнинг ўрни бекиёслигидан далолат беради. Бу тизимнинг таркибида хизмат қилишнинг юзлаб турлари мавжудки, уларни ўрганиш ва фойдаланиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, аиникса, талабалар учун жуда муҳимдир.

Ахборот технологияси-бу аниқ техник дастурлар воситасининг мажмуи бўлиб, улар ёрдамида маълумотларни қайта қўллаш билан боғлиқ бўлган турли-туман масалаларни ҳал этиш мумкин.

Информатиканинг маънода фан, техника ва ишлаб чиқариш, яъни инсон фаолиятининг барча соҳаларида ахборотни компьютер ва телекоммуникация ёрдамида қайта ишлаш, сақлаш, узатиш билан боғлиқ бўлган ягона соҳадир.

Компьютер ва у билан боғлиқ техник имкониятлардан бугунги кунда барча соҳалар каторида илмий тадқиқотлар ва таълим соҳаларида ҳам кенг ва унумли фойдаланилмоқда ёки бошқача айтганда компьютер ва компьютер технологиялари, ахборот технологиялари ва улардан фойдаланиш фан ва таълимнинг ажралмас таркибий қисмларидан бирига айланиб улгурган. Бу борада тарих фани тадқиқотларида ҳам бугунги кунда компьютер имкониятлари, InterNET тармоқларида жойлаштирилган жуда катта ҳажмдаги ахборотлардан тўғри ва унумли фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Шундай экан савол туғилади: тарих фани тадқиқотлари соҳалари ва тарих фани таълими жараёнларига компьютер қанчалик кириб кела бошлади, тадқиқотлар ва таълим жараёни соҳаларида унинг имкониятлари қандай, қолаверса, компьютер ва унинг технологияларидан фойдаланиш тарих фани ва тадқиқотлари учун қандай самаралар бериши мумкин ва ҳоказо. Қуйида шу ҳақда сўз юритилади.

XX асрнинг 80-90 йилларида кенг авж олган ахборотлаштириш жараёни тарих фанига ҳам таъсир кўрсатди. 90-йилларга келиб тарих фани тадқиқотларида компьютерлардан асосан илмий ишларни териш ва таъсирлаш ишларида фойдаланила бошланган бўлса, кейинчалик манбалар билан ишлашдаги янгича услубларда ҳам қўлланила бошланди. Манбалар матнлари ва бошқа тасвирлар сканерлар ёрдамида компьютер хотирасига киритила бошланди, айни вақтда оптик дискларнинг пайдо бўлиши билан компьютерларнинг жуда катта ҳажмга эга бўлган маълумотларни сақлаш имкониятлари ошиб борди. Архивларда ва бошқа ҳужжатгоҳларда тадқиқотчилар ноутбукдан фойдаланган ҳолда ўзларининг жуда катта маълумотларни ўз ичига олган шахсий маълумотлар базаларини ярата бошладилар. 90-йилларнинг охирига келиб эса турли мамлакатларда тарихий тадқиқотлар соҳасида 20 дан ортиқ йирик маълумотлар банклари фаолият кўрсата бошладилар.

Тарихий тадқиқотлар соҳасидаги ахборотлаштирилишнинг тезкор жараёнларига “электрон почта” лар ҳам мослашиб бориб, “InterNET” тармоқлари ва ундаги жуда кенг ҳажмли ахборотлар билан танишиш ва улардан фойдаланиш имкониятларининг юзата келиши билан ахборот

алмашиш борасида ҳам кенг имкониятлар юзага келди. Кейинги илмий тадқиқот ишларида энди “InterNET” ҳам ўзига хос “ахборот манбаси” вазифасини бажара бошлади.

1986 йилда “Тарихчи ва компьютер” номли халқаро ассоциация тузилди ва 1992 йилда унинг таркибига бир қатор МДХ давлатлари тарихчилари ҳам кирди.

Шу даврда тарихий тадқиқотлар ва тарих фани тадқиқотлари услубларидан бири сифатида пайдо бўлган “тарихий информатика” юзага келиб, клиометрия фанлари таркибига шакллана бошлади. Маълумотлар базаси ҳамда тарихий манбалар таҳлилининг компьютер технологияларига бўлган кизиқиш кучайиб борди.

InterNET нинг 90-йиллардаги ривожланишига асосий сабаб **World Wide Web** (Бутун Дунё Тармоғи) нинг тузилиши бўлди. Унинг биринчи нусхасини 1990 йилнинг ноябрида **CERN** (Европа атомни текшириш маркази) ходими Тим Бернс-Ли яратди, лекин 1992 йилгача ишга туширилмади. 1993 йилда **NCSA** (National Center for Supercomputer Applications - Суперкомпьютерли Ҳисоблаш Миллий Маркази) томонидан **Mosaic** программаси ишлаб чиқилди ва шу йил охирига 200 та WWW сервер ишга туширилди.

Internet ва WWW бир хил эмас. Internet бутун дунё компьютерлар тармоқларининг тўпламини белгилайди ва турли хил компьютер хизматларини кўрсатади.

Бу - **E-mail** электрон почта, **Usenet** телеконференциялари, **FTP** маълумот файлларини узатиш системаси, **Telenet** узокдан терминалга кириш системаси, **Gopher** системаси ва Бутун Дунё Тармоғи - **WWW**. Демак, WWW Internetнинг факатгина бир қисмидир. Лекин у жуда тез ривожланмоқда. **WWW** - Internet нинг оммабон хизмат туридир. Унга уланиш учун компьютер билан модем етарлидир. Шунинг учун Бутун дунё тармоғи бутун олам ахборотлар омбори-кутубхонага айланиб қолади ва у дунёга ёйилади. WWW да маълумотлар саҳифаларда жойлашади.

Маълумотлар, манбалар, ахборот кабиларнинг компьютер технологиялар орқали унинг таркибига киритиш ва унда сакланишининг, маълумотлардан фойдаланишнинг ўзига хос техник жиҳатлари ҳам борки, улар одатдаги китоб ёки бошқа маълумотлар манбаларидан ва айни вақтда улардан фойдаланишнинг хусусиятларига кўра бирмунча фаркланади. Агар компьютерга киритиладиган маълумотлар тартибланган бўлса,

киритишни автоматлаштириш мумкин. Маълумотлар **чизикли, иерархик ва жадвал кўринишларида** тартибланган бўлиши керак.

Бунда, масалан китобнинг варақлари ракамланмаган ва ихтиёрий равишда аралаштирилиб юборилган бўлса, бундай китоб варақлари **тартибланмаган** дейилади ва ундан керакли маълумотларни топиш анча мураккаб бўлади.

Агар китобнинг ҳамма варақлари ракамланиб, улар ракам бўйича жойлаштирилган бўлса, бундай китобнинг варақлари ва ундан олинishi мумкин бўлган **маълумотлар чизикли** тартибланган, ахборот техникалари фани тилида эса **оддий структурали маълумотлар** дейилади.

Китобдан керакли маълумотларни тезроқ топиш учун одатда у қисмлар, боблар ва параграфларга ажратилади. Маълумотларни бундай кўринишлардан бирида тартиблаш, уларни **иерархик структурада** тартиблаш дейилади. Иерархик структурада тартибланган маълумотларнинг аниқлик даражаси чизикли тартибланганига нисбатан **пастроқ**, лекин сўнгги усулда маълумотнинг айнан ўзини эмас, балки бу маълумотни китобнинг қайси қисмида жойлашганлигини топиш **осонроқ** бўлади.

Китобни варақ ракамлари билан унинг қисм, боб ва параграфлари ўзаро боғланган бўлади, яъни китобнинг ҳар бир варағи унинг қайси қисми, боби ёки параграфида эканлигини билса бўлади. Демак маълумотларни иерархик ва чизикли структураларда тартибланиш қондалари ўзаро боғлиқ бўлади. Китобни қисм, боб, параграфлари (иерархик тизимда тартибланган маълумотлари) билан бетларининг ракамлари (чизикли усулда тартибланган маълумотлари) унинг **мундарижаси** орқали ўзаро боғланади. Айни мундарижа чизикли усулда тартибланган маълумотлар билан иерархик тизимда тартибланган маълумотларни боғловчи жадвал дейилади. Жадвал (матрица) элементлари тартибланган (ракамланган) маълумотлар ҳисобланади.

Чизикли структураларга мисол қилиб бирон-бир **рўйхатни** олиш мумкин. **Рўйхат** — маълумотларнинг оддий структураси, унинг маълумотларай рўйхатдаги тартиб **рақами** билан бир-биридан фарк қилади. Чизикли структураланган маълумотлар тўпламини математика ва информатика фанларида қабул қилинган тушунчалардан келиб чиққан ҳолда **массив** дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, маълумотларнинг чизикли структураси бу - маълумотларнинг шундай тартибланган структурасики, унда элементларнинг адреси (қарердалиги, координатаси, ҳолати) ни тартиб рақами орқали тўла аниқласа – информация олса бўлади.

Тарихий информатика махсус фан сифатида шакллантирила борилиб, унинг жиҳатларига аниқлик киритила бошланди. Унга кўра, тарихий информатика тарих фани ва таълими жараёнларини ахборотлаштиришга йўналтирилган илмий фан бўлиб, унинг таркибига ҳамма турдаги тарихий манбаларнинг электрон шакллари яратиш ва шакллантириш борасидаги барча назарий ва амалий билимлар киритилди. Бунда унинг назарий асоси сифатида *назарий манбаишunosлик ва ахборотнинг замонавий тамойиллари*, амалий асоси сифатида эса *компьютер технологиялари* ва у билан боғлиқ жиҳатлари кўрсатилди. *Тарихий информатиканинг* фан соҳасидаги қизиқишлари сифатида махсуслаштирилган дастурлаш таъминотлари, маълумотларнинг банки ва тарихий базаларининг шакллантирилиши, тизимлаштирилган, матнли, тасвирий ва бошқа манбалар ва улардаги ахборотни тасаввур қилишда ахборот технологияларининг қўлланилиши, тарихий жараёнларнинг компьютерлаштирилган моделларини яратиш, InterNETдан фойдаланиш ва тадқиқотлар жараёнларида унинг қўлланилиши, мультимедиа воситаларидан (**Мультимедиа воситалари** ёрдамида ахборотларни матнли, тасвири, товушли ва анимацияли кўринишда намойиш этиш мумкин) фойдаланиш ва уни ривожлантириб бориш, шунингдек таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш этиб белгиланди.

Компьютер технологияларидан фойдаланувчи гаджётчиларни бир неча *гурӯҳларга* бўлиш мумкин, улардан *биринчи гурӯҳи* манбаларнинг таҳлилини амалга ошириш учун турли алгоритмлар, дастурлар ва технологияларни яратиш билан иш олиб борса, *иккинчи гурӯҳи* янги технологиялар ва дастурларнинг малакали фойдаланувчилари бўлиб, улар ана шу янги технологиялар ва дастурларни тадқиқот амалиётига жалб этадилар, *учинчи гурӯҳ* тадқиқотчилар эса, улар юқоридаги икки гурӯҳга нисбатан қўпчилиқни ташкил этиб, янги технологияларнидан тадқиқот жараёнида фойдаланишни амалга оширадилар. Бу жараён амалда аксарият ҳолларда қуйидаги тартибда амалга оширилади. Дастлаб тадқиқот лойиҳаси шакллантирилади, ўрганилишни кўзда тутилган манбалар компьютерга киритилади, шундан сўнг тарихий информатика бўйича

мутахассислар томонидан комплекс таҳлил амалга оширилади, кейинги босқичда тарихчи мутахассислар иштирокида қўлга киритилган натижаларнинг интерпретацияси амалга оширилади. Янги ёндашувларни амалда қўлаш уни яратишдан кўра мушкулроқ ва мураккаброқдир. Бирок бу соҳа бўйича мутахассисларнинг тайёргарлиги зарурдир, чунки ҳозирги вақтда тарихий информатика тарих фанининг ажралмас бир бўлаги бўлиб, у “тарихий тадқиқотларнинг янги тили” сифатида эътироф этилмоқда. Шу ўринда инглиз тарихчиларидан бири П.Денли фикрини келтириб ўтиш мумкин, яъни у - “бизнинг тез ва самарали равишда тадқиқотни амалга ошира олишимиз муҳим эмас, балки бизнинг янгиликлар қила олишимиз ва айни вақтда эскиларни (яъни, аввалги тадқиқот ёндашувларини назарда тутмоқда) янгича амалга ошира олишимиз муҳимроқдир)”, - деган эди.

Тарихий информатика соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликларнинг жорий этилиши 22 давлат вакилларида иборат 150 мутахассис иштирокидаги 1996 йил бўлиб ўтган “Тарихчи ва компьютер” халқаро ассоциациясида қилинган маърузалар билан янада кенг тус ола бошлади. Маърузалардан бири германиялик тарихчи В.Геттингем томонидан амалга оширилган бўлиб, унда маҳаллий архивлардан бирида сақланаётган 50 мингдан ортиқ ҳужжатларнинг оптик дискларга электрон тасвирлар орқали жойлаштирилганлиги, уларнинг ёрдамида эса ўрта асрларга хос манбалар матнлари ва улардаги ўзувларнинг энг нозик хусусиятларигача бемалол ўқий олиш мумкинлиги ва бу жиҳатдан имкониятларнинг ошганлиги, бу эса тадқиқотнинг ва тадқиқот натижаларининг янада аниқ ва илмий жиҳатдан асосланганлиги даражасининг ошишига имкон яратганлиги ҳақида қилинган эди. Австриялик маърузачи томонидан эса ўрта асрлар Европасининг кундалик ҳаёти акс эттирилган тасвирий материаллар бўйича электрон архив яратиш таклифи илгари сурилган эди. Бундай маърузалар билан бир қаторда асосий эътибор барибир энг муҳим жиҳатларга, яъни электрон матнлар ва маълумотлар базасини яратиш масалаларига қаратилган эди. Булардан ташқари иқтисодий ва ижтимоий тарих масалаларида, тарихий демография масалалари каби бир қатор соҳа йўналишлари тадқиқотлари бўйича ҳам янги ёндашувлар ва компьютер технологиялари намоён бўлиши кўрилади. Бунда асосий эътибор моделлаштиришга қаратилди ва бунда “манбани моделлаштириш – тарихни моделлаштириш” тушунчаси юзага келди.

Умуман олганда бу даврда тарихий информатика ўзининг шаклланиш боскичидан қарор топиш боскичига ўтди. Кейинги йилларда тарихий информатикада турли мактаблар ва турлича ёндашувларнинг дифференцияси ва интеграцияси жараёнлари амалга оширишмоқда. Бу соҳада дастлабки вақтларда Буюк Британияда, Нидерландияда, Скандинавия мамлакатларида бир қатор муваффақиятларга эришилган.

Электрон кутубхона InterNETнинг ажойиб имкониятларидан биридир. Бу кутубхонанинг электрон шаклидир. Кутубхона деганда одатда кўз олдидан китоблар турган узундан – узок китоб жавонли қага хоналар келади. **Электрон кутубхонада** “жавонлар” вазифасини жилдлар, китоблар вазифасини InterNET саҳифалар бажаради. Бу кутубхона маълумотлари электрон кўринишда бўлади ва компьютерда жойлашади. Бу кутубхонадан фойдаланиш жуда қулай. Бунда дунёнинг ихтиёрий нуктасидан электрон кутубхона маълумотларидан фойдаланиш ва зарур маълумот нусхасини кўчириб олиш олиш мумкин.

Электрон кутубхонадан фойдаланишингиз учун компьютер, модем ва InterNET тармоғи бўлиши етарли. Компьютер ва InterNET ёрдамида маълумотни бир неча дақиқада топиш мумкин. Маълумот дунёнинг ихтиёрий нуктасидан жуда қисқа сониялар давомида экранда тасвирланади. Бу виртуаллик деб аталади. Унга фақат компьютер ва махсус тармоқ орқали эришиш мумкин. Электрон кутубхоналарни турлича номлар билан номланади.

Виртуал кутубхона ўзи нима? Охири пайтда виртуал дунё, виртуал олам каби сўзлар пайдо бўлди. Виртуал сўзининг маъноси бу тасаввур қилишдир. Виртуал кутубхона бу одатдаги кутубхонанинг абстракт кўринишидир. Бу кутубхона китоблари, журналлари ва рўзномалари китоб жавонларда эмас, балки компьютер хотирасига жойланган бўлади. Бу компьютерда ёки компьютер махсус қурилмаларида рақамли форматда сақланадиган маълумотларнинг - босма, аудио, видео ва мултимедиа маълумотларининг тўпламидир. Маълумотлар ҳажмига қараб серверлар битта ёки тармоқ билан боғланган бир неча компьютерлардан иборат бўлади. Электрон кутубхонада кутубхоначи бўлмайди, шунинг учун зарур китоб ёки маълумотни компьютер “жавонлари”дан фойдаланувчининг ўзи қидиради.

Электрон кутубхона одатдаги кутубхонадан бир қанча қулайликларга эга, булар қуйидагилардир:

- Жойнинг тежамланиши, яъни китобларни сақлаш учун махсус жойнинг заруратнинг йўқлиги;
- Нодир асар ва маълумотларни сақлаш ва улардан фойдалана олиш имкониятининг мавжудлиги.
- Фойдаланишнинг қулайлиги ва енгиллиги.
- Қидирув тизимларининг мавжудлиги.
- Маълумотлар ҳажмининг чекланмаганлиги.
- Маълумотнинг аудио, видео ва компьютер графикаси ёрдамида сифатли ва яхшироқ акс эттириш мумкинлиги, вақтнинг тежалиши ва чекланмаганлиги, шунингдек қўшимча хизматларнинг мавжудлиги.

Ҳозирги кунда электрон ресурслардан ташкил топган электрон кутубхоналар, йиғма электрон каталоглар яратиш учун корпоратив каталоглаштириш марказини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Ахборот кутубхона марказлари олдида нафақат электрон каталог, балки тўла матнли маълумот базалари яратиш, йиғма электрон каталог орқали ахборот ресурсларини бирлаштириш каби вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ахборотлаштиришни ривожлантириш учун катта имконият яратиб берилмоқда. Шунингдек мазкур соҳа юзасидан бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсадлардан бири ахборот-кутубхона фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг ахборот-кутубхона ва муассасаларида сақланаётган ахборотлардан эркин фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашдан иборат эканлиги билан мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда асосий омилларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Янги услубдаги кутубхонанинг биринчи галдаги вазифаси ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот технологиялари бўйича малака ошириш, кутубхона жараёнларининг автоматлаштириш, нафақат доимий китобхоналарига, балки ахборот истеъмолчиларининг янги тоифаси – ишбилармонлар, бизнесменлар, фермерлар ва потенциал инвесторларга ҳам хизмат қилувчи ва ахборот

етказиб берувчи виртуал кутубхоналар ташкил этишдан иборат.

Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига қўйилган вазифалардан бири – универсал ахборот ресурсларни, миллий ва хорижий наслларнинг (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун шароитлар яратишдир.

Бугунги кунда ахборот-кутубхона марказлари фонди 5 миллион нусхага яқин бўлиб, уларнинг электрон каталоги 200 мингдан ортиқ ёзувни ташкил қилади. Барча ахборот-кутубхона ва йирик ахборот ресурс марказлари Ziyonet ахборот тармоғига уланган.

Ҳозирги кунда электрон ресурслардан ташкил топган электрон кутубхоналар, йиғма электрон каталоглар яратиш учун корпоратив каталоглаштириш марказини яратиш устида ишлаб олиб борилмоқда.

Ахборот кутубхона марказлари олдида нафақат электрон каталог, балки тўла матнли маълумот базалари яратиш, йиғма электрон каталог орқали ахборот ресурсларини бирлаштириш каби вазифалар турибди.

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятидаги ижобий натижалар, соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан таъсис этилган “Kutubxona.Uz” журналида чоп этиб борилмоқда.

Юқоридагилардан кўринадики, электрон кутубхона бу турли маълумотлар жамланган InterNET саҳифасидир. Бу саҳифани кутубхоналардаги махсус марказ мутахассислари маълумотларни мунтазам равишда компьютерга киритади ва йиғади, яъни маълумотлар доимо янгиланиб турилади ва кутубхона ҳажми кенгайиб боради.

Тарихчи ва INTERNET. Компьютернинг InterNET глобал тармоқларида бугунги кунда турли тарихий манбалар ва архив ҳужжатларининг минглаб электрон нусхаларини топиш мумкин. Ундан шунингдек тарихий мазмундаги электрон журналлар, долзарб илмий муаммоларга бағишланган “доира столлари” жой олган. Булардан ташқари жаҳон кутубхоналарининг электрон каталоглари, тарих бўйича янги адабиётлар юзасидан маълумотлар қабилар ҳам ўрин олган бўлиб, бу InterNETнинг тарихчилар учун ўзига хос ахборот манбаи эканлигини кўрсатиб турибди. Хорижий мамлакатлар тарихини ўрганаётган тадқиқотчилар учун яна бир қулайлиги шундаки, улар манбаларни ўрганиш учун ўша давлатга бормасдан туриб InterNET орқали ўз тадқиқотларига оид қўллаб маълумотларни олишлари мумкин. Тўғри, бу

маълумотлар тадқиқотчи учун ёки тадқиқот муаммосининг ечимини топишда етарли бўлмаслиги ёки ишонарли бўлмаслиги мумкин. Бунинг учун энг биринчи навбатда тадқиқотчи InterNETдан тўлиқ фойдалана олиш малакасини эгаллаши лозим, chunkи бу жараёнда у ўзи учун зарур маълумотни йўқлиги учун тополмаслиги эмас, балки InterNET тизими имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаганлиги учун тополмаслиги мумкин. Бугунги ахборотлаштириш имкониятлари қўлайган бир даврда InterNET тармоқларига турли маълумотларнинг жойлаштирилиши кўп муаммоларга учрамайди. Бу эса бу тармоқларда турли мазмундаги саноксиз маълумотларнинг ўрин олишига йўл очиб беради. Айрим ҳолларда InterNET тармоғидаги маълумотларнинг манбалари ҳам муҳим аҳамият касб этадики, бу мавжуд ахборотлар ёки маълумотларнинг объектив хусусиятга эга эканлиги ёки аксинча эканлиги билан боғлиқ. InterNETдан олинаётган ҳар қандай маълумот энг аввало танқидий таҳлил орқали синчиклаб ўрганилиши, бошқа манбалардаги маълумотлар билан солиштирилиши ва таққосланиши, бу жараёнларнинг сўнггида тадқиқот муаммоси ечимини топишдаги энг мақбул ва энг самарали, энг ишончли саналганларинигина тадқиқотга жалб этилиши мақсадга мувофиқдир.

InterNET тармоқларидан фойдаланишнинг бир қатор қулайликлари мавжуд бўлгани билан бир қаторда тарихчи тадқиқотчилар учун бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Бу борала тарихчилар ўргасида ўтказилган йилликлардан бирида баҳс-мунозарага сабаб бўлган бир неча муаммолар ўртага ташланган (“Историк. Источник. Интернет.” / “Новая и новейшая история”. №2. 2001). Қатнашчилар InterNETдан максимал даражада фойдаланишнинг ягона ёндашувини шакллантириш керак деган ҳулосага келдилар ва бунга боғлиқ бир неча муаммоларни кўрсатиб ўтдилар. Бунга кўра *биринчи муаммо* – тарихчилар InterNETга уланган электрон кутубхоналар каталогларидан ҳамма вақт ҳам зарур маълумотларни еча олмайдилар. Бунинг бир неча сабаблари бор. Булардан бири InterNETга жойлаштирилган кутубхоналар каталоглари ва уларда кўрсатилган манбаларнинг барчасини электрон кутубхоналарга тўлиқ ҳажмларда жойлаштирилманлиги, маълумотларни кидириш вақтидаги “калит сўзлар”нинг фойдаланувчилар ва каталогларни тузувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги, бу эса олинаётган маълумотларнинг тўлиқ бўлмаслигига сабаб бўлади. *Иккинчи муаммо* – InterNETда манбаларнинг нашрларини топиш мумкин. Бироқ айрим

вактларда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, бу манба матилари қердан олинганлиги ҳақидаги маълумотлар учрамайди. Айрим вақтларда эса манбаларнинг факсимиле (Ўзгаришларсиз, айнан берилган нусхалари) нусхалари ҳам жойлаштирилади. Тарихчилар тадқиқот жараёнига манбаларни жалб қилиш вақтида одатда асл манбага ёки унинг биринчи нусхаларига мурожаат қиладилар ва тадқиқотда ҳам айнан уларга иқтибос берадилар. Агар бундай ҳолатда InterNETга жойлаштирилган манбанинг асл нусха эканлигига шубҳа уйғонса, унда манбанинг одатий кутубхоналардаги ҳақиқий нусхасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Шундай ҳолат ҳам учрайдики, InterNETга жойлаштирилган айрим электрон адабиётларда манбанинг саҳифалари кўрсатилмаган бўлади, бу ҳам манбага иқтибос беришда тадқиқотчи учун муамоларни келтириб чиқаради. Айрим ҳолларда эса InterNET тармоғидаги сайт ўз манзилини ўзгартириш мумкин ёки бутунлай ўчиб кетиши ҳам мумкин. Бу эса тадқиқотга жалб этилган маълумотларнинг кейинчалик маълум маънода ўз аҳамиятини йўқотишига олиб келади. *Учинчи муаммо* -- InterNET тармоқларида бир қатор тарихий мазмундаги электрон журналлар пайдо бўлди. Уларнинг орасида жойлаштирилаётган маълумотларга жиддий талабчанлик билан ёндашувчилари ҳам бор, ёки аксинча, берилаётган маълумотларнинг асосланиши, жойлаштирилишидан аввал мутахассисларнинг тақризларини талаб қилмайдиганлари ҳам бор. Шу ўринда савол туғилади, бундай ҳолатда тармоққа жойлаштирилаётган ҳар бир мақоладан илмий тадқиқот жараёнида фойдаланиш, унга иқтибос бериш, агар мақоланинг яна аввалги қисмда таъкидланганидек нуксонли-саҳифаларининг кўрсатилмаслиги муаммоси мавжуд бўлса, улардан тадқиқот жараёнида ахборот манбаи сифатида фойдаланиш мумкинми? Яна шундай муаммо борки, бу журнал ёки мақола мазкур сайтда яна қанча вақт мобайнида сақланиб турилиши мумкин?! Тўғри, балки бундай ҳолатда тармоқдан топилган ва танлаб олинган маълумотларни тадқиқотчининг алоҳида маълумотлар базасига киритиб қўйилиши ёки бу маълумотларни дискларга ёзиб олиб, сақлаб қўйиш мумқиндир ёки унинг бошқа ечимларини ҳам яратиш имконияти бор бўлиши мумкин.

Булардан ташқари InterNETдан фойдаланиш жараёнида яна бир қатор техник омилларга ҳам дуч келиш мумкинлиги, улар ҳам тадқиқотларнинг самарали олиб борилишига техник жиҳатдан маълум

даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Маълумки InterNET тармокларино информациялар алмашувини таъминловчи магистралдир. Унинг ёрдамида дунё билимлар манбаига кириш. киска вақт ичида кўпилаб маълумотларни йиғиш, ишлаб чиқаришни ва унинг техник воситаларини масофадан туриб бошқариш мумкин. Шу жараёнда қуйдагиларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни *аввало*, InterNETда эълон қилинаётган ҳар қандай маълумот ҳам жамият учун фойдали бўлмаслиги мумкин. Яъни, InterNET орқали маънавиятга, маданиятга ва эътикодга зид бўлган информацияларнинг кириб келиш эҳтимоли ҳам мавжуд. *Иккинчидан*, InterNET тармоғидаги ахборотларга ташқаридан аралашув ва бошқа сабабларга кўра ундаги ахборотларни тўғрилигига ишонсизлик юзага келиши мумкин. *Учинчидан*, мавжуд InterNET тармоғидан ахборотни олиш ва улатиш тезлиги кўпчиликни қаноатлантирмайди. Айниқса, ахборотларнинг “вирус”ланиб қолиши ҳам техник камчиликлардан бири санатади.

Бу билан биз InterNET, унинг ахборотга бойлиги ва имкониятларини йўққа чиқармокчи ёки инкор этмокчи эмасмиз, бироқ буларнинг барчаси тарихчи тадқиқотчи учун InterNET тармоқларидан, унинг сайтларидаги ахборотдан фойдаланиш, тадқиқотларга жалб қилишда бир қатор муаммолар ҳали мавжудлигини кўрсатмокда. вақти келиб бу муаммолар ўз ечимини топиши мумкин. Айни вақтда таъкидлаб ўтиш лозимки, тарихчи тадқиқотчи учун замонавий ахборот технологияларини чуқур ўзлаштириш талаб этилади, бу тарихчи меҳнатининг маҳсули бўлган тарихий тадқиқотларнинг манбавий ва ахборот таъминотини яхшилашда муҳим аҳамият касб этиш билан бирга, тарихий нарратив шакли ва мазмунининг бойишида ҳам муҳим ўрин тутати. Айни вақтда фойдаланувчининг профессионал маҳорати қанчалик юксак бўлса, унинг тадқиқотлари нағижалари ҳам шунчалик самарали бўлади.

Таянч гушунчалар:	Ахборот, сканер, электрон почта, компьютер технология, электрон каталог, электрон журнал
----------------------	---

Мавзунинг мустахкамлаш учун савоаллари:

1. Ахборотлаштириш жараёни ҳақида гушунчаларнинг эътибор берилиши.
2. Тарихий тадқиқотлар жараёнида сканернинг қўлланилиши ва унинг аҳамиятини изоҳлаб бериш.
3. Компьютер ва унинг тарихий тадқиқотлар ҳамда фандаги имкониятларини биласизми?
4. Маълумотлар базаси ва компьютер технологиялари ҳақида маълумот.

беринг.

5. Кутубхонанинг электрон каталоги нима?
6. Электрон журнал ва у ҳақидаги фикрингиз.

Мавзуга алоқадор изохли сўзлар лугати:

Ахборот

- дунёда содир бўлган турли ҳодисаларнинг тасвиридир. **Ахборот** кенг камровли тушунча бўлиб, унга қуйидагича таърифлар ҳам бериш мумкин:

1. Далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён каби объектлар ҳақидаги билим ҳамда тушунчалар ёки бўйруқлар;

2. Маълум хос матида аниқ маънога эга тушунчаларни ичига олган далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён, тақдимоғ каби объектлар ҳақидаги билимлар мажмуи;

3. Қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган, сақланиши ва қайта шаклланиши лозим бўлган жами далил ва маълумотлар. Китоб матни, илмий формулалар, банк ҳисоб рақамидан фойдаланиш ва тўловлар, дарс жадвали, ўлчаш мажмуаларининг ер ва фазо станцияси ўртасидаги масофа тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар ахборот бўлиши мумкин.

Ахборотнинг доимий алмашинуви жамият ҳаёти ва инсон ҳаётини изга солиб турилишининг асосий шартларидан биридир. Ахборот **очик** **ифодаланган** ва **яширин** ҳолатда (қейингиси кўп учрайди) бўлади.

InterNET тизимида ахборот тушунчаси хусусиятига кўра ўз мазмунига эга, яъни ахборот манбалари ва истеъмолчиларнинг ҳар - хиллиги ахборот шаклининг қуйидагича қўринишларда бўлишига олиб келади:

- **Белгилан** – турли ишоравий белгилардан иборат ахборотлар.

- **Матили**– ҳарф, рақам ва белгилар тўнламидан таркиб топган ахборот.

- **График** – тасвирлардан иборат бўлган тасаввур қўринишидаги ахборот

Ахборотнинг турлари: матн, тасвир, анимация, аудио ва видео.

Интернет (InterNET) тушунчаси

- Интернет бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғидир. Унинг номи икки хил талқин қилинади. яъни “International Network” – халқаро тармок ва “Interconnected networks” «тармоқлараро»

деган маълони аниглади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларни бириктирувчи ахборот тизими бўлиб, ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган виртуал ўннамчан таъкич тонади.

Интернет конференциялар

- бу муайян муаммони ҳая қилаётган гуруҳ иштирокчиларининг Интернет тармоғи орқали конференция мулоқоти ёрламида ўзаро ахборот алмашилди жараёнидир

Компьютер

- Ҳисобларни бажариш, шу жумладан электрон шаклдаги ахборотни олдиндан белгиланган алгоритм бўйича қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва ишлов бериш учун мўлжалланган электрон машина. Компьютер сўзи инглиз тилидаги "to compute", "computer", сўзларининг ҳосиласи бўлиб, улар "ҳисоблаш" "ҳисоблагич" деб таржима қилинади.

Компьютер тизими

- маълумотларга ишлов бериш, киритиш ва чиқариш тизими ҳамда хотира тизими
Компьютер қуйидаги асосий блоклардан иборат:
 - асосий хотира,
 - процессор
 - таъки қурилмалар

Маълумот ташувчи воситалар

- Компакт диск қурилувчиларининг қуйидаги турлари мавжуд:
 - **CD-RW** – компакт дискларни ўқини ва уларга маълумотлар ёзиш қурилмаси
 - **DVD-RW** -- DVD дискларни ўқини ва уларга маълумотлар ёзиш қурилмаси
 Маълумот ташувчи дискларнинг турлари:
 - **CD** - катта ҳажмдаги маълумотларни сақлашга мўлжалланган диск
 - **DVD** - катта ҳажмдаги мултимедиа маълумотларни сақлашга мўлжалланган диск

Мултимедиа воситалари

- **Мултимедиа воситалари** ёрламида ахборотларни матнли, тасвирий, товушли ва анимацияли кўринишда намойиш этиш мумкин.
Мултимедиа воситалари бу:
 - **нутқли ахборотни** киритиш-чиқариш қурилмалари (микрофон, кучайтиргичлар, товуш колонкалари);
 - **Анимацион ва видео маълумотларни** киритиш ва чиқариш қурилмалари (видеокамералар, видеопроектор ва экранлар)
 - **товушли ва видеомаълумотларни**

Принтер

- маълумотларни коғозга чиқарувчи қурилма. (ингл. принтер – *чоп қилувчи*) маълумотларни коғозга чиқариш қурилмаси. Принтерларнинг уч хили мавжуд: босма, пурковчи ва лазерли. Босма принтер инналар ёрдамида, пурковчиси найча ёрдамида, лазерли принтер эса махсус барабан ёрдамида чоп қилади. Пурковчи ҳамда лазерли принтерлар ёрдамида рангли маълумотларни чоп этиш мумкин. Барча принтерлар матили маълумотларни, қўпчилиги эса расм ва график маълумотларни рангли кўринишда коғозга чиқаради.

Сканер

- (ингл. сканер - *ўқиб олувчи*) коғоздаги маълумотларни нури лампа ёрдамида расми кўринишда компютер хотирасига ўқиб узатувчи қурилма. Ахборот киритиш қурилмаси, компютерга мати, расм, слайд, фотосурат кўринишда фойдаланган тасвирлар ва бошқа график ахборотларни автоматик равишда киритишга мўлжалланган қурилма. Сканерларнинг асосан икки тури мавжуд: стол усти сканерлари ва кўл сканерлари. Сканерлар компютер хотирасига маълумотларни тезкор киритиш имкони беради ва иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Электрон почта (E-mail - electronic mail)

- InterNETдан фойдаланувчиларнинг InterNET тармоғидаги электрон манзиллари, ахборот бериш, ахборотни олиш ва сақлашда фойдаланиш мумкин. Электрон почта махсус программа бўлиб, унинг ёрдамида дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон адресга хат, ҳужжат ва умуман ихтиёрий файли жўнатиш ва қабул қилиб олиш мумкин. Электрон почтадан фойдаланиш учун махсус почта тармоғи ёки InterNET тармоғига боғланиш ва электрон адресга эга бўлиш керак.

Электрон ҳужжат

- Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш (таъин олиш) имкониятини берадиган бошқа реквизитларга (маълумотларга) эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир.

ТАРИХ ФАНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*
=====

Тадқиқот объектининг танланиши ва тадқиқот вазифаларининг қўйилиши. Тадқиқотнинг ахборот-манбавий асосларини аниқлаш ва тадқиқот услубларини танлаш. Тарихий воқеликни билишнинг реконструктив ва эмпирик даражасини аниқлаш. Тушунтириш ва назарий билишнинг даражаси. Назариянинг тарихий тадқиқотлардаги ўрни. Мавзу танлашнинг асосий тамойиллари, вазифалари ва хусусиятлари, методологик тамойиллари. Тадқиқотларни самарали олиб бориш муаммолари, илмий ишларни ёзиш усуллари.

*
=====

Тадқиқот объектининг танланиши ва тадқиқот вазифаларининг қўйилиши.

Тарих фани илмий тадқиқот ишларини ташкиллаштириш бир неча босқичда амалга оширилади.

- 1-босқич. Тадқиқот объектининг танланиши ва тадқиқот вазифаларининг қўйилиши.
- 2-босқич. Тадқиқотнинг ахборот-манбавий асосларини аниқлаш ва тадқиқот услубларини танлаш.
- 3-босқич. Тарихий воқеликни билишнинг реконструктив ва эмпирик даражасини аниқлаш.
- 4-босқич. Тушунтириш ва назарий билишнинг даражаси.

Ҳар қандай тарихий тадқиқот воқеалар, жараёнлар, инсонлар фаолияти кабилардан иборат ўз тадқиқот объектига эга бўлади. Тарихий воқеликни туғдиришда бир тарихчи томонидан тадқиқот объекти сифатида белгилаб олинishi мақсадга мувофиқ эмас ва бу бир тарихчи ёки бир неча тарихчилар томонидан амалга ошириб бўлмайдиган нодар. Шунинг учун илмий муаммонинг ечимига йўналтирилган тадқиқот вазифаларининг белгилаб олинishi муҳим аҳамиятга эгадир. Илмий муаммо билиш

объектида саволар кўринишида мавҳумликдан иборат бўлиб, тарихчи тадқиқот жараёнида бу саволларнинг жавобини топиши лозим. *Тадқиқот вазифалари* нафақат жараёнларнинг қўламини, балки тадқиқотнинг мақсади ва нуктаи назарлари ҳамда жиҳатларини ҳам аниқлаб бериши лояимдир. Тадқиқот жараёнида тадқиқотчи томонидан тадқиқотнинг бу жиҳатларига аниқликлар киритилиб борилиши мумкин.

У ёки бу илмий муаммонинг *долзарблиги* фanning мантикий жиҳатларидан келиб чиқиб аниқланади ва белгиланади, шунингдек мазкур муаммонинг замонавий жамият талабларидан келиб чиққан ҳолдаги аҳамияти ҳам муҳим ўрин тутаети.

Тадқиқот долзарблигини аниқлашда *икки ҳолатга* алоҳида эътибор қаратиш лозим. *Биринчидан*, мавзунинг долзарблиги бизга яқин бўлган давр нуктаи-назаридан белгиланмайди, балки қадимги давр ёки ўрта асрлар даври тарихи ҳам замонавий тарихий даврдан кам бўлмаган долзарблик касб этиши мумкин. Иккинчидан, агар тадқиқот учун танланган мавзу аввал тадқиқот объекти бўлмаган бўлса, у ҳолда шунинг ўзиёқ тадқиқот объектининг долзарб эканлиги учун етарли бўлиши мумкин эмас, балки бу мавзунинг ўрганилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Тадқиқотчи томонидан танланган тадқиқот мавзусининг жиддий илмий муаммоларнинг ечимида ёрдам бериши мумкинлигини исботлаб бера олиши талаб этилади.

Тадқиқотнинг бошланиш вақтидаги мазкур масала юзасидан тарих фанида эришилган ва қўлга киритилган ютуқларни аниқлаш тадқиқотнинг алоҳида муҳим жиҳатидир. Бунда гап тадқиқотнинг ёки унга алоқадор адабиётларнинг тарихшунослик масалалари ҳақида бўлиб, улар тадқиқотнинг вазифаларини очиб бериш билан биргаликда, илмий тадқиқот муаммосининг асосий йўналишлари ва босқичларини аниқлаб бериши, шунингдек тадқиқотнинг манбавий асосларини очиб бериши ва уларнинг тадқиқот жараёнидаги илмий аҳамиятини кўрсатиб бериш учун хизмат қилиши керак. Бу тарздаги таҳлил бунгача ҳал этилмаган ва тадқиқот доирасига киритилмаган муаммоларни аниқлаб берилишига, шунингдек аввалги амалга оширилган тадқиқотлар услубларининг қанчалик самара берганлиги ва тадқиқот жараёнида уларни таҳлил қилиш орқали энг мақбул тадқиқот услубларини аниқлаб беришга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, бу таҳлил илмий тадқиқот ишининг мақсади ва

вазифаларини ҳам аниқлаб беришга хизмат қилиб, тадқиқотнинг умумий тадқиқотлар доирасидаги ўрнини ҳам белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан ҳам бу жараён ишнинг муваффақиятини белгилаб беради. Шунингдек, муаммонинг тарихшунослик масалалари ёритилишининг мукамаллигига қараб, ишга алоқалор муаммолар юзасдан тадқиқотчининг қанчалик билимга эга эканлиги ҳамда муаммонинг тўғри қўйилганлиги даражасини ҳам аниқлаш мумкин. Бунда тадқиқотчилар томонидан ўзидан аввал ёзилган адабиётлар ва улар муаллифларининг фикрлари ва илмий хулосаларининг объектив таҳлили талаб этилади. Бунда ўтмиш тарихчилари ва аввалги даврда яратилган адабиётлар ва уларнинг муаллифларига нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш, уларнинг фикрларини (гарчи улар анча эскирган бўлса ҳам) менсимаслик ва тўғридан-тўғри инкор этиш макбул эмас. Тадқиқотчи томонидан замонавий фанга қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда аввалги тарихчиларнинг ишларида нима бор-у, нима йўқ, қабилида эмас, балки улардаги фикрлар ва хулосаларни тўғрилаш натижасида тарих фани нимага эришади, қандай янги қарашлар ва янги маълумотларга эга бўлади, деган қараш асосида тарихийлик тамойилига риоя этган ёндашув мақсадга мувофиқдир. Айни вақтда эса муаммоларни турли ҳолатларда қўйилишига, замонавий фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда муаммонинг ечимини топишда янги услублардан фойдаланиш ва уларни тадқиқот жараёнига жалб этиш, фанлараро ёндашувдан кенг фойдаланиш ҳамда янги ва янги манбаларни ишга жалб этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг ахборот-манбавий асосларини аниқлаш ва тадқиқот услубларини танлаш.

Ҳар қандай тарихий муаммо билиш объекти мазмунига оид маълумотларни ўз таркибига олган манбалардан фойдаланмай туриб ўз ечимини топиши мумкин эмас. Тарихчи ўзидан аввалги тарихчилар томонидан фойдаланилган манбаларни янги услублардан фойдаланган ҳолда ўз тадқиқотига жалб этиши лозим, бунда тадқиқотчи илмий муаммонинг мақсади ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда янги ахборотларни ва маълумотларни ҳам ажратиб олиши мумкин. Одатда тарихчилар томонидан янги-янги манбалар илмий муомалага киритилиб, тарих фанининг манбашунослик соҳаси доимий равишда бойитиб

борилади. Бирок бунинг учун тарихчи ўрганилаётган давр тарихига оид мавжуд тарихий асарлар ва бошқа манбалар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши талаб этилади.

Тадқиқотчи томонидан манбашунослик соҳасидаги барча билим доирасини, яъни манбаларни кидириш, излаш, танлаб олиш, ҳақиқийлиги ва ишончлилигини аниклаш каби билимларини тадқиқот жараёнига жалб этилиши керак. Тадқиқотчи тарихчилар томонидан манбашунослик соҳасида тўпланган тажрибалардан кенг фойдаланган ҳолда манбашунослик соҳасида яратилган адабиётлар билан танишиб чиқиши лозим.

Қўйилган илмий муаммони ҳал этилишида қанча манба зарур бўлса тадқиқот учун шунча манбани тўшлаш ва уларнинг маълумотлари билан танишиб чиқиш, аниқ ва конкрет маълумотларни сифат-мазмун жиҳатдан ва миқдори жиҳатдан таъминлаш зарурдир. Бунда манбаларнинг расмий миқдори эмас, балки уларнинг ахборотга бойлиги муҳимдир. Илмий жиҳатдан қатъи аҳамият касб этмайдиган фактлар ва далилларни тадқиқотга қарагидан ортиқ жалб этилиши тавсия этилмайди. Қарагидан ортиқ манбалар ва улардаги маълумотлар кейинги тадқиқотларда асқотиши мумкин, бироқ айни тадқиқот жараёнида улар муаммонинг ҳал этилиши ҳамда мақсадга эришида ортиқчалик қилиши мумкин.

Айни вақтда манбалар қўйилган муаммонинг ечимини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак. Тарихчининг илмий тадқиқот муаммоси юзасидан қанчалик даражада етарли ва атрофлича тасаввурга эга бўлиши тарихий жараёнларнинг ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқликнинг моҳиятини кўрсата била олишида намоён бўлади. Тарихчи тадқиқот жараёнида бевосита тадқиқот объекти юзасидан аввалги олган билимларига таянади. Манбалардан фойдаланиш жараёнида агар улардаги далиллар ва тадқиқотнинг манбавий асослари етарли бўлмаган ҳолатда тадқиқот вазифаларини таҳрир қилиши ва унга ўзгартиришлар киритиши мумкин. Агар манбалар тадқиқотни амалга ошириш учун етарли бўлмаган ҳолда эса тадқиқотни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас.

Замонавий постмодернистларнинг таъкидлашича, манбалар тарихий воқелик ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди, айқин вақтда таъкидлаб ўтиш ҳам лозимки, манбаларсиз илмий тадқиқотни ҳам амалга ошириб бўлмайди, бу эса доимий равишда манбалардан фойдаланиш ва уларни илмий тадқиқотга жалб этиш, услубларини

такомиллаштириб боришни талаб этади.

Тадкикотнинг бу боскичида тадкикот жараёнида қўлланиладиган услублар тизимини шакллантириш ва аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, тарихчининг манбалардан ташқари билими, методологик заҳираси тадкикот учун манбаларни танлашда, уларни саралаб олишда, услубларни танлашда ҳал этувчи омил ҳисобланади.

Умумфалсафий, умумфан ва умумтарихий услублар асосида тарихчи тадкикотнинг аниқ-муаммовий услубларини аниқлайди. Улар кўпчиликни ташкил қилиб, макбулларини танлаб олиш тадкикот мавзуси ҳамда қўйилган муаммонинг хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилади. Айни вақтда фанлараро ёндашув услублари қўлланилади, социология ва бошқа фанларнинг тадқиқотни амалга ошириш жараёнига мос келувчи энг зарур услубларидан фойдаланилади. Шунинг эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, бу жараёнда энг асосий қўлланиладиган услублар махсус тарихий услублар ҳисобланади. Кўп ҳолларда микдорий услублардан ҳам фойдаланиш талаб этилади, бироқ манбаларда ва тадқиқот материаларида микдорий маълумотлар етарли бўлмаса, у ҳолда тавсифий услублардан фойдаланиш тавсия этилади.

Албатта, бу жараён тадқиқотнинг энг асосий ва энг мураккаб ҳолати саналиб, бунда тарихчи томонидан тадқиқотни амалга ошириш учун энг макбул бўлган ва самарали услубларни танлаб олиш талаб этилади. Бунда тарихчига фақатгина унинг илмий тадқиқот ишларини амалга ошира олиш малакаси ва тажрибаси, шунингдек унинг билимдонлиги ва ақл-заковатигина ёрдам беради.

Тарихий воқеликни билишнинг реконструктив ва эмпирик даражасини аниқлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган боскичлардаги тадқиқот фаолияти амалга оширилгандан сўнг тадқиқотнинг асосий боскичларидан бири, яъни тарихий воқеликни воқеалари ва ҳодисаларини тадқиқ этиш бошланади. И.Ковальченко билишнинг икки даражасини, яъни *эмпирик билиш* ва *назарий билиш* ни алоҳида ажратиб кўрсатади.

*Эмпирик билиш*да тарихий ҳодисаларни билиш англаб, *назарий билиш*да тарихий воқеликнинг моҳияти очилади ва назарий билим шакллантирилади. Билишни бундай тарзда ажратилиши шартли равишда

бўлиб, тарихчининг тадқиқот амалиётида улар аралашиб кетади, яъни биринчи ҳолатда тарихчи назарий билимларсиз тадқиқотга ёндаша олмаса, иккинчи ҳолатда эмпирик материалларсиз тадқиқотни амалга ошира олмайди. Бироқ шу нарса аниқки, икки ҳолатга ҳам меъёрдан ортиқ мойиллик билдириш, яъни умумлаштиришга имкон бермайлиган ва умумий хулосаларнинг чиқарилишини тўлақонли таъминлай олмайдиган фактлар ҳамда далилларни йиғиш ва уларни тадқиқотга жалб қилиш сифатида эмпирик йўлни танлаш ёки аксинча, тарихий далиллардан ажралиб қолган ҳолда социологик таҳлил йўли билан тадқиқотга ёндашиш тарихий тадқиқотнинг ахамиятини пасайтириб юбориши мумкин.

Тадқиқотнинг мақсадидан ҳамда мавжуд илмий фаразлардан келиб чиққан ҳолда эмпирик даражада тарихий воқеликнинг ҳодисалар қўлами, илмий далилларни аниқлаштириш ва тизимга солиш аниқланади. Бунда тарихий тадқиқотдаги фактлар ва далиллар ўзига хос хусусиятга ва мазмунга эга бўлади, бироқ кейинги жараёнлар учун мос келмаслиги мумкин. Тарихчи ўз ихтиёрида бўлган маълумотларни у ёки бу илмий категорияларга яқин келтирган ҳолда таснифлаб чиқади, тарихий воқелик, ҳодисалар ва жараёнларни ифода этувчи далиллар ва фактларни аниқлайди. Эмпирик далиллар тизимга солинади, таққосланади, киёсий таҳлил этилади. Билиш объектини ўрганиш учун далиллар тизими зарур бўлади ва бунда далиллар тизимининг тахминий таъминотини, манбаларини шакллантириш зарур бўлади. Бу жараёнда яширин маълумотларни мантикий ажратиб олиш, интуиция, тасаввур қилиш, заковат ҳамда тарихчининг мавжуд билимлари муҳим ўрин тутадиган ва уни амалга ошириш учун ёрдам беради. Шу ҳолатда ҳам далиллар тадқиқотни амалга ошириш учун етарли даражада бўлмаса, у ҳолда тадқиқот вазифаларини қайтадан таҳрир қилиш ёки бу тадқиқотни амалга оширишдан воз кечиш керак. Айрим ҳолларда манбавий асослари етарли бўлмаган тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида назарий даражадаги абстрактланган мантикий таҳлил ҳам ёрдам бериши мумкин.

Тушунтириш ва назарий билишнинг даражаси.

Тарих фанида тарихий тадқиқотларнинг якуний мақсади ҳақидаги баҳслар мавжуд бўлиб, ҳар қандай фанда бу мақсад тушунтириш деб кўрсатилади. Бироқ, В.Дильтейнинг фикрича тарихчи тарихни

тушунтириб берилмайди, уни фақат тушуниши мумкин.

XX асрда шунингдек тарихий шаклландики, унга кўра тарихчи тарихий воқеаларни тасвирлаш ва тасвирланиш билангина чекланиб қолмасдан, балки уни тушунтириб бериши лозимдир. К.Гемпель тарихий воқеаликни илмий тушунтириш уни қандайдир қонуниятга боғлиқ қилиб қўяди, деган хулоса берди. Албатта, бу аниқ ва яхлит бир тарихий жараёни тушунтириб бериш эмас, балки уни бирор-бир нуқтаи-назардан ёндашиб тушунтиришдир. К.Гемпель билан бу борада мунозарага киришган К.Дрей у ёки бу одамлар хатти-харакатлари ёки фаолиятларининг нақсадга мувофиқлигини далиллар асосида тушунтириб беришни химоя қилиб чиқади.

Булардан ташқари тушунтиришнинг бошқа шакллари ҳам мавжуддир.

1. *Сабаб – оқибатга боғлиқ ҳолда* (қавқулоқда юз берадиган, тасодифан содир бўладиган) *тушунтириш*, бунда инсон фаолияти натижасида воқеалар содир бўлишининг объектив ва субъектив сабаблари очиб берилади.
2. *Генетик тушунтириш*, бунда тарихий жараёнларнинг моҳияти уларнинг вақдига ифоласида ёки вақтга боғлиқ ҳолда акс этиши орқали тушунтириб берилади. Генетик тушунтириш тарихий воқеалар ва тарихий жараёнларнинг содир бўлишини тушунтириб беради.
3. *Тизимли тушунтириш*, бунда тарихий жараёнларнинг моҳияти ижтимоий тизимлар таҳлили орқали очиб берилади, тизимли-ташкилий белгилар, тизимнинг элементлари ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланади.
4. *Вазифавий тушунтириш*, тизимли тушунтиришнинг бошқача шакли бўлиб, тизимнинг вазифавий нуқтаи-назардан тушунтириш имконини беради.

Тадқиқот бошланишида тадқиқотнинг фарози ((гипотеза (назарий схемаси)) илгари сурилади. У тарихчининг имконияти доирасида мавжуд бўлган тушунчалар ва назариялар далиллари ёрдамида текшириб текширилади. Агар бу фикрлар илмий жиҳатдан ўз асосини тона олмаса, янги фароз шакллантирилиши ва янги ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин.

Тушунтиришнинг тугалланган шакли **тарихий назария** бўлади

Назариянинг тарихий тадқиқотлардаги ўрни

Тарихий воқеаларни тушунтиришда тарихий назария хал қилувчи ўрин эгаллайди. Тарихда назария тушунча асосидаги боғлиқликни, ғоялар ва қонунларни ҳамда далилар (фактлар) ни умумлаштириб, уларни тушунтириб беради. Назарияда далил (факт) лар ўз ҳолича мавжуд бўлмасдан, тушунча ҳолида мавжуд бўлади. Бунда юзага келтирилган ғоя дастлабки умумлаштирувчи омил сифатида намоён бўлади. Назарияларнинг тузилиши ва мукамаллиги аксарият ҳолларда тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган моделларнинг ишланмаси ва айни вақтда унинг ижодий баркамоллиги ҳамда билимининг юқори даражада экинлигига боғлиқ бўлади.

Назария тадқиқот вазифаларининг қўйилишини аниқлашда, тадқиқот жараёнини амалга оширишга йўналтирилган мақбала ва далилларни танлашда қўлланилиб, муҳим методологик вазифаларни бажаради. Назарияни факатгина фактларга таянган ҳолда ва унга асосланиб шаллантириш мумкин эмас. Дедуктив йўл билан назарияни фактларга боғлаш мумкин, бироқ фактлар ёрдамида назарияни таҳлил қилишни амалга ошириш мумкин эмас. Мантиқчиларнинг қарашича, назария мураккаб тизим бўлиб, уни тўлиқ исботлаб бериш ва айни вақтда уни тўлиқ инкор қилиш ҳам мумкин эмас, чунки ҳамма вақт назарияни қўллаб-қувватловчи ҳамда айни вақтда уни инкор қилувчи фактлар мавжуд бўлади. Ҳар қандай назария асосан аниқ ҳодисаларга боғлиқ бўлиб, уни бошқа ҳодисаларга ҳамма вақт ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Тарих фани методологиясида барча тарихчилар томонидан бирдек қабул қилинадиган ва эътироф этиладиган тарихий жараёнларнинг ягона аксиоматик назарияси мавжуд эмас. Тарихчилар камдан-кам ҳолларда ўз назарияларини ишлаб чиқадилар, тадқиқот жараёнида айрим ҳолларда улар социология, антропология ва бошқаларга ҳос моделларни ҳам қўллайдилар.

Фундаментал ва ҳусусий назариялар.

Фундаментал назариялар бу ижтимоий-иқтисодий тузумга боғлиқ назариялар, цивилизациялар назарияси, тарихий жараёнларнинг даврий

(циклик) назариялари, модернизация назарияси ва бошқалардир.

Хусусий назариялар эса ўрта асрлар шаҳарлари назарияси, империялар назариялари каби бўлиб, алоҳида ҳодисаларга йўналтирилган бўлади. Тадқиқотлар жараёнида аҳоли мобиллигининг социологик назарияси, конфликтология ва бошқа бир қанча назариялар ҳам қўлланилади. Назарияда унинг предметга боғлиқлиги, тўлиқлиги ва мукамаллиги, айнан бир хилликка мослик ва тенглик даражаси (адекватность), интерпретацияга мойиллигининг даражаси ва унинг текширилиши имконияти даражалари кабилар муҳим аҳамиятга эгадир. К.Поппернинг кўрсатиб ўтишича, ҳар қандай назариянинг муаллифи энг аввало ўз назариясини ўзи инкор қилишга уриниб кўриши лозим (сохталаштириш принципи), қачонки у ўз назариясининг қўлланилиши учун яроқчилигини аниқлай олгандан сўнггина уни амалда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Назариянинг аниқ қўйилиши тадқиқотнинг натижасига бевосита боғлиқ бўлади, шунингдек бунда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар ҳам айнан назариянинг мукамаллигига боғлиқдир. Бунда тадқиқот жараёнида аниқланган фактлар, далиллар, воқеалар ўртасидаги боғлиқликлар ва бошқа шу каби омиллардан келиб чиққан ҳолда амалда қўлланилаётган назария бошқаси билан алмаштирилиши ёки уни қайтадан такомиллаштириш талаб этилади.

Тушунтиришда тушунча ва категорияларнинг ўрни. Тушунча билишнинг назарий даражасида шаклланади. Тарихчиларда ўзига тушунча-категория аппарати мавжуд бўлиб, бу тушунча доимий равишда ривожлантирилиб борилади. Аниқ фанлардан фарқи равишда тушунча кучсиз аниқликда бўлиб, унинг белгилари ва ҳажми тарихчининг ўзи томонидан аниқланади. Шунинг учун тушунча қўп маъноли бўлиб, ҳар бир тарихчи ёки тадқиқотчи томонидан доимий равишда такомиллаштирилиб борилади. Г.Фреге ҳар қандай билишнинг уч бирлигини кўрсатиб беради, яъни булар *ном, предметлик аҳамияти (денотат), маъно, илмий қарашлар*.

Тарихий тушунча реал воқеликнинг бир қисми ёки парчаси ёки ўйлаб чиқилган ёки тўқима тушунча эмас, балки тарихчининг билиш фаолияти натижаси бўлиб, бир вақтнинг ўзida билиш воситаси сифатида ҳам тушунилади. У тарихий тадқиқот материалга уйғунлашган ҳолда бўлиб, мустакил мантикий таҳлил предмети бўлиши ҳам мумкин, бироқ бунда билимнинг мазмун жиҳатига таъсир этувчи мантикий таҳлилни

предмет таҳлилидан ажратиб олиш мақсадга мувофиқ эмас.

Тарихий тушунча (тасаввур) ҳеч қачон ҳақиқий (реал) воқелик билан мос келмайди. Тарихий тушунчада ҳодисалар (воқеалар, жараёнлар) нинг асосий ва ихчамлашган моҳияти мавжуд бўлади. У ўз таркибида объектнинг барча хусусиятларини эмас, балки унинг факатгина энг муҳим томонларини камраб олади. Тушунча (тасаввур) нинг ҳақиқий (реал) воқелик билан мос келмаслигини тарихий воқеалар (ҳодисалар, жараёнлар) нинг индивидуаллигида (айнан шу воқеа (ҳодиса, жараён) нинг ўзига хослигида) деб тушунтириш мумкин, улар камдан-кам ҳолларда бир-биридан фарқланувчи шаклларда такрорланиши мумкин, бироқ ҳеч қачон “айнан ўзи” дек такрорланмайди. Тарихий реаллиқнинг турличалиги ва мукаммаллиги тушунча (тасаввур) да тўлиқ акс этмайди. Тарихий жараёнларнинг носинхронлиги (бир хилда, айнан ўхшаш, баравар содир бўлмаслиги) ни ҳам тушунча (тасаввур) ва тарихий реаллиқнинг бир-бирига мос келмаслигида англаш мумкин. Тушунча (тасаввур) конкрет-тарихий реаллиққа нисбатан анча заиф бўлиб, воқелиқни асосан умумий мантикий нуктаи-назардан камраб олади ва тарихий воқелиқни бир тизим сифатида ўрганади. Тарихчи (тадқиқотчи) тушунчанинг эришилган билим даражасига мос келмаслигига ишонч ҳосил қилса, тушунчани аниқлаштиришга ва конкретлаштиришга ҳаракат қилади. *Айнан мана шу ҳаракат тарихий тадқиқотларнинг энг асосий вазифаларидан биридир.*

Тарихчи учун *тушунча* конкрет тарихий воқелиқни *тушуниш* ва *англаш* учун зарурдир. Тарихчилар учун “*ягона (айнан бир қоллидаги (андозадаги)) тушунча*” тушунчаси мавжуд эмас. Бундай аниқлаштириш ёки тушунчанинг таърифини келтириш ҳар доим ҳам тўлиқ ва мукаммал бўлмаган. Ҳақиқий тарихий воқелиқ ҳар қандай тушунчадан кенгрок мазмунга эгадир. Тушунча полисемантик бўлиб, агар биз унга аниқ ва конкрет таъриф берадиган ва айни вақтда шу таърифга боғлиқ қилиб қўядиган бўлсак, у ҳолда тадқиқотнинг давом эттирилишини тўхтатиб, билиш жараёнининг ўзида тўхтаб қолган бўламиз. Тушунча тадқиқот жараёнидаги кейинги аниқлаштиришлар ва унинг мазмунини кенгайтириб берилиши учун очик ва ривожланиувчи бўлиши лозим. Тушунча аниқ ва мустаҳкам бўлиши лозим, лекин айни вақтда ҳар қандай тадқиқот муаммосини “очиқ берувчи” универсал мазмунда бўлмаслиги керак.

Тушунчани аниқ давр ва ҳақиқий тарихий воқелиқдан алоҳида

ажратиш мумкин. Яъни тарихийлик тамойилига (принципига) катъий амал қилиш талаб этилади. Бунда ҳолда у мазмун касб этмайди.

**Мавзу танлашнинг асосий тамойиллари, вазифалари
ва хусусиятлари, методологик тамойиллари.**

**Тадқиқотларни самарали олиб бориш муаммолари,
илмий ишларни ёзиш усуллари.**

Одатда илмий ишларни ташкиллаштиришда мувофиқлаштириш кенгаши фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Кенгашда ўрганилмаган ва ўрганилаётган мавзулар рўйхати тузилади ҳамда кейинги тадқиқотларда бу асос вазифасини ўтайди. Шунингдек, илмий иш мавзусини тадқиқотчининг ўзи ҳам танлаши мумкин. Тадқиқот мавзусини тўғри танлай билиш ҳам илмий ишнинг дастлабки катта ютуғидир. Тадқиқотчи аввал ишланмаган ва ўрганилиши долзарб бўлиб турган мавзунини топа билиши керак. Танланаётган мавзу аввалги илмий ишларни такрорламаслиги керак. Бундай ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун танланаётган мавзунинг ўрганилиши даражаси, яъни шу муаммога оид илмий ишлар ва тарихшунослик нуқтаи-назаридан тадқиқотчи томонидан синчковлик билан кўриб чиқилади. Ўрганилган мавзуга ўхшаш, бироқ улардан фарқланиб турувчи мавзу танланиб, унда тарихнинг янги бир кираеси очилиши назарда тутилади ва унда танланган мавзунинг ўрганилиши, аҳамияти ҳамда аввалги тадқиқотлардан фарқи, даврий чегараси, илмий қиммати таҳлил этилиб янгича назарий асоснома берилади.

*Асоснома*да мавзунинг ўрганиш долзарб масала эканлиги исбот этилади. Бунда энг аввало диссертациянинг асосий ғояси, мавзунинг илмий муаммо сифатида қўйилиши ва танланиши илмий тадқиқотлар умумий натижасидан келиб чиққан ҳолда кўрсатиб берилади.

Тадқиқот муаммосидан келиб чиқиб диссертациянинг мавзусини аниқ кўрсатилади.

Тадқиқотнинг аниқ *мавзуси* ва *ғояси* аниқланиб, асослаб берилиши билан бирга тадқиқотни амалга оширишдан кўзланган аниқ *мақсадлар*, тадқиқот муаммоларини ҳал этилишида тадқиқот этиладиган асосий масалалар ёки муаммолар - *тадқиқотнинг объекти*, тадқиқотнинг амалга оширилишидаги асосий масалалар ва уларнинг мазмунини ва моҳиятини - *тадқиқотнинг предмети*, тадқиқотнинг амалга оширилиши жараёнида ва

унинг сўнггида умумий хулосалар сифатида кутилаётган *илмий янгилликлар* ва *илмий натижаларнинг* аниқ мазмуни, яъни тадқиқотчи тадқиқотдан кутилаётган натижани аниқ кўра билиши талаб этилади, тадқиқот мақсади ва илмий фаразидан келиб чиқиб аниқ белгиланган вазифаларнинг қўйилиши, танланган мавзу бўйича *режалаштириш* *ишлар*, *тадқиқот усуллари* бўйича маълумотлар, *тадқиқотни амалга ошириш босқичлари* ва айни вақтда ҳар бир белгиланган босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган *аниқ вазифалар* ва уларнинг мазмуни, тадқиқот жараёнида ва унинг якуний босқичида илмий тадқиқотнинг натижаси сифатида чоп этилиши ёки нашр қилиниши мумкин бўлган ишлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олиши асосномани тайёрлашнинг талаблари этиб белгиланган.

Мақсад ва вазифаларни белгилашда тадқиқотчининг мавзуни танлашдан мақсади, шу йўлда унинг олдида турган вазифалар аниқ кўрсатилади. Илмий ишнинг ўрганилиш даражасини тўғри изоҳлаш ҳам ишнинг ютуғини оширади. Ишнинг ўрганилиш даражасида шу нота алоқадор тадқиқотлар келтирилиб, изланувчининг улардан фарқли ўлароқ қайси масалага эътибор қаратганлигига изоҳ берилади. Аввалги тадқиқотларда ечилмаган қирралар кўрсатилади, шунингдек масалан совет даврида бир маъзу ноҳолис ўрганилганлигини такидлаб ўтилиб, айнан шу мавзу ҳолисона янгича ёзилиши мумкин. Ўрганилиш даражасини далиллар орқали исботлаш ва ўзининг мустақкам позициясини кўрсата билиш тадқиқотчининг ҳуқуқий имкониятларини кўрсатади.

Тарих фани тадқиқотларида даврий чегара албатта белгиланиши ва бу жиҳат “кириш” да акс этиб туриши керак. Чунки агар давр белгиланмаса аниқ бир хулосага эга бўлиш ва тугал диссертация ёзиш қийин. Даврий чегара кенгайган сари манбалар, адабиётлар ва муаммолар кўлами ҳам кенгайиб, уларни ечиш бир тадқиқотчига оғирлик қилади. Бир муаммонинг турли даврларни бир неча тадқиқот мавзуи этиб танлаш мумкин. Кичикроқ доирадаги вақт ичида жараёнларни илмий таҳлил этиш ва хулоса бериш илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини оширади.

Шунингдек ишнинг , ушбу қисмида тадқиқотда таянилган методологик асослар ҳам акс эттирилиши керак. Шунингдек ишда узвийлик ва давомийлик тамойилларига таянилгани ва бошқа методологик асослар ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Адабиётларни ўрганишда, яъни мавзунинг тарихшунослик масалаларини тадқиқ этишда ҳам мавзунинг назарий асосларига бағишланган асарларга катта эътибор берилади. Мавзунинг назарий асосларига бағишланган адабиётлар билан ишланганда, шунингдек, бошқа муаллифлар тадқиқотлари, илмий монографиялар ва авторефератлар билан танишганда уларга танкидий ёндашиб чуқур мулоҳазалар юритилмоғи керак. Адабиёт билан ишланганда аввало унинг муаллифи, номи, чиққан шахри, чоп этган нашриёти, йили ҳамда аннотацияси билан ёзилиши керак. Бу маълумотлар олинганидан кейин уни алоҳида тайёрланган махсус қайдномаларга ёки карточкаларга маълум бир қоида асосида ёзиб қўйилади. Бу қайднома билан тадқиқотчи ўзига махсус адабиётлар рўйхатини туза бошлайди. Шунингдек тадқиқотчи адабиётларни махсус карточкаларга эмас, балки дафтарга ҳам ёзиб олиши мумкин. Соҳанинг назариясига бағишланган адабиётларни кўриш учун алоҳида дафтар тутиб, уни ўқиган китобидаги шу соҳа фанига тегишли турғун тушунча, қонуният ҳамда қонун ва қоидаларни ёзиб борилади. Кейинчалик улар гуруҳларга ажратиблиб тартибга солинганидан кейин тадқиқот ишида баъзилардан умумий, баъзилардан эса хусусий методологик асос сифатида фойдаланилади.

Ўрганилаётган илмий адабиётни танишиш ва таҳлил қилиш жараёнининг натижаси сифатида тегишли маълумотлар ажратиб олинади ва якунида адабиёт ва унинг муаллифи, адабиётдаги тадқиқот объектига алоқадор алоҳида фикрлар ҳамда умумий фикр-мулоҳазалар қайд қилиб қўйилади. Бу маълумотлар илмий ишнинг ёзилиши жараёнида қўлланилади.

Чоп этилган монография, илмий рисола, илмий мақола ёки анжуманларда қилинадиган маърузаларнинг қисқача мазмуни (тезиси) ни, шунингдек, диссертация ёки унинг авторефератини ўқиш тартиби назарияга аталган китобларни ўқишдан фарқ қилади.

Илмий тадқиқот ишининг умумий ёки бир қисмининг якунига аталган адабиётлар билан ишланганда, номи, қачон ва қаерда, қайси муассаса ёки нашриёт томонидан чоп қилинганини картотекага мўлжалланган қоғозга туширилади. Шундан сўнг столга бир-йўла уч варақ қоғоз тайёрлаб қўйилади. Бу варақларни бош-бошига картотека қоғозига туширилган маълумотлар ёзиб қўйилади ва қоғозлар тартиб рақамлари билан белгиланган қўйилади.

Биринчи рақамли қоғозга, илмий нуктаи назардан тўғри фикрлар кўчирилиб ёзиб борилади. Ҳар бир фикрни кўчириб ёзгандан кейин, кавс ичида адабиётни қайси бетидан олинганлиги қайд қилиб борилади. Бу кейинчалик диссертация ёзиш жараёнида фойдаланилган адабиётга саҳифа остида изох беришда керак бўлади.

Иккинчи рақамли қоғозга ўқиётган илмий адабиётдаги сизга тўғри ёки нотўғри кўринган фикрларга муаллиф билан мунозара юритиб, унга альтернатив (муқобил) ҳолатдаги фикрлар қайд қилиб борилади. Бирок мунозара фақат илмий асосланган бўлиб, ҳолислик даражасига олиб борилиши шарт. Шундай қилиб, ўқиётган адабиёт таҳлил этилади.

Учинчи рақамли қоғозга, шу адабиёт билан ишлаш жараёнида ечимини қутаётган масала ва муаммолар тўғрисида янги фикрлар тушириб борилади. Шу йўсинда уч турдаги қоғозларни уч хил жилдларга ажратиб йиғилади. Жилдлар ҳам қоғозлардаги рақамларга мувофиқ тартиб рақами билан белгилаб қўйилади. Бир неча ўн илмий адабиётлар ва илмий тадқиқот ишлари, илмий мақолалар билан танишиб, уларнинг тарихшунослик нуктаи-назаридан танқидий таҳлили амалга оширилгандан сўнг тадқиқотчида манбалар ва илмий тадқиқот ишлари, адабиётлар билан ишлаш қўникмаси пайдо бўлади. Адабиётларни бир-бирига солиштириб кўриш ва таққослаш, киёсий таҳлил натижаларига кўра илмий тадқиқот объекти учун ҳамда тадқиқ этилаётган масаланинг ечимини топишга жалб этилиши мумкин бўлган илмий тадқиқот ишларининг энг зарурлари ҳамда умумий ҳулосалар учун керак бўлиши мумкин бўлган ҳолда таснифлаш ва ажратиб олиш мумкин бўлади.

Таҳлил этилган илмий адабиётлар билан танилиш асносида тадқиқотчи илмий тадқиқот мавзуси ва уни амалга оширишнинг режавий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида адабиётларни (манбаларни) ёки айни вақтда бир адабиётда (манбада) мавжуд бўлган ва бир вақтнинг ўзида турли режаларга тааллуқли бўлган маълумотларни таснифлаш ва режаларга асосан тартибга олиш имконияти юзага келади.

Манбаларда ёки илмий адабиётларда мавжуд бўлган маълумотлар, ахборот ва манбалар муаллифлари томонидан келтирилган далиллар тадқиқотнинг мавзуси, унинг муаммоси ечимини топишга йўналганлик даражасига кўра тадқиқотчининг фикрлари билан мос келиши ёки айни вақтда уни инкор этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда тадқиқотчи учинчи манбаларга ҳам мурожаат қилиши ҳамда масаланинг моҳиятидан келиб

чиккан ҳолда эки тўғри, илмий асосланган ва объектив хулосаларга келиши талаб этилади. Тадқиқотчининг мантикий фикрлар ечими ишнинг ютуғини оширади. Тарихий манбаларда қайсидир мавзулар тўлиқ ёритилган, қайсидир кам ёритилган ёки умуман у ҳақда маълумот йўқ. У шунда бошқа маълумотларга таяниб фикрни тўлдириб кетиши мумкин. Масалан, Амир Темурнинг ҳарбий қуроллари ўз даврининг мукаммал қуроллари эди, бироқ уларни ишлаб чиқариш ҳусусида манбаларда маълумотлар кам ёки йўқ. Шунда тадқиқотчи бу даврдаги қуролсозликнинг санъат даражасига қўтарилгани, айниқса пойтахт қуролсозлик маркази бўлганлигини ёки тахминларни ишда айтиб ўтиши мумкин. Бўлим охирида эса умумий хулоса ва тақлифлар берилади. Одатда асосий қисм ёзиб бўлингач, *кириш* ва *хулоса* ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Ишнинг *кириш* қисмида асосномада кўрсатилган ҳолатлардан келиб чиқиладиган бўлса, ишнинг режалар бўйича, боблар бўйича ва тадқиқотнинг умумий натижалари ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда илмий жиҳатдан хулоса қилинади.

Тадқиқотнинг *хулоса* қисмида эса тадқиқот жараёнида қўлга киритилган илмий янгиликлар, уларнинг тадқиқот объекти мазмунидан келиб чиққан ҳолда муаммоларнинг ҳал этилгани ва айни вақтда қўлга киритилган илмий натижаларнинг фан тараққиётидаги ўрни, фан соҳасидан янги илмий тадқиқотларнинг йўлга қўйилиши учун тавсиялар, унинг таълим соҳасидаги жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади.

Тадқиқот *режасини* тузиш жараёнида ишнинг навбатдагиси ва асосийларидан бири – мақсадга етилиши учун қўлланиладиган методлар мажмуи ҳамда уларни қўллаш тартиби белгилаб олинади. Бу анча мураккаб иш бўлиб, изланувчидан тадқиқот жараёнини кўз олдида яққол келтиришни талаб этади. Шунинг учун реферат, курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертациясининг режасини тузишда ва ёзишда илмий раҳбарнинг кўрсатмалари катга ўринга эга. Иш режасининг муваффақиятли тузилиши тадқиқотчининг малакаси, дунёқараши ва адабиётларни нечоғлик чуқур ўрганганига боғлиқ. Иш режаси мавзулар асосида мантикий ёки даврий тартибда ҳам тузилиши мумкин. Бундай режалар асосан диссертацияларга мўлжалланиб тузилади. Шунингдек иш режалари бошқача усулларда ҳам тузилиши мумкин. Мақолалар, реферат, курс иши, битирув иши, магистрлик, номзодлик ва докторлик

диссертацияларида режалар олдиндан мураккаблашиб боради ва унда кўйилган масалалар ҳам кўлами жиҳатдан бир-биридан фаркланади. Иш мураккаблашиб боргани сари улардаги мавзу ва муаммоларнинг назарий томонларига кўпроқ эътибор берилади. Мавзу бўйича адабиётлар ўрганиб бўлингач, ўрганилиши лозим деб топилгандан сўнг илмий концепция тузилади ва асосий масалалар иш режасига киритилади. Умуман адабиётлар билан танишиш тадқиқот ишининг бошидан бошлаб, охиргача давом этади. Шунинг учун илмий иш режаси ҳам аниқланиб, мукаммаллаштириб борилади. Дастлаб манба ва адабиётлардан йиғилган далиллар мавзуга алоқадор натижаларга кўйиб борилади. Узок мулдатли изланиш натижасида папкалар ҳам анча тўлиб қолади. Адабиётлар билан ишлаш асносида изланувчида маълум ишга илмий қарашлар шаклланади ва у ҳар бир папкадаги далилни тизимлаштиради. Далиллар давомий ва даврий жойлаштирилиб, уларни тизимлашга киришилади. Бирок мавзу фақатгина далилнинг ўзига суяниб қолмаслиги керак, улар асосида янгича назарий хулосалар келиб чиқиши ва бу хулосалар амалиётга тадбиқ этилиши зарур. Иш янгича тадқиқотларга таклифлар ва йўналишлар бериши керак бўлади. Тадқиқотчи қайси масала тадқиқотчилар назаридан четда қолган ва қайси масалаларни чуқур ўрганиш кераклигини фарқлай олиши керак. Тадқиқотчи изланишлари давомида илмий иш режасига ўзгартириш киритиши ҳам мумкин. Бу йиғилган далиллар ва масалаларнинг нечоғли тўғри ва нотўғри қўйилганлигига боғлиқ.

Ҳозир мустақил юртимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотлар, янгиликлар жадал рўй бермоқда. Тарихчи тадқиқотчи ҳам тадқиқотларга янгича кўз билан қараши, уларнинг ортидан эргашмаслиги, фикрни ислоҳ қила билиши, тадқиқотда ватанимиз тарихи муаммолари кўрилатган бўлса, миллий ғоя тамойиллари нуқтаи-назаридан ёндашиб, ўзи кашф этган тарих сабоқларини кўрсата билиши керак. У шундай ҳолисона иш ёзиши керакки, бу жиҳатдан унинг илмий хулосалари асрлар давомида ҳам аҳамиятини йўқотмаслиги керак, бунинг учун эса тарихий жараёнлар ҳаққоний кўрсатилиши керак. Тадқиқотчилар ёш авлодни ватанпарварликка, уларда миллий гурур уйғотишга хизмат қилиши, аجدодларимизнинг ишларини давом эттиришга ундаши керак. Лекин бундан шовинизм, миллатчилик, ақидапараستлик келиб чиқмаслиги, тадқиқотлар умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида ёзилган бўлиши керак, тарихий тадқиқотлар том маънода истиклол яловбардори бўлиши

керак. Холисона тадқиқот ёза билиш тадқиқотчининг мукаммал билим эгаси эканлиги ва маънавий комиллигини кўрсатади.

**Таянч
тушунчалар:**

Тадқиқот объектининг танланиши, тадқиқотнинг ахборот-манбавий асослари, тадқиқот услублари, тушунтириш ва назарий билиш, тадқиқот вазифалари, илмий муаммонинг долзарблиги, мавзунинг долзарблиги, эмпирик билиш, назарий билиш, тушунтириш, сабаб – оқибатга боғлиқ ҳолда тушунтириш, генетик тушунтириш, тизимли тушунтириш, вазифавий тушунтириш, тарихий назария, фундаментал ва хусусий назариялар, тушунтиришда тушунча ва категорияларнинг ўрни, илмий қарашлар, тушунчи ва англаш

Мавзунинг муҳим саволлари:

1. Тадқиқот объектининг танланиши ва унинг тадқиқотлар жараёнидаги аҳамиятини тушунтириб бериш
2. Тадқиқот вазифаларининг қўйилиши ва унинг тадқиқотлар жараёнидаги аҳамиятини тушунтириб бериш.
3. Тадқиқотнинг ахборот-манбавий асосларини аниқлаш ва унинг тадқиқотлар жараёнидаги аҳамиятини тушунтириб бериш.
4. Тадқиқот услубларини танлаш унинг тадқиқотлар жараёнидаги аҳамиятини тушунтириб бериш.
5. Тарихий воқеаларни билишнинг реконструктив даражасини аниқлаш унинг тадқиқотлар жараёнидаги аҳамиятини тушунтириб бериш
6. Тарихий воқеаларни билишнинг эмпирик даражасини аниқлаш унинг тадқиқотлар жараёнидаги аҳамиятини тушунтириб бериш.
7. Тушунтириш ва назарий билишнинг даражаси нима?
8. Назариянинг тарихий тадқиқотлардаги ўрни.

Мавзуга алоқадор изоҳли сўзлар лугати:

Эмпиризм - назарий умумлаштиришни инкор қилиб, ҳиссий идрокни, тажрибани билишнинг бирдан бир манбаидир деб биладиган фалсафий йўналиш, назариядан кўра амалий фаолиятга кўпроқ мойил бўлишлик, амалий фаолиятга мойиллик

Мавзуни мустаҳкамлаш учун тест топшириқлари

1. исон фаолияти натижасида воқеалар содир бўлишининг объектив ва субъектив сабаблари очиб берилади.
Бу таъриф қайси тушунтириш турига тааллуқли?
А. Сабаб – оқибатга боғлиқ ҳолда тушунтириш
В. Генетик тушунтириш
С. Тизимли тушунтириш
2. тарихий жараёнларнинг моҳияти уларнинг вақтдаги ифодасида ёки вақтга боғлиқ ҳолда акс этиши орқали тарихий воқеалар ва тарихий жараёнларнинг содир бўлишини тушунтириб беради.
Бу таъриф қайси тушунтириш турига тааллуқли?
А. Сабаб – оқибатга боғлиқ ҳолда тушунтириш
В. Генетик тушунтириш
С. Тизимли тушунтириш
3. тарихий жараёнларнинг моҳияти изъотимой тизимлар таҳлили орқали очиб берилади, тизимли-ташқилий белгилар, тизимнинг элементлари ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланади.
Бу таъриф қайси тушунтириш турига тааллуқли?
А. Генетик тушунтириш
В. Тизимли тушунтириш
С. Вазифавий тушунтириш
4. ... тизимли тушунтиришнинг бошқача шакли бўлиб, тизимнинг нуқтан-назардан тушунтириш имконини беради.
Бу таъриф қайси тушунтириш турига тааллуқли?
А. Генетик тушунтириш
В. Сабаб – оқибатга боғлиқ ҳолда тушунтириш
С. Вазифавий тушунтириш
5. нинг фикрича тарихчи тарихни тушунтириб бера олмайди, уни фақат тушуниши мумкин?
А. В.Дильтей
В. И.Ковальченко
С. М.Барг
6. Тушунча кўп маъноли бўлиб, ҳар бир тарихчи ёки тадқиқотчи томонидан доимий равишда такомиллаштирилиб борилади. Г.Фреге ҳар қандай билишнинг бир неча бирлигини кўрсатиб беради, яъни булар ?
А. Ном, предметлик аҳамияти (денотат)
В. Маъно, илмий қарашлар

С. А ва В

7. Куйдагиларнинг қайсиниси билишнинг даражасини англатади?
А. Эмпирик билиш
В. Назарий билиш
С. А ва В
8. Назарияларнинг тузилиши ва мукаммаллиги аксарият ҳолларда тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган моделларнинг ишланмаси ва айни вақтда унинг бoғлиқ бўлади?
А. ижодий баркамоллигига
В. билимининг юқори даражада экинлигига
С. А ва В
9. Тарихчи (тадқиқотчи) тушунчанинг эришилган билим даражасига мос келмаслигига ишонч ҳосил қилса, ҳаракат қилади
А. тушунчани аниқлаштиришга
В. конкретлаштиришга
С. А ва В
10. Тарих фани илмий тадқиқот ишларини ташкиллаштириш неча босқичда амалга оширилади?
А. 3 босқичда
В. 4 босқичда
С. 6 босқичда

ХУЛОСА

*
=====

Тарихчи мутахассисларни тайёрлашда ва уларнинг илмий тадқиқот малакасини шакллантиришда тарих фанининг турли тадқиқот услублари ва ёндашувлари ҳақида етарли билим бериш бугунги кун тарих ўқитишнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, талабаларнинг “Тарих фани методологияси” фанини ўзлаштиришда ёрдамчи қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлигини инобатга олган ҳолда мазкур қўлланмада энг асосий тадқиқот усуллари, фалсафий ёндашувлар, тарих фанида ва унинг тадқиқоти жараёнида кўп учрайдиган бир қатор терминлар ва илмий атамалар, уларнинг мазмуни ва изоҳли шарҳлари кўрсатиб ўтилган. Қўлланмани тайёрлашда бугунги кунгача мазкур фан соҳасида юртимизда ва ҳорижда нашр этилган адабиётлар, илмий мақолалар материалларидан фойдаланилди. Мазкур қўлланмада эътиборингизга ҳавола этилган тарих фани тадқиқот услублари, тадқиқотлар жараёнидаги фалсафий ёндашувлар, мактаблар, уларнинг вакиллари томонидан илгари сурилган бир қатор фикрларга оид ва умуман тарих фанига оид юздан ортик терминлар ва уларнинг изоҳли шарҳлари билан танишиб чикдингиз. Бунда келтирилган айрим ёндашувлар бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотган ёки бошқа самарали тадқиқот услубларига ўз ўрнини бўшатиб берган ва бундай фалсафий ёндашувлар ҳақида ҳам умумий тушунчага эга бўлиш кейинчалик унинг такрорланмасиги учун фойдадан холи бўлмайди. Мазкур қўлланмада келтирилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳар бир тадқиқотчи ёки тарих мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар тарихга оид асарлардан фойдаланиш, уларни таҳлил этиш каби ўзлаштириш услублари, улардан фойдаланиш самарадорлигини билиш, тарих тадқиқоти шароитида зарур бўладиган илмий-билиш назарияси, тарихни ўрганиш ва англаш тамойиллари услублари билан танишиш ҳамда уларни тадқиқот жараёнларида қўллаш ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлдилар, деб умид қиламиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т. «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолини. Т. «Ўзбекистон», 1996. 92-б.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўли. Т. «Ўзбекистон» 1992 й.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – сўғинамас куч. Т. Маънавият 2008.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т. Ўзбекистон. 2011.
6. Абу Райхон. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т., «Фан», 1968.
7. Абулғози Баходирхон. «Шажараи турк». Т. «Улпон» 1992.
8. Алиев З. Махмудхўжа Бехбудий. Тошкент. 1994 й.
9. Адимова Д.А. История как история, история как наука. Т.И. Историческое сознание. Т.: «Ўзбекистон». 2008.
10. Адимова Д.А. История как история, история как наука. Т.И. Феномен джадидизма. Т.: «Ўзбекистон». 2009.
11. Атаджанов Ш., Илхомов З., Ишқувватов В., Алласия Н. Ўзбек хонликлари тарихшунослиги. Т., Янги аср авлоди. 2011.
12. Аскарлов А. Ўзбекистон мустақиллик шароитида тарих фанининг вазифалари. «Ўзбекистонда илмий фанлар», 1992 йил, 7-8 сонлар.
13. Баёний. «Шажараи Хорамшоҳий» Т., 1991.
14. Боролкин Л. И. Историческая информатика: этапы развития // Новая и новейшая история. 1997. №1.
15. Грязнов В.М. Методология научного творчества. – М.: РУДН, 2000.
16. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Т. Иқтисод-Молия, 2007.
17. Ерофеев Н.А. Что такое история. М., 1976.
18. Жадидчилик: Ислохот, янгилавиш, мустақиллик, тараққиёт учун кураш. Тўплам. Т., Университет. 1999.
19. Жураев Н. Тарих фалсафаси. Т. Маънавият. 1999.
20. Жураев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Т. Маънавият. 2008.
21. Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. М., 1987.
22. Ибрагимов И. Фирғона тарихи Т. 1991 й.
23. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар... Т.: «Шарк» 1999. 278-279-бб.
24. Иванов Г.М. и др. Методологические проблемы исторического познания. М., 1981.
25. Илхомов З. Қўкон хонлиги тарихшунослигининг айрим масалалари (таҳлил ва мулохазалар). Т. 2007.
26. Илхомов З. Қўкон хонлиги манбашунослигининг айрим масалалари (назарий-методологик мулохазалар). «Фан ва ғарбий тарихи янги тадқиқотларида» мавзусидаги иккинчи Республика илмий анжумани (илмий мақолалар тўплами). 2012 йил.
27. Илхомов З. Мингдан аввалги IV-III асрларда давлатчилик жараёнилари (манбавий методологик таҳлил). Ўзбек давлатчилиги тарихи: муаммо ва изланишлар. Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2012 йил.
28. Илхомов З. Тарих фани тадқиқотларида манбалар билан ишлашнинг методологик ҳақиқатлари. Ўзбекистоннинг бетакдор маданий ёдгорликлари: муаммолар, ечимлар, вазифалар (илмий мақолалар тўплами). Т. 2012.
29. Илхомов З. Тарих фани тадқиқотларида манбашунослик масалалари (назарий-методологик мулохазалар) Тарих ва таълим. Илмий амалий конференция. Т. 2012 й.
30. Илхомов З. Шарк тарих фалсафаси ҳақида мулохазалар. Илк Ўзбек давлатчилиги тарихи. Республика илмий конференцияси. Т. 2010 й.

31. Илҳомов З., Расулова Н. XIX асрнинг 50-йилларида Қўқон хонлигида ички сиёсий зиддиятларнинг кучайиши (манбаий-методологик таҳлил). Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Мавзусидаги иккинчи Республика илмий анжумани (илмий мақолалар тўплами). 2012 йил.
32. Ильин И.П. Постструктурализм. Деконструктивизм. Постмодернизм. М., 1996.
33. Ковальченко И.Д. Теоретико методологические проблемы исторического исследования. // Новая и новейшая история. 1996. №1.
34. Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. М., «Наука». 1987
35. Коллингвуд Р.Д. Идея истории М., 1980.
36. Мадраимов А, Фузайлова Г. Манбашунослик. Т.2008.
37. Математические модели исторических процессов. М., 1996.
38. Мирза Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи Т. 1995 й.
39. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи Т., “Чўлпон” 1994
40. Наршахий. Бухоро тарихи. Т., “Мерос”, 1991.
41. Нормативны материалпо оформлению диссертации и автореферата. Методические указания. Под редакцией Мухитдинова М. Т., 2003г.
42. Парфёнов И.Д. Методология исторической науки. Саратов. 2001.
43. Перегудов Л.. Методология научных исследований. – Ташкент, 2002
44. Перегудов Л.В., Саидов М.Х., Аликулов Д.Е. Илмий ижод методологияси. –Тошкент: «Молия» нашриёти, 2002.
45. Репина Л.П. Новая историческая наука и социальная история М., 1999.
46. Саифназаров И., Никитченко Г, Касымов Б. Методология научного творчества. –Т.: Янги аср авлоди, 2004
47. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
48. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Республика илмий – назарий анжумани материаллари. Т., Академия, 2001.
49. Темур ва Улугбек даври тарихи. Т., Қомуслар бош тахририяти. 1996.
50. Темур гузуқлари Тошкент., Ф.Фулм номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
51. Тожибоев М., Илҳомов З. Ўзбекистон тарихини ўрганиш (ўқитиш)нинг методологияси. Т.2003 й.
52. Тожиев М. ва бошқ. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. – Т., 2001.
53. Топольский Е. Методология истории. Варшава. 1968.
54. Ўзбек давлатчилиги тарихи: муаммо ва изланишлар. Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2012 йил.
55. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси // Ўзбекистон тарихи. 1999 йил, 1 – сон.
56. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2004, 8-жилд. 274-279 бб.
57. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар Т., 1999 й.
58. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида. Т., “Шарқ”. 2000.
59. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Т., “Шарқ”. 2000.
60. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал – методологик муаммолар. Т., “Академия”.
61. Холбаев С. Тарих фаннинг методологик асослари ва тамойиллари масаласи. (И.Каримовнинг асарлари мисолида). // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2004, №1, 140-147 б.
62. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: Камалак, 1994
63. Шоннёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. Т. “Шарқ”, 2001.
64. www.Ziyo.net.
65. www.uznet.net.

МУНДАРИЖА



КИРИШ	3
ТАРИХ ФАНИ МЕТОДОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	7
ТАРИХ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ	30
ШАРҚ ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	50
ТАРИХ ФАНИДА АСОСИЙ ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА УСЛУБЛАР	87
ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА МАХСУС-ТАРИХИЙ УСЛУБЛАР	101
ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА УМУМФАН УСЛУБЛАРИ	111
ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ФАНИЛАРО ЁНДАШУВ	120
ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА МАТЕМАТИК УСЛУБЛАРИНИНГ ҚўЛЛанилиши	133
ТАРИХИЙ МАНБА АХБОРОТ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	140
ТАРИХИЙ ДАЛИЛ ВА УНИНГ ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ	148
ТАРИХИЙ ҚОНУНЧИЯТ ВА ТАРИХИЙ ЗАМОН КАТЕГОРИЯЛАРИ	163
ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР	173
ТАРИХ ФАНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ	188
ХУЛОССА	207
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	208

**Буютрма № 71. 150 нусха. Ҳажми 13,25 б.т.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида нашр қилинган.**

